

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ



**ПАХТАЧИЛИК
фанидан тайёрланган
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

- | | |
|----------------------------|---|
| Билим соҳаси: | 100000-Гуманитар фанлар
400000- Қишлоқ ва сув хўжалиги
110000 – Педагогика
410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги |
| Таълим соҳаси: | |
| Таълим йўналишлари: | 5140900- Касб таълими (агрономия)
5410500 - Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини
ва дастлабки ишлаш технологияси

5411000- Мева-сабзавотчилик ва узумчилик |

Гулистон – 2018

**Рахмонов И.А, Миршарипова Г.К. Пахтачилик фанидан ўқув-услубий мажмуа . -
Гулистан, 2018. - 120 б.**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа 5410200- агрономия, 5410500-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлаш технологияси бакалавриат таълим йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ўқув-методик мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 25.08. 2016 йил тасдиқланган тупроқшунослик ва агрокимё фани намунавий дастури (№ БД – 5410200- 3.02) талаблари асосида тайёрланиб, унда замонавий педтехнология тизимиға суянган ҳолда пахта, пахта етиштириш агротехникаси, ғўза морфологияси, ғўза типлари, фазалари, ҳосилни йиғиштириб олиш ва ҳакозолар баён қилинган. Ҳар бир мавзу охирида талабалар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириклар ва назорат саволлари келтирилган. Ўқув-услубий мажмуа Гулистан давлат университети Илмий кенгashi томонидан (...- баённома2017 йил) кўриб чиқилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

Тақризчилар: К/х.фан.номзоди , доцент Алтмишев А (ГудДУ)
Б/х.фан.номзоди , доценти Ш.Турдиметов

МУНДАРИЖА

Кириш.....
Назарий материаллар (маъruzалар курси).....
Лаборатория ишларини бажариш буйича услугбий кўрсатмалар.....
Мустақил таълим буйича материаллар.....
Глоссарий.....
саволлари.....
Информацион-услубий таъминот.....
Иловалар:	
Фан дастури.....
Ишчи фан дастури.....
Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда).....
Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда).....
Қўшимча дидактик материаллар.....

1 Мавзу. Кириш. Пахтачиликни халқ хўжалигидаги аҳамияти. Республикализнинг пахтачилик бўйича дунёда тутган ўрни.

Режа:

1. Пахтачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
2. Дунёдаги пахта етишигурувчи мамлакатлар ва уларда пахта етишириш
3. Ўзбекистоннинг пахтачилик бўйича дунёда тутган ўрни

Ғўза техник экинлар ичида энг қимматлиси ҳисобланади. У асосан толаси учун ўстирилади. Пахта толаси жуда кенг миқёсда ва турли мақсадларда ишлатилади. Умуман пахта ашёси ва ўсимликнинг турли қисмлари халқ хўжалиги учун қимматли хом ашё манбаи ҳисобланади.

Бир тонна чигитли пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик ва 600 кг чигит олинади. Бир тонна чигитдан эса 170-220 кг мой, 380-400 кг кунжара, 50-60 кг момик, 60 кг ўсимлик оқсили, 300 кг шелуха олинади.

Пахта толасининг ўзига хос хусусияти бошқа табиий ва сунъий толаларда учрамайди. Шунинг учун ҳам у эластиклик хусусиятига эга бўлиб, тўқимачилик дастгохларида улар бир-бири билан яхши уланади. Пахта толасидан тўқимачилик саноатида кенг фойдаланиб, ҳар хил газламалар тўқилишидан ташқари, ундан ғалтак ип, арқон, жилвир, балиқ тутадиган тўр, тасма, транспортёр ленталари, резина шланглар учун маҳсус тўқималар, фильтрлар, электр симларининг устини ўрайдиган тўқима ва бошқалар тайёрланади. Айрим пахта навларинииг толасидаи автомобиль шиналарида қистирма (прокладка) учун ишлатиладиган маҳсус корд тўқимаси, шунингдек, парашют қилинадиган материал, кирза ва бошқа нарсалар тайёрлапади. Пахта толасидан фойдаланиб цеплюлоид, фото-кино ленталар, лаклар, энг юқори сифатли ёзув қоғозлари ва бошқа кўплаб хилма-хил материаллар ҳамда буюмлар тапёрланади. Ипак газмолларни тўқишида пахта толасини уларга аралаштириб ишлатиш мумкин.

Пахтанинг чигити ҳам ниҳоятда қимматли маҳсулот ҳисобланади. Толаси ажратиб олинган чигитнинг бир қисми экиш учун, асосий кисми эса хилма-хил маҳсулотлар, хусусан мой олишда ишлатилади. Чигит мойи озиқ-овқатга ишлатилади, шунингдек, техник мақсадлари учун фойдаланилади. Тозаланган чигит мойи консерва саноатида кенг кўламда кўлланилади, шунингдек, ундан маргарин, кир совун, атир совун, техника мойи, алиф тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Чигит мойидан глицерин, стеарин ва бошқа бир қанча маҳсулотлар олинади.

Мойи олингандан кейин қолган-кунжара чорва молларининг айрим-турлари учун дурустгина концентрат — тўйимли озиқ ҳисобланади.

Чигит мағизидан госсипол дегап заҳарли модда ажратиб олинади. Бу модда полимерлар, лак, иссиққа чидамли қопламалар, доривор препаратлар, бўёқлар ва бошқа. материаллар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Мой заводи чиқиндиси ҳисобланган гудрон (госсипол смоласига ўхшаш) иссиққа ниҳоятда чидамли бўлади, шунинг учун ундан қолип тайёрлашда ва иссиққа чидамли лак ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Линтер пахта номи билан юритиладиган чигит тукидан иссиқ кийимларга солища, матрас-тўшак, мебеллар тайёрлашда, медицинада ишлатиладиган пахта, цеплюлоза ишлаб чиқаришда, сунъий соч, сунъий чарм ва ипак, сунъий ойна, линолеум, пластмассалар,

автомобиль лаки, целофан, котоз, эбонит, портловчи моддалар ва ҳоказолар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Шулха деб аталадиган чигит пўчоғи (пўсти) дан ҳам поташ, техник спирт олинади, лак, ўров (рулон) қоғоз лари, картон, электроизоляцион буюмлар тайёрланади. Шулхада пентазонлар кўп бўлади, ундан фурфурол (мой-симон суюқлик) олинади. Фурфурол қимматли смолалар ва пластмассалар тайёрлашда ишлатилади.

Ғўзапоядан асосан ўтин ўрнида, қисман эса қурилиш тахта плиталари тайёрлашда ва мебел ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Юқумли касалликлар, масалан, вилт билан касалланмаган далалардаги ғўзапояларни машиналарда майдалаб, органик ўғитларга аралаштириб ерга солиш ҳам мумкин.

Ғўзапўчоқ ҳам ниҳоятда қимматли ҳисобланади, чунки унинг таркибида кўплаб ошловчи модда бўлади. Ғўза баргидаги кўп миқдорда органик кислоталар, жумладан, олма ва лимон кислота бор. Бу кислоталарни ғўзанинг ўсув даври тугаллангандан кейин саноат йўли билан олиш мумкин.

Ниҳоят, ғўза сершира (серасал) ўсимликлардан ҳисобланади, гектаридан **100-200 кг асал олиш** мумкин. Шунинг учун ғўза пайкаллари яқинида бемалол асаларичиликни ривожлантириш мумкин, лекин бунда ғўза зааркунандаларига қарши заҳарли химикатлар сепишда эҳтиёт чораларини кўриш шарт, албатта.

Пахта толасидан, чигитидан ва ўсимликнинг бошқа кисмларидан ҳаммаси бўлиб 1200 дан ортиқ хил маҳсулот олинади.

2 Мавзу. Ғўзанинг келиб чиқиши ва ер юзасида тарқалиши тарихи, ғўзанинг ботаник классификацияси

1. Ғўзанинг келиб чиқиши
2. Ғўзанинг ер юзида тарқалиш тарихи
3. Ғўзанинг ботаник классификацияси

Ғўзанинг ер юзидаги барча тур ва хиллари «Госсипиум» (Gossypium) деб аталган битта авлодга киради, бу авлод эса пахтадош (ғўзадош)лар оиласига мансубдир. Ғўза тропик, яъни йилнинг энг совук ойларида ҳам ҳаво ҳарорати $+18^{\circ}$ паст бўлмайдиган минтақадан келиб чиқкан.

Ғўза дарахтсизон кўп йиллик ўсимликдир. У ўз ватанида факат маданий шароитдагина эмас, балки ҳар хил катталиқдаги бута ва бўйи 6—7 м, айрим ҳолларда 10—12 м гача етадиган дарахт шаклида ўсади. Ғўзанинг қанчалик узок муддат яшashi унинг турига қараб ҳар хил бўлади. Одатда баланд бўйли ғўзалар узок яшайди. Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда ўстирилаётган ғўзалар табиатан кўп йиллик ўсимликлардир, лекин қишида қаттиқ совук бўлганидан бу ерларда ғўза факат бир йиллик ўсимлик сифатидагина ўса олиши мумкин. Агар ғўзалар совук бошланиши олдидан теплицага жойлаштирилса, у бир неча йил ўсиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ғўзанинг бўйи асосан 90-110 см бўлади. Кўп йиллик ғўзалар поясининг ер бетига яқин қисмининг йўғонлиги 15-30 см ва ундан ҳам ортиқ бўлса, бир йиллик ғўза поясининг йўғонлиги 1-2 ва 3 см гача бўлиши мумкин.

Кўп йиллик изланишлар натижасида ғўза авлоди бундан тахминан **70-100 миллион йил аввал**, яъни бўр даврининг иккинчи ярмида, ҳатто бўр давридан олдин вужудга келган деган фикрлар мавжуд.

Ер юзининг яхлит материқдан геологик континентларга бўлиниши турли иқлим шароитларни вужудга келтириб, ғўза ўсимлигини ўзгаришига таъсир қилган. ғўзанинг 3 бир биридан тупдан фарқ қиласиган географик гурухлари- Австралия (Стуртия), Осиё-Африка (Палеотропик-эугоссипиум) ва Америка (Неотропик) пайдо бўлган. Мана шу гурухлардаги ғўзалар ташқи муҳитга ҳамда ирсий хусусиятларга қараб кичик гурухларга бўлинган. Жумладан Осиё-Африка ғўзалари Осиё (Жанубий ва шарқи-жанубий Осиё) ва Африка (Африка ва ғарби-жанубий Осиё), Америка ғўзаси Марказий Америка ва Жанубий Америка гурухларга бўлинган бўлиб, барча Госсипиум ғўза авлоди тур ва хилларининг табиий кўпайиши мана шу гурухлардан тарқалгандир.

Ўсимликлар янги формаларининг табиий равишда пайдо бўлиш жараёнида, айниқса минг йиллар давомида кишиларнинг амалий фаолияти натижасида ғўзанинг жуда кўп хилма-хил формалари ва навлари яратилди. Ф. М. Мауер маълумотига ва ҳозирги вақтда қабул қилинган класси-ификацияга кўра госсипиум авлоди **50 тур ғўзани** ўз ичига олади. Булардан фақат **5 таси** — Г. **гирзутум** (*Gossypium hirsutum*, Г. **барбадензе** (*Gossypium barbadense*), Г. **трикуспидатум** (*Gossypium tricuspidatum*). Г. **гербацеум** (*Gossypium herbaceum*) ва Г. **арбореум** (*Gossypium arboreum*) экилади. Булар ичиди Мексикадан келиб чиққан Г. гирзутум тури энг кўп тарқалган, шунинг учун кўпинча, у мексика ғўзаси деб ҳам аталади. Бундан кейинги ўринда фойдаланиш даражасига қараб, Ҳинди-Хитойдан келиб чиққан Г. арбореум турорди, бу Ҳинди-Хитой ғўзаси номи билан юритилади. Жанубии Америкадан — Перудан келиб чиққан Г. барбадензе тури камроқ экнлади, бу тур Перу ғўзаси деб аталади. Африкадан ва қисман Жануби-Фарбий Осиёдан келиб чиққан Африка-Осиё ёки жайдари ғўза номи билан юритиладигаи Г. гербацеум ғўза анча кам тарқалган. Марказий Америка зонасидаги Антиль оролларидан келиб чиққан, Вест-Индия номи билан юритиладиган Г. трикуспидатум тури энг кам тарқалган ва ундан жуда кам фойдаланилади.

Юқорида номлари келтирилган 5 та ғўза турларининг маданий формаларидан ташқари, асл ёввойи ва ярим ёввойи (рудераль) формалари ҳам бор.

Ҳозирги вақтда экилаётган ғўза турларининг барча ёввойи формалари табиий шароитда фақат тропик зоналарда, ўзининг келиб чиққан районларида ўсади.

Инсоният ғўзадан жуда кадим замонлардан бери фойдаланиб келади. Одам бундан **15—20 минг** йил аввалроқ ёввойи ҳолда ўсган ғўзаларнинг пахта толасидан фойдаланган деб, тахмнн қилинади. Кейинчалик ғўза экиб дехқончилик қилиш расм бўла бошлаган.

Мингларча йиллар давомида одам ўсимликнинг энг яхши тупларини танлаб бориш йўли билан аста-секин тола сифати яхши, бирмунча серхосил маданий ғўза навларини яратган. Ғўза дастлабки экиб келинган жойлардан янги-янги зоналарга, масалан, тропик минтақадан аста-секин субтропик минтақаларга ва мўътадил иқлимили зоналарнинг бирмунча илиқ иқлимили зонасига, тропик минтақаларда эса текисликлардан тоғли жойларга кўчирилган.

Ер шарининг мана шу географик кенгликларида ғўзанинг паст бўйли, эртапишар формалари пайдо бўлиши, бу ўсимликнинг ер юзида янада кўпроқ тарқалиши ва экилиш доирасининг янада кенгайиши учун катта имкониятлар очиб берди.

Хозирги вактда тропик бўлмаган мамлакатлардаги ғўза ўстириладиган майдон тропик минтақадаги майдонлардан анча ошиб кетди. Шу билан бирга тропик минтақа мамлакатларида ҳам ғўзанинг кўп йиллик дарахтсимон формалари эмас, балки асосан ўстиришга қулай бўлган паст бўйли бир йиллик формалари экилмоқда.

Ғўза ўстириш ва пахта толасидан тўқималар тўқиши ишлари билан энг аввал **Ҳиндистон** ҳамда (эҳтимол) Шарқи-Жанубий Африка халқлари, шунингдек, Перу, Мексика ва Антиль ороллари халқлари шуғулланган. Мана шу **5 мамлакат** ғўза ўстириш ва пахта толасидан ип газламалар тўқиши ишининг асосчилари ҳисобланадилар.

Ҳиндистонда пахтачилик ва ип газламалар тўқиши билан жуда қадимдан шуғулланиб келинаётганлигини, масалан, эрамиздан **3000 йил** илгари қадими Синдаги Махенджо Даро шаҳрининг археологик қазилмаларидан топилган ип газлама парчалари ҳам тасдиқлайди. Ҳиндистонда ғўзадан фойдаланиш тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумот эрамиздан **1500 йил** муқаддам ижод этилган **Ригведи гимнида** бор. Эрамиздан аввалги **VIII** асрда ёзилган Ману қонунларида ғўза тўғрисида бирмунча аникроқ маълумотлар бор. Мазкур қонунда ғўза кўп жойда тилга олинади, бу ўша вақтларда Ҳиндистонда ғўзанинг кўп экилишидан ва унинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ҳиндистон пахтачилиги ва у ерда пахта толасидан қанчалик кўп фойдаланилиши тўғрисидаги янада тўлароқ маълумотни қадимги грек тарихчиларининг, масалан, **Геродот** (эрамиздан олдинги **V** аср) ва **Теофрастнинг** (эрамиздан аввалги **IV** аср) ёзувларида кўриш мумкин, уларда пахта толаси кўпинча «ёғоч жун» деб аталган.

Хитойда ҳам пахтачилик билан жуда қадим замонлардан бери шуғулланилган, лекин у бирмунча кейинроқ бошланган. Баъзи маълумотларга қараганда пахтачилик ва ип газлама тўқиши ишлари жанубий Хитойда эрамиздан бир неча аср илгари, бошка маълумотларда эса эрамиздан ҳатто **2500 йил** аввал ҳам пахтачилик билан шугулланилгани қайд қилинади. Лекин ўша вақтларда Хитойда ғўза саноат учун зарурӣ экин сифатида ўстирилмаган, балки узоқ вақтгача манзарали ўсимлиги тарзидагина экиб турилган. Пахтачилики саноат асосида ривожлантириш ва унинг базасида ип газлама ишлаб чиқариш ишлари Хи-тойда бирмунча кечроқ — янги эра бошлангандан кейин йўлга кўйила бошланди. Эрон ва Арабистонда пахтачилик жуда қадими соҳа ҳисобланади. Баъзи ҳужжатларга қараганда Эронда эрамиздан аввалги **VI** асрда, Арабистонда эса (Сурия боғларида) эрамиздан илгариги **VII—VIII** асрлардаёқ ғўза ўстирилар экан.

Айрим тарихчиларнинг айтишларига қараганда, қадимги Миср халқлари пахтачилик билан шуғулланмаганлар. Бундай мулоҳазанинг бўлишига сабаб шуки, қадимги Мисрнинг тарихий ёзувларида пахтачилик ва пахта толасидан қилинган нарсалар тўғрисида ҳеч нима айтилмаган ҳамда ўша замонларда ўлган кишини мўмиёлаб, зигир поя толасидан тўқилган матога ўраб, сўнгра кўмишган. Лекин яна шундай маълумотлар ҳам борки, Мисрда топилган айрим мўмиёлар пахтадан ёки пахта билан зигир поя толаси аралашмасидан тўқилган матога ўралган. Қадимги грек

тариҳшунослари Геродот ва Теофраст қадимги Мисрда пахта толасидан фойдаланилганлиги ҳақида баъзи маълумотларни келтирадилар.

Умуман Мисрда пахтачилик фақат эрамизнинг бошларида, яъни бу ерларга араблар келгандан кейингина тез ривожланиб кетди.

Европада пахтачилик кейинроқ пайдо бўлди. Европа давлатлари орасида пахтачилик билан дастлаб (I—II аср-да) Греция шугулланган, бу ерга пахта кичик Осиёдан келтирилган.

Араб истилоси даврида (VII асрдан бошлаб) пахта Испаниянинг жанубий қисмига ва Италияга тарқала бошлади. XIV асрда Болқон ярим оролига пахтани Кичик Осиёдан турклар келтиридилар. Ҳозирда ҳам Болгария, Югославия, Руминия, Албанияда пахтачилик билан шуғулланилади.

Америкада пахтачилик жуда қадимийдир. Перудаги қадимги мақбаралардан ва Мексика ғорларидан топилган пахта толасидан килинган буюмлар пахтачилик Америка қитъасида жуда қадим замонлардан бери мавжуд эканлигига аник далилдир. Американинг ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатлари жойлашган кисми XVII асрда европаликлар томонидан эгаллаб олингандан кейин пахтачилик узоқ вақтгача жуда суст ривожланди.

АҚШ фақат XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб пахта толасини жуда оз миқдорда четга (Англияга) экспорт қиласидиган бўлди. АҚШ да умуман пахтачилик билан шуғулланадиган барча мамлакатларда пахтачиликнинг секин ривожланганлигига асосий сабаб шуки, у вақтларда пахта толаси чигитидан ибтидоий йўл билан — кўлда ажратилар эди. XVIII аср охиридагина (1873 йилда) американлик ўқитувчи Эли Уитней томонидан кашф этилиб, сўнгра бир неча йил ўтгач, механик Ходжин Хольмс томони-дан такомиллаштирилган, иш унуми юкори бўлган, тукли чигит толасини ажратадиган арра тишли жин машина вужудга келгандан кейин АҚШ да ва бутун дунёда пахтачилик тез ривожланди.

Австралияда қадимги замонларда пахтачилик билан шуғулланишмаган. Бу ерда ўша вақтларда ғўзанинг амалий жихатдан аҳамияти бўлмаган баъзи ёввойи турлари ўсган ва булар ҳозир ҳам бор. Нисбатан яқин вақтларда — XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Австралияда кичик майдонда тажриба тариқасида ғўза ўстириб кўрилди, ундан кейинроқ кичикроқ майдонларда саноат асосида пахта етиштириш ривожлана бошлади. Бу мамлакатда ҳозирда ҳам пахтачилик учалик ривожланмаган.

Ўрта Осиё территориясида пахтачилик ишининг качон бошланганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ, лекин баъзи тарихий маълумотлар бу ерларда ҳам пахтачилик жуда қадим замонларда бошланганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, Намангандай районида топилган I—II асрларга тааллукли қазилмалардан пахта толаси, зигир поя толаси ва от қили аралаштириб эшилган арқонча топилиши бунга яққол далил бўла олади.

Ўрта Осиё халқлари ҳам қадим замонлардан бошлаб пахтачилик билан шуғулланишган. Эрамиздан олдинги IV асрда А.Македонский қўшинлари Ҳиндистонга юриш қилганида Ўрта Осиё халқлари пахта етиштириб ундан мато тўқилишини гувоҳи бўлишгани тарихий маълумотларда бор. Ҳаттоқи Чустда эрамиздан олдинги X асрда тўқилган мато қолдиғи топилган. Хоразмда VI-VIII асрларга оид матолар ва пахта хом ашёси топилган бўлса, X асрда Мари, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чимкент шаҳарлари яқинларида пахта етиштириб, ундан тўқилган газлама ва нафис хотин-қизлар рўмоллари савдога чиқарилганлиги бизга маълум. Хитойнинг тарихий

манбаларидан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги II асрда Фарғона водийсида жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар бўлган, ерли аҳоли дехқончилик ва тўқимачилик билан шуғулланишган.

Хоразмдаги тупроқкальба академик С.П.Толстов раҳбарлигидаги бир гурӯҳ археологлар текширганда топилмалар орасида VI-VII асрларга оид пахта хом ашёси ва пахталиқ чопон парчаси топилган.

Ўрта Осиёда пахталиқ ва пахта толасидан матолар тўкиш ишлари ҳақида қадимги Шарқ қўл ёзмаларида, асосан X аср араб географларининг асарларида жуда кўп маълумотлар бор. Мана шу даврларда Мари, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, қисман Фарғона, Тошкент ва ҳатто Чимкент пахталиқи ва пахта толасидан тўқилган матолар жуда шуҳрат қозонган эди.

XIII асрдан бошлиб Ўрта Осиёда пахталиқ ва ип газламалар ишлаб чиқариш ишлари анча вақтгача инқирозга учради, шунга қарамай, пахталиқ ишлари кўп жойларда озми-кўпми давом этиб турди. Пахталиқнинг инқирозга учрашига ўша даврларда Ўрта Осиёда қаттиқ урушлар бўлиб туриши сабаб бўлди.

Пахталиқ Ўрта Осиёда шундан кейин XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан кейин яна ривожлана бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олганидан сўнг, тўқимачилик саноатининг талабини қондириш мақсадида махаллий жайдари ғўза G. herbaceum ўрнига Марказий Америкадан Упланд типига кирувчи Мексика G.hirsutum тури навларнинг уруғи келтириб экилди. Пахта хом-ашёсини ташиб келтириш учун Красноводскдан Самарқандгача темир йўли қурилди. Мирзачўл ерлари ўзлаштирилди.

Пахта дунёнинг беш қитъасида-Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Европада етиштирилади. ғўза ўстиришнинг шимолий ареали шимолий кенгликнинг 38-47° параллелидан (ffP), жанубий чегараси кенгликнинг 35° параллелидан (Австралия) ўтади. Дунё бўйича **89** дан ортиқ мамлакат пахта етиштириш билан шуғулланиб, асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар АҚШ, Хитой, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Покистон, Бразилия, Австралия каби давлатлар ҳисобланади. Бу мамлакатлар дунё бўйича етиштирилаётган жами пахтанинг **80%** дан кўпроғини беради.

Ҳозирги вақтда дунё бўйича умумий пахта майдони тахминан **34-35 млн. гектар, унинг ялпи ҳосили эса 32-33 млн. тоннага боради.**

Пахта толаси **истеъмоли** бўйича Хиой, Ҳиндистон ва Покистон (2250-8100 минг/тонна), **импорти** бўйича Хитой, Туркия ва Индонезия (494-4850 минг/т) ва экспорт бўйича АҚШ, Ўзбекистон, Бразилия юқори ўринда туради.

Дунё бўйича ҳар бир одамга ўртacha **7 кг.дан тола** тўғри келади. Саноати ривожланган давлатларда ҳар бир кишига 29,6 кг дан тола, Африка мамлакатларида 2,1 кгдан тўғри келади.

Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича 6чи, истеъмол бўйича 13 чи (270 минг/т) ва экспорт бўйича 2си (722 минг/т) туради.

	Мамлакатлар	Экин майдони, млн/га	Тола ишлаб чиқариш минг/т	Дунё бўйича салмоғи, %
1	Хитой	5060	6300	24,8
2	АҚШ	5586	5009	19,7

3	Ҳиндистон	9100	3485	13,7
4	Покистон	3096	2508	9,9
5	Бразилия	1254	1275	5,0
6	Ўзбекистон	1391,4	1056	4,2
7	Туркия	600	900	3,5
8	Австралия		568	2,2
9	Греция		400	1,6
10	Сурия		331	1,3
11	Миср		295	1,2
12	Мали		240	0,9
13	Буркино-Фасо		240	0,9
14	Туркманистон	600	205	0,8
15	Тожикистон		172	0,7
16	Аргентина		163	0,6
17	Қозогистон		148	0,6
18	Бенин		143	0,6
19	Кот-Диувар		140	0,6
20	Эрон		140	0,6
	Бошқаларда		1711	6,7

	Вилоят	Экин майдони, минг/га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, минг/т
1	Қорақолпоғистон	103,6	19,8	197,9
2	Андижон	113,2	29,7	317,9
3	Бухоро	127,9	33,3	384,6
4	Жиззах	106,4	23,9	254,8
5	Қашқадарё	181	28,1	461
6	Навоий	39,4	28,3	111,4
7	Наманган	103,1	27,8	262,3
8	Самарқанд	103,4	26	269,1
9	Сурхондарё	123	28,4	349,1
10	Сирдарё	115,3	21,8	250,9
11	Тошкент	111,9	25,6	276,7
12	Фарғона	119,3	28,1	323,5
13	Хоразм	110,5	27,6	276,4
	Республика бўйича	1458,0	26,8	3735,8

Ғўзанинг ҳозирги пайтда тарқалган барча тур, форма ва навлари Госсипиум (Gossypium) авлодига тегишли бўлиб, бу авлод гулхайридошлар (malvaceae) оиласига мансуб. Каноп, дағал каноп, бамия, хитой атиргули, тутгачагул ҳам шу оиласига мансубдир. Гўзанинг классификациясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган ишлар тарихи қадим замонларга бориб тақалади эрамиздан олдинги V асрда Геродот, IV асрда Теофраст эрамизнинг X-XI асрларида Беруний ғўзанинг мукаммал бўлмаган тарихини беришган, бунда баъзи-бир ўсимлик турлари бир бири билан аралаштириб юборилган. Масалан, ғўза унга бир мунча яқин бўлган бумбакс оиласига қарашли ўсимликлар билан чалкаштирилган.

XVIII асрда яшаган швед олими Карл Линней ўсимликларнинг дастлабки классификациясини илмий жиҳатдан асослаб берган. Унинг фикрича Госсипиум авлоди 5 та турга бўлиниб, бундан кўп ҳам кам ҳам бўлмайди. Аммо у табиий ўзгаришлар ва селекцион жараёнлар натижасида янги ғўза авлоди пайдо бўлишини ва унинг қўйган чегараси асосизлигини ўзи тушунмаган. Линнейдан сўнг ғўза классификацияси билан кўплаб олимлар шуғулланиб, унинг классификациясига ўзгартиришлар киритишди. Бундан ташқари у қуруқ гербариylар устида ишлади.

XX асрнинг бошида Туркистон марказий селекция станциясида (ҳозирги ЎзСУИТИ) Г.С. Зайцев Госсипиум авлоди классификациясини илмий асослаб янгилади. У ўз классификациясини жонли ўсимлик билан шуғулланиш, уларни биологик-физиологик ва цитологик жиҳатдан ўрганиш, ғўзанинг табиий ҳолда ер юзасида тарқалишини ўрганиб чиқиш асосида тушиб чиқди. Зайцев экиладиган ғўзаларни тадқиқот обьекти қилиб олди. У ғўзанинг ёввойи формаларини ўз классификациясига киритмади, бу унинг ягона хатоси эди. Лекин кўпгина селекционер олимлар янги ғўза навларини яратишда ёввойи ғўзалардан кенг фойдаланишарди. Чунки, ёввойи ғўза навлари касаллик ва зааркундаларга, вертиқиллёз ва фузариоз вилтга, бактериоз, илдиз чиришга, ҳашоротларга, совуққа, тупроқ шўрланишига ва қурғокчиликка чидамлилик хусусиятига эгадир. Шунингдек, баъзи ёввойи ғўза формалари серкўсак, тезпишар, толаси ялтироқ ва пишиқ бўлади. Бу хусусиятлар селекция жараёнларида муҳим аҳамиятга эга.

Зайцев барча ғўза формаларини иккита катта группага бўлади; Янги дунё ва Эски дунё ғўзаси. Бунда у ғўзадаги хромосомалар сонини асос қилиб олади. Янги дунё ғўзасида хромосомалар соматик ҳужайрада 52 та ва жинсий ҳужайрада 26 та, эски дунё ғўзасида соматикда 26 та ва жинсий ужайрада 13 тани ташкил этади. Тадқиқотчи ушбу иккита гурухни ўз навбатида яна иккитадан кенжа гурухларга бўлади; Эски дунё ғўзаси гурухларини Африка ва Ҳинди-Хитой кенжа гурухларга, Янги дунё ғўзаси гурухини Марказий Америка ва Жанубий Америка кенжа гурухларга. Шу жиҳатдан ҳам унинг классификацияси аввалги классификациялардан устун эди. Бироқ бу классификация ҳам якунини топмаган эди. Ҳозирги кунда Хатчинсон, Ф.М. Мауер ва Л.А.Абдуллаевлар классификацияси қабул қилинган.

Ф.М.Мауер экилаётган ўрта толали ғўзани учта: Ўрта Осиё, Закавказье ва Шимолий Кавказ Украина гурухларига бўлади ва айни вақтда ҳар бир гурухларни яна кенжа гурухларга: Ўрта Осиё гурухларини – жанубий, марказий шимолий ва тоғ этак; Закавказье гурухларини – шарқий текислик ва ғарбий тоғ этак; Шимолий Кавказ, Украина гурухини – Шимолий Кавказ ва Украина кенжа гурухларига бўлади.

Унга ўхшаш ингичка толали ғўзани иккита: Турон ва Озарбайжон гурухига бўлади. Туron гурухини эса шарқий ва ғарбий кенжа гурухга бўлади. Озарбайжон гурухи кичик

бўлгани учун уни кенжака гурухга бўлмайди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ғўза навлари марказий ва шимолий гурух зоналарида ҳам экиласди. Демак, бу схематик бўлинишларни, албатта, шартли деб айтиш мумкин. А.Абдуллаев Мауренинг ишини давом эттириб, табиатда *Gossypium L.* Авлодининг 50 та тури мавжудлигини, шундан 4 таси маданий эканлигини исботлади. У Маур таърифлаган бешта маданий турининг биттасини, яъни *G. tricuspidatum L.* тури кўп жиҳатидан *G. hirsutum L.* ўхшаб кетганлиги учун уни шу турга кенжака тур қилиб қўшган.

2. Госсиюм авлодини систематикаси, уларнинг географик тарқалиши. Ғўзанинг авлоди, кенжака турлари ва кенжака турлари.

Австралия ғўзаси. Диплоид ёввойи ғўза турлари С геноми 2п-26. Стуртианум ғўзаси – *G. sturtianum Will.*

Робинзон ғўзаси- *G. robinsonii F.Mill.,*

Австралия ғўзаси – *G. australis F. Mill.,*

Эски дунё ғўзаси. Диплиод ёввойи ғўза турлари В, Е, F геномлари. Мураккаб ғўза – *G. anomalum Wawra et Peur.*

Учбаргли ғўза – *G. triphyllum (Harv) Hochr.*

Барбадос ғўзаси – *G. barbasanum Phill. et Clem.,*

Яшил бурун ғўзаси – *G. carpitis-viridis Mauer.,*

Стокс ғўзаси – *G. atocksii Mast.*

Сомали ғўзаси – *G. somalense (Gurke) Hutch.,*

Арейзиан ғўзаси – *G. areysianum (Delf) Hutch.,*

Кул ранг ғўза – *G. incanum (Schwartz) Hillcoat.,*

Узун косачали ғўза – *G. Longicatyx Hutch.,*

Ўтсимон ғўза – *G. herbaceum L.,*

Дараҳтсимон ғўза – *G. arboreum L.,*

Янги дунё. Ёввойи диплоид турлари D геноми.

Турберия ғўзаси – *G. thusberi Tod.,*

Барги уч бўлакли ғўза – *G. trilobum (Moc. et Standl ex DC) Skov.,* Курғоқчиликка чидамли ғўза – *G. aridum (Rose et Standl) Skow.,*

Оддий ғўза – *G. hirsutum L.,*

Перу ғўзаси – *G. barbadense L.,*

3. Экилаётган маданий ғўза турларининг асосий морфологик ва биологик хусусиятлари.

Экиладиган диплоид турлар А геноми.

Ўтсимон ғўза – *G. herbaceum L.*, A₁ геноми – ниҳоятда полиморф ва илгари жуда кенг тарқалган тур. Ҳозирги вақтда унинг хиллари жуда камайиб кетмоқда, чунки хирзуум турининг навлари уни сиқиб чиқармоқда. Бу ғўза 2 ярус тук билан қопланган кичик бута, барглари ўртача ва кучли қирқилган, гули сариқ, қўсаклари яхши ва ўртача очиладиган майдадан ўртачагача, чигити туксиздан қалин тук билан қоплангангача ўзгаради; толаси дағал, кўнғир ранг ва оқ бўлади. Хитой, Афғонистон ва Покистонда аҳамиятини йўқотмаган.

Дараҳтсимон ғўза – *G. arboreum L.*, A₂ геноми – 2 ярус тук билан қопланган кичик бута, барглари кучли қирқилган, гули оч-сариқ, қизил рангда. Кўсаклари яхши очиладиган майдадан ўртачагача, толаси жунсимон кўнғир ва оқ рангли, қадимдан экиладиган тур.

Оддий ғўза – G. hirsutum L (AD)₁ геноми – энг кўп тарқалган ва энг полиморф тур. Бунга ёввойи формалардан ташқари, «упланд», «ўртача толали» типдаги экиладиган навларнинг ҳамаси ҳам шу турга киради. Булар 4 та эволюцион типга: қадимги ёввойи (мексиканум, руаестре кенжак турлари), яrim ёввойи (пунктатум), маданий-тропик (глабрум, паникулятум кенжак турлари) ва экиладиган навларга бўлинади.

Перу ғўзаси – G. barbadense L., (AD)₂ геноми – тарқалиши жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган ғўза тури, аммо хирзутумга қараганда камроқ полиморф.

Бу ҳам 4 та эвалюцион гурухларга: қадимги ёввойи (дарвин кенжак тури), яrim ёввойи (руде рале кенжак тури), маданий – тропик (витофолиум кенжак тури) ва экиладиган навларга бўлинади.

3 Мавзу. Ғўзанинг тузилиши ва ривожланиши

Режа.

1. Ғўзанинг илдиз системасининг тузилиши ва ривожланиши
2. Ғўза пояси ва шохларининг тузилиши ва ривожланиши
3. Ғўза гулининг тузилиш ва гуллаш қонунияти
4. Ғўза кўсагининг тузилиши ва ҳосил органларининг тўкилиш қонунияти
5. Ғўза чигити ва муртагининг тузилиши 6. Толанинг тузилиш ва ривожланиши
6. Ғўзанинг асосий ва оралиқ ривожланиш фазалари

Ғўзанинг илдизи ўқ илдиз бўлиб, у поянинг илдиз бўгзидан бошланади. Ўқ илдизнинг йўғонлиги (диаметри), Ўрта Осиёнинг сугориладиган шароитида етук ўсимликда, унинг турига, навига ва ўсиш шароитига қараб, одатда 1—1,5 баъзан 2 ва камдан-кам ҳолларда 3 см гача бўлади.

Етук ўсимликнинг ўқ илдизи ерга чуқур кириб борган сари тез ингичкалашаверади, 20—25 см чуқурликда унинг диаметри 2—3, ҳатто 1—2 мм бўлиб қолади. Ўқ илдиз янада чуқурлашиши билан унинг ингичкалашиб бориши жуда секинлашади.

Ўқ илдизнинг ер бетидан 4—6 см пастдан атрофга тараладиган биринчи тартиб ён илдиз пайдо бўлади.

Биринчи тартиб ён илдиздан иккинчи тартиб ён илдиз ва ундан эса учинчи тартиб ён илдизлар чиқади ҳамда шу тартибда давом этиб, ўсимликда кўпгина илдиз шохчалари пайдо бўлади.

Етук ўсимликнинг ўқ илдизидан чиқсан олдинги ён илдизлар ёғочга айланган, дагал ва уларнинг сирти пўқак (пробка) тўқима билан қопланган бўлади. Кейин пайдо бўлган илдиз шохчалари эса ингичка, жуда нозик ва улар илдиз тукчалари билан қопланган. Ёш ўсимликларда илдиз тукчалар, ҳатто биринчи тартиб ва ўқ (асосий) илдизнинг ҳали қотиб, сирти пўқак тўқималар билан қопланмаган шохчаларида ҳам бўлади. Бундай илдизчалар худди илдиз тукчалари сингари тупроқдаги озиқ моддаларни нам билан бирга сўриб олади. Шунинг учун уларни ф а о л ёки с ў р у в ч и илдизлар дейилади.

Фаол илдизчалар билан буларда жойлашган илдиз тук-чалари ҳамда қари илдизларнинг учки, ёш нозик қисми— ҳаммаси биргалашиб ғўза илдиз системасининг фаол қисмини ташкил этади. Сирти пўқак тўқима билан қопланган, дагаллашган ён илдизлар асосий — ўқ илдиз билан бирга илдиз системанинг ўтказувчи қисмини ташкил этади. Бу илдизлар ўзидан озиқ моддалар ва намни ўтказиб туришидан ташқари ўсимликнинг асосий поясини тик ҳолда ушлаб туради. Фаол илдизчалар нозик ва оқ бўлади. Ўтказувчи

илдизлар эса ёгочланиб қотиб қолган ва сирти пўкак тўқима билан қопланган, шунинг учун туси жигар ранг бўлади.

Ўсув даврининг охирига келиб асосий илдиз ер ости сувлари чуқур жойлашган, сув ўтказувчанлиги яхши бўлган ерларда 1,5—2 м, ҳатто 2,5—3,0 м чуқурликкача кириб боради. Баъзан ён илдизлар ҳам шундай чуқурликка тарапади, лекин одатда ён илдизлар юзароқ жойлашади.

Суғориладиган шароитда ғўза ён илдизларининг асосий кисми ернинг 40—50 см устки қатламида жойлашади

Илдиз системасининг тузилиши ва ривожланиши ғўза навларига қараб ҳар хил бўлади. Одатда, **тупи бақувват ўсадиган, илдизи яхши тараққий этадиган бирмунча кечпишар нав ғўзаларнинг илдизи тупроқда анча чуқурроқ киради ва атрофга таралади.** Ён илдизларнинг тупроқ қатламлари бўйича тақсимланиши ҳам ҳар хил навларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, айрим нав ғўзанинг илдизи тупроқ қатламлари бўйича бирмунча текис таралса, бошқа бир навларнинг илдизи бир текисда таралмайди, масалан, кўнчилиги тупроқнинг юза қатламида жойлашади. У ёки бу тупроқ иқлим шароитига қараб нав танлашда буларнинг ҳаммасини эътиборга олиш керак.

Агротехникавий қоидаларни ишлаб чиқишида илдиз системасининг ишchan чуқурлигини, яъни **фаол илдизчаларнинг кўп қисми қандай чуқурликка кириб боришини билиш ҳам жуда муҳимдир.** Илдиз системасининг ишchan чуқурлиги ўсиш шароитига, навнинг биологик хусусиятига қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, Ўтра Осиёнинг суғориладиган бўз тупроқ ерларида ўсган ғўза илдиз системасининг ишchan чуқурлиги кўсаклар етила бошлаган даврда 1 м, баъзан бундан ҳам чуқурроқ бўлади.

Илдиз системасининг ривожланиши уругнинг унишидан бошланади, шундан кейин муртак илдизчаси тезда тупроққа қадалиб мустаҳкамланиб олади. Сўнгра уругбарг ости тирсаги ўса бошлайди, уругбаргни ер бетига олиб чикади, яъни дастлабки майсалар кўринади.

Тошкент шароитида асосий ўқ илдиздаги биринчи ён илдиз ғўза майсаси кўрингандан 5—6 кун ўтгач, яъни ўқ илдиз узунлиги 12-14 см га етганда пайдо бўлади. Ғўзанинг илдиз системаси дастлабки бир ойда, айниқса 15 кун ичида жуда тез, ер устки қисми эса аксинча, жуда секин ўсади. Бу ғўза ёппасига гуллагунга қадар давом этади. Мана шу вақтда илдиз системаси деярли тўла шакланиб олади, ўсимликнинг бундан кейинги ўсишида илдиз тузилишда жиддий ўзгариш рўй бермайди, лекин суғориладиган шароитда ўсув даврининг охиригача илдиз сустлик билан ўсаверади. Фуза шоналашга қадар асосий илдиз бирмунча жадал ўсади, ундан кейин ён илдизлар авжга киради. Шунинг учун ғўза ўстиришда чигит экишга, экиш вақтида ва экишдан кейин ҳам тегишли агротехникавий тадбирларни амалга ошириб, ўсимликнинг биологик хусусиятига қараб ҳаётининг дастлабки пайтларида илдиз системасининг жадал ўсиши учун қулай шароит яратиш керак.

15 кунлик ғўза ниҳолларининг асосий илдизи асосий поядан 3—4 марта узун бўлади. Ён илдизларнинг (бу вақтда ғўза илдизи фаол илдиз ҳисобланади) умумий узунлиги эса ҳали ён шоҳ чиқармаган асосий поядан 20—30, ҳатто 40 марта узун бўлади. Илдиз системасининг жадал ўсишига ўсимликнинг тур ва нав хусусиятидан ташқари ташқи шароит, айниқса температура ва намлик катта таъсир кўрсатади.

Масалан, айрим кузатишларга қараганда, асосий илдиз 30° температурада дастлабки суткаларда соатига 1,03—1,33мм, 17° температурада эса _0,30—0,38 мм ўсади.

Илдиз системасида ернинг намроқ жойига кўпроқ таралиш (гидротропизм) хусусияти мавжудлигидан тупроқ; устки қисми қурий бошлиши, яъни баҳордан ёзга ўтиши билан илдизнинг майда шохлаган қисми чукурроқ — сернам қатламга ўтиб, бу ерда ўз фаолиятини кучайтиради. Ернинг ҳайдалма қатламига жойлашган биринчи тартиб ён илдизлар шу қатлам қуришига қадар етарли даражада ривожланиб ва бақувватлашиб улгурмаганидан ўсишдаи орқада қолади, ингичкалашиб кетади, заифлашади ва қурийди. Худди шунга ўхшаш ҳодиса нозик илдизларда, хусусан фаол илдизларда ҳам кузатилади. Бундан ташқари, қачонки тупроқнинг устки қатламида нам жуда кам бўлиб (ўсимликка нафи тегмайдиган даражага тушиб) қолганда ён илдизлар йўналишипи кескин ўзгартириб, деярли тик ўсади, яъни тупроқда чукурроқ киришга ҳаракат килади.

Илдизнинг фаол қисми тупроқнинг унумдор ҳайдалма қатламида қанча узоқ вақт туриб, ундан кўпроқ фойдаланса, ғўзада ҳосил органлари шунчалик кўп бўлади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, намлик илдизнинг ривожланиш характерини ўзгартирадиган асосий фактордир. Шунинг учун суғориладиган дехдончилик шароитида экинларни Суғориш йўли билан илдиз системасининг ривожланишини истаган томонга ўзгартиришимиз мумкин.

Ғўза илдиз системаси ўзининг қуриган (нобуд бўлган) қисмини қайта тиклаш (регенерация) хусусиятига эга. Ғўза илдиз системаси экин қатор ораларини ишлаш вактида кетмон ёки культиваторда ён илдизлар кесилиб кетганда қайта тикланади. Илдиз кесилган ёки узилганда зааралangan жойидаги тўқима бўртиб битади ва шу бўртмалар четидан тутам шаклида бир қанча янги илдизчалар чиқади.

Илдиз системасининг ривожланишига шунингдек, кўчат қалинлиги ҳам таъсир этади. Масалан, кўчнатнинг нисбатан сийрак бўлиши илдиздаги сўрувчи томирларни тупроқнинг юза қатламида таралишига олиб келади. Аксинча, ўсимлик бирмунча қалин жойлашганда эса сўрувчи томирлар тупроқнинг анча чукур қатламига таралади. Бунинг сабаби, кўчат сийрак бўлганда, тупроқнинг юза қатламидаги намликтан ўсимлик узоқ муддат фойдаланади, кўчат қалин бўлганда эса шу миқдордаги намлик оз вақтга этади, шунинг учун илдиз нам қидириб тупроқнинг пастки қаватига тушади ва у ерда кўп тармоқланиб кетади. Кўчат қалинлигини ошириш ўсимликнинг илдиз тараладиган қаватидаги озиқ моддалар ва намдан яхши фойдаланиш имконини беради. Буни ғўзага ўғит солиш усулларини белгилашда, суғориш сонини ва Суғориш режимини аниқлашда ҳисобга олиш керак.

Кўп йиллик кузатиш натижаларига қараганда, ўғитланган ердаги ғўзанинг илдиз системаси ўғитланмаган ердагига қараганда анча қучли ўсади. Илдизнинг ривожланишига, айниқса, фосфор катта таъсир кўрсатади, яъни фаол илдизчаларнинг кўплаб пайдо бўлишини тезлаштиради.

Поя - асосий ўқ илдизнинг юқори қисми илдиз бўғзи орқали асосий пояга туташади. Етук ўсимликда асосий поя икки қисмдан иборат: 1) Қуий калта қисми — бу илдиз бўғзи билан уругбаррг жойлашган оралиқ;; 2) Юқориги узун қисми — бунга поянинг уруғбаррг жойлашган еридан юқори қисми киради. Қуий калта қисмини уругбаргости т и р с а г и ёки **гипокотиль**, юқориги узун қисмини эса уруғбаррг устки қисми ёки **эпикотиль** деб аталади.

Уруғбарг ости тирсагида ҳеч қандай чинбарг ва шох бўлмайди, поянинг уругбарг устки кисмида эса чинбарг бўлиб, барг қўлтиғидан шохлади.

Етук ўсимликдаги асосий поянинг бўйи ғўзанинг бир йиллик ёки кўп йиллилигига, тур ва навига, ўсиш шароитига қараб бир неча сантиметрдан бир неча метргача боради. Тропик зоналарда ёввойи ва маданий ҳолда ўсадиган кўп йиллик ғўзаларнинг ёилиб ўсадиган айrim дарахтсизон турларининг бўйи ёшига қараб 5—7 м, ҳатто 10—12 м гача етади. Адабиётларда 40 йил, ҳатто 80 йилгача ўсан дарахтсизон ғўзалар топилгани ҳақида маълумотлар берилган.

Сугориб ўстириладига ўртача толали нав ғўзаларнинг бўйи навига ҳамда парваришлиш шароитига қараб одатда 70—80 см дан 120—140 см гача, кўпинча 100 см атрофида бўлади. Ингичка толали ғўзаларнинг бўйи эса 120—150 см, айrim ҳолларда 200 см гача боради.

Асосий поянинг диаметри ҳам худди унинг бўйи каби хар хил бўлади. Асосий поянинг диаметри (асосидан ўлчаганда) 1—1,5 см, баъзан 2 см га етади, ингичка толали ғўза навларда эса бир оз йўғонроқ бўлади. Кўп йиллик дарахтсизон ғўзаларда асосий поянинг диаметри 20—30 см гача боради.

Поя тукли ёки туксиз бўлиши мумкин. Тукланиш ҳар хил даражада: қалин, ўртача, сийрак бўлади. Масалан, поянинг юкори кисми сертук бўлиши мумкин, чунки ўсимлик қариб, дағаллашган сари поянинг пастки кисмидаги туклар тўклиниб кетади. Жумладан, ўртача толали ғўзалар ва жайдари ғўзалар пояси тук билан қалин қопланган бўлади. Ингичка толали ғўзалар одатда туксиз ёки сийрак тукли бўлади.

Ғўзада асосий поянинг ранги яшил тусдан тўқ қизил тусгача бўлиб, қорамтири тўқ қизил, қизгиш бинафша, малина ва оч қизғиш рангда товланиб туради. Поянинг ҳамма томони ёки бир томони — қуёшга қараган томони қизил бўлиши мумкин. Поянинг қизил бўлиши эпидермия хужайраларидағи антоқиан моддаларнинг миқдорига боғлиқ. Поянинг антоқиан моддалар туфайли қизил тусга киришига, шунингдек, унинг мавжудлиги ёки бўлмаслигига поянинг тук билан қанчалик қалин қопланганлиги, ва ўсимликнинг сербарглилиги катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Поянинг куйи томони илдиз бўғзидан дастлабки бир неча бўғин оралиғигача пўқак тўқима билан қопланади, натижада поянинг бу қисми жигар рангга киради.

Ғўзанинг урур палласи (уруғ барги) оддий, чети кертиксиз, қулоқсимон, бандли бўлади. Турли хил ғўза навларида ранги яшил бўлиб ҳар хил товланади.

Уруғ палланинг аҳамияти ёш ўсимтани дастлабки чин-барг чиққунча факат запас озиқ моддалар билан таъминлаб туришдан ва қисман ассимиляция қилишдан иборат бўлмай, балки ғўза дастлабки чинбарг чиқаргандан то гуллай бошлагунча унинг роли катта бўлади, чунки уруг-барг ғўзанинг гуллашида, гул органларининг шаклланишида ҳам иштирок этади. Ниҳол униб чиқиши билан уруг палла шикастланса ёки у бутунлай олиб ташланса, ўсимлик жуда заиф ривожланади, бу эса ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади.

Асосий поядаги барглар спираль шаклида навбатма-навбат жойлашади.

Асосий поянинг жадал ўсиши ва ривожланишига гў-занинг тур ҳамда нав хусусиятига боғлиқ ҳолда ташқи муҳит шароити катта таъсир кўрсатади.

Гуллаш даврининг охири ва хосил етилиш даврида поянинг ўсиши ҳамда ривожланиши жуда секинлашади, ўсув даврининг охирига келиб эса бутунлай тўхтаб қолади.

Гўза шохи асосий поянинг барг қўлтиғидаги куртакларидан шохлайди, бунда дастлабки 2—3 та барг қўлтиғидаги куртаклар тиним даврида қолиб, шохламайди. Айрим ҳоллардагина бу хилдаги куртаклар кўкариб, улардан бир неча майда баргли шохлар ўсиб чиқиши мумкин.

Уруғбарг қўлтиғидан камдан-кам ҳолларда шох чиқиши мумкин. Масалан, ғўза майсалари дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар ёки дастлабки баргларини ёзиш пайтида асосий поянинг учки ўсиш куртаги шикастланган ҳолдагина уруғбарг қўлтиғидан шох чиқади.

Одатда, ғўзада икки хил шох: *ўсув шохи*, яъни *моноподиаль* шох ва *ҳосил шохи*, яъни *симподиал шох* бўлади. Ўсув шохи асосий поянинг қуий қисмидан, ҳосил шохи ўсув шохи юқорисидан одатда, асосий поянинг кейинги барча барг қўлтиғидан ўсиб чиқади.

Моноподиаль шох асосий қўлтиқ куртакдан асосий пояга нисбатан тик бурчак ҳосил қилиб чиқиб учки ўсиш куртакнинг ривожланиши ҳисобига бўйига қараб узлуксиз ўsavеради. Бу шох фақат битта куртакдан ўсиб чикқанлиги учун «моноподиаль» шох деб аталади.

Одатда, ўсув шохи ҳосил шохига нисбатан кучли бўлади. Ғўза қанчалик кечпишар бўлса, ундаги ўсув шохи шунчалик кучли ўсади. Бундан ташқари, ўсув шохининг кучли ёки кучсиз ўсишига ташқи муҳит шароити ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, ғўзанинг озиқланиш ва ёруглик шароити қанчалик қулай бўлса, ўсув шохи шунчалик кучли ўсади. Ўсув шохи ўсган сари унда худди асосий поядаги каби спираль шаклида навбатма-навбат ўрнашган барглар пайдо бўлади. Ўсув шохи-ўсиш куртаги ва барг билан тугалланади.

Ўсув шохларида иккинчи тартиб ўсув шохларининг пайдо бўлиши ғўзанинг тезпишарлигига, унинг озиқ моддалар ва ёруглик билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Ғўза қанчалик кечпишар, озиқ моддалар ва ёруглик билан қанчалик яхши таъминланган бўлса, унда иккинчи тартиб шохлар чиқиши эҳтимоли шунчалик кўпроқ кутилади. Ғўзанинг ўта тезпишар турларида одатда, иккинчи тартиб шохлар фақат ҳосил шох тарзида ривожланади.

Ҳосил шох ўсув шохига қараганда кенгроқ бурчак ҳосил килиб чиқади; бу бурчак кўпинча тўғри бўлади.

Ҳосил шохининг биринчи бўғим оралиғи (тирсаги) асосий поянинг барг қўлтиғига жойлашган куртакдан чиқиб, учида гулкуртак чиқариш билан ўсишдан тўхтайди. Биринчи бўғим оралигининг охиридаги гулкуртак ёнидан барг чиқади. Мана шу барг қўлтиғидаги куртаклардан бири ўсгач, иккинчи бўғим оралиги пайдо бўлади, бу бўғим оралиғи аввалгисининг давоми ҳисобланиб, бу ҳам гулкур-так билан тугулланади. Ҳосил шохи шу тартибда давом этади. Ҳосил шохи шу тартибда ривожлангани учун у «симподиаль шох» дейилади.

Барглар ҳосил шохининг икки томонига навбатма-навбат жойлашади.

Агар ҳосил шох бир неча бўғим оралиғидан иборат бўлса, у **чекланмаган ҳосил шохи дейилади**. Лекин ҳосил шохи пайдо бўлишининг *бошқа* типи ҳам бор,

бунда ўсимликнинг озикланиш шароитидан қатъи назар.ҳосил шохидা фақат биттагина бўғим оралиғи бўлади. Бундай типдаги ҳосил шохи **чекланган ҳосил шохи дейилади**.

Чекланган типдаги ҳосил шохи фақат битта бўғим оралигидан иборат, шу билан бирга, у ҳамма вақт калта бўлганлигидан, бундай ғўзанинг шохлари гуж бўлиб ўсади

Ҳосил шохининг бу хилда чекланган бўлишига сабаб шуки, биринчи ягона бўғим оралиғи охирига жойлашган барг қўлтигидаги куртак гулкуртакка айланади ва ўсишдан тўхтайди. Мана шу барг қўлтигидаги бошқа битта ёки иккита куртак ҳам қулай шароит вужудга келиши билан кўкара бошлаб гул органига айланади. Шундай килиб қулай шароитда чекланган типдаги ҳосил шохининг учидаги ҳам кейинчалик кўсакка айланиси мумкин бўлган 2—3 та, баъзан 4 та ва ундан ҳам кўпроқ гул пайдо бўлади. Шунинг учун бундай типдаги ғўза туплари баъзан **шингилсизон деб ҳам аталади**.

Ҳозирга қадар экиб келинаётган ғўзаларнинг ҳаммасида ҳам ҳосил шохи чекланмаган типдадир. Ҳосил шохи чекланган типдаги ғўзаларни экишга уриниб кўрилди, лекин у ўзини оқлай олмади,

Шохлари чекланмаган ва чекланган типдаги ғўзалардан бошқа яна шундай ғўза формалари борки, буларда ҳосил шохи мутлақо пайдо бўлмайди, гуллари асосий поядаги барг қўлтифида битта ёки иккитадан, баъзан бундан кўпроқ бўлиб жойлашади. Бундай ғўза туплари чекланган тип ғўзалар каби жуда гуж ўсади.

Ҳосил шохи чиқармайдиган ғўза формаларини кўпинча «ноль» типдаги ғўзалар деб аталади.

Ҳосил шохи чекланмаган ғўза типлари бўғим оралигининг узунлигига қараб 4 та кенжа типга бўлинади:

I кенжа тип — бўғим ораси тахминан 3—5 см гача бўлган киска бўғим оралиқли ғўзалар;

II кенжа тип — бўғим ораси тахминан 6—10 см гача. бўлган ўртача бўғим оралиқли ғўзалар;

III кенжа тип — бўғим ораси тахминан 15 см гача бўлган узун бўғим оралиқли ғўза;

IV кенжа тип — бўғим ораси тахминан 20—25 см гача бўлган ўта узун бўғим оралиқли ғўза

IV кенжа типга оид ғўза формалари одатда, ингичка толали ғўза навларида учрайди. Мана шу асосий тўртта кенжа типдаги ғўзалардан ташқари, оралиқ типдаги ғўзалар ҳам бўлади. Бундан ташқари 4 та кенжа типнинг ҳар бирида шундай ғўза формалари ҳам борки, улардаги ҳар бир ҳосил шохидаги бўғим оралиғи узунлиги турлича бўлади. Масалан, дастлабки 2 та бўғим оралиғи кейингиларидан бирмунча узунроқ бўлади.

Ғўзанинг юқорида кўрсатиб ўтилган шохлаш схемасида ҳар хил ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ҳосил шох чиқариш хусусияти ғўза навларида бир хилда бўлмай, ҳосил шохи чекланган типдаги ғўзаларда кўпроқ учрайди.

Қўшимча ўсув шохи одатда асосий ўсув шохи ёнидан, қўшимча ҳосил шохи эса асосий ҳосил шохи ёнидан ўсиб чиқади. Лекин ўсимликка озиқ моддалар ҳаддан ташқари қўп берилганда, у говлаб кетиб, қўшимча шох баъзи бир пастки асосий ҳосил шох ёнидан ҳам чиқиши мумкин.

Баъзан қўшимча куртакдан қўшимча ҳосил шох ўрнига гул чиқади. Бу хилдаги гул чиқариш ҳосил шохи чекланган типдаги ғўза формаларига хос хусусиятдир. Бандсиз гуллардан тузилган ва қўшимча ҳосил шохларда пайдо бўлган кўсаклар ўсув даври охиригача етилиб улгурса, пахта ҳосили анча ошади.

Асосий поянинг уни тасодифан шикастланганда ёки атайлаб чеканка қилинганда ғўзанинг шохлашида ўзига хос ўзгаришлар юз беради, чунки бу ўсимликдаги озиқ моддаларнинг қайта тақсимланишига сабаб бўлади.

Ғўзанинг шундай формалари борки, дастлабки ҳосил шохи пайдо бўлгунча ундан жуда кўп — 15 тадан 40 тагача ва янада кўпроқ ўсув шохлар чиқади. Лекин ўсув шохи мутлақо чиқмайдиган ёки дастлабки ҳосил шохчага нисбатан ўсув шохи жуда кам (1 — 3 тагача) бўладиган ғўза формалари ҳам бор. Ғўзанинг бундай шохланишини **симподиал шохланиш** дейилади. Шохланиш жихатдан моноподиаль шохланиш билан симподиаль шохланиш ўртасида турадиган **оралиқ ғўза формалари** ҳам учрайди. Бундай оралиқ формадаги ғўзаларнинг моноподиаль ёки симподиаль шохланишга якинлашиш даражаси хар хил бўлиш мумкин .

Ҳосил шохи асосий поянинг юқорисида жойлашадиган, яни жуда кеч пайдо бўладиган типик моноподиал ғўза формалари дараҳтсизон ғўзаларга ҳосдир ва улар жуда кеч гуллайди. Бу хилдаги ғўзалар факат совуқ бўлмайдиган тропик зоналардагина пишиб улгуриши мумкин.

Дастлабки ҳосил шохининг жойланиш баландлиги амалий жиҳатдан ғўзанинг тезпишарлигини кўрсатувчи муҳим белгилардан хисобланиб, ўсув даври қисқароқ бўлган жойларда айниқса, унинг аҳамияти катта бўлади. Дастлабки ҳосил шохининг жойланиш баландлиги у ёки бу тур ва навнинг ирсий белгиси бўлиши билан бирга, ташқи муҳит шароитининг, жумладан, агротехникавий тадбирлар натижасида ўзгариши мумкин. Дастлабки ҳосил шохи қанчалик пастда бўлса, у шунчалик эрта гуллайди, бинобарин, кўсакла шунчалик эрта етилиб, кузги қора совуқ тушгунгача ҳосилнинг асосий қисми пишиб улгуради.

Ғўза барги шапалоги, барг банди ва барг банди асосида жойлашган иккита ёнбаргчадан иборат.

Барг шапалоги ғўзанинг формасига ва турига ҳамда у ўсимликнинг қаерида жойлашганлигига қараб бутун ёки кертикли (ўйиқ) ли бўлиши мумкин.

Барг шапалоги одатда, 3, 5, 7 та кертикли бўлганли-гидан барглар симметрик шаклда кўринади. Баъзан битта ўсимликнинг ўзида жуфт сонли 2, 4, 6, 8 кертикли, яъии носимметрик барглар ҳам учрайди.

Ғўза барги бутун ёки кертикли бўлишидан қатъи назар умуман, юраксимон бўлади.

Ғўзанинг ҳар бир тупидаги барг шапалоқлари ҳам ҳар хил катталиқда: масалан, тупнинг пастки қисмидаги барглар йирикроқ, юқори қисмидагилари эса майдароқ бўлади. Шунингдек ҳосил шохидаги **барглар усув** шохларидагидан майдароқ, кертиклари эса кенгроқ бўлади.

Барг бандининг юқори қисмидан — нерв тугунчasi деб аталувчи жойидан барг шапалогининг ҳар бир кертигига асосий томир ўтади, мана шу асосий томирдан иккинчи, учинчи ва ҳоказо тартибдаги жуда майда тармоқ томирлар чиқади.

Ғұза турига қараб баргнинг орқа томонида бирорта марказий томирида 3 та, баъзан 5 та асосий томирларида биттадан ҳар хил катталиқда ва шаклдаги **нектарник** (**ширадон**) бўлади.

Кўнчилик ғўза формаларида барглар яшил тусда бўлиб, оч яшил ёки тўқ яшил рангда. Лекин қизғиши баргли ғўзалар ҳам учрайди. Шу рангларнинг ҳаммаси битта турга мансуб ҳар хил ғўза формаларида бўлиши мумкин. Жумладан, ўрта толали нав ғўзаларда барг кўпинча оч яшил тусда бўлади, лекин улар орасида барги у ёки бу даражада тўқ яшил ва қизғиши тусдаги ғўза формалари ҳам учрайди.

Барча турдаги ғўзаларнинг барги туклар билан қопланган, шу билан бирга баргнинг орқа томони олд томонига нисбатан сертуқ, устки томони эса кўпинча деярли туксиз бўлади.

Барг чиқариш ва яшил тусга кириш процессида унда оғизчалар шаклана бошлайди, деярли барча ғўза формаларида баргнинг орқа томонидаги оғизчалар устки томонидагилардан тахминан 2 марта кўп бўлади. Масалан, айрим тадқиқотчиларнинг кузатишларига қараганда ғўза навларида: устки томондаги баргнинг хар 1 mm^2 сатҳида 115—128 та, орка томонидаги баргда эса 245—250 та оғизча бўлади.

Барг банди тубида 2- тадан ўсиб чиқадиган ёнбаргча бўлади.

Кузатишлардан аниқланишича, ёнбаргча ғўзанинг нормал ўсиб ривожланишида иштирок этади. Барча ёнбаргчани юлиб ташлаш ўсимликнинг бўйига ўсишини, кўсакларнинг йириклигини ва ҳосилнинг кескин камайишига олиб келади.

Тезпишар нав ғўзалар барги кечпишар нав ғўзалардагига қараганда анча кам бўлади.

Бир туп ўсимлиқдаги барг сатҳининг йигиндиси август ойида тахмипан 2,5—6,4 минг cm^2 га, ингичка толали ғўзасининг ҳосил шохи чекланмаган типдаги навларида эса тахминан 5,1—9,0 минг cm^2 га teng бўлган. Ҳосил шохи чекланган типдаги ғўза иавларида ва гуллари бевосита асосий пояга жойлашган (ноль типдаги) ғўзаларда бир тупдаги барглар сатҳининг йиғиндиси ҳосил шохи чекланмаган ғўзалардагига. қараганда анча кам бўлди.

Ғўза гули икки жинсли, ташқи томонига 3 та йирик шонабарг, кейин унчалик катта бўлмаган гулкоса, гулкосанинг ичида гултож; гултож ичида чангчи устунчаси бўлиб, чангчи устунчининг туби гултожбарглар туби билан туташган; гулнинг қок ўртасида уруғчи жойлашади. Уруғчи оналик тугунчадан, оналик почасидан ва тумшуқчадан иборат: тугунча гултож билан чангчи устунчаси тагига, поча чангчи иплари найчаси ичига жойлашган, тумшуқча эса чангчи найчасидан ташқарига чиқиб туради. Гулнинг юқорида кўрсатиб ўтилган қисмларидан ташқари алоҳида безчаси — нектарниги бўлади.-

Гулбанди ғўзанинг тур ва навига қараб 1—10 см гача узунликда бўлади. Ўртача толали совет ғўзаси нав-ларида гулбапд ўртача (3—4 см), ингичка толали ғўзаларида бундан кўра узунроқ, айниқса ҳосил шох чиқармайдиган («ноль» типдаги) навларда гулбанди янада узунрок бўлади.

Шонабарг ғўза формаларига қараб ҳар хил катталиқда, ост томони ўзаро бир-бири билан туташмаган ёхуд у ёки бу даражада туташган бўлади.

Шонабарг яшил ва қизғиши тусда бўлади. У муҳофаза вазифасини бажариши билан бирга, шона ва гулларнинг ҳамда кўсакларнинг озиқланишида иштирок этади. Шонабарг барча маданий тур ғўзаларда гуллашдан кейин тушиб кетмайди.

Кўсак етилиши билан шонабарг ҳам қурийди ва жуда мўрт бўлиб қолади, бу эса пахтани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Гулкоса 5 та косабаргнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, екага ўхшаб кетади ва гултожлар тагини ташқи томондан ўраб олади. Гулкосанинг ранги ғўза формаларига қараб, оч яшил ёки Қизғиши тусда бўлади. Унинг сирти кўплаб қорамтири нуқта — безчалар бнлан қопланган. Гулкосанинг вазифаси шира чиқаришдан ва маълум даражада ассимиляция қилишдан иборат. Гуллашдан кейин у тушиб кетмайди.

Гултож очилган ғўза гулида воронкасимон кўринишда бўлади. Гултож асосига бргрлаштан 5 гулбаргдан иборат.

Гулбаргларнинг чети спираль шаклида буралиб, бир-бирининг орасига кириб туради. Лекин гулбаргларнинг бу хилда бўлиши ғўза формаларига қараб турлича бўлади. Масалан, ингичка толали ғўзаларининг гулбарглари ўрта толали ғўзалариникига қараганда бир-бирини кўпроқ қоплаб туради. Бу ҳол гулнинг очилиш даражасига таъсир этади, шунинг учун ҳам ингичка толали ғўзасининг гултож воронкаси ўртacha толали ғўзасиникига нисбатан кичик бўлади (19—20-расмлар). Гултож баргларнинг ранги ғўза формаларига қараб оқ, сарғиши оқ, оч сариқ, тўқ сариқ, пушти, қизил бўлади. Масалан, мамлакатимизда экиладиган ўртacha толали ғўза навларининг ҳаммасида гултож барглар сарғиши оқ тусда, ингичка толали ғўзаларида эса оч сариқ (лимон) рангда бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, у ёки бу формага оид ғўзанинг гултож баргига хос тус очилган кундагина пайдо бўлади. Гуллаб бўлгандан кейин унинг ранги ўзгарида.

Чанг доначалари йирик ва думалоқ бўлиб, унинг сиртида тиқанчалари бор, бу гулга қўнган ҳашарот танасига осонгина илашиб қолишига ва чангланиш пайтида оналик тумшуқчасида яхши ушланиб қолишига имкон беради. Чанг доначалари мана шу тиқанчалари билан маҳкам ўрнашиб олганлигидан оғир бўлиб, шамол уни деярли учирив кета олмайди.

Ғўзанинг уругчиси (оналик), одатда, 3, 4 ва 5 уяли тугунчадан, айрим ҳоллардагина 2 ёки 6—7 уяли ва ундан ҳам кўпроқ уялардан иборат.

Ҳар бир уядга маданий ғўзаларда одатда, 6—11 та, ёввойи формаларида эса 2—3 тадан 9—11 тагача уругкуртак бўлади.

Тумшуқча сирти чангни ушлаб қолишига хизмат қиладигап жуда кўп сўргичлар билан қопланган. Бу сўргичлар чангнинг ушланиб қолиши ва ўсишига ёрдам берадиган елимсимон модда чиқаради.

Нектарник ўзидан шира чиқариб туриш учун хизмат қилади. Мана шу шира гулга кўплаб ҳашаротлар, шу жумладан, асал ариларни жалб қилади. Ғўза гули нектарниги: гул ичидаги нектарник ва гулдан ташқаридаги нектарникка бўлинади. Гулдан ташқаридаги нектарниги ҳам ўз навбатида иккига: ички ва ташқи нектарникка бўлинади. Гул ичидаги нектарниги гулкоса тубида ичкари томондан яхлит халқа шаклида жойлашади. Гулдан ташқаридаги ички нектарник 3 та бўлиб, гул ўрнашган жойда гулкоса тубининг ташқи томонидаги шонабаргларнинг чети орасига биттадан жойлашади. Гулдан ташқариги нектарник 3 та бўлиб, гул ўрнашган жойдаги ҳар бир шона-барг тубининг ташки томонига биттадан жойлашади.

Ғўза асалдор ўсимлик, бинобарин, ундаги деярли барча ширани гул нектарниги беради, барг нектарниgidan эса шира жуда кам чиқади. Шунга қарамасдан асаларилар

гулдан ташқариги ва барг нектарниклариға күпроқ келади, чунки булар асаларилар учун анча қулайдыр.

Ғўза турига ва навига қараб ўзидан ҳар хил миқдорда нектар ажратади. Масалан, ингичка толали ғўза навлари ўртача толали ғўзаларга қараганда нектарни бир-мунча кўп ажратади.

Гулдан нектар (шира) гул очилиш вақтида чиқади, шу-билин бирга гулдан ташқариги нектарниклардан эса гуллашдан кейин, яъни кўсаклар шаклланаётганда ҳам чиқаверади.

Ғўза гулининг то очилгунгача бўлган ҳолати шонадейилади. Шона четлари

ўзаро бирикиб кетган шонабаргдан - ташкил топади. Шонанинг шаклланишидан то очилишга қадар 25—30 кун ўтади. Ўрта Осиёнинг сугориладиган ерларида ўртача толали ғўза навларида дастлабки шона одатда, майнинг охири ёки июннинг бошларида пайдо бўлади. Гуллаши эса чигит экиш муддатига, экилган нав хусусиятига ва об-ҳаво шароитига қараб Ўрта Осиёнинг жанубий районларида одатда, июннинг ўрталарида, шимолий районларда июннинг охири, июннинг бошланади.

Ҳар бир тупдаги шоналар пастдан юқорига қараб шохма-шох, ҳар бир шохда эса унинг тубидан учига караб очилади. Ҳар тупдаги ғўзада гулнинг кетма-кет очилиши (шунингдек, шоналарнинг пайдо бўлиши)да маълум қонуният борлигини Г. С. Зайцев жаҳон фанида биринчи бўлиб аниқлади. Масалан, Ўрта Осиёда ўстириладиган ғўза навларида одатда ҳар тупдаги биринчи ҳосил шох дастлабки бўғим шонаси очилишидан иккинчи ҳосил шохнинг биринчи шонаси очилгунча, бу шонанинг очилишидан учинчи ҳосил шохнинг биринчи бўғим шонаси очилгунча 2—3 кун ўтади. Ҳосил шохи чекланмаган типдаги ғўзанинг ҳар бир шохидаги дастлабки шона билан шу шохнинг иккинчи, сўнгра учинчи, тўртинчи ва ҳоказо шоналари ир 2—3 кунда гуллашига қисқа на ватли гуллашига уллаш; ҳар бир ҳосил шохдаги шоналарнинг 5—7 кун оралатиб кетма-кет гуллашига узок навбатли гуллаш дейилади.

Гуллаш схемасига кўра, ҳар тупдаги барча ҳосил шохларнинг ҳар бири 3 та шохдан иборат ярусларга бўлинади. Агар ғўзада қисқа навбатли гуллаш 2 кунга, узоқ навбатли гуллаш 6 кунга тенг деб фараз қилсак, узоқ навбатли гуллаш билан қисқа навбатли гуллаш ўртасидаги I нисбат 3 га (6:2 қ 3) баравар бўлади, бунда ҳар бир туп ғўзанинг гуллаш схемаси 20-расмда кўрсатилганидек бўлади.

Шундай қилиб, ғўзада ҳосил шохлардаги биринчи бўғим шонаси пастдан юқорига қараб олдинма-кетин очилиши билан бирга, олдинги яруслардаги тегишли ҳосил шохларнинг учки томонидаги шонаси ҳам очила беради.

Ғўзани биринчи гуллаш конуси биринчи ярус шохларнинг биринчи бўғим, гулларидан; иккинчи конус — иккинчи ярус шохларнинг биринчи бўғим гулларидан; учинчи конус — учинчи ярус шохларнинг биринчи бўғим, иккинчи ярус шохларнинг иккинчи бўғим ва биринчи ярус шохларнинг учинчи бўғим гулларидан пайдо бўлади ва ҳоказо. Шундай қилиб, гуллаш схемасининг юқорида кўрсатилган йўл билан узоқ навбатли гуллашнинг киска навбатли гуллашга нисбати 3 га тенг бўлганлигидан, ҳар бир гуллаш конуси битта узоқ навбатли гуллаш даврида, яънқ 6 кун ичida вужудга келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган гуллаш схемасига асосан, гуллаш конусининг қанча бўлишидан катъи назар ҳар туп ғўзадаги гул соннин назарпий жпҳатдан осонпша аниглаш мумкин. Масалан, гуллаш конуси 5 та бўлганда, тупдаги гул сони қуйидагича бўлади:

биринчи конусда 3 та гул, қккинчи конусда 6 та, учинчи конусда 9 та, түртинчи конусда 12 та, бешинчи конусда 15 та — жами 45 та гул бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир кейинги конус ўзидан олдинги конусдагидан 3 та гул кўп беради. Лекин ҳақиқатда ҳар хил конусдаги гул, айниқса шохнинг учига томон жойлашган гул сони кўпинча назарий жиҳатдагидан кам бўлади. Бунга биринчидан, пастки ҳосил шохлар асосий поя-а, шунингдек, тупдаги бошқа шохларга нисбатан номутаносиб равишда ривожланиши, иккинчидан эса шона очилишдан олдин тўкилиб кетиши сабаб бўлиши мумкин.

Ғўзанинг юқорида кўрсатиб ўтилган умумий гуллаш схемасидан ташқари, бошқача типдаги гуллаш схемаси, масалан, қисқа навбатли гуллаш 2 кунда бўлгани ҳолда, узоқ навбатли гуллаш 6 кунда эмас, балки 5 кунда, яъни узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга нис-бати 3 га эмас, балки 2,5 га тенг бўладиган типдаги гуллаш схемаси ҳам бўлиши мумкин. Бунда ғўза тупида очилган гул (шона)ларнинг пайдо бўлиши биринчи тип-даги гуллаш схемасига эга бўлган ўсимликлардагига қараганда тезроқ кечади. Бу амалий жиҳатдан жуда муҳимdir (21-расм).

Навбатли гуллашнинг давомийлигига айниқса ҳаво температураси, ўсимликнинг сув ва озиқ моддалар билан қай даражада таъминланганлиги ҳам таъсир этади. Бу шароитлар қанчалик қулай бўлса, ўсимлик шунчалик қис-қа вақт ичидаги гуллаб бўлади, шу билан бирга гуллаш су-ратқ ва гул тўпланиши тезлашади.

Ўсув даври охирида, ҳаво температураси пасайган сари Қисқа навбатли ва узоқ навбатли гуллаш суръати узоққа чўзилаверади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган икки типдаги гуллаш схемаси ҳосил шохи чекланмаган ғўзаларга тегишлидир. Ҳосил шохи чекланган типдаги ғўзаларда гуллаш схемаси бутунлай бошқачадир.

Битта бўғим оралиғи (тирсак) дан иборат бўлган чек-ланган типдаги ҳосил шох учидаги 1—3 та (баъзан 4—5 та) гача очиладиган шона бўлади. Чекланган типдаги ҳосил

шохнинг мана шу хусусияти туфайли бу хилдаги ғўза-ларнинг гули ўзига хос тартиб билан очилади. Ҳосил шохи чекланган ғўзалар учидаги шохларнинг бирин-кетин очилиши ўртасида тахминан 2 кун ўтади. Ҳосил шохи чек-ланган тип ғўзаларда қисқа навбатли гуллаш, яъни гул-ларнинг шохма-шох очилиши ўртасида ҳам тахминан 2 кун ўтади.

Шундай қилиб, ҳосил шохи чекланган ғўзаларда узоқ навбатли гуллаш амалда бўлмайди, «узоқ навбатли гуллаш» сўзи бу типдаги ғўзаларга нисбатан факат шартли равишида айтилиши мумкин.

Бинобарин, бу ғўзаларда шона ва гулларнинг умумий сони ҳосил шохи чекланмаган ғўзалардагига қараганда камроқ бўлса ҳам, гуллаш суръати ҳосил шохи чекланмаган Ғўзаларнига нисбатан жуда тездир.

Ғўзадаги ҳар бир гулнинг очилишида ҳам ўзига хос хусусият бор. Ғўза гули ёзда эрталаб очилади, масалан, июлда кечаси ҳаво температураси кай даражада бўлиши-га қараб, эрталаб соат 7—9 да, баъзан бундан ҳам эртароқ 6—7 ларда очилади. Кечаси ҳаво қанчалик илиқ бўлса, гул эрталаб шунчалик барвақт очилади. Кузда, ҳа-во совий бошлаши билан гулнинг очилиши кун ўртасига сурила боради; ўсув даврининг охирида эса гул ҳатто куи ярмида ва бундан ҳам кечроқ очилади.

Ғўза гули ёзда атиги бир кун очилиб туради. Эрталаб очилган гул ўша куни кечқурун ёки иккинчи куни сўлий бошлайди, бунда гултожнинг тузи ўзгаради, масалан, ўртача толали совет ғўза навларида оқиш сариқ гул пушти рангга, сўнгра бинафша ранг тусга киради. Гултож барглар тусининг бу хилда ўзгариши хужайраларда хи-миявий реакцияларнинг ўзгариши ва эпидермс хужайрада антоқиан модда пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Гултож баргларнинг ранги ўзгариши билан бирга у сўлиб, ўрала бошлайди. Шундан кейин у ҳимарилиб, аста-секин қурийди ва 2—3 кун ўтгач, тушиб кетади.

Кўнчилик ғўза формаларида гул очилгандан кейин одатда тезда чангдон ёрилиб, чангланиш содир бўлади. Лекин ғўзанинг баъзи бир формаларида, масалан, ингичка толали совет ғўза навларининг кўнчилигига, шунинг-дек, ўртача толали совет ғўза навларининг айримларида чангдон гул очилишидан олдин ёрилади.

Чангдон ёрила бошлагандан кейин (тахминан 2—3 со-ат ичидаги) гул чанги тезда тўла етилади, бунда тумшуқча гул чангини олишга тайёр ҳолда бўлади.

Гул чанги доначалари тумшуқчага тушиши билан тезда ўсиб, найча (трубка) ҳосил қиласи; бу найча тумшуқча почасининг ўтказувчи тўкимасига кириб, иккинчи куни эрталаб тугунчанинг уругкуртагига бориб етади ва уни уурлайди.

Ғўза асосан ўзидан чангланадиган ўсимлик, лекин баъзан четдан чангланиш ҳоллари ҳам учраши мумкин.

Ғўзанинг табиий ҳолда четдан чангланиш ҳоллари унчалик кўп рўй бермаса ҳам, лекин нисбатан кенг миқёсда — 1,5% дан 65—80% атрофида ўзгариб туради.

Уруғланишда ўсимликнинг танлаш қобилияти, ўсимлик турқ, навп, шунингдек, ундаги гул тузилишнинг биологик хусусияти, ташқи муҳит шароити ва бошқалар четдан чапгланишнинг кўп ёки оз бўлишига сабаб бўладиган муҳим факторлардан ҳисобланади. Четдан чангланишда шамолнинг бевосита таъсири жуда оздир.

Махсус кузатишлар натижасида шу нарса ашнутангап-ки, бир навга хос ўсимликнинг тумшуқласига шу гулнинг ўзидан тушган гул чанги бошқа ўсимлик гулидан тушган гул чангига қараганда секинроқ ўсади. Демак, бу хилда таилаш бир навга хос ўсимликларнинг уруғланишида бир навга мансуб ўсимликларнинг бир-бири билан ўзаро уруғланиши учун қулай шароит яратади.

Ғўзанинг узоқ вақт ўзидан чангланавериши ўсимлик-ка салбий таъсир этади, бунда ўсимлик айний бошлайди, унинг ҳаёт фаолияти сусайиб, ҳосилдорлиги пасайиб ке-тади. Ғўзанинг ҳаётчанлигини сақлаб туриш ва ҳосилдор-лигини ошириш учун вақт-вақти билан уни ўзаро чанг-лаш ва урглантириб туриш керак. Бунга паҳтачиликни асаларичилик билан бирга ривожлантириш йўли билан эришиш мумкин.

Ғўза ўсимлигининг энг муҳим органи бу кўсаги, унинг ичидаги чигити ва толасидир. Бир гектар даладаги ўсимлик ва ундаги кусаклар сонининг кам ёки кўп бўлиши ҳосил салмоғини белгилайди. Энг қимматли ва юқори сифатли ҳосилни берадиган кўсаклар асосан июн ва июл ойларида ривожланади.

Кўсак ичи тўсиқлар билан хоналарга, бу хоналар ташқи томонидан чаноқ билан қопланган. Кўсак очилгунча унинг чаноқлари бир-бири билан ўзаро туташган бўлиб, яхлит ғўза пўчоғини ташкил этади. Кўсак ичини хоналарга бўлиб турган тўсиқлар ғўза пўчоғнинг бир қисми бўлиб, ҳар қайси тўсиқда қиличсизон чизик бор, бу чизиклар бир-бирлари билан

кўсак марказида бирлашади. Шу билан бирга ҳар бир чаноқ икки қўшни хонанинг ярмини қоплаб олиб, бир йўла уларни тўсиқлар билан ажратиб туради.

Гул тугунчаси, яъни чаноқлар сони хоналар сонига мос келади,- одатда кўсак 3-4 ёки 5 чаноқли бўлади.

Кўсакнинг 3-4 чаноқли бўлиши ингичка толали ғўза навлари ва Хинди-Хитой ғўзалари учун характерлидир. 5 чаноқли кўсаклар камдан-кам учрайди. Кўсакнинг 4-5 чаноқли бўлиши ўрта толали ва жайдари турга мансуб ғўзалар учун хос хусусиятлардир, бу турдагиларда 3 чаноқлилар ҳам учраб туради.

Бештадан кўп ёки учтадан кам чаноқли кўсаклардан ташкил топган ғўзалар камдан-кам учрайди. Кўп чаноқли кўсаклар нуқсонли кусаклар қаторига киритилади. 2-3 чаноқли кўсаклар учраса ҳам нормал ривожланган, нуқсонли кўсаклар қаторига киритилади. Бундай кўсаклар одатда чириб пахта сифатини бузади.

Кўсакбанд гулбанд каби 1 см дан 10 см гача, баъзан эса бундан ҳам узунроқ бўлади. Ўрта толали ғўза навларида кўсак бандининг узунлиги ўрта ҳисобида 3-5 см келади.

Тўла шаклланган, лекин ҳали очилмаган кўсакларнинг шакли ғўза турига ва навига қараб тухумсимон, учи турли даражада чўзиқ-тухумсимон, думалоқ-овалсимон, шарсимон ва шарсимон анжирсимон бўлиши мумкин.

Кўсакнинг диаметри ҳам ғўза формаларига қараб турли катталикларда, м; 1 см дан кичик ва 5-6 см гача, ҳатто 7 см гача бўлиши мумкин. Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг оғирлиги ёввойи ғўза навларида 0,25-1,1 г гача, маданий навларида 10-12 г ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Майда кўсаклар жайдари тур ғўзаларига хосдир.

Табиатан энг йирик кўсакли ғўзалар ўрта толали ғўза навларидир-7-8 г. гача бўлади. Ингичка толали ғўза навлари кўсаги бирмунча майда- 2,8-4 г. гача бўлади. Кўсакнинг йириклиги ғўза тури ва навларининг ирсий хусусиятларидан ташқари ташқи муҳит жумладан, агротехник шароитига ҳамда кўсак ўсимликнинг қаерида жойлашганлигига қараб ўзгаради. Одатда энг пастда жойлашган 1-2 ҳосил шоҳдаги кусаклар энг юқоридаги бир неча ҳосил шоҳдаги ҳамда энг сўнгги бўғимдаги кўсакларга қараганда кичик бўлади.

Кўсак етилгунча ғўза турига қараб унинг сирти силлиқ, сал чўтири, ғадир будур, деярли буришган, баъзан сўгалли бўлиши мумкин.

Кўсак сиртида қорамтири нуқталар-безчалар одатда яхши кўриниб туради. Кўсак тумшуғидан таг томонга қараб ўтган «чок» деб аталадиган бўй чизиқлар ёки эгатлар бўлади. Кўсак етилганда у ана шу чокидан ёрилиб очилади. Ғўзанинг айрим навида кўсак тумшуқ тепасида 3.4.5 бурчакли, юлдузчасимон, қисқа эгатчалар бўлади.

Етилмаган кўсакнинг тузи ғўза турига ва навига қараб яшил, оч яшилдан тўқ яшилгача ҳамда пушти ёки қизил рангда бўлиб товланади. Шунингдек кўсакнинг бир ёни-куёшга қараган томони қизифи, иккинчи томони яшил бўладиган ғўза формалари ҳам бор.

Кўсакни чаноқларга бўладиган тўсиқлар бориб туташадиган марказини марказий чигитбанд дейилади, чунки кўсакдаги барча уруғ чигитларнинг банди шу ерда бўлади. Кўсакнинг ҳар бир чаноғидан 5-10 тадан чигит ривожланади, булар тўсиқнинг ҳар иккала томонида икки қатор жойлашиб, банди тўсиқ чети орқали кўсак марказига келади. Демак ҳар бир кусакда ундаги чаноқ сонига қараб ўртacha 25-50 тагача чигит бўлиши мумкин.

Кўсакларнинг ривожланиши оналиқ тугунчаси уруғланган, яъни гул очилган кундан бошлаб кўсак етилгунча, яъни чоғидан ёрила бошлигунча ўрта толали ғўза навларида 50-60

кун, ингичка толали ғўза навдларида эса янада кўпроқ вақт ўтади. Кўсак ривожланишининг давомийлиги ғўза тури ёки навининг тезпишарлигига, об-ҳаво шароитига ва қўлланилган агротехникага қараб у ёки бу томонга ўзгаради. Ғўза тупида кечроқ пайдо бўлган кўсакларнинг ривожланиши даврида 70-80 кунгача давом этиши мумкин.

Ҳар бир туп ғўзада шона пайдо бўлишида ва гул очилишида маълум тартиб бўлганидан етилган кўсакнинг очилиши ҳам худди шу тартибда, яъни қисқа ва узоқ навбатни ҳамда гуллаш конусдаги каби рўй беради.

Ўрта Осиёнинг сугориладиган дехқончилик ерларда кўсаклар август ойининг ўрталаридан сентябрнинг биринчи ўн кунлигигача бўлган давр ичida очила бошлайди, лекин бу жойнинг географик кенглигигача, навнинг тезпишарлигига, ғўза навларига ва об-ҳаво шароитига қараб ўзгаради.

Ғўза кузги қора совуқ тушгунча гуллашда давом этади, шунинг учун кўсакларнинг ҳаммаси ҳам пишишига улгурмайди, Ўрта Осиё шароитида одатда дастлабки 3-4, баъзан 5 - конусдаги кусаклар пишади. Совуқ урган кўсаклар кун исиши билан қуриб очилади.

Бизнинг шароитда ўсимлиқдаги шона ва кўсаклар баъзи ноқулай шароитда тўкилиб кетади. Кўсакча ва шоналарнинг 10 кунга тўлмаганлари, асосан 5-7 кунлик бўлганлари қўп тўкилади. 10 кунликкача бўлган кўсакчаларни тугунча дейилади. Ғўзанинг ўсиши шароити ноқулай бўлса, ўрта толали ғўзаларда 60-70 %, ингичка толалиларда эса тахминан 2 марта кам тўкилади.

Ҳосил органларининг тўкилишига тупроқда нам ва озуқа углеводларининг етишмаслиги, азотнинг ортиқчалиги. ёруғик камлиги каби ташқи муҳитлар асосий сабабчи бўлади.

Чигит- тўла шаклланган ва етилган чигит тухумсимон ёки нотўғри ноксимон кўринишда бўлади. Ғўза формаларига қараб чигит узунчоқ-, бироз узунчоқ, деярли думалоқ бўлиши мумкин. Чигит муртакдан ва уни ўраб олган иккита қобиқ (пуст) дан иборат. Ички пардасимон, ташқи пўсти ёғочланиб, қаттиқлашган бўлади, буни пўчоқ дейилади.

Чигит пўчоғининг сирти туклар билан қопланган. Баъзи бир ғўзаларда фақат узун туклар, бошқасида эса ҳам узун, ҳам қисқа туклар бўлади. Узун туклар тола, калтаси эса чигит туки ёки момиқ (линтер) дейилади.

Чигитнинг кенг томони халаза, ингичка томони эса микропиль деб аталади. Микропиль деб аталишига сабаб шуки, чигит учининг биқинида (ниш томонида) тешикча-микропиль бўлади, уруғланиш вақтида чанг найи шу микропил оркали уруғкуртак ичига киради. Микропилнинг охири, одатда ўткир тумшуқча билан тугалланади. Бу ёғочланган уруғбанддир.

Чигитнинг тузилиши:

- 1) чигит туки,
- 2) чигитнинг ташқи қаттиқ қобиғи,
- 3) ички пардасимон пусти,
- 4) муртак (мағиз),
- 5) уруғбанд қолдиғидан иборат.

Чигитнинг йириклиги ғўзанинг тур ва навига ҳамда ўсиш шароитига қараб турлича бўлади. Масалан: ўрта толали ва ингичка толали ғўза навларининг чигити жайдари ва Ҳинди-Хитой ғўзаларига нисбатан бирмунча йирик ва узунроқ бўлади.

Чигитнинг узунлиги 5 мм дан 14 мм гача бўлади.

Чигитнинг оғирлиги ёки унинг массаси жуда мухим кўрсатгич бўлиб, у асосан иириклигига ҳамда муртак ҳажмига ва тўқлилига қараб турлича бўлади. Бир дона чигит массаси 50-200 мг гача, баъзан ундан ҳам оғирроқ бўлади. Ўрта толали ғўза навларининг чигити 90-160 мг, ингичка толали ғўза навлариники эса 120-150 мг гача бўлади.

Пахтачилик амалиётида чигитнинг массаси 1000 дона чигит массаси ҳисобида ифодаланади. Чигит массаси нафақат турли шароитга, балки ғўза тупининг қаерда жойлашганлигига қараб ҳам турли оғирликда бўлади.

Чигит муртаги иккит уруғпалладан ва ўсимликнинг асосий бошланғич органлардан иборат. Асосий органлар бошланғич учки ўсиш куртагидан иборат бўлиб, бундан поянинг уруғбарг остки ҳамда пастки қисми ташкил топади: уруғбаргнинг остки қисми уни тупроқ ичидан ташқарига олиб чиқади. Учки ўсиш куртак юқорисида илдиз ғилофчаси бўлган муртак илдизча ҳам шаклландаи. Муртак илдизчадан асосий ўқилдиз ўсиб чиқади. Уруғбарг сатҳида ва унинг остида қорамтири майдан нуқталарга ўхшаш барглар бўлиб, унда мойсимон заҳарли модда госсипол бор.

Чигит тупроғмдаги мой чигит массасининг 20-25 % изини ташкил қиласди. Муртакдаги мой муртак массасининг 40% ини ташкил этади. Умуман чигитдаги мой микдори ғўзанинг тури ва навига қараб 18 дан 23 % гача ўзгариб туради.


Чигит қобиғи ташки эпидермисининг актив ҳужайраларидан пахта толаси ва туклари ҳосил бўлади. Чигитда толанинг умумий микдори ғўза тури, нави, парвариш қилиш шароитига боғлиқ ҳолда 10-15 мингта ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Ҳар бир тола ҳужайранинг бўйига кучли чўзилишидан ҳосил бўлиб, бошқа ўсимлик ҳужайралари каби ичидан ядроши, ҳужайра шираси, протоплазмаси ва бошқа органоидлари бўлади. Тола деворчаси (қобиғи) цељлюлоза (клетчатка) қаватларидан иборат бўлиб, ташки томондан кутикула қавати билан қопланган. Бу кутикула қавати кутин аралашган клетчаткадан иборат.

Чигитнинг тола остидаги туки ҳам бир ҳужайрали бўлиб, у толага қараганда яхши ўсмаган бўлади.

Пахта толаси ривожланиш жараёнида, одатда ҳар қайси гулнинг очилган кунидан бошлаб, то кўсакнинг етилгунига қадар тузилишини ўзгартириб боради.

Толанинг кўсакда ривожланиш даври ўрта ҳисобда 50-60 кун давом этади. Бу давр ривожланиш хусусияти ва тола тузилишининг ўзгаришига қараб икки босқичга бўлинади. Ҳар қайси босқич тахминан 25-30 кун давом этади. Биринчи босқичда тола асосан, бўйига ўсиш билан бирга диаметри ҳам ортиб боради. Бу вақтда толанинг деворчаси юпқа бўлиб, у кутикула қаватидан иборат, кўндалангига юмалоқ шаклда бўлади.


Ривожланишнинг иккинчи босқичида асосан тола ички деворларининг цељлюлоза қатламиининг тўпланиши ҳисобига қалинлашади. Бунда ҳар бир сутка давомида толанинг ички девори бўйига бир қават цељлюлоза қўшилаверади. Пишган толада ҳаммаси бўлиб 25-30 та цељлюлоза қавати ҳосил бўлади.



Расм-1. Пахта толасининг кўндаланг кесими, ундаги деворчаларнинг қатма-қат кўриниши.

Тола ўзининг ривожланишини чигит ва бутун кўсакнинг ривожланиши билан бир вақтда тугаллаб, қурийди. Бунда толанинг деворчаси пучаяди ва етилган пахта толаси спирал шаклида буралади.

Нормал ривожланиб етилган пахта толасининг спирал шаклда буралишига сабаб, унинг деворчалари узунасига кетган спирал шаклдаги фибрillardан тузилганлигидадир. Тола деворчалари фибрill қаватли клетчаткадан тузилганлиги туфайли, улар қуриб қолгандан кейин пучаяди ва толани спирал шаклда буралишга олиб боради.



Расм-2. Пахта толасининг етилганлик даражасига қараб буралувчанлик характеристи: 1-яхши етилган тола; 2-етилмаган тола; 3-хом тола.

Пахта толасининг буралувчанлиги қанчалик яхши ва бир текисда бўлса, у шунчалик сифатли бўлади, чунки ип йигиришда яхши буралувчан толалар бир-бири билан яхши илашади, бу эса ип ҳамда ундан тайёрланган газмолнинг пишиклигини оширади.

Табиатда пахта толаси асосан оқ, сарғиш, қизғиш, кўкиш ва кўнғир рангларда бўлиб, селекция ишлари натижасида толага оқ тус берилган. Толанинг рангли бўлишига сабаб, унинг целлюлоза қаватларида катехин деб аталган модданинг мавжудлигидир.

Пахта толасининг буралувчанлиги ҳар 1 мм узунликда қанча бурама ҳосил қилиш миқдори бўйича ифодаланади.

Ўрта ва ингичка толали ғўза навларида етилган толанинг буралувчанлиги 10-12 га тенг. Жайдари ва Ҳинди-Хитой ғўзаларида пахта толасининг буралувчанлиги нисбатан кам. Шунга кўра буралувчанлик фақат пахта толасига хос хусусиятдир. Бошқа ҳеч қандай толалар буралувчанлик хусусиятига эга эмас.

Агар тола етилмай, хомлигича қуриб қолса унинг деворчалари юпқалашиб кетади, чунки бунда клетчатка қаватлари кам ҳосил бўлади. Бундай ҳоллар кўсаклар ҳали етилмаган пайтда тўсатдан совуқ тушиши ёки ғўза тупларининг десикация қилиниши натижасида содир бўлади. Бундай толаларнинг деворчалари пучайиб қолади, лекин қора совуқ тушгунга қадар уларнинг етилиш даражасига қараб толалар буралмайди ёки жуда суст буралади.

Етилган кўсаклардаги чигитларда нормал ривожланган толалар билан бирга деворчалари ўта етилган толалар ҳам учраши мумкин, бу хилдаги тола деворчалари клетчатка қаватининг ҳаддан ташқари кўплаб ҳосил бўлиши оқибатида қалинлашиб кетиб, қуриганда деворчалари пучаймайди, толалари ҳам буралмайди ва шунга кўра спирал бурамалар ҳосил қилмайди. Одатда бундай пахта толасини ўта пишган толалар деб юритилади.

Ғўза индивидуал ривожланиш процессида чигитни экишдан тортиб то вегетация даври охиригача бешта асосий фазани ўтади.

- 1. Униб чиқиш, яъни уруғпалланинг кўкариб чиқиш фазаси.**
- 2. Чинбарг чиқариш фазаси.**
- 3. Шоналаш, яъни ҳосил шохлар пайдо қилиш фазаси.**
- 4. Гуллаш фазаси.**
- 5. Пишиш, яъни кўсакларнинг очилиши фазаси.**

Ғўзада нормал шароитда ривожланиш фазалари ўрта ҳисобда экишдан то ниҳолларнинг униб чиққунига қадар тупроқда нам етарли ва қулай температурада 5-7 кун, ноқулай шароитда эса 10-15 кун ва ундан ҳам кўпроқ, ниҳолларнинг кўкариб чиқишидан то дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар 8-12 кун, биринчи чинбарг чиқаргандан то шоналай бошлагунга қадар 25-30 кун, шоналай бошлагандан то гуллай бошлагунгача 25-30 кун ва ниҳоят гуллай бошлагандан то ҳосил етилишга қадар 50-60 кун вақт ўтади.

Мамлакатимизда экиладиган ўртacha толали совет ғўза навларида чигитни экишдан то ҳосили пиша бошлагунга қадар тахминан 120-150 кун, ингичка толали совет ғўза навларида эса 140-160 кун ўтади.

Ўсимликда навбатдаги ривожланиш фазасини бошланиш оралиғида чинбарг чиқариш фазасидан бошлаб, нормал ўсиш шароитида кичик фазалар кечади, бунда ўсимлик бир фазадан иккинчисига ўтиш учун тайёргарлик кўради.

Асосий појда олтинчи-саккизинчи чинбарг пайдо бўлиши (Ўрта Осиё шароитида тўртинчи - еттинчи барг қўлтиғидан, баъзан ундан пастда ёки юқорида) ва учиди шонаси бўлган биринчи ҳосил шохининг шакилланиши шоналаш фазаси бошланганлигининг белгисидир.

Шоналаш фазаси бошлангандан то навбатдаги асосий фаза - гуллай бошлагунгача ғўзада яна кичик фаза давом этади, яъни бунда асосий појда навбатдаги ҳосил шохи шакилланиб, у навбатдаги асосий фаза бошланганлигидан далолат беради. Чунончи, нормал ўсиш ва ривожланиш шароитида ғўза 9-11 та ҳосил шохи чиқарса ва биринчи ҳосил шохининг биринчи бўгинида биринчи гул очилса, демак ўсимликда гуллаш фазаси бошланди деган сўз.

Гуллаш фазасидан кейин асосий фаза- пишиш фазаси бошлангунга қадар ғўзада кичик фаза, яъни навбатдаги қисқа муддатли гуллаш фазаси давом этади. Бунда гуллаш ўсимлик тупи бўйлаб юқорига кўтарилиб, тахминан 16-18 ҳосил шохига етганда, биринчи

хосил шохининг биринчи бўғимида одатда биринчи кўсак очилади бу эса ўсимликда пишиш фазаси бошланганлигининг белгисидир.

Пишиш фазаси бошлангандан то вегетация даври охиригача ўтадиган кичик фазалар қисқа муддатли етилиш фазаларидан (кўсакларнинг олдинма-кейин очилишидан) иборатdir. Бу хилдаги кичик фазаларнинг ўтиш сони ҳосилнинг пишиш фазасининг бошланганлигига ва кузги нобуд қиласидаги даражадаги совуқнинг тушиш муддатига, шунингдек, ғўза навига, об-ҳавога ва қўлланилган агротехника тадбирларига боғлиқ бўлади.

Кичик ва асосий фазалар оралиғидаги даврлар маълум даражада узун ёки қисқа бўлиши мумикн. Масалан, ғўзада дастлабки чинбарг чиққандан кейин пайдо бўладиган 2-3 та чин баргнинг ҳар бири ўртacha 4-5 кун оралатиб, бундан кейин пайдо бўладиган бир неча баргларнинг ҳар бир 3-4 кун оралатиб чиқади. Фўзанинг ўсув даврида бирмунча иссиқ кунлар бошлангач, унда ҳар 2-3 кунда янги барг пайдо бўлиб туради. Ёз охиридан бошлаб то ўсимликда ўсиш процесси тўхтагунга қадар биринчи барг билан иккинчи барг пайдо бўлиши ўртасида ўтадиган вақт аста-секин чўзила бошлайди.

Ривожланиш фазаларини ва уларнинг нормал ритмда ўтишини, шунингдек, ривожланишнинг нормал боришини ўзгартирадиган шароитларни билиб олиш, ғўзанинг ҳолатини тўғри аниқлаш ва конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларини тўғри қўллаш учун жуда муҳимдир.

4 Мавзу. Ғўзанинг ташқи муҳит шароитларига бўлган талаби

Режа:

1. Ғўзанинг иссиқликка ва ёруғликка бўлган талаби.
2. Ғўзанинг сувга ва озуқага бўлган талаби.
3. Ғўзанинг тупроққа бўлган талаби.

Иссиқликка бўлган талаби. Ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай температура **25—30° ҳисобланади**.

Чигитнинг уна бошлаши ва ғўзанинг зўрға ривожланиши учун етарли бўлган минимал (энг паст) температура $10—12^{\circ}$ ҳисобланади. Лекин айрим тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, чигит $10—12^{\circ}$ ли температурада уна бошласа ҳам, бироқ у ер бетига униб чиқа олмайди, чунки уругпаллани ер бетига кўтариб чикадиган уругпалла ости тирсагининг ўсиши учун температура камида **16—18° бўлиши керак**.

0° дан паст температурада ғўзани совуқ уради. Совуқ уриши ғўзанинг ёшига қараб турлича бўлади. Масалан, эндиғина кўринган майсалар ҳатто эрталабки қисқа муддатли $1—2^{\circ}$ совуқдан заарланса, етук ғўзалар кузда $-3—5^{\circ}$ совуқдан заарланади. Fysa-нинг ёввойи турлари ичida шундайлари ҳам борки, улар қисқа муддатли $-5^{\circ}, -8^{\circ}$, ҳатто -10° совуққа bemalol чидайди.

Сўнгги кузатишлар якуни кўрсатдики, кўсак тугиши даврида температуранинг 36° гача кўтарилиши кўсакдаги чигит ва толанинг ривожланишини . тезлаштиради. Шунга кўра, максимал температурани 37° деб хисоблаш керак.

Температуранинг 37° дан ошиб кетиши ғўза тўқималарини қиздириб юборади, 40° ва ундан юқори температура эса ўсимликка қаттиқ таъсир килади. Шунинг учун ёзнинг

жазирама иссик пайтларида ғұза күпинча тунги салқында, яъни кундузги иссиқ қайтганда ўсади.

Температура 40° дан ошганда, ғұза гулидаги чанг ўзининг ҳаётчанлигини йўқотади, бунинг натижасида гул тугунчasi уруғланмай қолиб, кўплаб шоналар тўкилиб кетади. Бундай ҳодиса гармсел (иссиқ шамол) эсган пайтда ҳам кузатилиши мумкин.

Хаддан ташкари юкори температура ғўзанинг озиқланиш шароитини сусайтириб, тола чиқиши процентини камайтиради, тола узунлигин кискартиб, пишини ёмонлаштиради. Нисбатан мўътадил температура эса тола чиқиши процентини бир оз ошириб, узунлигини ва пишиклигини анча яхшилади.

Фойдали температура деганда ҳавонинг ўртача суткалик температураси билан ўсиши, мана шу ривожланиш фазасини ўта олмайдиган даражага тушиб колган температура орасидаги фарқ тушунилади. Ғўзанинг бирорта ривожланиш фазасини ўтиш давридаги барча ўртача суткалик фойдали температура якунланса, шу ривожланиш фазаси учун зарур бўлган фойдали температура йиғиндиси келиб чиқади.

Ғўзанинг ёргуликка талаби. Ғўза фақат очик, офтоб тушиб турадиган ёруг жойлардагина яхши ривожланади. Ғўзанинг барг шапалоқлари кун бўйи қуёш нурига яққол, яъни қуёш нурининг перпендикуляр тушиб туришига ҳаракат қилиб, ҳамма вақт қуёшга қараб ўз ҳолатини ўзгартади, кечкурун — қуёш ботиши билан барглари пастга эгилиб олади.

Ёруғлик етишмай қолганда, масалан, дараҳт соясида ёки осмонни қалин булут қоплаганда ғұза суст ривожланади, мева туғиши даври бошланганда ёргулик етишмаса қўплаб шона ва тугунчалари тўкилади.

Ғўза қисқа кун ўсимлиги ҳисобланади. Шунинг учун ергулик стадиясини ўтиши учун туннинг узун, куннинг қисқа бўлиши керак. Узун кун шароитида ўсимликнинг ривожланиши секинлашади, ҳосил туғиши кириши кечикади.

Ҳар хил ғұза формаларида фотопериодик ўзгариш турлича бўлади (**сутка давомидаги ёруг давр узунлигини фотопериод деб аталади**).

Ғўза формалари ўзининг географик келиб чиқиши жиҳатидан экваторга, яъни кундуз куни энг қисқа (таксинан 12 соат) бўлган жойга қанчалик яқин бўлса, бундай ғўзалар ўз хусусиятини куннинг қисқартирилишига қараб одатда шунчалик кучлироқ ўзгартади ва аксинча, ғұза географик келиб чиқиши жиҳатидан экватордан қанчалик узоқ бўлса, унинг хусусияти куннинг қисқартирилишига қараб шунчалик суст ўзгаради. Шундай қилиб, экватордан жуда узоқ географик кенгликларда кўп асрлар давомида селекция йўли билан яратилган, бир йиллик экин сифатида ўстириладиган, энг тезпишар ғўза формалари ўз хусусиятини қисқартирилган кунга қараб бирмунча суст ўзгар-тади.

Қисқартирилган кун таъсирида ғўзанинг асосий поясидаги дастлабки ҳосил шоҳ пастроқда пайдо бўлади, шунинг учун шоналаш, гуллаш ва пишиш даври эртароқ бошланади.

Сунъий қисқартирилган кун билан ғўзага таъсир этишда ўсимликка ёргулик куннинг қайси, пайтида тушиши ҳам аҳамиятлидир. Ғўза эрталабки соат 8 дан кеч соат 6 гача бўлган ёруг кунда айниқса тез ривожланади.

Ғўзанинг сувга бўлган талаби. Ўрта Осиёнинг турли шароитида ўсаётган ҳар хил ғұза навларида транспирация коэффициенти бутун ўсув даврида ўртача 600—700 га

тeng бўлади. Бу рақам асосан ўсимликнинг ўсиш шароитига қараб кўпинча 400 билан 800 орасида ўзгариб туради, баъзан 1000 га, ҳатто 1400—1600 га етиши ҳам мумкин. Ўсимликнинг ўсиш шароити қанча яхши бўлса, транспирация коэффициенти ҳам шунча кичик бўлади, демак, ўсимлик сувдан шунчалик тежаб фойдаланади.

1935 йилдан эътиборан агротехника тадбирлари бирмунча яхшиланди ва ҳосилдорлик анча ошди, транспирация коэффициенти эса камайди. Кейинги йилларда агротехника такомиллаштирилган сари пахта ҳосили аста-секин оша борди ва бир йўла транспирация коэффициенти камая бошлади.

Транспирация коэффициенти ғўзанинг ривожланиш даврига қараб турлича бўлади. Унинг шоналаш олдидан транспирация коэффициенти энг катта, гуллаш фазасидан пахта пиша бошлагунча энг кам бўлиши, сўнгра яна у бирмунча катталашиши кузатилади. **Транспирация коэффициенти июль ва август ойларида айниқса камаяди.**

Ғўзада транспирация интенсивлиги шоналаш даврида энг кучли бўлади.

Ғўза гуллаш даврида унинг абсолют сув сарфи максимал даражага кўтарилади, чунки бу даврда ўсимлик кучли ўсиб, унда жуда катта буғлатиш сатҳи вужудга келади, бундан ташқари гуллаш даврида ғўза атрофидаги муҳит ҳавосининг температураси ва қуруклиги максимал даражага етади. Июль — август ойларида ғўзаларнинг транспирация учун сарфлайдиган суткалик сув миқдори гектарига 80—90 м³ га, ҳатто 100—120 м³ га етади.

Ҳосил пишиш даврида ғўзанинг сув сарфлаши яна аста-секин камаяди. Ғўзанинг етилиш даврида транспирацияга сарфлайдиган суткалик сув миқдори гектарига тахминан 30—40 м³, бутун ўсув давомида эса тахминан 5000—8000 м³ ташкил этади.

Тупроқда намнинг кам ёки кўп бўлиши ғўзада бир қанча физиологик ва морфологик ўзгаришлар рўй беришига, масалан: **баргдаги сўриш қучининг, барг тусининг, поя учи рангининг ўзгаришига, юқоридаги гулнинг поя учига нисбатан бошқачароқ жойланишига** ва бошқаларга сабаб бўлиши мумкин. Мана шу ўзгаришларга қараб ғўзанинг сувга бўлган талабини маълум даражада аниқласа бўлади.

Ғўзанинг озиқ моддаларга бўлган талаби. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда Урта Осиё шароитида ғўзанинг бутун ер усти қисмлари билан бирга, 1 т чигитли пахта етиштириш учун агротехника нуқ-таи назаридан муҳим бўлган озиқ элементлардан тахминан: 50 кг азот, 10 кг фосфор, 50 кг калий бўлиши керак. Бошқа элементлардан: ўрта ҳисобда 50 кг кальций, 10 кг олтингугурт, 10 кг магний ва шунча натрий, 2 кг гача темир, 0,2 кг гача бор, 50 г дан камроқ мис ва 1,5 кг атрофифа хлор бўлиши керак.

Ингичка толали ғўзалари ўртача толали совет ғўзаларига қараганда азот, фосфор ва калий моддаларини бирмунча кўпроқ сарфлайди.

Ўзбекистон ўғит ва агротупроқшунослик институти маълумотига қараганда, ғўза ривожланиш фазаларига қараб ердан азот ва фосфор моддасини қўйидаги миқдорда олади:

чигит униб чиққандан шоналагунча азот 7%, фосфор 5%;

шоналашдан гуллагунча азот 46%, фосфор 35%;

гуллашдан пиша бошлагунча азот 44%, фосфор 50%;

пиша бошлашидан пишиш даврининг охиригача азот 3%, фосфор 10%.

Чигит униб чиқиши вақтида тупроқда азот күп бўлса, майсаларнинг ер бетига чиқиши секинлашиб, илдиз системасининг ривожланиши заифлашади. Мана шу ҳолатда тупроқда фосфорнинг бўлиши азотнинг кучли таъсири (концентрацияси) ни қайтаради. Шоналаш даврига қадар, айниқса бу даврнинг дастлабки пайтларида, тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликда ҳосил шохнинг юқоридан чиқишига сабаб бўлади, бундан ташқари ғўза ривожланишидаги асосий фазаларнинг бошланиши кечикади.

Шоналаш ва гуллаш фазасида тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ФОВлаб кетишига, ҳосилининг камайишига ва кеч етилишига олиб келади. Аксинча, бу даврда азотнинг камчил бўлиши эса, ўсимликнинг заиф ўсиб, ҳосил шохлари кам бўлишига, бинобарин, кўсакларнинг камайишига ва майдада бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Ғўза хаётида калийнинг роли ҳам жуда катта, у ўсимликнинг репродуктив (ғўзанинг гуллаш, кўсаклаш, чигит етилиш) фазага ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари, калий моддаси етарли бўлганда ўсимликнинг ўзида сув сақлаб туриш қобилияти яхшиланади, демак, бундай ўсимликларда бугланиш жараёни камаяди.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига баъзи бир бошқа элементларнинг ҳам таъсир этиши аниқланган. Масалан, баъзи бирикма ҳолдаги кальций (CaSO_4 , CaHPO) ғўза илдизининг ўсишини ва янгилари пайдо бўлштини жадаллаштиради.

Ғўзанинг ривожланишига микроэлементлар катта таъсир кўрсатади. Масалан, ғўза гулининг уругланиш органларида кўплаб тўпланадиган бор элементи чангчининг ўсиш кучини оширади.

Масалан, азот камчил бўлганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ёмонлашади, барглари майдалашади, барг тузи нормал яшил рандан сарғиш яшил ранга киради. Аксинча, азот керагидан ортиқча бўлганда ўсимлик ғовлаб кетиб, барглари тўйқ яшил тусга киради. Агар тупроқда фосфор моддаси етишмаса, ўсимлик паст бўйли бўлиб ўсади, барглари майдалашади, баъзан бу баргларда қизғиши томирлар пайдо бўлади. Калий етишмагандан ғўза баргига қўнғир доғлар пайдо бўлади, шундан кейин бу барг шапалоқлари ҳимарилиб, аста-секин қурийди ва тушиб кетади. Баъзан баргнинг яшил қисми билан оқиши қисми навбатма-навбат жойлашиб, барг чипор тусга киради. Агар ўсимликка темир моддаси етишмаса, у хлороз касаллигига чалинади, натижада ғўза барги окиш-сариқ ва ҳатто оқ тусга киради. Тупроқда марганец етишмагандан ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Ғўзанинг тупроқка бўлган талаби. Ғўза ҳар қандай тупроқда ҳам ўсаверади, лекин буларнинг ҳаммаси ўсимликнинг бир меъёрда нормал ўсиши учун мувофиқ эмас.

Суғориладиган дехқончилик шароитида ғўза шағал, сингдириш қатлами бирмунча юзароқ жойлашган ерларда ҳам яхши ўсаверади, лекин буларда озиқ моддалар етарли миқдорда бўлса бас.

Ҳайдалма қатлами қалин, унга ўсимлик илдизлари bemalol кира оладиган ва шу қатламда озиқ моддалар етарли миқдорда бўлган жойларда ғўза яхши ўсади ва тупроқ ичига чуқур тараладиган илдиз массаси ҳосил қиласади.

Оғир қумоқ тупроқли ерларда ғўза яхши ўсмайди, аммо бундай ерларда ҳам баъзи бир агротехника тадбирларини амалга ошириб, паҳтадан юқори ҳосил етиштириш мумкин.

Кузатишлардан маълум бўлишича, тупроқ таркибида сувда осон эриб, унинг шўрланишига сабаб бўладиган тузлар кўп бўлса, сув режими, минерал озиқланиш жараёни, фотосинтез ва ғўзанинг бошқа мухим функциялари издан чиқади. Бу ҳол ғўзага чигит уна бошлишидан то кўсаклар етилгунча бўлган барча ривожланиш фазаларида қаттиқ таъсир этиб, унинг анатомик тузилишини ва морфологик кўринишини ўзгартириб юборади.

Шўр ерларда чигитнинг бўртиши ва унинг униб чиқиши секинлашади, кучли шўрланган ерларда эса чигит мутлақо униб чиқмайди. Кучсиз шўрланган ерларда эса майсаларнинг пайдо бўлиши кечикади ва одатда сийрак чиқади.

Бундан ташқари, шўр ерларда ғўзанинг илдизи яхши ривожланмайди, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш фазалари кеч бошланади, ҳосил органлари кўплаб тўкилади, ўсимлик суст ўсади. Буларнинг ҳаммаси ҳосилнинг камайишига ва пахта толаси сифатининг ёмонлашувига олиб келади.

Ғўзанинг ривожланишига ер ости сувларининг чуқурлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Суфориладиган ерларда ер ости сувларининг юза бўлиши, айниқса у шўрланган бўлса, кутилган натижани бермайди. Ер ости сувлари жуда юза бўлса, ғўза вегетатив органларининг ўсишига зўр беради, натижада кўсакларнинг етилиши ва пахтанинг очилиш суръати кечикади.

Текис ерларда ғўза бир хилда ривожланади, агротехника тадбирларини амалга ошириш ва механизациядан фойдаланиш анча осонлашади. Ғўза ўстиришда ернинг нишаби қайси томонга қараганлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Нишаби жанубга ва жануби-гарбга қараган жойлар нишаби шимолга қараган ерларга нисбатан яхшироқ қизиди, лекин тез қурийди.

Текислиги турлича бўлган қир ерлар қуёшда яхши қизиди, лекин тезроқ қурийди, ер ости сувлари одатда чуқур бўлади ва бундай ерларда ўстирилгап ғўзалар ўсув даври охирида эрта тушган кузги совукдан деярли кам заарланади ва-ҳоказо. Аксинча, сойлик ерлар, айниқса шимолий пахтакор районлар дехқончилик қилиш учун бирмунча ноқулай ҳисобланади, чунки бу хилдаги жойларда кечалари кўпинча анча салқин ва сернам бўлади, бу эса ўсимликнинг ривожланишини секинлаштиради. Бундай шароитда ғўзаларни барвақт совук уради.

Ҳар бир жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ҳам аҳамиятлидир, чунки унинг ўзгариши билан метеорологик ва тупроқ шароити ҳам ўзгаради. Ўрта Осиёда ғўза денгиз сатҳидан 1200—1300 метргача баланд бўлган жой-ларда ўстирилади. Пахтачилик билан шугулланадиган тропик зоналардаги баъзи мамлакатларда эса ғўза денгиз сатҳидан бундан ҳам баландроқ ерларда ўстирилади.

5- Мавзу. Пахтачиликда нав алмашиниши ва хозирги вақтда экилаётган ғўза навлари.

Режа:

1. Нав алмашиниши
2. Ўрта толали ғўза навлари
3. Ингичка толали ғўза навлари
4. Истикболли ғўза навлари

Ўрта Осиё территориясида ўтмишда ғўзанинг G. herbaceum турига мансуб бўлган жайдари ғўза етиширилган. Ўрта Осиё ва Закавказъенинг ҳозирги территорииасида 1917 йилга кадар асосан **з а в о д аралашмаси деб аталган** Америка ғўзаси популяцияси экилар эди. Завод аралашмаси ғўза навларини пала-партиш кўпайтириш, асосан пахта заводларида Америка (АҚШ)дан келтирилган турли хил нав (Кинг, Триумф, Руссельс, Клевленд ва бошқа) ғўза чигитларини аралаштириб юбориш натижасида вужудга келди.

Завод аралашмаси уни яратилган ва ўстирилаётган жой номи билан аталиб қолинди ва бу навлар тезпишарлик даражаси ва бошқа агробиологик хусусиятлари, шунингдек, технологик ҳамда хўжалик белгилари билан бир-биридан ўзаро фарқ қиласди. Масалан, жанубий районларда бирмунча кечпишар, кўсаги йирик завод аралашмаси (Марв, Байрамали, Чоржўй, Фарғона), Шимолий районларда эса тезпишар, майда кўсакли (Чимбой, Чимкент, Ўзган) завод аралашмаси пайдо бўлди. Марказий районларида (Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа ерларда) ўртача тезпишар завод аралашмаси вужудга келди. Ўша вақтларда Америка ғўзасининг завод аралашмасидан ташқари айрим жойларда, айниқса, Бухоро, Хива, Арманистон ва Озарбайжонда жайдари ғўзалар ишлаб чиқаришдан олиб ташланишига ва уни ўтган асрнинг охирида ёқ Америка ғўзаси билан алмаштирилишига қарамасдан жайдари ғўзаларни экиш ҳам давом этиб келди. Жайдари ғўза асосан 1927—1928 йиллардан бошлаб экilmайдиган бўлди.

Ўрта Осиёдаги баъзи тажриба станцияларда 1917 йилдан анча олдинроқ ҳамда янги келтирилган оригинал Америка ғўза навларидан танлаш йўли билан дастлабки селекцион навлар яратилган эди. Лекин бу навларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш асосан кейинроқ йўлга қўйилди. Бу ғўза навларидан ўша даврда **Навроцкий** (№ 0100) — ўртапишар, Триумф Навроцкий (№ 0250) — ўртача кечпишар, **Оқжўра** (№ 182) — ўртача тезпишар ва **Деҳқон** (№ 169) — ўртача тезпишар навлар энг кўп тарқалган эди. Мана шу навлар ичида энг аҳамиятлиси ва энг кўп тарқалгани Навроцкий нави бўлди. 1930 йилда Россия бўйича етиширилган ялпи ҳосилнинг қарийб 50—70% и шу нав ғўзадан олинган, собиқ иттифоқ бўйича эса 60% майдонга экилган. Триумф Навроцкий нав ғўза эса жуда кам экилар эди.

Навроцкий нав ғўзанинг бунчалик кўп экилишига сабаб шуки, бу ғўза агрономик ва хўжалик жиҳатидан бошқа навларга қараганда анча устун туришидан ташқари, у ер танламаслиги, кўсагининг йириклиги (битта кўсагидан 5,5—6,5 г пахта чиқади), серҳосиллиги каби хусусиятлари билан бошқа навлардан кескин фарқ қиласди. Бундан ташқари Навроцкий нави ўша вақтларда сертолалиги (34—35% тола чиқарди), шохи ғуж ва ётиб қолмайдиган, пояси мустаҳкам ўсимликлардан ҳисобланарди. Лекин толаси нисбатан қисқалиги (26—28 мм), дағаллиги сабабли мамлакатимиздаги тўқимачилик саноати қайта жиҳозлангандан кейин тола сифати талабга жавоб беролмай қолди. Бундан ташқари, бу нав вертициллёз вилт ва гоммоз касаллигига унчалик чидамас эди.

Упланд (Г. гирзутум тури) нинг етиширилган дастлабки навларини кўпайтириш ва кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этиш билан бирга, революциядан кейин ҳам яна анча вақтгача, масалан, 1933—1934 йилларгача пахта майдонининг асосий қисмига завод аралашмаси экилиб келинди.

Ўрта Осиё, Закавказье ва собиқ иттифоқнинг Европа қисмидаги янги пахтачилик районларида ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари кенг йўлга қўйилиши натижасида қисқа муддат ичидаги тўқимачилик саноати ҳамда ўзгарган агротехника талабларига мос келадиган янги-янги навлар пайдо бўла бошлади. Бу вақт-вақти билан эски навларни янги, бирмунча такомиллашган навлар билан алмаштириб туришига имконият яратди. **Хозирга қадар нав алмаштириш 7 марта ўтказилди.**

Ўрта Осиё ва Озарбайжондаги пахтачилик зонанинг об-ҳавоси илиқ, жанубий районларида 1930 йилдан бошлаб саноатбоп ингичка толали Миср пахтасини қўплаб экишга киришилди; ваҳоланки, илгари вақтларда бу навни мазкур районларда экиш мумкин эмас деб ҳисобланар эди. **1929—1932 йилларда Мисрдан қўп микдорда келтирилган** (куйи Мисрдан — кечпишар Сакелляридис, Пилион, Маарад; юқори Мисрдан тезпишар навлар -Ашмуни, Упперс, Загора, Фуади ва бошқа) ҳар хил оригинал нав чигитлар, шунингдек, Пима ва бошқа тажриба станцияларида етиштирилган чигитлар экилди.

Мана шу навлардан аввал индивидуал танлаш, сўнгра дурагайлаш йўли билан бирмунча тезпишар ва мамлакатимизнинг тегишли пахтакор районлари шароитига анча мувофиқлашган ингичка толали ғўза навлари яратилди. Селекциянинг бу япги навларидан баъзилари ўта тезпишарлиги ва энг қимматли хўжалик белгилари (қўсагининг йириклиги, толасининг қўп чиқиши, вилт касаллигига яхши чидамлилиги ва бошқа белгилари) жиҳатидан ҳам анча устун бўлиб чиқади.

Селекционерлар томонидан яратилган ўрта толали (Г. гирзутум) навлар Америкадан келтирилган навлардан яратиб олингани учун дастлабки пайтларда **«Амиркон» пахта деб**, Миср ғўза навлари иштирокида яратиб олинган ингичка толали (Г. барбадензе) навларни эса нотўғри равишда **«Миср пахтаси» деб аталар эди**.

МДҲ пахтакор районларнинг экологик шароити АҚШ ва Мисрдаги пахтакор районларнинг шароитидан катта фарқ қиласи, шунинг учун бундан бир неча йиллар муқаддам АҚШ ва Мисрдан келтирилган мазкур оригинал ғўза навлари пахтакор районлари шароитига иқлимлаштирилиши натижасида улар биологик, морфологик ва бошқа белгилари жиҳатидан кескин даражада ўзгариб кетди. Шунинг учун селекционерлар яратган ўртача толали ғўза навларини ҳозирги вақтда **«Ўрта толали ғўза навлари»** ёки ингичка толали селекцион навларни эса **«ингичка толали ғўза навлари»** деб аташ қабул қилинди.

Хозирги замон пахтачилигига нав алмасиниши

Биринчи нав алмасиниши 1921—1922 йилдан то 1934 йилгача ўтказилган. Бунда Ўрта Осиёда яратилган селекцион навлар завод аралашмаси билан, шунингдек кейин тикланиш даврида яратилган баъзи бир навлар алмаштирилди.

Иккинчи нав алмасиниши асосан 1934—1938 йилларда ўтказилди. Бу нав алмасинишида экиладиган навлардан 30 таси, шу жумладан, ўша даврда анчагина қўп тарқалган Навроцкий нави ва бошқа навлар ишлаб чиқаришдан бутунлай олиб ташланди ҳамда энг-яхши навларгина экиш учун қолдирилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шундай қилиб, ўша даврдаги ҳар хил навлик йўқотилди.

Иккинчи нав алмасинишида ўрта толали навлардан асосан ўртапишар 8517 (Колхозчи), 2034 (Большевик) ва тезпишар навлардан 1306 (Шредер) бор эди. Буларнинг ичидаги 8517 (Колхозчи) нави энг қўп экилар эди.

Иккинчи нав алмаштириш даврида ўрта толали навлар билан бир қаторда ингичка толали навлар орасида ҳам нав алмашиниш ўтказилди: бунда Миср оригинал навлари ўрнига дастлабки навлар 2ИЗ, 35-1, 35- 2, 23 ва бошқа навлар жорий қилинди. Лекин бу навларнинг ҳаммаси фузариоз вилтга унчалик чидамли эмас эди.

У ч и н ч и н а в алмашиниш Улуг Ватан. уруши йилларида, яъни 1941—1945 йиллар даврида ўтказилди. Бу нав алмашинишда ўрта толали навлардан асосан С- 460, 18819, 1298 каби навлар бор эди. Булар ичида С- 460 нави энг кўп экилар эди.

Вилтга чидамсиз ингичка толали ғўза навлари 10964, 123-Ф, 504-В кабинавлар билан алмаштирилди.

Тўртинчи нав алмашиниш асосан 1947—1950 йилларда ўртача толали ғўза навлари орасида ўтказилди. Бунда 108- Ф, С- 450- 555 ўртача тезпишар ва 1306- ДВ, 611-6 тезпишар навлар асосий навлардан ҳисобланган. Бирмунча кейинроқ тезпишар КК-1083, КК-1086, G- 4727 тезпишар; 138- Ф ва бошқа ўртача тезпишар навлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Бу нав алмашинишда 108-Ф нав ғўза энг муҳим навлардан деб ҳисобланди ва у жуда узоқ вақтгача бошқа навлар билан алмаштирилмади. С- 4727 нави ҳам катта аҳамиятга сазовор бўлган навлардан эди.

50-йилларнинг бошларида ингичка толали ғўза навларидан серҳосил 5904- И, бир оз кейинроқ эса С- 6002, 9078- И, 5595- В ва бошқалар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Б е ш и и ч и н а в алмашиниш 1970-1972 йилда ўрта толали, вилтга чидамли Тошкент- 1, Тошкент- 2, Тошкент-3 навларини экишга жорий қилишдан бошланди. Бу навлар ичида бирмунча яхшироғи ва муҳимроғи Тошкент- 1 навидир. Кейинги йилларда Тошкент- 1 нави вилт билан қаттиқ заарланадиган 108-Ф нави экиладиган асосий майдонни эгаллади.

Кейинги пайтларда тезпишар, вилтга чидамли, **ингичка толали ғўза навлари яратилди** ва булардан С- 6030, С-6029, С-6022, Термиз-7 нави айрим жойларга экиш учун жорий қилинди.

Олтинчи нав алмашиниши 1972-1982 йилларда Тошкент навлари сифати бўйича 108-Ф га нисбатан орқада эди. Шунда 6 -тирга таъллуқли Ан-Бояут-2 нави яратилди.

Еттинчи нав алмашиниши 1982 – 2000 йилларда бўлиб, Қирғиз-3, Юлдуз, Бухоро-6, С-9070, Фағона-3, Наманганд, АН-410, АН-510, АН-415 навлари яратилди. Уларнинг толаси 4-5 типга таъллуқли. Ингичка толали Термез-16, Самарқандда Қирғиз-6 навлари ишлаб чиқаришга тақдим этилди.

Саккизинчи нав алмашиши 2000 йилдан бошланган ва ҳозиргacha давом этмоқда.

Мамлакатимизда экилаётган ўрта толали ғўзанинг кўнчилик навларида пахта толасининг узунлиги 30— 33 мм, баъзиларида 35—36 мм га етади, ингичка толали ғўза навларида эса 38—42 мм гача боради. Толанинг бошқа хусусиятлари яхши бўлиши билан бирга, у қанча узун бўлса, қиммати шунча ортади.

Нав алмаштириш, экилаётган ғўза навларини янгилаб туришни пахта ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга таъсири.

Пахтачиликда нав алмашишни ўтказишдан мақсад ҳосилдорликни ошириш ва тола сифатини яхшилаш ҳамда ўсув даврини қисқартиришдан иборат эди. Барча нав алмаштиришлар олдига қўйилган вазифани уddyаладилар. Яъни ҳар бир нав алмаштиришда

хосилдорлик 15-20 % га ошганлиги маълумотлардан маълумдир. Биринчи нав алмаштиришдан олдин хосилдорлик гектарига 11,0 центнер бўлган бўлса, 1930 йилларда бу кўрсаткич 12,7 ц/гани, 1940 йилда 14,9 ц/га, 1950 йилда 20,1 ц/га, 1970 йилда 26,2 ц/га 1980 йилда 33,2 ц/га ни ташкил этди. Ҳозирда эса хосилдорлик маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра 23-25 ц/га дан ошмаяпди.

Ғўза навларининг тезпишарлиги ҳам ошиб, 1922 йилларда 145-155 кунни ташкил этган ҳолда ҳозирда бу 95-125 кунга тенгdir.

Ўрта толали ғўза навлари

Оқдарё-6. Нав ЎзПИТИ Самарқанд филиалида дурагайлаш йўли билан яратилган. Ўсув даври 120-125 кун. Кўсак йириклиги 6,5-7,0 г. Толасининг узунлиги 33-34 мм, тола чиқиши эса 35-36 фоиз. Тола пишиқлиги 4,6 гк бўлиб, нисбий узилиш кучи 28,3 текс. 1000 дона чигит массаси 120-125 г. Ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитида гектаридан 30-45 центнергача, толаси V-тип.

Наманган-77. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ва Қизил Ровот тажриба хўжалигига яратилган. Нав ўртапишар бўлиб, ўсув даври 110 - 125 кун. Вилт касаллигига чидамли. Бир кўсакдаги пахта вазни 5,2 г, тола чиқиши 33,3 фоиз, штапел вазн узунлиги 33,7 мм, толанинг узилиш кучи 4,7 гк, нисбий узилиш кучи 26,2 текс. Толаси V- тип. Ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 44 ц.

Унумдор бўз ўтлоқ ва ўтлоқ-боткоқ тупроқларда гектарига 80-90 минг тупдан, шўрланган ерларда 120-140 минг тупни ташкил этгани маъкул.

Бўз тупроқларда ўғитларнинг меъёри $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га.

С-6524. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида дурагайлаш йўли билан яратилган, ўртапишар. Тола узунлиги 35,2 мм, тола пишиқлиги 4,5-4,6 гк, нисбий узилиш кучи 28,5 текс, тола чиқиши 33-34 фоиз. Толаси IV-типга мансуб.

С-6530. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида дурагайлаш йўли билан яратилган. Ўртапишар навлар гуруҳига кириб, вилт касаллигига чидамли. Ўсув даври 114-124 кунни ташкил этади. Бир кўсакдаги пахта вазни 5,4-6,2 г, тола чиқиши 36,8-37,2 фоиз, штапел вазн узунлиги 35,2 мм, пишиқлиги 4,5-гк, нисбий узилиш кучи 27,1 текс. Ҳосилдорлиги гектарига 40-48 ц гача этади.

Юлдуз. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ўсимликлар биологияси институтида О.Жалилов томонидан танлаш йўли билан яратилган. Ўсув даври 115-120 кун. Кўсакдаги пахта вазни 6,5-7,5 г, тола чиқиши 39-40 фоиз, тола узунлиги 33-34 мм, толанинг пишиқлиги 4,5-4,7 гк, нисбий узилиш кучи 26,4-27 гк текс, толаси V-типга мансуб.

С-4727. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтида дурагайлаш йўли билан яратилган. Ўсув даври 132- 136 кун. Кўсакдаги пахта вазни 6,3-6,8 г, тола чиқиши 36 фоиз, штапел узунлиги 33,2 мм, толанинг пишиқлиги 4,6-4,8 гк, нисбий узилиш кучи 26,2 текс. Толаси V-тип. Касалликка чидамсиз.

Бухоро-6. ЎзПИТИ Бухоро филиалида турлараро дуругайлаш йўли билан яратилган, ўртапишар. Кўсакдаги пахта вазни 7,2 г. Тола чиқиши 36,5 фоиз, тола узунлиги 34 мм, толанинг пишиқлиги 4,5-4,6 гк, нисбий узилиш кучи 28,3 текс.

Омад. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг олими Р.Ким томонидан яратилган. Ўсув даври 115- 118 кун. Ғўзанинг бўйи 80-90 см га боради. Кўсаклар танага ёпишган ҳолда жойлашган. Кўсак оғирлиги 5,0-5,5 г.

Ҳосилдорлик 40 центнергача. Тола чиқиши 35-36 фоиз. Тола узунлиги эса 33-34 мм ни ташкил қиласи. Толаси V-тирга мансуб. Микронейр кўрсатгичи 4,5-4,6.

Сувга талаби ўртача, вилт билан заарланиши 5-8 фоизни ташкил қиласи. Минерал ўғитларга ўртача талабчан.

Навбахор. Нав Ўзбекистон генетика ва ўсимликлар экспериминтал биология институтининг олимси академик Д.Мусаев ва П.Г.Губанова томонидан яратилган. Ўсув даври 118-120 кун. Фўза шохланмайди, кўсаклари танага ёпишган ҳолда бўлади. Гектаридан 40 центнер ва ундан кўп ҳосил олиш мумкин. Тола чиқиши 35-36 фоиз, толасининг узунлиги эса 33-34 мм ни ташкил қиласи. Толаси V типга мансуб. Чигити бошқа навларни чигитига нисбатан майда.

Нав қурғоқчиликка, вилтга чидамли, минерал ўғитларга талаби ўртача.

Гулбахор. Ўзбекистон ФА «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида С-4534 х Л-434 авлодидан якка танлаш йўли билан яратилган. Бўйи 100-120 см. Туп пирамидасимон, 0-1 моноподиал шохи ҳосил қиласи. Кўсаги тухумсимон, чўзинчоқ учли, 1000 дона чигит массаси 128 г. Ҳосилдорлиги гектаридан 46,3 центнергача. Тола чиқиши 38,1 фоиз, кўсак йириклиги 5,7 г. Вилт билан касалланиш даражаси 11 фоизгача. Ўсув даври 125-138 кун. Толаси V типга мансуб.

Мехр. Ўзбекистон ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимси академик О.Жалилов томонидан яратилган. Ўсув даври 119-123 кун. Фўзанинг бўйи 90-100 см га боради. Шохланиши 0,5-1 типга мансуб. Кўсакларининг оғирлиги 5,5-6 граммни ташкил қиласи. Қурғоқчиликка чидамсиз, вилт касаллиги билан заарланиши ўртача, минерал ўғитларга талабчанлиги кучли. Гектаридан 45 центнергача ҳосил олиш мумкин. Тола чиқиши 35-36 фоиз, тола узунлиги 33-35 мм ни ташкил қиласи. Толаси V типга мансуб.

Ан-Чиллаки-1. Ўзбекистон ФА ўсимликлар биологияси институтида яратилган. Нав жуда тезпишар, ўсув даври 100-110 кун. Паст бўйли бўлиб, баландлиги 60-70 см гача. Ҳосилдорлиги гектаридан 25-35 центнергача. Нав тезпишар бўлганлиги учун вилт касаллигига чалингунча ривожланиш даврларини ўтишга улгурга олади. Навни бошоқли дон экинлари ёки айрим ем-хашак экинларидан кейин экиш мумкин. Ундан такрорий экин сифатида ёки қалин туп сон ҳосил қилиш учун фойдаланиш пахтачиликда янги йўналишни вужудга келтириш мумкин.

Ан-Боёвут-2. Ўзбекистон ФА ўсимликлар биологияси институтида С.Содиков ва бошқалар томонидан яратилган. Тезпишар нав. Ўсув даври 129-130 кун. Кўсагидаги пахта вазни 6,5-7,0 г. Тола чиқиши 35-36 фоиз, тола узунлиги 34-35 мм, толанинг нисбий узилиш кучи 26,1-26,7 гк текс. Толаси V тип.

Армуғон. Бу нав Л-9263 х Л-541 дурагай комбинацияларини ўзаро чатиштириб, кўп маротаба якка танлаш орқали П.Г.Губанова, О.Д.Джураев, Ж.А.Мусаев, З.Ю.Садиковалар томонидан яратилган.

Ҳосилдорлиги 48-55 центнер, битта кўсакдаги пахта вазни 6,0-6,5 г. ўсув даври 120-125 кун, тола чиқиши 38-39 фоиз, тола узунлиги 33-34 мм, нисбий узилиш кучи 25,6 гк. текс, толаси V тип. Вилт билан заарланиши 5,1-11 фоиз. Нав 1999 йилда районлаштирилган.

Бухоро-8. Нав госси пиум хирзитум турига мансуб бўлган Бухоро-6 навига бир паллалик ўсимликларининг фотосинтез ирсиятини сунъий ўtkазиш йўли билан яратилган. Муаллифи А.М.Батталов ва бошқалар. Навнинг бўйи ўртача 90-120 см.

Ҳосил шохлари агротехник шароитга мос равища 2 ёки 3 типда шохлайди, ҳосил шохи асосий поянинг 5-7 бўғинларидан чиқади. Ўсув шохлари 0-3 тагача. Кўсаклари йирик, тухумсимон, кўсақдаги пахта вазни 7,0-11 г. Ҳосили тўкилмайди. Нав ўртапишар, ўсув даври 118-120 кун. Кўсаги асосан 5 чаноқли, баъзан 4 чаноқлилари ҳам учраб туради. Чигити йирик, 1000 дона чигит массаси 120-140 г атрофида, тукли, яшил кулрангда.

Толаси III ва IV типга мансуб бўлиб, майнин ва узун. Тола чиқиши 35-37 %, тола узунлиги 33-36 мм ни ташкил этади.

Хоразм-126. «Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хоразм тажриба таянч пунктида Хоразм-125 навидан якка танлаш ўли билан Д.Йўлдошев, К.Матназаров, А.Искандаров, А.Ҳасанова, Ш.И.Ибрагимоқ, И.Бахромоқ, Но Ги Хвалар томонидан яратилган.

Нав 1997 йилда давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-120 см, пирамида-устунсимон, пояси яшил, кам тукланган, кўсаги тухумсимон, 1000 дона чигит массаси 100 г. Ўртача ҳосилдорлиги 40,8 ц.

Вегетация даври 119 кун. Бир кўсақдаги пахта вазни 5,2 г, тола чиқиши 37,0 %, вилтга чидамли. Толаси V типга мансуб. Микронейр кўрсаткичи 4,1.

Хоразм-127. 163-Ф нави С-9062 нави билан чатиштирилиб, кўп маротаба якка танлаш ҳамда қайта танлаш ўли билан яратилган. 2002 йилда Давлат Реестрига киритилган.

Ўсув даври 120-130 кун. Пояси тик, бўйи 90-120 см, танаси яшил, ўртача тукланган. Ҳосил шохлари 5-6 бўғимдан чиқади. 1,0-1,5 типда шохлайди. Чигити оч яшил, кулранг. 1000 дона чигит массаси 122-132 г. Мойдорлиги 24,5 фоиз. Тола чиқиши 36,5-38,4 фоиз, тола узунлиги 34,5-36 мм, узулиш узунлиги 26,2 гк, нисбий узулиш кучи 26,0-27,3 гк/текс. Сифат маркази маълумотига кўра, толанинг микронейр кўрсаткичи 4,2-4,4 га тенг.

Узун (ингичка) толали навлар

Ашхабод-25. Туркманистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Д.Бобоев томонидан дурагайлаш ўли билан яратилган. Ўсув даври 140-150 кун. Тола чиқиши 34,6 фоиз, бир кўсагининг вазни 3,0-3,3 г. Тола узунлиги 40-41 мм, пишиқлиги 4,6-4,8 гк, нисбий узилиш кучи 37,5 гк текс. Толаси 1 тип. Фузариоз вилтга чидамли.

Термиз-16. ЎзПИТИ Сурхондарё филиалида А.Г.Гаврилов, Н.Холмуродов ва бошқалар томонидан дурагайлаш усулида яратилган. Бир кўсақдаги пахта вазни 3,2 г, тола чиқиши 33,7 %. Штапел вазни узунлиги 39,1 мм, толанинг пишиқлиги 4,6-4,7 гк, нисбий узилиш кучи 36,6 гк текс, ўсув даври 119 кун. III тип тола беради. Фузариоз вилткасаллигига чидамли.

Термиз-24. ЎзПИТИ Сурхондарё филиалида танлаш ўли билан яратилган. Бир кўсақнинг вазни 2,8 г, тола чиқиши 33 %. Тола штапел узунлиги 39,7 мм. Толанинг пишиқлиги 4,7 гк, нисбий узилиш кучи 36,2 гк текс. II тип тола беради.

Термиз-31 нави ЎзПИТИ Сурхондарё филиалида А.Э.Авлиёкулов, А.А.Творогова, Ш.И.Ибрагимоқ ва бошқалар томонидан 6608.В x Термиз-11 навларини чатиштириш ва турлараро дурагайлаш ҳамда қайта танлаш ўли билан яратилган.

1997 йилда Давлат реестрига киритилган.

Навнинг тути чекланган типда, конуссимон, бўйи 100-120 см, айрим ҳолларда ҳар бир тупида 1-2 та узун ҳосил элементлари, 2-3 та кўсак бўлади. Биринчи ҳосили 3-4 бўғинларида пайдо бўлади. Кўсаги ўртача катталиқда, тухумсимон, юраксимон, ўткир бурунли, яхши очилади, очилгач пахтаси чаноқлардан тўкилмайди. Толасининг пишиқлиги 4,8 гк, нисбий узилиш кучи 33,3 гк текс, узунлиги 38,9 мм, тола чиқиши 34,6 % гача. Ўсув даври 115 кун. Толасининг ранги оппок, жаҳон стандартига тўғри келади. Фузариоз ва илдиз чириш касалликларига чидамли.

Қарши-8. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг Қашқадарё таянч пунктида танлаш йўли билан яратилган. Кўсақдаги пахта вазни 3,1-3,3 г, тола чиқиши 33,2 фоиз. Штапел вазни узунлиги 38,5 мм, толасининг пишиқлиги 4,7 гк, нисбий узилиш кучи 32,2 гк текс. Толаси II тип. Ўсув даври 110-115 кун. Вилт касаллигига чидамли.

C-6037. Г.С.Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Ю.Хуторной ва Ш.Ибрагимоқлар томонидан чатиштириш йўли билан яратилган. Кўсагининг вазни 3,6-3,8 г, тола чиқиши 30-31 фоиз. Тола узунлиги 40-41 мм, пишиқлиги 4,3-4,6 гк, нисбий узилиш кучи 35,5 гк текс. Касалликка чидамли.

Бу навларнинг тавсифи уларнинг келиб чиқиши, морфологик, биологик, хўжалик ва технологик белгиларга қараб ўрганилади.

6 Мавзу: Пахтачиликда алмашлаб экиш, ерни кузда ва эрта қўкламда ишлаш системаси

Режа:

1. Пахтачилик хўжаликларда алмашлаб экиш
2. Далани ғўзапоядан тозалаш ва ер текислаш
3. Ҳайдаш олдидан ерга органик ва минерал ўғитлар бериш
4. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши кураш
5. Кузги шудгорлаш
6. Яхоб суви бериш ва шўр ювиш
7. Ерга эрта баҳорда ва экиш олдидан ишлов бериш

Ўрта Осиёning сугориладиган ерларида ғўза асосий экин ҳисобланади. Шунинг учун сугориладиган умумий майдоннинг камида 66,7—80% ини ғўза, қолган 20—33,3% ини ем-хаشاқ, озиқ-овқат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинлари ичида беда етакчи ўринни эгаллайди.

Сугориладиган пахтачилик районларида алмашлаб экишда қўйидаги мақсадлар кўзда тутилади. Тупроқда кўп микдорда органик моддалар, азот ва бошқа озиқ элементлари тўплаш, тупроқнинг физикавий хусусияти, мик-робиологик ҳолатини яхшилайдиган ўсимликларни навбатлаб экиш, шу билан тупроқ унумдорлигини алмашлаб экиш схемаларида етакчи экин ҳисобланган пахта ҳосилини узлуксиз ошириш, ҳар бир хўжаликда экин майдонлари структурасини яхши сақлаган ҳолда, ердан мумкин қадар унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш бригадаларини тўғри ташкил этиш, органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, комплекс механизацияга суюниб меҳнат унумдорлигини кўтариш.

Ўрта Осиё шароитида ёзда ҳаво қуруқ ва иссиқ келгани учун тупроқ таркибидаги органик моддалар тез парчаланиб кетади, натижада тупроқнинг физикавий хусусияти ёмонлашади, унинг унумдорлиги пасаяди. Юқорида айтилганидек, республикамизнинг сугориб дехқончилик қилинадиган майдонларининг ярмидан кўпроги шўрланган бўлгани учун экинларнинг ҳосилдорлиги тезда пасайиб кетади. Бундай камчиликларни йўқотиш учун фақат алмашлаб экишни жорий этиш керак. Алмашлаб экишда беда энг универсал ва энг яхши самара берадиган экин ҳисобланади. Беданинг қимматли томони шундаки, у тупроқда 2—3 йил ичидаги гектар бошига 300—400 кг ва бундан ҳам кўпроқ азот. тўплайди, тупроқ структурасини тиклайди, сув, ҳаво режимини яхшилади. Шунинг учун **дехқонларимиз беда ғўзани боқади, деб бежиз айтишмаган.**

Беда бир мавсумдаги ўсув даврида ер остики ва ер устки массасини ҳосил қилиш учун ўзидан **гектарига 12—15 минг м³ гача сув буғлатади**. Беданинг бу хусусияти ер ости сувлари юза жойлашган майдонларда унинг камайиб пастга тушиб кетишига сабабчи бўлади ва тупроқнинг шўрланиш даражаси анча пасайиб заарали тузларнинг экинга кўрсатадиган таъсири кескин камаяди. Кўп йиллик амалий тажрибалар шуни кўрсатдики, беда ўсимлиги ғўзанинг ашаддий душмани бўлган **вилт касаллигининг анча камайишига ёрдам беради**. Маълумки, бу касалликни кўзғатувчи замбуруғлар беда илдизида кўпаймайди

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтакор хўжаликлар учун 9 далали (3:6), 10 далали (3 : 7) ва 12 далали (3 : 9) аямашлаб экиш схемаларини тавсия қиласди. Бунда биринчи рақам беда ва ем-хашак экинла-рини, кейингиси ғўзани кўрсатади. Беда биринчи йили маккажўхори, оқжўхори, райграс ёки суданўтга, кўкат озиқ ёки дон учун арпага қўшиб экиласди. Бу схемаларда ердан янада унумли фойдаланиш, яъни кўплаб ем-хашак етиштириш мақсадида алмашлаб экишнинг биринчи даласига силос учун маккажўхори экиб олиб, август ойида бедага тақрорий экин сифатида арпа қўшиб экиш янада яхши самара беради. Ёки алмашлаб экиш бўйича беда сепиладиган биринчи далага дон учун кузги бошоқли экин экиб, унинг ўрнига дон учун маккажўхори экиш, ҳосили йигиштириб олиниши биланоқ — сентябрь-октябрь ойларида учинчи — асосий экин сифатида беда сепиш ҳам мумкин. Иккинчи ва учинчи йиллари ғўза ва беда ўстирилади. Алмашлаб экишнинг 2:4:1:2, 2:4:1:3 ва 2:5:1:4 схемаларида беда ёлғиз ўзи ёки кўкат озиқ учун маккажўхори, оқжўхори, райграс ёки суданўт билан аралаштириб экиласди. Икки йилдан кейин сурункасига 4 ёки 5 йил пахта етиштирилади. Бундан кейин ем-хашак учун мўлжалланган битта оралиқ далага дон учун баҳори бошоқли экиннинг ёлғиз ўзи ёхуд силосбоп маккажўхори экиласди, бошоқли дон экинлари ҳосили йигиштириб олингандан сўнг, ўрнига кўкат озиқ ёки дони учун маккажўхори, маккажўхори силосга ўриб олингандан сўнг эса унинг ўрнига оралиқ экин сифатида кўкат озиқ, жавдар ва рапс ёки кўкат озиқ учун суданўт, оқжўхорининг «Узбекистон» пакана кечки нави экиласди. Бу дала бир йилда икки марта дон етиштиришга мўлжалланган, яъни пахтадан бўшагандан кейин кузги арпа экилиб, ҳосили барваqt йигиштириб олиниди ва ўрнига тақрорий экин сифатида дон учун маккажўхори экиласди. Лекин бу даладан йилига уч марта ҳосил олиш ҳам мумкин. Бунда кўкат озиқ учун кузги жавдар, кейин силосбоп маккажўхори ва учинчи экин сифатида кўкат озиқ учун кузги рапс экиласди. Сўнг кейинги 2—4 йил пахта етиштирилади. Алмашлаб экишнинг 2 : 7 ва 2 : 8 схемасида ҳам беда юқорида кўрсатилган схемалардаги каби етиштирилади. 1:4:1:4 схемали алмашлаб экишда 1 ва 6-

далаларда 2:4:1:2, 2:4:1:4 га 2:5 схемаларидағи сингари оралиқ әкінлар ўстирилади. Алмашлаб әкишнинг 1:3:5 ва 1:3:6 схемалари кучли шурланган ерлар учун мүлжалланган: бунда 1-дала мелиоратив дала хисобланиб, бу майдон даставал асосли текисланади ва шури ювилади, кейин органик ўғитлар солиниб, бир йиллик әкінлар (ўзлаштириш учун) етиштирилади. Ҳосили ўриб-йигиб олингандан сўнг, яна бир бор текисланади ва кузга бориб шудгорлаб қўйилади. Алмашлаб әкишнинг бу хилдаги схемалари, ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангандан сўнг, биринчи ротация тугагач, 3:6 ҳамда 3:7 схемаларига ўтказилади.

Алмашлаб әкишнинг 4:8 схемаси дала шароитида синааб кўриш мақсадида сут-товар фермаларининг яқинидаги суғориладиган маданий яйловларнинг тезда ўзлаштириш мақсадида жорий қилинади. Бунда биринчи йили бедага пичан учун бошоқли ўтлар аралаштириб әкилади, иккинчи, учинчи ва тўртинчи йиллари мол боқиш учун фойдаланилади. 2:7:1 схемали алмашлаб әкишнинг 1, 2-далаларида 2:4:1:2, 2:4:1:3 ва 2:5:1:4 схема-лардаги сингари беда ўстирилади: 10- даласига хўжалик аҳолисини таъминлаш мақсадида сабзавот, картошка ва полиз әкінлари әкилади. Ундан олдинги йил, яъни ғўза ўстирилган тўққизинчи далада заҳарли дорилар ишлатилмаслиги, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашда эса биологик усууллар қўлланилиши керак.

Сабзавот әкінлари, картошка ёки полиз әкінлари етиштирилдиган 10-даланинг унумдорлигини тиклаш учун гектарига 20—40 m дан гўнг солиш тавсия қилинади. Алмашлаб әкишнинг бу схемаси кенг миқёсда синааб кўриш учун ишлаб чиқилган. Каноп ва пахтачилик билан шуғулланадиган хўжаликларда алмашлаб әкишнинг қуйидаги схемалари тавсия этилади:

3:7, яъни $B_1-B_2-B_3-F-M-F-M-F$ ёки $B_1-B_2-B_3-F-F-F-M-F-M-F$ F;

2:6:1:3, яъни $B_1-B_2-F-M-F-MFM-F$ — озиқбоп — M-F-M;

2:4:1:3, яъни $B^{\wedge}-B^{\wedge}G-F-F-M$ — озиқбоп — M-F-F; 1-4'1:4, яъни озиқбоп — M-F-M-F — озиқбоп — M — F — M-F.

Ем-харакат әкінлари ғўза алмашлаб әкиш схемаларидағи каби жойлаштирилади.

Эслатма: B — беда, Озиқбоп — ем-харакат әкінлари, F — ғўза

M — маккажӯҳори

Тупроқ типи, унумдорлиги, хўжаликнинг ем-харакатка бўлган талабини ва бошқа шарт-шароитларни хисобга олган ҳолда ҳар бир областдаги тажриба станцияси ўз шароитларини ҳар тарафлама анализ қилиб алмашлаб әкиш схемаларини белгилаб беради. Лекин умумий прин-цип асосида пахта салмоғи қуйидагича бўлиши шарт:

маданийлашган, шурланмаган ва унумдор ерларда 75-80%;

кам маданийлашган, шурланмаган, шунингдек, ўртача шурланган ерларда 70%;

шурланган зоналарда ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш мақсадида пахта салмоғи 66-70% -дан ошмайдиган даражада белгиланиши керак.

Алмашлаб әкиш тизимларини белгилашда асосий кўрсаткич хўжаликнинг йўналиши, маҳсулот етиштириш шартномавий режасидан ташқари, тупроқнинг шурланниш даражаси кўпроқ эътиборга олинади. Бундан ташқари, тупроқ унумдорлиги, майдоннинг мелиоратив ва санитария ҳолати, чорвачиликни мустаҳкам ем-харакат билан таъминлаш каби кўрсаткичлар ҳам хисобга олиниши керак.

Алмашлаб экиш деб, экинларнинг илмий асосда далалар ва йиллар бўйича навбатлаб экилишига айтилади.

Ротация ёки алмашлаб экиш даври деб, ҳар қайси экин навбати билан барча далаларда экилиб ўтилишига айтилади.

Алмашлаб экишнинг самарадорлиги ўтмишдош экинни тўғри танлашга боғлиқ. Республикаизда узоқ йиллар алмашлаб экиш асосан беда ва гўза асосида олиб борилди. Чунки беда ўсимлиги катта агротехник ва хўжалик аҳамиятига эгадир. У ҳатто шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Пахта-беда алмашлаб экишда тупроқ-иқлим шароитга қараб қўйидаги тизимлари қўлланилган: 3:7 (10 далали); 3:6 (9 далали); 3:5 (8 далали); 3:3 (6 далали) ва ҳк. Бунда биринчи рақам беда, иккинчи рақам гўзани ифодалайди.

Хозирги вактда пахта-ғалла алмашлаб экиш жорий қилинмоқда. Бунда 1:1 (2 далали); 1:2 (3 далали); 1:3 (4 далали) тизимлари қўлланилмоқда (18.1-жадвал). Бу тизимда биринчи рақам ғалла, иккинчи рақам гўзани билдиради. Тизимда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда қўшимча маҳсулот етишириш учун донли экинлардан кейин такрорий экинлар киритилиши шарт. Такрорий экин сифатида дон-дуккакли, қатор ораси ишланадиган маккажўхори, картошка ва сабзавот ҳамда сидерат экинларидан фойдаланилади.

1-жадвал

Пахта-ғалла алмашлаб экишнинг 3-далали тизими

Дала	1	2	3
Йиллар			
1	F+O.Э.	П	П
2	П	П	F+O.Э.
3	П	F+O.Э,	П

Пахта-67 %, ғалла-33 %. О.Э.- оралиқ экин

Беданинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти юқори эканлигини эътиборга олиб, шўрланган ерларда пахта-беда-дон алмашлаб экишни тавсия этиш мумкин, яъни тизим 2:3:1 кўринишда бўлиши мумкин (18.2-жадвал), бунда биринчи рақам бедани, иккинчи гўзани ва учинчи рақам дон экинларини билдиради. Беда биринчи йили дон билан бирга экилса, дон экилган майдонларда дондан кейин такрорий экин экиш кўзда тутилади.

Лекин, шу нарсани қайд этиш лозимки, пахта-ғалла алмашлаб экишда пахта-беда-дон алмашлаб экишга нисбатан пахтанинг умумий салмоғи бирмунча баланд бўлганлиги учун ҳам ундан олинадиган ялпи маҳсулот ҳам юқори бўлади. Бу эса унинг иқтисодий томондан юқори бўлишини кўрсатади. Бироқ, бунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш тадбирларини кўриш лозим.

Ерни чигит экишга тайёрлаш **«Ерни ишлаш» номи билан** юритиладиган комплекс тадбирлардан иборат бўлиб, у куз-қишида гўзапояни юлиш, ер текислаш, маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш, кузги шудгорлаш, яхоб суви бериш, шўр ерларни ювиш, ерларни қишки-кўкламги ва экиш олдидан текислаш, чизеллаш, бороналаш ва бошқа ишларни ўз

ичига олади. Келгусида ҳосилнинг тақдири, маҳсулот таннархи мана шу тадбирларнинг ўз муддатида ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

2-жадвал

Пахта-беда-дон алмашлаб экишнинг 6-далали тизими

Дала Йиллар	1	2	3	4	5	6
1	Б+Д	Б	П	П	П	Д+О.Э.
2	Б	П	П	П	Д+О.Э,	Б+Д
3	П	П	П	Д+О.Э,	Б+Д	Б
4	П	П	Д+О.Э.	Б+Д	Б	П
5	П	Д+О.Э.	Б+Д	Б	П	П
6	Д+О.Э,	Б+Д	Б	П	П	П

Пахта-50 %, беда-16,7 %, дон-33,3 %. О.Э.- оралиқ экин

Ерни экишга тайёрлаш жуда катта куч сарфлашни, масалан, пахта етиштиришга килинадиган жамики механикавий энергиянинг 40—50% и миқдорида куч сарфлашни талаб қиласи. Ерни шудгорлаш олдидан ғўзапоялар 14—16 см чуқурлиқда юлиб олинади.

Маълумки, ғўза илдизларида турили хил касаллик қўзгатувчилар, жумладан, энг хавфли касалликлардан ҳисобланган вилт касали юқуми бўлади, бу касаллик ҳосилни 20—30%, баъзан ундан ҳам кўпроқ камайтириши мумкин. *Агар ернинг ҳайдалма қатлами жуда куриб кетган бўлса, у вақтда ҳайдашдан 10—15 кун олдин ер суғорилади. Ҳайдов олди суви, одатда, ер ости сувлари чуқур жойлашган ва кузда ёғингарчилик кам бўладиган ерларда берилади. Бундай участкаларда ғўзапоя ер етилиши билан йигиб олинади.*

Пахтаси машинада териб олинган участкаларда ғўзапоя юлишга октябрь охири, ноябрь бошларида киришиш мумкин. **Ғўзапоя юлишда** КВ- 3,6А, КВ- 4, ГУМ, КС- 4В, 2-ПТС- 4- 793 ва КС- 4М машиналардан фойдаланилади. Юлинган ғўзапоялар ДТ-14 ёки ДТ-20 тракторга ўрнатилган ВНХ-3 маркали волокуша ёрдамида йигиб олинади ва даладан ташқарига чиқарилади.

Вилт билан зааррланмаган далаларда поякескич машиналардан фойдаланиш мумкин.

Майдаланган ғўзапоя тупроқда аралаштириб ҳайдаб. юборилади ва у тупроқ; унумдорлигини оширишда дурустгина восита сифатида хизмат қиласи. Бир тонна

майдаланган ва тупроққа аралаштирилған ғүзапоя қиммати бүйича **15—20 кг** азотта тенг келади.

Ажриқ, ғумай ва бошқа илдизпояли бегона ўтлар босған далаларда ғүзапоя юлингандан ва йигиб олингандан кейин ер отвалсиз **плугда 16—18 см** чуқурликда юмшатилади. Ер юмшатилғандан кейии илдизпоя қолдиқлари КПН- 4А маркалы культиватор, КВУ- 0,3Б маркалы чизел-юмшатгичда, ВЗР- 45' маркалы ўрнатма борона ёки оддий боронада тирмалаб йигиб олинади ва даладан ташқарига чиқарилади. Шундан кейин ер чимқирқарли плугда 28—30 см чуқурликда ҳайдалади. **Шүрланмаган ерларда ҳайдаш олдиdan гектарига 8—10 м гүнг, фосфорлы ўғитлар ииллик нормасини 60—70%' ва калийли ўғитларнинг 50% берилади.** Шүрланишга мойил ва шўри ювиладиган ерларда эса фақат гүнг солиниб, минерал ўғитлар эса ерни экиш олдидан ишлаш маҳалида ёки экиш билан бир вақтда солинади.

Ер текислаш. Яхши текисланган ерларда шўр ювиш, суғориш сифати яхшиланади, сув сарфи камаяди, ниҳоллар қийғос униб чиқади, қатор ораларини культивация қилишда тупроқ яхши ишланади ва ерга солинган ўғитларнинг самарадорлиги ортади.

Тажрибаларда аниқланишича, дўнг ерлардаги экинлар ҳам, паст ерлардагиси ҳам ҳосилини текис ерларда ўстирилған экинларнига қараганда камайтириб юборади.

Яхши текисланмаган участкаларда суғориш нормаси белгиланғанидан **1,5—2 баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошиб кетади, яъни гектарига 1500—2500 м³ га** етади.

ЎзПИТИ нинг Мирзачўлдаги марказий мелиоратив тажриба станциясида олиб борилған кузатиш натижаларига қараганда, яхши текисланмаган ерларда тупроқ шўри қайта-қайта ювилишига қарамай, заарлар тузлар доғ-доғ бўлиб тарқалғанлиги оқибатида пахта ҳосили гектарига 6—8 ү дан ошмади. Ана шу хилдаги ерлар обдон текисланиб, кейин шўри ювилганда пахта ҳосили гектарига 24 ү гача кўтарилди.

Айрим олимларнинг ғўзани ёмғирлатиб суғориша ерни текислаш керак эмас деган мулоҳазалари нотўғри чиқмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир хўжаликда ер текислаш ишлари билан системали равишда шуғулланиб бориш керак. Агар хўжаликда алмашлаб экишга мелиоратив даласи ҳам киритилған бўлса, у вақтда ерларни асосли текислаш бутун ёз давомида ўтказилади, бунинг учун **дала икки қисмга** ажратилади. Булардан бирида йилнинг **биринчи ярмида** ер текислаш ишлари ўтказилиб, кейин силос учун маккажўхори ёки оқжўхори экилади, **иккинчи қисмида** эса аксинча, аввал дон учун кузги галла экинлари экилади, йилнинг иккинчи ярмида ер текислаш ишлари амалга оширилади.

Ерларни асосли текислашда, одатда, ернинг **30 см гача бўлган устки қавати кесиб** олиниб, бошқа ерга сурилади, натижада тупроқнинг қалинроқ қирқиб олинган қисмida кам унум қават вужудга келади. Бундай ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида ерга органик ўғитлар (**гектарига 30—40 м дан гүнг) ва суперфосфат (гектарига 500—700 ке ҳисобидан)** солиш тавсия қилинади. Ернинг ана шу қисмida тупроқ унумдорлигини ошириш учун **беда** экиш яхши самара беради.

Хар 10—15 йилда бир марта ўтказиладиган асосли текислашдан ташқари, янгидан ўзлаштирилған ерлар **йилига бир марта жорий текисланади**, бунда ҳайдалган ернинг баъзи ўнқир-чўнқир жойлари текисланади. Ерларни асосли текислаш маълум лойиҳа асосида ўтказилади, жорий текислаш эса лойиҳасиз ҳам ўтказилаверилади. Жорий текислаш ишлари грейдерларда, қўлда, экиш олдидан молалаш билан бир вақтда

бажарилади. Жорий текислашда грейдер ёки махсус ер текислайдиган мола ёрдамида участканинг дўнг қисмидан бир-икки марта ўтиб, ўша жойни кесиб олиб ўнқир-чўнқир ерларга ташланади. Асосли ва жорий текисланган ерларда техникадан унумли, сувдан тежаб-тергаб фойдаланилади. Ниҳоят, ана шулар ҳисобига пахта ҳосили гектарига 2—3 ү ва ундан ҳам кўп-ротда ошади

Ерни кузда шудгорлаш билан тупроқнинг нам кўп сақланадиган ҳайдалма қавати юмшатилади тупроқнинг юза қатламидаги структурасиз қавати эгат тубига тушиб, тоза қаватда структура бир оз тикланади, шунингдек, зааркунанда ва касаллик қўзгатувчилар, бегона ўт уруғлари тупроқнинг чукур қатламига кўмилади.

Хозирги пайтда ерни кузда шудгорлаш технологиясига қуйидаги талаблар қўйилади: ерниг ҳайдалма қаватини тўла ағдариб ҳайдаш билан унинг қатламма-қатлам жойлашишини таъминлаш. Бунда тупроқнинг 0—15 ёки 0—20 см ли юза қавати ағдарилиб, эгат тубига ташланади ва пастки 15—30 ёки 20—40 см ли қавати эса ер бетига ағдариб чиқарилади. Ангиз қолдиқлари, берилган ўғитлар, бегона ўтларнинг илдизпоя ва ургулари ҳайдаш чукурлигига кўмилади;

Ерни қўш ярусли плугда ҳайдаш оддий ҳайдашга қараганда далани бегона ўтлардан тозалаш имконини беради.

Бедапоялар ҳам қўши ярусли плугда қатламма-қатлам ҳайдалса, келаси йили у қайта кўкламайди, илдиз қолдиқлари тупроқ горизонтлари бўйича бир хилда тақсимланиб, унинг унумдорлигини ошириш учун қулай шароит яратади

Кўплаб илмий текшириш муассасалари ва илғор хўжаликларнинг тажрибалари кузги шудгорлаш ҳисобига пахта ҳосили гектарига 10—20% ва ундан ҳам кўпроқ ошишини тасдиқламоқда.

Кузги шудгорлаш муддатлари. Кузги шудгорлашни октябрнинг иккинчи ярми ва ноябрь ойларида ўтказилгани маъқул. Кузда ерлар ҳаддан ташқари эрта муддатларда ҳайдалса, кўкламда далаларни кўплаб бегона ўтлар босади, шудгорлаш кечикириб ўтказиладиган бўлса, совук; тушиб ер музлаши ёки тупроқ сернам бўлиши оқибатида тупроқни сифатли ишлаш қийинлашиб қолади.

Йирим-терим бригада ёки хўжалик бўйича тугалланишини кутиб ўтирасдан, ғўздан бўшаган майдонларда далани **конвейер усулида ғўзапоядан тозалаш** ва пешма-пеш ҳайдашга киришиш керак. Иш шу тартибда ташкил этилганда дала ғўзапоядан тез бўшайди ва ер ўз вақтида ҳайдалади. Кузги шудгорлаш **узоги** билан декабрнинг биринчи ярмида тугалланиши керак.

Кузги шудгорлашни баҳорги ҳайдашга алмаштириш тавсия қилинмайди. Акс ҳолда пахта ҳосили гектарига **3—4 ү ва** ундан ҳам кўпроққа камайиб кетиши мумкин.

Эрта баҳорги ҳайдаш ерни экишгача ишлаш тадбирларини чўзиб юборади, далани зааркунанда ва касалликлардан тўла равишда тозалашга имкон бермайди.

Иrrигацион келтирилмалар қалин бўлган баъзи районларда кузда ерларни 35—38 см чуқурликда ҳайдаш маъқул кўрилади. Ҳайдалма қатлам ости берчлашиб қолган ерларни чуқур юмшатувчи иш органлари билан жиҳозланган ПД- 4- 35 маркали плугда 40—45 см юмшатиб бир йўла 30—32 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқдир.

Бедапоялар ҳаддан ташқари барвақт бузиб юборилса, органик қолдиқлар жуда тез минераллашиб кетади, унинг пахта ҳосилини ошишига фойдаси кам тегади, шунингдек,

бедапоя эрта бузилганда күклемда у қайта күклем чигит экишга ва ғұза қатор ораларини ишлашга халақит беради.

Ерлар загон усулида бир йил дала ичкарисига, бпр йил дала ташқарисига ағдариб ҳайдалиши керак.

Күзги шудгорлашга қўйиладиган мажбурий талаблардан бири участканинг ҳамма қисмини бир хил чуқурликда юмшатишидир.

Қишиш ва баҳорда ёғингарчилик кўп бўладиган районларда күзги шудгорлашда ерларга бир йўла борона босилмайди. Шўри ювиладиган ёки яхоб суви бериладиган майдонларда күзги шудгорлаш билан бир вақтда плуг оркасига 2 та «зиг-заг» борона тиркалади. Шунда ер текис бўлиб, яхоб суви бериш ёки шўр ювиш учун қулай шароит яратилади.

Баъзан ҳосилнинг кеч етилиши оқибатида кузда ерлар ўз вақтида ҳайдалмай қолади. Масалан, Хоразм области ва ҚҚАССР да бир қанча сабабларга кўра, жумладан, қаттиқ совуқнинг эрта тушиши оқибатида қўнчилик пахта майдони шудгорланмай қолади.

Пахта ҳосилининг етилишини тезлаштиришдаги бирдан-бир фактор қузги шудгор эканлигини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, кузда шудгорланган ерлардаги пахта ҳосилининг камида 90%-и, баҳорда ҳайдалган ерлардаги ҳосилнинг эса кўпи билан 75%' совуқ тушгунча тўла етилиб очилишга улгурди.

Ер ҳайдаш усувлари ва унинг сифатини назорат қилиш

Ҳозирги вақтда дехқончилик системасида ҳайдашнинг **икки хил усули**: загонларга бўлиб ҳайдаш ва текис ҳайдаш усули қўлланилади.

Республикамизнииг асосий пахтакор зоналарида ер ҳайдашнинг **загон усулидан** фойдаланилади, бунда тупроқ бир йил ичкарига, бир йил ташқарига ағдариб ҳайдалади

Шудгор марзалари ва ташқарига ағдариб ҳайдашда ҳосил бўладиган ариқчаларни камайтириш мақсадида, ичкарига ағдариб ҳайдашнинг ташқарига ағдариб ҳайдаш билан навбатлаш, йирик участкаларга кўчганда ҳамма жуфт сонли загонларни ичкарига ағдариб ҳайдаш ва тоқ сонли загонларни эса ташқарига ағдариб ҳайдаш ёки бунинг акси бўлиши керак. Загоннинг эни 40—50 м бўлганда тракторнинг салт юриши анча камаяди.

Тракторлар буриладиган жойларни ер ҳайдаш тугалланиши биланоқ, ҳайдалма қатламни ичкарига ёки ташқарига ағдариб ҳайдаш лозим. Бунда участканинг чеккалари текис чиқади ва суғориш учун қулай шароит вужудга келади ва ердан тўла фойдаланилади. Участка ери ҳайдаб бўлингандан кейин ташқарига ағдариб ҳайдашда ҳосил бўлган ариқчалар ва шудгор марзалари грейдер ёки плуг ёрдамида текисланади, ўтириб қолган қисми (грейдер ўтган жой) чизель билан юмшатилади.

Шудгорлаш сифати деганда, ерларни ўз вақтида, яъни энг кулай муддатларда ҳеч қандай ариқча марза ҳосил қилмасдан ҳайдаш, унинг бир хил чуқурликда юмшатилиши, тупроқ ҳайдалма қатламишнинг тўғри ағдариб ҳайдалишини таъминлаш ва бошқалар тушунилади.

Ҳайдаш чуқурлигини ва сифатини текшириш учун участканинг бир неча жойи ўлчанади ва олинган натижалар жамланиб, ўртачаси ҳисоблаб чиқарилади. Масалан, участканинг турли жойлари 10 марта ўлчанди ва қуйидаги кўрсаткичлар олинди дейлик: 30, 28, 32, 29, 30, 28, 32, 30, 28, 30 қ 297 : 1 = 29,7 см. Демак, ана шу участкада ер ҳайдаш чуқурлиги 29,7 см экан. Нормал шароитда ҳайдаш чуқурлиги белгиланган чуқурликдан 3—4 см дан ошиб кетмаслиги керак..

Ер хайдаш пайтида далада албатта, звено бошлиғи ёки бригадир бўлиши лозим.

Ерларнинг бир хил чуқурликда ҳайдалмаслиги плуг нотўғри созланганлигидан ёки участка ер ҳайдаш учун қоникарсиз тайёрланганлигидан далолат беради.

Яхоб бериш. Кўкламда ёғингарчилик кўп бўладиган ТОҒ олди зоналардан ташқари, республикамизнинг деярли ҳамма пахтакор районларида ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда яхоб суви бериш керак.

Яхоб суви чигитни қийгос ундириб олиш ва гўза ниҳолларини ўсув даврининг дастлабки пайтларида нормал ўсиб ривожланиши учун тупроқда етарли миқдорда запас нам тўплаш максадида берилади.

Яхоб суви беришнинг энг қулай муддати ноябрь-декабрь ойлари ҳисобланади, чунки бу даврда тупроқ ҳали музламаган бўлади. Шу муддатда сув берилганда у тупроқнинг чуқур қатламигача сингиб боради ва шу билан тупроқнинг чуқур қатламларигача музлашига имконият яратилади.

Яхоб суви бериш ернинг ҳайдалма қатламида юмшоқ кесакчали қатlam ҳосил қиласди, шунингдек, тупроқда қишилаётган кўплаб заараркунандаларнинг нобуд бўлишига ёрдам беради. Агар экишга қадар тупроқда етарли миқдорда запас нам тўпланмаса, у ҳолда ернинг табиий намлиги чигитни ундириб олиш ва ўсув даври бошларида майсаларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун етилмай қолади. Шунга кўра, яхоб суви ўсув даврида бериладиган сувдан самарали фойдаланиш, ниҳолларни чигит суви бермасдан ундириб олиш имконини беради. Шунингдек, яхоб суви бериш ўсув даврида Суғориш тиғизлигини анча камайтиради, гўза илдиз системасининг яхши ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу эса ўсув даврида гўззанинг етарли миқдорда озиқ моддалар ва сув билан таъминланишига ҳамда мўл ҳосил тўплашига имкон беради.

Яхоб суви тупроқнинг 1,5—2 м лик қавати намланадиган даражада берилади. Тупроқнинг энг кўп миқдорда сув тутиб қолиш қобилияти **тупроқнинг дала нам с иғим и** дейилади. Тупроқнинг ана шу қобилияти турли хил тупроқларда турлича бўлади. Масалан, оғир тупроқлар енгил қумоқ тупроқларга қараганда сувни кўп сақлайди, лекин сувни тезда йўқотади. Бундай тупроқларда яхоб сувини кўкламда, экишга яқин бериш мақсадга мувофиқdir.

Яхоб суви бериш нормаси тупроқ типига қараб, гектарига 2000—3000 м³, енгил тупроқларда эса 1000—1500 м³ ни ташкил қиласди. Шунингдек, кучли шамол эсадиган районларда ҳам яхоб сувини баҳорда экиш олдидан бериш тавсия қилинади.

Яхоб беришда сув чуқур эгатлар орқали берилиши керак. Шунда дала бир текисда намланади. Бостириб суғориш ерни қотириб юборади ва тупроқ бир текисда намиқмайди. Яхоб суви беришда олдин шудгорланган дала текисланади, кейин унинг нишабига қараб, **90—100 см кенгликда, 16—18 см чуқурликда** эгатлар олинади. Эгат орқали суғорилганда иш сифати ва сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги юқори бўлади, сув эгат марзасигача кўтарилиб чиқмайди, тупроқнинг кўнчилик қисми майнлигича қолади.

Эгатлар енгил тупроқли ерларда 150—200 м, ўртacha оғир тупроқли ерларда эса 250—300 м ва оғир тупроқли ерларда 350—400 м узунликда олинади. Эгатлар узунлиги участканинг нишабига қараб ҳам ўзгаради. Чунончи участканинг нишаби қанчалик катта бўлса, эгатлар шунчалик қисқа бўлади.

Яхоб берилгандан кейин ер етилиши биланоқ тезда икки марта бороналаш керак. Биринчи бороналаш күндалангига ва иккинчиси узунасига ўтказилади. Бунда занжирили (гусенициали) тракторлардан фойдаланилади.

Кузги шудгорлашга қадар ёгин гарчилик бўлмаса, ерлар бир хил чуқурликда ҳайдалиши ва яхши увоқланиши учун ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда пахта ҳосили йифиб олиниши билан, яъни октябрь ойларида далани суғориш тавсия қилинади. Агар ер бундан кечиктириб суғорилса, тупроқ ҳайдашга етилмай қолиши ва далани кузда шудгорлаш имкони бўлмай қолиши мумкин.

Ерларни ҳайдаш олдидан суғориш ҳайдаш сифатини яхшилаш билан бирга тупроқда нам тўплаш ва шўрланган ерларда шўр ювиш хизматини ҳам ўтайди.

Шўр ерларни ювиш. Шўр ерлар деганда, тупроқ таркибида ўсимликнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун сувда эрийдиган заарли тузларнинг бўлиши тушунилади. Кучсиз шўрланган ерларни ғўзапоясини йиғмасдан туриб ювиш ва кейин шудгорлаш, олдин ҳайдаб кейин ювишдагига қараганда пахта ҳосилини анча оширади. Масалан, Чоржўй тажриба даласида ғўзапоя юлинимасдан олдин тупроқ шўри ювилиб шудгорланган ерларнинг ҳар гектаридан 33,3 ү, олдин ҳайдаб кейин шўри ювилган ерлардан эса 22,4 ү дан ҳосил олинган.

Лекин шуни унутмаслик керакки, факат ҳосили қўлда териб олинадиган майдонлардагина ғўзапоя юлинимасдан олдин тупроқ шўри ювилиши мумкин. Паҳтаси машинада териладиган участкаларда бу тадбирни қўллаб бўлмайди, чунки суғорилгандан кейин анча пайтгача машинанинг далага кириши қийин бўлади.

ЎзПИТИ тажрибаларида аниқланишича, тупроқнинг бир метрлик қаватида хлорид ва сульфат кислота тузлари 0,3—0,5% бўлса, чигитнинг униб чиқиши анчага ҷўзилади ва ўсимталарнинг кўнчилик қисми нобуд бўлади.

Ишлаб чиқариш практикасида тупроқнинг шўрланиш даражасини шу даладаги ўсимликларнинг ҳолатига қараб аниқланади. Кам шўрланган ерларга эгат марзаларига салгина оқ (туз) додлар чиққан майдонлар киради, бундай участкада ўсимликлар у ер-бу ерда заарланади; ўртacha шўрланган ерларда ғўзанинг заарли тузлардан қийналайтганлиги яхши сезилиб туради, бундай ерлардаги шўр додлар 20—25% га етади. Кучли шўрланган ерларда шўр додлар умумий майдоннинг 25% дан кўпрогини ташкил қиласи ва экинлар ҳам жуда қийналиб ўсади.

Шўр ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда коллектор-зовур системалари қуриш, сувдан планли равишда тежаб-тергаб фойдаланиш, экинларни тўғри жойлаштириш, дараҳт ва беда экиш энг самарали тадбирлардан ҳисобланади. Коллектор-зовур системаси қурилган жойларда тупроқ; шўрини йўқотишда бирдан-бир восита шўр ювишдир.

Шўр ювиш нормаси кучсиз шўрланган ерларда гектарига 1500—2000 м³, кучли шўрланган ерлар-да 4000-6000 м³.

Тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб, шўр ювиш маълум муддат ичидаги бир неча марта ўтказилгандагина яхши натижа беради. Неча марта шўр ювиш тупроқ типига ва унинг қай даражада шўрланганлигига боғлиқ бўлиб, одатда, у **2 дан 6—7 марта гача бўлади.**

Шўр ювиш учун энг қулай муддат куз ва қишининг бошланиши (октябрь, ноябрь, декабрь) ҳисобланади, ана шу даврда ер ости сувлари сатҳи пасайган ва буғланиш анча кам бўлади.

Тупрок шўрини бир текисда чучуклаштириш ва сув дала бўйлаб бир меъёрда тақсимланиши учун даланинг текислигига, нишабига ва тупроқ; хусусиятларига қараб **0,1 дан 0,25 га гача катталикда пол (чек) олинади**. Полларга бостириладиган сув сатҳи 15—20 см қалинликда бўлиши керак. Полларга сув қўйиш участканинг этак қисмидан бошланиб, юқори томонида тугалланиши лозим.

Айрим сабабларга кўра, жумладан, пахтасини йиғиб-териб олишга улгурмаслик оқибатида кузда ювилмай қолган ерлар эрта **кўкламда ҳайдашдан олдин** ювилиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, эрта баҳорда шўр ювиш қулай агротехникавий муддатларга кирмайди, балки бу ноиложликдан амалга ошириладиган тадбирдир. Янгидан ўзлаштирилаётган ва қайтадан ҳайдалган ерлар **август ойида**, кучли шўрланган майдонлар эса бундан ҳам эртароқ ювилиши керак.

Суғориладиган ерларни мелиорациялаш, коллектор ва ташлама ариқлардан чиқадиган сувлардан экинларни суғоришда ва шўр ювишда фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Коллектор ва ташлама ариқ сувлари насос ёрдамида тортиб олинса, ерларнинг мелиоратив ҳолати сезиларли даражада яхшиланади, шунингдек, ер ости ва коллектор-зовур сувлари сатҳини пасайтиради, уларнинг дренаж қилиш таъсирини оширади, ҳар гектар ерга сарфланадиган ариқ сувлари микдорини камайтиради. Лекин коллектор-ташлама ариқ сувларидан экинларни суғоришда фойдаланишда унинг ҳар литрида 5 г гача қаттиқ қолдик; минераллашган бўлиши керак. Кучли даражада минераллашган шўр сувлардан экинларни суғоришда фой-даланиш учун улар албатта ариқ сувларига аралаштириб берилиши лозим.

Суғориш шоҳобчаларидан фақат ўсув даврида экинларни суғоришда, шўр ювишда ва яхоб суви беришда фойдаланиш керак. Йилнинг қолган пайтларида суғориш шоҳобчаларига сув қўйиш тўхтатилиши лозим. Шундай қилинса, ер ости сувлари сатҳи анча пасаяди. Қиши-кўклам даврида бу шоҳобчалар, одатда, ёпиб қўйилади.

Шўр ювишдан ва яхоб суви берилгандан кейин суғориш шоҳобчаларини, коллектор-зовурларни тозалашга, гидротехника иншоотлари ва каналларни ремонт килишга киришилади. Йирик коллектор ва каналлар, одатда, механизмлар билан тозаланади. Ички хўжалик шоҳобчаларида механизмларни ишлатиш имкони бўлмаган жойларда улар қўлда тозаланади.

Кўкламда ва экиш олдидан қилинадиган асосий ишларга: куз-қишида бирор сабабларга кўра бажарилмай қолган ишларни охирига етказиш, эрта баҳорда ерларни бороналаш, жорий текислаш, енгил ва кам унум ерларни экиш олдидан суғориш, бегона ўтларнинг илдизпояларини тирмалаб (тароқлаб) йигиб олиш ва далани экишга тайёрлаш киради.

Кўкламда об-ҳаво шароитига ва далани қанчалик ўт босганлигига қараб, биринки марта борона босилади. Кучли ёгин гарчиликдан кейин, одатда, бороналаш такрорланади.

Бегона ўт босадиган далаларда ерни экиш олдидан ишлаш вақтига келиб уни у ёки бу даражада ўт босади, буларни фақат ерни бороналаш билан йўқотиш қийин бўлади. Бундай ҳолларда ерларни культивация қилиш ёки чизеллаш яхши самара беради

Ўта зичлашиб кетган ва палахса кўчириб сифатсиз ҳайдалган ерлар экиш олдидан оғир дискли борона билан ишланади.

Ерни экиш олдидан ишлаш

Ерни экиш олдидан ишлашдан мақсад уруг яхши кўмилиши учун майин қатлам вужудга келтириш, чигитнинг бир текис униб чиқиши ҳамда ўсув даври бошида яхши ривожланиши учун қулай шароит яратиш, тупроқда тўпланган нам запасини сақлаб қолиш ва бегона ўтларни йўқотишдан иборатdir.

Ерни фақат экиш олдидан ишлаш (бороналаш, молалаш) шарт эмас. Ерни экишга 10—15 кун қолганда ишласа ҳам бўлади. Чунки баҳорда ишлангандан кейин кўкламда ерларни камида 25 см чуқурликда ҳайдаш ва тупроқ қанчалик эрта етилса, ҳайдашни шунчалик барвақт бошлиш керак. Мола босишга зарурият туғилишининг боиси шундаки, кўкламги ер ҳайдашда албатта палахса кўчади ва у майдаланмаса, ернинг юза қавати салгина зичланмаса тупроқ қуриб қолиб, уруғнииг униб чиқиши қийинлашади.

7 Мавзу. Чигитни экишга тайёрлаш ва чигит экиш.

Режа:

1. Уруғлик чигитга қўйиладиган Давлат стандарт талаблари
2. Республикаиз вилоятларида чигит экишнинг энг қулай муддатлари
3. Чигитни экишга тайёрлаш ва экиш
4. Чигитни эрта ва тўлиқ ундириб олиш чоралари

Пахтачиликда икки хил: тукли ва туксиз уруғлик чигитдан фойдаланилади. Экиладиган чигит давлат стандарти талабига жавоб бериши керак. Стандарт талабига жавоб берадиган уруғ кондицион уруғ дейилади.

Уруғлик чигит асосий сифат кўрсаткичлари бўйича: униб чиқиши даражаси, навининг тозалиги, сиртидаги қолдик тола микдори, намлиги ва шикастланиши давлат стандартига тўғри келиши керак.

Униб чиқиши даражасига қараб уруғлик чигит уч синфга бўлинади: 1 синф уруғнинг униб чиқиши лаборатория шароитида - 95-100 %, 2 синф уруғнинг униб чиқиши шароити - 90-94 % ва 3 синфники-85-89 % га teng бўлиши керак.

Униб чиқиши даражаси 85 % дан паст чигитлар экишда қўлланилмайди.

Пахтачиликда эқиладиган ғўза навлариниг уруғи 5 йиллик схемада янгиланиб турилади: Элита-0,1 % экин майдони; 1- репродукция-0,9 %;

2- репродукция-6,0 % экин майдони; 3- репродукция-30,0 % экин майдони;

4- репродукция-63,0 % экин майдони.

Элита уруғининг нав тозалиги-100 %, 1 репродукция-99 %, 2 репродукция-98 % ва 3 репродукция-96 % бўлиши керак.

Тукли чигитнинг устидаги қолдик тола микдори ўрта толали навларида 0,8 % дан, ингичка толали ғўза навларида 0,4 % дан ошмаслиги керак.

Чигит таркибидаги нам Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қўл теримида 9 %, машина теримида 10 % дан ошмаслиги керак. Давлат стандарти талабига кўра уруғлик чигитнинг шикастланиши қўл теримида 5 % дан, машина теримида 7 % дан кўп бўлмаслиги керак.

Экиладиган чигитни дорилаш: (1 тонна чигитга дори сарфи).

Дорилар номи	Солиш норма-си, кг	Усули	Нималарга қарши
Тигам, 70 % намланувчи кукун	10-12	Аввало чигит намлана ди: 25-30л ўрта тола ли, 15-20 л ингичка толали ғўза навлари уруғи пуркалади	Илдиз чириш ва зааркунандаларга қарши
Бронокат, 12 % кукун	6	-/-/-/-/-	гоммозга қарши
Формалин, 40 %	3-4	Эритма қилиниб- 300 л ингичка толали, 400 л ўрта толали чигитга 3 соат димланади	гоммозга қарши
Никамизалон	7		гоммоз, илдиз чириш ва макро-спориоз касалликларига қарши
Паноктин, 35 % концентрат эмульсияси	4		илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши
Гаучо, 70 % хўлланувчи кукун	5		шира, трипс, оқканот ва тупроқ заракунандаларига қарши
Витовакс-200 ФФ	4-туксиз чигитга, 5-тукли чигитга		илдиз чириш касаллигига қарши
П-4, 65 % суспензия концентрацияси	4		илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши
ПАВ-61, 70 % ёғсирмон паста	0,1		илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши
Пахта, 42 % суюқлик	0,07		илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши
Рапкол-ТЗ, 46 % кукун	10		илдиз чириш касаллик ларига, сўрувчи ҳашаротларга ва сим-күртларга қарши
Ортен, 75 % кукун	4		шира ва трипсларга қарши

зараркунандаларга қарши дорилаш ишлари пахта заводларида марказлашган усулда, махсус цехда бажарилади.

Уруғлик чигит заводларда экишдан 1-2 ой олдин ёки камида 2 хафта олдин дориланиши керак.

Аниқ микдорда экиш учун тайерланган туксизлантирилган, дражиланган чигит намланмасдан курук ҳолатида әқилади.

Хўжаликларда тукли чигитни экишга тайёрлашга боғлиқ бўлган ишлар намлашдан ва димлашдан иборат.

Чигитни 1-1.5 метр кенглиқда ва 20-30 см қаланлиқда асфальтланган майдонга ёйиб 1-3 марта намланади. Ҳар гал тоннасига 200 литр сув сарфлаб, сув аста секин таркалиб, уюм эса белкуракда кориштириб турилади.

Ҳар галга сув пуркашдан сўнг чигит баландлигини 50-70 см қилиб уйиб, устига қанор ёки брезент ёпиб қўйилади. Чигит 24-30 соат мобайнида намлаб димланади.

Тукли чигитларни намлаш вактида 1 тоннасига биостимуляторлардан қаҳрабо кислотаси (8-10 г), А-1, мивал (50 мг), мигуен (200 мг) эритилиб пуркалса ҳосилдорлик 2-3 центнерга ошади.

Экиш муддатлари. Чигит тупроқнинг суткалик ўртacha ҳарорати доимий равища 13-14 даражага етганда экила бошлайди. Аввало тукли кейин эса туксиз чигит әқилади.

Ўзбекистонда чигит экишнинг энг қулай муддатлари қуйидагича:

№	Вилоятлар ва туманлар	Экиш муддати
1	Сурхондаре ва Қашқадарё вилоятларининг жанубий туманлари	25 март-10 апрель
2	Шу вилоятларнинг шимолий туманлари	1-15 апрель
3	Бухоро, Наманган, Андижон, Сирдаре вилоятларида	1-15 апрель
4	Тошкент Фаргона вилоятларида	5-15 апрель
5	Андижон вилоятининг тог олди туманларида ва Самарканд вилоятида	5-20 апрель
6	Хоразм вилоятида ва Коракалпогистон республикасининг жанубий туманларида	10-25 апрель
7	Коракалпогистон республикасининг шимолий туманларида	15-30 апрель

Чигит аввало тез қизийдиган, механик таркиби енгил бўлган тупроққа ёки эгат пуштасига, сўнгра оғир тупроқли ерларга әқилади. Чигит оптимал муддатдан эрта әқилса ҳам ва айниқса кеч әқилса ҳам ҳосилдорликка зарар. Экиш 10 кун кечиқса ҳосилдорлик 20 % гача камаяди.

Хозирги вактда чигитни кенг қаторлаб (90 см), тор қаторлаб (60 см), уялаб, пунктир (ҳар бир уяга чигитни аниқ микдорда), эгат пуштасига экиш усуллари қулланилмоқда ва кейинги вактда пленка тагига экиш яхши самара бермоқда.

Тукли чигит уялаб әқилганда гектарига 50-60 кг чигит сарфланади.

Туксиз чигит аниқ микдорда уялаб әқилганда 25-30 кг чигит сарфланади ва яганалашга хожат қолмайди.

Экиш чуқурлиги

№	Тупроқ хиллари	Экиш чуқурлиги, см.
	Оғир тупроқлы, ўтлоқи ва ўтлоқи-боткоқ	3-4
	Енгил бўз тупроқли	4-5
	Қумлоқ, қумлоқ ва нами камайиб қолган	5-6

Чигит пуштага экилганда тез униб чиқади ва гектаридан 4.5-8.0ц қўшимча пахта ҳосили олинади.

Қатор оралари ва қатордаги уялар орасининг кенглиги

Қатор орасининг кенглиги 90см бўлганда чигит 90x20, 90x15, 90x10, 90x(30x2)x10, 90x7.5, 90x5см ли схемаларда экилади. қатор орасининг кенглиги 60см бўлганда чигит 60x30, 60x25, 60x20, 60x15, 60x10см ли схемаларда экилади.

Гербицид	90см	60см	Таъсири давоми 5 ойгача
	Эритма 125л.	Эритма 200л.	
Которон	0.9-1.2	1.3-1.7	3 ойгача
Прометрин	1.3-1.7	2.0-2.5	
Котофор	0.8-1.2	1.2-1.8	
Толиун	1.0-1.5	1.5-2.0	

Ўтлоқи-боткоқ ерларда аниқ микдорда чигит экиш ҳосилдорликнинг 1.5-2.5ц ошишига олиб келади.

Чигит экиш билан бирга гербицид сепиш ва ўғит солиш экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид сепиш ва ўғит бериш ҳосилдорлик аҳамиятга эга.

Бир йиллик бегона ўтларни йўқотиш учун қуидаги гербициidlар сепилади (гектарига литр ҳисобида);

Гербициidlар пуштага маълум бир кенглиқда сепилган далаларни қультивация қилишда, дори сепилган кенгликни бузиб юбормаслик керак. Агар сепилгандан кейин жала қуиган бўлса тупроқ етилиши билан қультивация қилиш лозим, акс ҳолда кўчат сийрак бўлиб қолиши мумкин.

Экиш билан бирга ўғит сошниклар ёрдамида чигит экилган қатордан 5-7см енга 12-15см чуқурликкача солинади.

Талаба қуидаги саволларга жавоб топинг

1. Тукли чигит экишга қандай тайёрланади?
2. Республикамизда чигит экишнинг энг қулай муддатларини тушунтириб беринг?
3. Тукли ва туксиз чигит экиш нормаси?
4. Уруғлик чигитга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
5. Илдиз чириш ва гаммоз касалликларига қарши қандай кўраш олиб борилади?

8 Мавзу. Чигитни эрта ва тўлиқ ундириб олиш, ягона қилиш ва кўчат қалинлиги.

1. Чигитни эрта ва тўлиқ ундириб олиш чоралари.
2. Фўзани ягона қилиш.
3. Кўчат қалинлиги.

Чигит 15 апрель ва 1 май ўртасида бир текис, соғлом ундириб олиниши керак, ҳамма ишлар шунга қаратилган бўлиши керак.

Чигит экилгандан кейин унинг ахволи муттасил ҳар куни кузатилиб борилиши керак. Биринчи галда қаткалоқка қарши ўз вақтида кураш чорасини кўриш керак. қаткалоқ 6 кун кечикиб юмшатилганда хосилдорликка 27% салбий таъсир этган.

Кураш чоралари; агар чигит униб чиқмаган бўлса кундалангига 4-5 см чуқурликда зиг-заг бороналар билан бороналаш, ротацион мотига билан ишлов бериш ва қўл (кетмон) билан юмшатиш, сув бериш.

Чигит суви бериш.

Чигит экилгандан сўнг кунлар исиб, нам тез кўтарилиб кетса, кутиб ўтирасдан тезда чигит суви бериш керак. Сув сарфи кам нормада $600\text{-}700\text{m}^3$ эгат оралаб ёки ҳамма қаторларга ернинг структураси, нишаблигига қараб, бу ишни ўта тажрибали сувчи амалга оширса жуда ҳам яхши бўлади.

Хатосига экиш.

Хатосига ишланган уша навнинг чигитини экиш керак. Далаларда кўчат қалинлиги нормал даражада булиши учун мувакқат ариқ (ўқ ариқ)ларнинг ени-верига, тут дарахитларининг орасига ва тагига, даланинг ва йулларнинг четига, умуман имкон бор жойларга чигит экиш керак.

Чунки гектаридан олинадиган ҳосилни ўсимликлар беради.

Чигитни эрта, тўлиқ ва қийғос ундириб олиш агротехник тадбирлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Чигит экилгандан кейин унинг тупроқдаги ҳолатини ва ниш уришини муттасил кузатиб бориш лозим. Суғориладиган пахтачилик туманларида кучли жаладан кейин тупроқ юзасида ҳосил бўлган қаткалоқни тез юмшатиш эндигина униб чиқсан ниҳолларни сақлаб қолишида муҳим аҳамиятга эга. Қаткалоққа қарши курашни биринчи имконият бўлиши биланоқ бошлаш зарур, аакс ҳолда пайдо бўлган нишлар қаткалоқни ёриб чиқолмай кўпинча нобуд бўлади, униб чиқсан ниҳоллар эса жуда эзилиб қолади. Таркибида чиринди кам бўлган структурасиз бўз тупроқларда қаткалоқ пайдо бўлиши жуда хвфли ҳисобланади. Бундай ерларда қаткалоқ қалинлиги 3-4 см га етиши ва ундан ҳам ошиши мумкин. Агар у ўз вақтида юмшатилмаса жуда қотиб кетади. Натижада кейин уни юмшатиш жуда қийин бўлади. Бундай тупроқли ерларда нам ҳам тез кўтарилиб кетади. Структурали тупроқларда ёғингарчилик натижасида тўпланган намнинг деярли ҳаммаси кесакчалар орасидан сизиб ўтиб тупроққа яхши шимилади ва у шу ерда сақланиб қолади. Структурали тупроқларда буғланиш секин бўлади, у намни узоқ сақлайди, тупроқ юзасида қаткалоқ деярли ҳосил бўлмайди. Чигитни ундириб олишда ҳар галги ёғингарчиликдан кейин қаткалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Ер оби-тобига келиши биланоқ тупроқнинг устки қисмини бир икки кун ичida юмшатишни тугаллаш лозим. Бу намнинг кўтарилиб кетишини камайтиради, тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилайди ва чигитни соғлом ундириб олиш имконини беради.

Қатқалоқ пайдо бўлганлиги сабабли чигит униб чиқмаган далаларда зиг-заг бароналар билан кўндалангига, ротацион юмшатгичлар билан узунасига қараб 4-5 см чуқурликда юмшатиш тавсия этилади.

Чигит униб чиққандан кейин қатқалоқ пайдо бўлса боронадан фойдаланиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда ротацион юмшатгичлардан ҳамда ротацион юлдузчалардан фойдаланиш зарур.

Чигит экилгандан сўнг кунлар исиб, нам тез кўтарилиб кетса кутиб ўтирмасдан тезда чигит суви бериш керак. Сув сврфи кам нормада 600-700 м³ эгат оралаб ёки ҳамма қаторларга ернинг структураси, нишаблигига қараб, бу ишни ўта тажрибали сувчи амалга оширса жуда ҳам яхши бўлади. Чигит тор қаторлаб экилган, нишаби кам, сув ўтказувчанлик қобилияти яхши бўлган далаларда ўқариқларни 70-100 м дан, ўта нишаб ва тупроғи сувни яхши ўтказмайдиган далаларда эса ҳар 110-150 м дан кейин олиш тавсия этилади. Шунга мос равища кенг қаторлаб экилган далаларда 100-130 м ва 150-180 м бўлиши лозим. Суғориш эгатларининг чуқурлиги тупроқ шароитига қараб 10-14 см бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Далада белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлаш учун сийрак ва хато чиқкан жойларга қўшимча равища дориланган ва намланган чигит экиш керак. Хатосига экиш учун шу далага қайси нав ва неchanчи репродукцияли чигит экилган бўлса албатта худди шу нав ва репродукцияли чигит экилиши шарт. Хатосига чигит экиладиган ерларда тупроқда етарли миқдорда нам бўлиши керак, чунки ниш урган чигит қуруқ тупроқда униб чиқиш қобилиятини йўқотади ва нобуд бўлади.

Ғўза ниҳолларини яганалашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо бўлишгача тугаллаш лозим. Яганалаш кечиктирилса ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсатгичлар пасайиб кетади, чунки яганалаш чўзилиб кетса ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озуқа моддаларини кўпроқ миқдорда олиб кетади. Бордию ғўза чириш касаллигига чалинганлиги ёки кўп миқдорда кузги тунлам, шира ва триплар тушганлиги сезилса бундай далаларда кўчат нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида яганалашни бир неча кун кечиктириш лозим. Бундай ҳолда яганалашни 2-3 чин барг пайдо бўлганда бошлаш лозим.

Ғўзанинг жадал ривожланишини ва мўл ҳосил тўплашни таъминловчи воситалардан бири ниҳолларни яганалашдир. Ғўза ниҳоллари ташқи муҳит факторларига жуда талабчан бўлади. Масалан, чигит униб чиққандан кейин ниҳоллар дарҳол тупрокни юмшатиш, озиқлантириш ва ҳаво, айниқса кислородии яхши кириб туришини талаб этади.

Пахтачиликда кечиктириб бўлмайдиган бирдан-бир агротехникавий тадбирлардан бири яганалашдир.

Яганалаш ва буқетларни ростлашни иложи борича эрта, яъни дастлабки уругпалла барги чиқариши билан ўтказилиши жуда муҳимдир, чунки чигит экилгандан кейин ҳар уяд 7—8 тупдан кўчат бўлади, булар ёшлигига ёки юлиб ташланмаса, бир-бирини жуда сиқиб қўяди, илдизлари бир-бири билан чалкашиб кетади ва яганалашда юлиб ташланадиган ниҳолнинг илдизи уяд қолдириладиган ўсимлик илдизига зарар етказади. Натижада илдизи шикастланган ниҳоллар нимжон бўлиб қолади. Бундан ташқари яганалаш қанчалик кечиктириб ўтказилса, тупроқдан озиқ моддалар шунчалик кўп йўқотилади ва тупроқ нами камайиб кетади. ЎзПИТИ маълумотларига караганда,

яганалаш ўз муддатида ўтказилган тақдирда ҳам юлиб ташланган ортиқча ниҳоллар билан гектарига 6—10 кг азот ва 1—2 кг фосфор чиқиб кетади (шунча озиқ майсаларни яганалашга қадар ўсиши учун сарфланади). Яганалашда энг яхши ривожланган, соглом ўсимлик қолдирилади.

Унумдор ва ер ости сувлари чуқур жойлашган участкаларда, масалан, катор оралари 60 см дан қилиб экилгандың ҳар 1 м да 8—9 тупдан күчат қолдирилади. Шунда гектарига 110—120 минг туп күчат түғри келади. Қатор ораси 90 см қилиб экилгандың гектарида 110—120 минг туп күчат бўлиш, бунинг учун эса ҳар 1 м да 10—12 тупдан ўсимлик қолдирилиши керак. Ҳозирги пайтда тупроқ унумдорлигини, ер ости сувлари сатхини, тупроқнинг шўрланиш даражаси ва экиладиган ғўзанинг нав хусусиятини ҳисобга олган ҳолда гектарида неча минг туп күчат бўлиши ишлаб чиқилган. II ва III типда шохланадиган (108- Ф, 138- Ф, 149- Ф, С- 4727 ва Тошкент-1) нав ғўзалар учун күчат қалинлиги қуйидагича белгиланган:

1. Ер ости сувлари чуқур жойлашган унумдор бўз тупроқли ерларда, шунингдек, шўр ерларда гектарига **120—130 минг тупгача**;

2. Чучук ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда, яъни ғўза жуда сершох бўлиб ўсадиган ерларда гектарига **110—120 минг тупгача**;

3. Кам унум, шунингдек нишаби катта ерларда күчат қалинлиги гектарига **140—150 минг тупгача** оширилади;

4. Кам унум ва ер ости сувлари юза жойлашган шўрхок ёки қумли қатлами юза жойлашган ерларда ҳар гектар майдонда **140—160 минг туп күчат қолдирилади**.

Шохлари тарвақайлаб ҳамда бақувват ўсадиган ҳосил шохи 3- ва 4- типга мансуб ғўза навларида күчат қалинлиги юқорида кўрсатилган нормадан **10—15% камайтирилади**. Ноль типда шохланадиган ғўза навлари учун күчат қалинлиги гектарига **150—160 минг тупга етказилади**, яъни юқорида келтирилган навларнидан 30—35% оширилади.

Чекланган типда шохланадиган ингичка толали ғўза навларида күчат қалинлиги шунга мувофиқ равишда гектарига **120—130, 140—150 ва 150—160 минг туп бўлиши керак**.

Бир гектар ердаги күчат сонини аниқлаш учун шунча жой (1 га) даги уялар сонини ёки унинг неча метр эканлигини билиш керак. Бу рақамларни ҳар бир уяда ёки ҳар 1 м да қолдирилган ўсимлик сонига кўпайтирилса назарий күчат қалинлиги келиб чиқади.

Талаба қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Чигитни тўлиқ ундириб олиш учун қандай тадбирий чоралар ўтказилади?

2. Ягона қилиш муддатларини гапириб беринг.

3. Тупроқ иқлим шароитига қараб күчат қалинлиги қандай бўлади?

9 Мавзу. Ғўза қатор ораларини ишлаш, ва бегона ўтларга қарши кураш.

Режа:

1. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш муддатлари,

2. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги ва химоя зonasининг кенглиги

3. Культиватор ишчи органларини ўрнатиш
4. Бегона ўтларга қарши кураш

Маълумки, чигит униб чиққандан кейин кўпинча тупроқ бир оз зичлашиб қолади, айниқса бу ҳодиса кўклам серёгин келган йилларда кўпроқ кузатилади. Бундай холларда, ғўза қатор оралари юмшатилса тупроқда ҳаво алмашиниши ях-шиланади, ер яхши қизийди, илдиз чириш касаллиги камаяди, бегона ўтлар кўпайишининг олди олинади ва ниҳоят ғўза илдизининг ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Борди-ю, ғўза қатор ораларини ишлаш анча кечиктириб юборилса, ерни қатқалоқ босади, бегона ўтлар кўпайиб кетади. Натижада намлик бекорга буғланиб кетади, озиқ моддалар бегона ўтларга емиш бўлиб, уларнинг кўпайиши учун қулай шароит вужудга келади; бундан ташқари, экин қатор ораларини сифатли ишлаб бўлмайди, бериладиган 'ўғитлар ернинг белгиланган қат-ламига тушмайди. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг нормал ўсиб ривожланишига халал бериб, ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади.

Ишлаш муддатлари. Ғўза қатор ораларини юмшатиш одатда чигит экиб бўлингандан сўнг бошланади. Кўпин-ча чигит экилгандан кейии ёғингарчилик бўлиб ер бир оз зичлашади, ер бетини қатқалоқ босади, бегона ўтлар кўпайиб кетади. Натижада ғўзанинг илдиз системаси нормал ривожлана олмай, озиқланиш, сув ва ҳаво режими бузилади. Қатор оралари 60 см қилиб экилган майдонларда культиватор иш органлари камида **40—45 см**, 90 см дан қилиб экилган участкаларда эса **70—75 см** кенгликдаги жойни қамраб олиши керак. Ёш ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида культиватор иш органлари майсаларни тупроқ билан кўмиб, уларни шикастлаб кўчат сонини камайтириб юбормаслиги учун ғўзалар ёппасига шонага кирган даврга қадар (бўйи 20—25 см бўлгунча) культиваторга албатта, сферик дисклар такилиши шарт.

Ғўза суғорилгандан кейин қатор ораларини ер етилиши биланоқ ўз вақтида юмшатиш айникса муҳимдир. Чунки бу иш бир кун кечиктириб юборилгандан ҳам ердан кўплаб нам бугланиб кетиб, ғўза эрта чанкайдиган бўлади, ўсимлик ердаги озиқ моддалардан унумли фойдалана олмайди ва айникса ер котиб қолиб, культивация қилишда катта-катта кесак кўчади, бу эса ғўза илдизининг шикастланишига ва кўчатлар сийраклашиб қолиб ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Ёш ғўзалар суғорилгандан кейин 3—4 кунда, у ўсиб қаторларни соялаган даврда эса 6—8 кунда ер культивацияга етилади. Ғўза қатор оралари культивация қилингандан сўнг қаторларда ўсиб чиқкан бегона ўтлар илдизи билан қўлда юлиб олинини зарур. Бегона ўтларни қўлда юлиб олиш қийин бўлган ёки оғир тупроқли ерларда кетмон чопиги ўтказиш ҳам яхши самара беради. Культивация ҳар галги Суғоришдан сўнг пешма-пеш ўтказилади ва у одатда июлнинг охири, 'августнинг бошларида тугалланади. Лекин ғўзаси ўсишдан орқада қолган, шунингдек, нотекис ўсган пайкалларни 10—15 августгача культивация килиш мумкин. Охирги культивация қилишда бир йўла суғориш эгатлари ҳам олинади.

Ғўза қатор ораларини ишлаш кенглиги ва чуқурлиги. Ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида ғўза тупларига шикаст етказмаган ҳолда қатор оралари кенгрок ишланса, бегона ўтлар кўплаб нобуд бўлади. Бу биринчи навбатда, культиватор иш органларини тўғри танлашга ва иш сифатига боғлиқдир.

Бундан ташқари ҳимоя зона 7—8 см бўлишига қарамасдан бир қатор тадбирий чораларни кўриш — сферик дискдан фойдаланиш ва тажрибали механизаторларнинг ишлаши туфайли гектардаги кўчат сонини ҳимоя зонаси 10—12 см бўлган участкалардагига нисбатан сийраклаштираслик муҳим. Бу тадбир кўклам серёгин келиб, далани ўт босган йиллари, айниқса яхши самара беради.

Ғўза ўсиб ривожланган сайин, масалан, гуллаш пайтига келиб унинг шоҳшаббалари ва иккинчи, учинчи, тўртинчи тартибдаги ён илдизларнинг кўпайиши ва йўғонлашиши ҳимоя зонанинг бирмунча кенгроқ 10—12 см бўлиши талаб қиласди, акс ҳолда трактор иш органлари ўсимликнинг ер устки ва ер остки қисмларини шикастлаши мумкин. Лекин рельефи нотекис, айрим сабабларга кўра культивация бирмунча кечроқ ўтказилаётган бўз тупроқли ерларда мустасно тариқасида ҳимоя зонаси 13—15 см гача кенглиқда бўлишига йўл кўйиш мумкин.

Кейинги ишлов беришда (суғорилгандан сўнг) қаторларнинг икки ёнбоши 8—10 см, ўртаси эса 14—16 см чуқурлиқда юмшатилади. Бунда бегона ўтлар кўплаб чиқсан майдонларда пичоқ ишлатилиб, колган ҳолларда фақат наральник (найзасимон юмшатгич) ёки қаторларни қатламма-қатлам юмшатадиган ККО маркали иш органларидан фойдаланилади. Эгатларнинг ўртаси эса FOS панжа билан юмшатилади. Ғўза қатор ораларига охирги ишлов берпшда культиваторнинг икки чеккасидаги иш органлари аввалгидек 6—8 см, ўртадагилари эса 14—16 см чуқурлиқда юмшатадиган қилиб ўрнати-лади. Бунда ҳам ҳимоя зопасининг кенглиги 10—12 см бўлиши керак (41-расм).

Тупроқни қатламма-катлам юмшатадиган ККО иш органининг фойдали хусусияти шундаки, бунда тупроқ майнин кўчиб, майдан кесакчил ҳолда юмшайди. Эгат туби ва икки ёнининг "устки қисми суғорилгандан сўнг бир вақтда етилган бўлса ҳам унинг остки қисмida нам кўп бўлгани учун ҳали яхши етилмаган бў-лади. ККО иш органлари ерни қатламма-катлам юмшатгани учун пастки, қатлам тупроғи юқорига чиқмаганлиги сабабли ундаги нам тезда буғланиб кетмайди ва тупроқнинг технологик хоссаси айниқса яхши сақланади. Бу иш органи бошқа қуролларга нисбатан ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб беради. Ҳар бир қаторни юмшатиш учун культиватор грядилига 7 тадан иш органи ўрнатилади.

ККО иш органлари ғўза қатор ораларига ишлов бериш учун қуйидаги тартибда: қаторларнинг икки четини юмшатадиган биринчи жуфти 5—6 см, иккинчи жуфти 7—8 см, учинчи жуфти 9—10 см, еттинчиси эса эгатга қок ўртасини 12—14 см чуқурлиқда юмшатадиган қилиб ўрнатилади. Кеч қизийдиган оғир тупроқли ерларда 2—3 см чуқурроқ қилиб ишлашга мосланади. Наральниклар қаторларининг икки чеккасини (биринчи жуфти) 8—10 см, охирги ишлов беришда 6—8 см қилиб, иккинчи жуфти 10—12 см ва эгат ўртасини юмшатадиган ғоз панжалар эса 14—16 см чуқурлиқда ишлайдиган қилиб созланади. Чигит кенг қатор экилганда ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши тор қаторлаб экилгандагидан бирмунча фарқ қилганлиги юкорида қайд қилиб ўтилди. Шу сабаб-ли қатор ораларига ишлов беришда ҳам у баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласди. Масалан, кенг қаторлаб экилганда культиваторнинг иш энлами ҳам кенгроқ, шунга яраша унинг иш органлари катта ва қалин, шунингдек, бажарадиган иш ҳажми бир ярим баравар ортиқ бўлади. Кўп йиллик тажрибалар шуни

күрсатдикі, қатор ораларини ишлашда химоя зона кенглиги ғұза қатор орасининг кенглигидан қатың назар амалда ҳеч қандай фарқ қымайды. Қатор ораларини ишлашда қаторларнинг иккі ёнбошини ишлаш чукурлығи ўртасида ҳам деярли фарв; йўқ. Бироқ қатор ораларини ишлашда навбатдаги иш ор-ғанларини бирмунча чукурроқ ишлайдиган қилиб ўрнатиш талаб этилади. Бу соҳада ғұзани кенг қаторлаб ўстиришда дастлабки юқори натижаларга эришилди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан барча күрсаткичлар янги технология бўйича юқори эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам бу вариант Тошкент обласидаги кенг қаторлаб ғұза ўстирилган барча майдонларда кўлланилмоқда.

Демак, ғұзани кенг қаторлаб ўстиришда, чигит экшп билан бир йўла гербицидлар сепилиб ўсимлик ёшгасига шонага киргунча унинг химоя зонаси 7—8 см, бундан кейинги даврларда эса 10—12 сдгкенгликда бўлиши керак. Культиватор иш органлари қатор ораларини қуйидаги чукурликда юмшатадиган қилиб ўрнатилиши керак: қаторларнинг иккі ёнбоши 6—8 см, ўрталари 10—12 см, ғұза ёппасига шоналаб гулга киргунча: иккি четдагилари 8—10 см, ундан кейинги иккинчи жуфти 12—14 см, ўртадагилари 16—18 см; ғұза гуллаб кўсаклаётгандаги иккиси четдаги биринчи жуфти 6—8 см, иккинчи жуфти 12—14 ва ўртадагиси 16—18 см.

Ғұза қатор ораларипи сифатли ишлаш мақсадида баъзи қўпшмча тадбирлар культивация билан бир вақтда ўтказилиши керак. Масалан, рельефи бирмунча нотекис майдонларда ғұза суғорилгандан кейин культивация қилиш учун ер бир вақтда этилмайди. Жумладан, даланинг текис қисми суғорилганидан кейин 5- куни тобига келса, дўнг қисми 2—3 кун олдин этилади, сув кўллаб қоладиган паст жойлари 6—8 кундан кейин этилади. Бундай ахвол асосли текисланган ерларда ҳам биринчи-иккинчи йили кузатилиши мумкин. Чунки, бунда ернинг сурилган устки қисми берчнамо бўлгани учун (унга кузда гўнг со-линса ҳам), культивацияга кеч этилади, тупроги сурилмаган қисми эса эрта этилади. Мана шу камчиликларни ҳисобга олиб, илғор паҳта усталари ва тажрибали механизаторлар сувдан чиққан пайкални бир вақтда ишлаш учун культиватор грядилига, яъни асосий иш органлари-нинг олд томонига «зиг-заг» боронанинг маҳсус узайтирилган сихларини ерга ботадиган қилиб ўрнатишади. Борона сихлари культиватор грядилларига шундай ўрнати-ладики, улар эгатларнинг ишланадиган қисмини тўлиқ камраб олади. Шундай қилиб, боронанинг узайтирилган сихлари ғұза қатор ораларининг қаттиқ қисмидаги кесакларни майдалаб беради ёки ернинг* ҳали тўлиқ этилмаган сернам қисми бетини қашлаб ортиқча лой кўчирмасдан культиваторнинг асосий иш органларини белгиланган чукурликда ишлашини таъминлайди.

Культивациянинг сифатлн ўтказилиши учун культиватор грядилларига иш органлари тўғри ўрнатилиши, гайкаларни тўлиқ бураб мустаҳкамлаш каби ишларга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Бундан ташкари культивация даврида вақт-вақти билан унинг ишлаш чукурлығи ва ишлаш кенглигини ҳам текшириб туриш зарур.

Культивация қилиш сони. Ғұза ўсув даврида ҳар доим бегона ўтлардан ҳоли бўлиши, тупроқ майин кесак-чил ва намнинг ортиқча бугланишини олдини олиш, шу туфайли, айниқса шўр ерларда заарли тузларпинг ер бетига кўтарилиб чиқишига йўл қўймаслик учун экин қатор ораларини неча марта культивация қилиш жуда муҳимдир. Культивация айрим дала ишлари билан биргаликда ўтказилса, тракторнинг пайкалда юриши анча камаяди. Маълумки, чопиқ трактори пайкалда қанча қўп ишласа, тупроқ

маълум даражада зичлашаверади, унинг физикавий хусусияти ёмонлашади, яъни органик моддаларнинг чириши тезлашиб, чиринди модда миқдори камайиб боради, намлик тез кўтарилади, ғўза илдизлари кўплаб шикастланиб кўсак сони камаяди, ўсимликтининг ашаддий душмани ҳисобланган вилт касаллиги авж олиб кетади. Шунинг учун ғўза қатор ораларини керагидан ортиқча культивация қилиш тавсия этилмайди.

Ўсув даврида ғўзани неча марта культивация қилиш пайкални ўт босиш даражасига, тупроқнинг механикавии таркибига, чигит униб чиққандан сўнг бўлиб ўтган ёғинғарчилик миқдорига ва суғориш сони каби факторларга кўп жиҳатдан боғлиқдир,

Ғўза қатор оралари керагидан ортиқча культивация қилиниши- ҳосилни оширишга эмас, аксинча камайишига олиб келади. Буни Андижон область Марҳамат районидаги А.Дорабоев фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жадвал маълумотидан культивация сони ортиши би-лан касаллик кўпайганлиги ва пахта ҳосили кескин камайганлиги кўриниб турибди.

Тошкент вилоятидаги фермер хўжайларида олиб борилган кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, ғўза қатор оралари 4 марта культивация қилинганда 6 марта ишланганга нисбатан ҳосил 1,5 ү ортиқ бўлган, 5 марта культивация қилинганда эса ҳосилдорлик ўртасида деярли фарқ бўлмаган. Демак, мазкур шароитида асосий майдопларда ўсув даврида ғўза қатор ораларини 4 марта культивация қилиш максадга мувофиқ эканлиги амалда тасдиқланди. Шунга кўра, ҳозирги вақтда пахта етишириш бўйича технологик картада ғўзани мавсумда 4 марта культивация қилиш кўрсатилган. Баъзи хўжаликларда ғўза навбатдаги суғоришдан кейин қатор ораларини 2 марта культивация қилиш одат тусига кириб қолган, бунда тупроқ яхши қизийди деган нотўғри фикр хукм сурмоқда. Натижада ғўза қатор оралари мавсумда 8—9, ҳатто 10 марта гача культивация қилинмоқда. Бу кўнчилик ҳолларда ҳосилнинг ка-майишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Андижон вилояти Марҳамат А.Қорабоев бошчилик фермер хўжаликда дастлабки 3 марта суғорилган карта-нинг бир қисмида ғўза қатор оралари 2 мартадан (жами 6 марта) ва бошқа қисмида 1 мартадан (жами 3 марта) культивация қилинганда биринчисида гектаридан 2,5 ү ҳосил кам олинган.

Кўклам ва ёз ҳавоси салқин келган йиллари тупроқни яхши қизиши ва ғўзанинг тез авжга кириб ҳосил тўплаши учун ёки ғўза нормадан ортиқча суғорилиб ғовлаб кетиш эҳтимоли бор пайтларда ортиқча нам ҳавога тез буғланиб кетсин деган мақсадда галдаги суғоришдан кейин қатор ораларини 2 мартадан культивация қилиш ва иккинчи культивацияда бир йўла эгат олиб кетиш мумкин. Ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқботқоқ ва ўтлоқ тупроқли ерларда ҳар галги суғоришдан кейин қатор ораларини юмшатиш билан бир йўла эгат ҳам очиб кетиш яхши самара беради. Бу халқ тажрибаси, айниқса, Сирдарё вилояти хўжаликларида кўпроқ қўлланилади. Масалан, шу областнинг Сирдарё туман фермери, Мехнат Қаҳрамони Тилов Маманов бу хақда шундай дейди: «Мирзачўлнинг ер ости сувлари юза жойлашган ер-ларида август ойининг бошларида ёк ғўза қатор ораларини сўнгги культивация қилиш билан бир йўла чуқур эгатлар олиб қўйиш эгат олинмаган далаларнинг ғўзасига нисбатан ҳосилнинг 5—7 кун эрта етилишига ва биринчи сортга тошпириладиган пахта миқдорининг ортишига, гектаридан олинадиган ҳосилнинг 3—3,5 ү юқори бўлишига имкон бермоқда, яна шуниси муҳимки, бундай далаларда ғўзапоялар октябрь охирида йиғишириб олиниб, кузги шудгор барвақт тугалланмоқда. Шу райондаги донг-дор илғор хўжаликларда июль ойининг иккинчи

ярмидан токи август ойининг биринчи 10 кунлиги давомида ғўзани культивация қилиш ёки сугориш эгатлари олиш билан бир йўла чеканкага етилган майдонларни чеканка мосламаси ёрдамида пешма-пеш чеканка қилинади, яъни икки дала иши бир вақтда бажарилади. Бундай тежамкорлик вақтни ҳамда сарф-харажатларни тежашга, чеканкани энг қулай агротехникавий муддатларда ўтказишга ва ниҳоят маҳсулот тан-нархининг арzonлашишига имкон беради.

Тупроқ шароитларига кўра, ғўза гуллагунга қадар сугорилмайдиган ёки бир марта, кўпинча экин қатор оралари 2 марта, кўклам серёгин келган йилларда, шунингдек, ўт босган майдонларда 3 марта гача культивация қилишга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда кейинги культивациялар сугориш сонига боғлиқ бўлиб, одатда 2—3 марта ўтказилади. Агарда ғўза 3 марта сугорилса 2 марта, яъни биринчи ва иккинчи сувдан кейин, 5—6 марта сугорилганда кўпинча 3, баъзан 4 марта культивация қилинади. Борди-ю, ғўза мавсумда 8—9 марта сугорилса ҳам культивация сони деярли ўзгармайди. Илгорлар тажрибаси ва илмий текшириш ташкилотларининг кузатишлари, ўсув даврида ғўза қатор ораларини 4—5 марта, лекин тупроғи кеч қизийдиган оғир тупроқ ерларда, ўт босган, шунингдек, ғўзаси ўсишдан оркада қолган ерлардагина мустасно тарикасида 6—7, хатто 8 марта гача культивация қилиш мумкин эканлигидан далолат беради.

Чигит тор қаторлаб (*60 см*) ёки кенг қаторлаб (*90 см*) экилишидан қатъий назар ўсув даврида ишлов бериш сони ўртасида деярли фарқ йўқ. Ишчи кучи етишмайдиган, экин майдони доим ўт босадиган, ер ости сувлари юза жойлашганлиги сабабли ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини идора қилиш қийин бўладиган жойларда чигитни квадрат уялаб экиб, экин қатор ораларини узунасига ва кўндалангига культивация қилиш яхши самара беради. Лекин бу кўчатларнинг сийраклашиб қолишига жуда эҳтиёт бўлишни талаб қиласи. Бундай ҳолларда ғўзаларни кўндалангига 3, узунасига эса 5—7 марта гача культивация қилиш мумкун. Дастребки кўндалангига культивация қилишда ҳимоя зонаси *7,5 см* кенглигда қолдирилса кифоя.

Кўндаланг қаторларни ишлаш чуқурлиги узунасига ишлашга нисбатан бирмунча саёзроқ бўлади. Шунингдек, культиватор иш органлари ҳам кўндаланг эгатларнинг кенглигига қараб бирмунча қисқартирилади.

Ғўзани ўтоқ қилиш ва кетмон чопифи. Чигитни кенг қаторлаб экишга ўтилиши ва ғўзалар кенг қаторларда ўстирилиб эгатлар чуқур юмшатилиши, гербицидлардан фойдаланиш кўлами йил сайн кенгайиб бориши, ҳимоя зоналарни ротацион юлдузчалар билан юмшатилиши ва ниҳоят дехдончилик маданиятининг юксак даражага кўтарилганлиги кейинги йилларда бегона ўтларнинг кескин даражада камайишига имкон берди ва қатор ораларини ишлашда кетмон чопифига эҳтиёж анча камайди. Эндилиқда ғўза қатор оралари юмшатилгандан кейин асосан ҳимоя зонада ва уя ораларида қолган унча-мунча бегона ўтларни ернинг нами кетмасдан илдизи билан юлиб олиш-нинг ўзи кифоя қилмоқда. Шунингдек, ғўзани яганалаш вақтида ҳам бегона ўтларни йўқотиш мумкин. Ғўза баргини тўкиш (дефолиация қилиш) олдидан ҳам пайкалларни бир карра кўздан кечириб, бегона ўтлардан сўнгги марта тозаланади. Экин майдонларини бегона ўтлардан, айниқса, кўп йиллик ўтлардан тозалашда ўроқ мутлақо ишлатилмаслиги керак. Юлиб олинган ўтлар, айниқса, гумай, ажриқ каби кўп йиллик ўтлар пайкалдан четга чиқариб ташланиши лозим.

Илғор хўжаликларда ғўзалар мавсумда 1—2, баъзай 2—3 марта гача ўтоқ қилинади ва бу иш август ойининг иккинчи ярмида, яъни улар гуллаб уруг бойлашига кадар тугалланади.

Тупроғи кеч қизийдигап оғир тупроқли ерларда ёш ғўзаларни ўт босса, буларни механизмлар ёрдамида йўқотиш қийин бўлади, шунингдек, рельефи нотекис бўлгланлигидан культиватор иш органлари камраб олмай қолган қаторларнинг икки ёнбошидаги ҳимоя зоналари қотиб қолмаслиги учун кетмон билан 6—8 см чуқурликда юмшатилади ва бир йўла бегона ўтлар йўқотилади. Кетмон чопиғи асосан ҳимоя зоналарни юмшатиш ва бегона ўт-ларни йўқотиш мақсадида мавсумда 1—2 марта ўтказилади. Чопиқ қилишда ғўзаларнинг шнкастланишидан жуда эҳтиёт бўлиш талаб қилинади.

Ғўза қатор ораларининг сифатли ишланиши культиватор иш органларини тўғри танлаш ва уларни ўрнатишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун текис майдончада каноп ёрдамида қаторлар андазаси (шаблон) тайёрланади ва шунга караб культиваторнинг кайси турдаги иш органларидан фойдаланиш кераклиги апиқланади ҳамда тпу асосда нқойлаштирилади. Ғўза қатор ораларини дастлабки ишлаш даврида бегона ўтларни йўқотиш ва срни юза юмшатиш мақсадида ўнақай ва чапақай пичоқ (бритва) ва ғоз (стрелкасимон) панжалардан фойдаланилади.

60 см ли қатор ораларида ишлаш учун ҳар бир асосий қатор ораларига 2 тадан — ўнақай ва чапақай пичоқ ва 1 тадан ғоз панжа, икки ёнига эса схема бўйича 1 та дан пичоқ ва ғозпанжа ўрнатилади. Шундай қилиб, ғўза қатоор орасини дастлабки ишлашда культиваторга 8 та пичоқ (4 та ўнақай, 4 та чапақай) ва 7 та ғоз панжа (ҳар бир қатор орасига ва тракторнинг ҳаракатлантирувчи гилдираги олдига 1 тадан) ўрнатилади.

Қатор ораларига кейинги ишлов беришда агар бегона ўтлар кам бўлса, пичоқлар ўрнига наральник (найзасимоп гомшатгич) ёки тупроқни датламма-қатлам юмшатадиган ККО иш органларидан фойдаланилади.

Бунда ҳар бир қатор ўртасига 4 тадан наральник, 1 тадан ғозпанжа, туташ ён қаторлардап ўтадиган секция-ларга 2 тадан наральник, 1 тадан ФОЗпанжа ўрнатилади, шунингдек тракторнинг ҳаракатлантирувчи ғилдираги ол-дига ҳам юмшатгич ўрнатилади. ККО иш органлари билан ишлашда ҳар бир асосий қаторларга 6 тадан кичик панжа ва 1 тадан ғоз панжа, туташ ён қаторларни юмшатишда эса 3 тадан кичик панжа, 1 тадан ғоз панжа ўрнатилади. 60 см ли қатор ораларни культивация қилишда хозир КРХ-4 культиватори, 4 қатор экилган 90 см ли қатор орасини ишлашда

10 Мавзу. Ғўзани суғориши.

Режа:

1. Ғўзани чанқаганлигини ташқи кўринишига қараб аниқлаш
2. Ғўзани суғориши муддатлари ва усуллари
3. Ғўзани суғориши схемалари

Ғўза ҳаётида сувнинг роли

Сув ғўзага шунинг учун ҳам керакки, у биринчи навбатда ўсимлик таркибидаги турли хил бирикмаларни эри-тади ва уларни ҳаракатчан ҳолатга келтиради, бусиз

ўсимликнинг ҳаёт фаолияти тўхтайди. Сув туфайли ўсимлик ҳужайраларида моддалар алмашинув процесси боради ва бу процесс натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар ўсимлик органининг бир тўқимасидан иккинчи тўқимасига томон силжийди.

Шунингдек, сув ғўза учун органик моддалар ҳосил қилиш ва унинг турли хил органларини тузиш учун зарурдир. Органик моддалар ўсимлик қуруқ массасининг 90—95% ини ташкил килиб, у сув ва атмосферадаги карбонат ангидрид иштироқида қуёш энергиясидан фойдаланиш туфайли вужудга келади. Бунда баргларнинг карбонат ангидридий ўзлаштиршп қобилияти ўсимлик ҳужайраларининг сув билан қанчалик таъминлангалигига кўп жи-ҳатдан боғлиқдир.

Ўсимлик ҳужайра ва тўқималарини тургор ҳолатда ушлаб туришда ҳам сувнинг аҳамияти катта. Ўсимликни ана шу ҳолатда саклаш учун унга сув керакли миқдорда келиб туриши лозим, бу ҳужайра шираси ҳаж-мини ва ҳужайра қобиғидаги босимни оширади. Тургор ҳолатда ўсимлик чидамли ва таранг бўлади, тургор ҳолатдан тушгандан кейин эса у сўлиб қолади.

Сув ғўзага тўйимли минерал моддалар кириб туриши-да ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу хилдагц моддалар-нинг сув билан бирга ўзлаштирши ўсимликдаги жуда кичик илдиз тукчалари орқали содир бўлади. Ўсимликка сув ва минерал бирикмаларнинг сингиши хатто ула бир-бирлари билан боғлиқ бўлса ҳам, лекин ўсимлик тупроқ эритмасидан асосан ўзи учун керак бўлган моддаларни ўзлаштиради, чунки унда танлаш хусусияти бор. Ғўзага сув ёзнинг жазирама кунларида уни иссиқда саклаш учун ҳам керак. Ўсимлик сувни барги орқали буғлантирганда тана температураси пасаяди, бу кун қаттиқ исиган пайтларда ўсимликнинг ҳаёт фаолиятининг нормал бориши учун жуда муҳимдир. Сувнинг бир хилда; буғланиш ер бетида ўсимлик учун қулай иқлим шароит: яралишига имкон беради.

Юқорида қайд қилингандардан ғўзанинг ҳаёт фаолияти учун сув нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги кўрилиб турибди. Шундай экан, ғўзани сув билан мунтазам равишда таъминлаб туриш чоралари кўрилмоғи, пахта далаларида сувнинг керагидан ортиб кетишига ва аксинча етмай қолишига йўл қўймаслик лозим.

Сув ўсимликнинг таркибий қисми бўйича тургун ва доимий бўла олмайди. Ўсимликнинг ҳаёт фаолияти давомида у узлуксиз ўзгариб туради, чунончи, у сарфланади ва тупроқдаги намлик ҳисобига қайтадан тикланиб туради.

Тупроқ намининг ўсимликка кириши барг ва илдиз системасининг сўриш кучи таъсирида содир бўлади. Сўриш кучи ҳужайра ширасининг сўрувчи босими таъсирида вужудга келади. Ҳужайра ширасида нам қанчалик кам ва эриган минерал бирикмалар кўп бўлса, унинг концентрацияси шунчалик юқори, шунга кўра сўрувчи кучи ҳам юқори бўлади.

Ҳужайранинг сўриш кучи турли хил ўсимликларда турлича бўлади. Масалан, сугориладиган зоналарда айрим сабзвот экинлари (масалан, бодринг)да ҳужайранинг сўриш кучи 2—5 атмосферага тўғри келади, ғўзада эса ундан ҳам кучлироқ бўлади. Шўрлаимаган ерларда сўриш кучи 10—15, шўрланган ерларда эса 15—25 атмосфера атрофида, баъзан бундан ҳам кўпроқ бўлади.

Тупроқда ҳам турли даражада сув шимиш (нам ту-тиш) хусусияти бор. Тупроқ қанчалик кам шўрланган ва ернам бўлса, унинг сўриш босими, яъни сўриш кучи шунчалик паст бўлади.

Шўрланмаган ерларда, тупроқда нам етарли бўлганда ўсимликнинг сўриш босими бир атмосферагача боради. Тупроқ намлиги ўсимликнинг сўлиб қолиш даражасигача камайганда босим кучи тахминан 15 атмосферагача кўтарилади. Суғориладиган ва бирмунча шўрланган ерларда тупроқнинг шимиш кучи 30—40, шўрхок ерларда эса 100—150 атмосферагача ва ундан ҳам ортиши мумкин.

Тупроқнинг шимиш кучи билан ўсимликнинг сўриш кучи ўртасидаги нисбат ўсимликка қанчалик сув киришини белгилайди. Агар тупроқ намлиги ҳаддан ташқари камайиб кетса, сув ўсимликка кира олмайди, бунинг натижасида тупроқ эритмасининг шимиш босими ошиб, ўсимликнинг сўриш кучидан устунлик қила бошлайди. Кучли даражада шўрланган ерларда ҳам шундай ҳолат содир бўлиб, бу тупроқ эритмасининг концентрацияси ошиб кетиши оқибатидир.

Шундай қилиб, ғўзани сув билан нормал таъминлаб туриш учун суғориш режимини шундай ташкил этиш керакки, бунда тупроқ намлиги пасайиб ҳам ва тупроқ эритмаси концентрацияси ошиб ҳам кетмасин.

Ўсимлик тупроқдан ўзлаштирган сувни узлуксиз равища сарфлаб туради. Ғўзада сарфланадиган сув ўсимликда ўсиш ва қуруқ; моддалар тўплаш динамикасига боғлиқ ҳолда кечади. Бунда умумий фойдаланиладиган сувнинг атиги 1—2% органик моддалар ҳосил қилиш ва турли органларнинг тузилиши учун сарфланади. Сувнинг қолган қисми (98—99%) ўсимлик барглари орқали буғланиб кетади (транспирация).

Транспирация процесси учун зарур бўладиган сув миқдори грамм билан ифодаланиб, у ўсув даври давомида бир грамм қуруқ модда ҳосил қилиш учун сарфланади. Бу миқдор сув транспирация коэффициенти деб аталади. Транспирация коэффициенти экинлар тури-га қараб ҳар хил миқдорда бўлади. У ўсимликнинг биологик хусусиятларига, ёшига, ўсиш жойи ва шароитига боғлиқдир. Масалан, пичанга ўстирилган беда 1 г қуруқ модда ҳосил қилиши учун 600—1100 г гача, ғўза 400—800 г гача, маккажўхори ва оқжўхори 250—450 г, тарик 120—360 г сув сарфлайди.

Бу маълумотлардан ғўза транспирация процесси учун анчагина сув сарфлаши кўриниб турибди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сувни тежаб-тергаб сарфлаб, пахтадан мўл ҳосил этиштиришга эришиш дозим. Бу ғўзанинг суғориш режимини тўгри ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш имконини берадиган бошқа тадбир-чораларни амалга оширишни тақозо қиласди.

Ҳосилнинг яратилишида пахта даласидан йўқотиладиган умумий сув сарфи (ўсимликнинг илдиз системаси жойлашган қаватдан пастки катламларга сизиб исроф бўладиган сув бундан мустаснодир) ўсимлик сарфлайди-ган ва тупроқдан буғланадиган сувдан иборатдир. Агар пахта даласидаги умумий сув сарфини 100% деб олсан, у вактда ўсимлик сарфлайдиган сув 60—80%, тупроқдан буғланадиган сув 20—40% ни ташкил қиласди. Ер қанчалик маданийлашган ва ғўза парваришида юқори агротехника қўлланилган бўлса, тупроқдан буғланадиган сувнинг миқдори шунчалик кам, ўсимлик ўзлаштирадиган сувнинг самараదорлиги эса шунчалик юқори бўлади.

Ўсув даври давомида пахта даласининг суткалик сувдан фойдаланиши бир хилда бўлмайди. Чунончи, ўсув даври бошларида ғўзанинг сувга бўлган эҳтиёжи жуда кам бўлиб, аста-секин кўтарила боради ва мева туга бошлаш ҳамда ёппасига мева тувиш даврига кирганда у энг юқори даражагага етади. Кейинги даврларда эса бу эҳтиёж пасая

боради. Масалан, ер ости сувлари чуқур жойлашган типик бўз тупроқларда гектарига 30—35 ү ҳосил беради-ган майдонларда сутка давомида: шоналаш даврида гектарига 18—20 m^3 , ёппасига гуллаш даврида 50—55 m^3 , ёппасига мева тушиш даврида 85—90 m^3 , ҳосил етила бошлаган даврда 45—50 m^3 ҳамда ҳосилнинг ёппасига етилиш даврида 25—30 m^3 сув сарфланади.

Сувдан фойдаланишдаги бу қонуният бошқа тупроқ- ҳамда мелиоратив шароитларда ҳам кузатилади.

Ғўзанинг ўсув даврида сувни турли миқдорда ўзлаштиришини, шунингдек, пахта даласи бўйича сарфланадиган сув йигиндинини ўсимликнинг суғориш режими ҳамда суғориш нормасида ҳисобга олиниши керак.

Тупроқдаги сув ҳар хил формада бўлади, хусусияти ҳам хилма-хилдир. Ҳар хил усуlda ҳаракатланиши ва ўсимликка фойдалилиги турлича бўлиши билан характерланади.

Тупроқда сувнинг қуйидаги формалари фарқ қилинади: *бугсимон, бириккан* ва эркин сув. Тупроқдаги сувнинг бир қисми химиявий бириккан ҳолда бўлади. Паст темпе-ратурада қаттиқ; формадаги сув (муз) пайдо бўлиши мумкин. Химиявий бириккан ва қаттиқ сув ўсимлик учун фойдасизdir, яъни ўсимлик уларни ўзлаштира олмайди.

Бугсимон сув тупроқ ҳавоси таркибига киради ва ўсимлик уни бевосита ўзлаштира олмайди. Лекин у бошқа формадаги сувга, жумладан, ўсимлик ўзлаштирадиган формага ўтиши мумкин.

Бириккан сув тупроқ заррачалари ёки ғовак деворчалари устида сувга тупроқ молекулаларининг ўзаро тортиш кучи таъсирида ушланиб туради.

Гигроскопик сув бирмунча мустаҳкам бириккан ҳолда учрайди; уларни тупроқ заррачалари ниҳоятда катта куч (10—20 минг атмосфера) билан ушлаб туради. Ўсимлик учун у фойдасиз намлик ҳисобланади.

Пардасимон сув нисбатан кам бириккан ва суюқ ҳолдаги сувга яқин туради, лекин улардан зичлигининг юқорилиги ва қовушқоқлиги билан фарқ қиласи. Пардасимон сувдан ҳам ўсимлик фойдалана олмайди.

Эркин сув тупроқда физикавий бириккан сувдан ҳам юқори туради. Капилляр сув, фильтрацион сув ва групт суви эркин сувнинг асосий формасидир.

Капилляр сув тупроқнинг майда ғовакчалари орасида бўлади. Улар бир жойдан иккинчи жойга капилляр куч таъсирида ҳар қандай йўналиш бўйича ҳаракат қиласи.

Капилляр сув тупроқда ҳар хил ҳолатда: тарқок, ҳаракатланувчи ва осон ҳаракатланувчи ҳолатда бўлади.

Тарқок капилляр сув тупроқда айрим томчи ҳолатда бўлиб, улар ўзаро менискалар билан ажралган бўлади ва ўсимлик ундан деярли фойдаланмайди.

Ҳаракатланувчи сув капиллярларда узук-узук; ҳолда жойлашиши билап фарқ қиласи. Бу хилдаги сувни ўсимлик осон ўзлаштиради.

Осон ҳаракатланувчи капилляр сув капиллярларда ёппасига (узлуксиз) жойлашган бўлади. Бу сувдан ўсимлик осонликча фойдаланиши мумкин.

Тупроқдаги эркин сувнинг бошқа формаси фильтрацион сувдир.

Фильтрацион (бошқача айтганда гравитацион) сув тупроқнинг йирик ғовакчаларида жойлашган бўлади.

Улар тортиш кучи таъсирида пастга сизиб тушади, агар у ер ости сувларигача етиб бормаса, капилляр сувга айланади. Фильтрацион сув бирмунча тез ҳаракатланиши ва тез орада капилляр сувга айланиши туфайли ғўзани сув билан бевосита таъминлашда кам иштирок этади.

Грунт (сизот) сувлари, агар у чучук ёки кам шўрланган ва юза (1,5—2 ж ва ундан ҳам юқори) жойлашган бўлса, Ғўза ундан кўп миқдорда фойдаланиши мумкин.

Пахта майдонларида ёғин-сочин суви, конденсацон сув, суғориш суви (экинзорга кўйиладиган ва каналлардан сизиб ўтадиган сув), сизот сувлари тупроқнинг асосий сув манбаи ҳисобланади. Ўсув даврида ғўзанинг илдиз системаси жойлашган қаватдаги намни тўлдириб туришда суғориш суви, шунингдек, ер ости сувлари (агар у юза жойлашган бўлса) асосий сув манбаи сифатида хизмат қилади.

Экинларни суғоришда дарё сувлари асосий манба ҳисобланиб, у сув омборларидан ёки бевосита дарё ва каналлардан келади.

Да р ё л а р сув олиш манбаи бўйича қорли, музли типларга бўлинади.

Эриган қорлар ҳисобига сув оладиган дарёларда (масалан, Оҳангарон, Келес, Муроб ва бошқа дарёлар) сувнинг максимал оқиши апрель-май ойларига тўғри келади. Бирмунча кейин (июнда ёки июль-августда) сувнинг максимал оқиши сув олиш манбаи музликлардан иборат бўлган дарёларда (масалан, Соҳ, Исфара, Зарафшон ва. бошқа дарёларда) содир бўлади. Арапаш типдаги дарёлар (масалан, Чирчик, Норин, Сирдарё, Амударё ва бошқалар) қорли ва музли тіппга кирадиган дарёларга нисбатан оралиқ ҳолатни эгаллайди. Чунончи, уларда сувнинг кўпайган даври июнь-июль (Амударёда эса июль-август) ойларига тўғри келади.

Ғўзани суғоришда дарё сувлари ва сой сувлари (тоғ жилгалари в, а дарёчалари суви)дан ташкари кўл сувлари, шунингдек, ер ости сувлари, зовур ҳамда артезан сувларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Е р о с т и сувлари (чучук ва бир оз шўрлангани) ни қудуқлардан насос ёрдамида чиқариб, шунингдек, ўз оқими билан келадиган ёки ер ости галереяларидан (кяризлар орқали) чиқадиган сувни далаларга йўналтириб, экинларни суғоришда фопдаланилади. Ер ости сувлари чучук ва бир оз шўрланган майдонларда улардан экинларни суғоришда фойдаланиш учун ёзги суғориш даврида коллектор ва зовурларнинг ҳар жой-ҳар жойидан бўғиб, сув сатҳи кўтарилади ва уни экинга тупроқ орасидан боришга мажбур килинади. Шунда ер ости сувлари сатҳи кўтарилади ва улардан ғўзани суғоришда фойдаланиш имконияти турилади.

Зовур сувлари, агар бир озгина минераллашган бўлса, коллектор ва зовурлардан насослар ёрдамида тортиб олиб суғориш шохобчалари томон йўналтирилади.

Ғўзани суғоришда кўп миқдорда чиқадиган ер ости артезан сувларидан ҳам фойдаланиш мумкин, бу хил-даги сувлар ўз босим кучи билан отилиб чиқишидан ташкари, машиналар ёрдамида ҳам чиқарилади.

Пахта далаларида ўсув даврида ўсимлик талаб қилиндиған сувнинг миқдори (транспирация учун сарфланадиган ва тупроқдан буғланадиган сув) шароитга қараб турлича бўлади. У, асосан жойнинг иқлим хусусиятларига, тупроқ характеристига ва унумдорлигига, ер ости сувлари-нинг чукурлигига ва уларнинг қай даражада минераллашганлигига ҳамда бошқа шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Айрим паҳтакор районларда иқлим шароитга доир кўрсаткичлар ҳаво температурасининг иссиқлиги, унинг қуруқлик даражаси, ёғин-сочин миқдори, шамолнинг интенсивлигига қараб бир-биридан *фарқ* қилиши мумкин. Ана шу шароитларга қараб ёғин сувлари ҳисобига тупроққа тўпланадиган ва тупроқдан буғланадигаи, ўсимлик томонидан транспирация қилинадиган сув миқдори ўзгаради, демак, ғўзани суғориш сони ва нормаси ҳам ўзгаради.

Иқлим шароитларга қараб суғориладган территория учта иқлим зонага бўлинади: шимолий, марказий ва жа-нубий.

Шимолий зонага Қорақалпоғистон Республикасининг кўнчилик районлари, Қозогистоннинг Чимкент вилоятига қарашли кўнчилик паҳтакор районлар, Қирғизистоннинг Ўш вилояти ва бошқалар киради. Марказий зонага Тошкент ва Сирдарё обlastи районлари, Фаргона водийси (тоғ олди районларидан ташқари), Жанубий зонага Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё областлари (тоғ олди районларидан ташқари) ва бошқалар киради.

Шимолий паҳтакор районларда иқлим бирмунча совуқ бўлгани учун ғўзанинг сувга бўлган талаби марказий, айниқса, жанубий зонадагига нисбатан анча кам бўлади. Масалан, тупроқнинг сув сингдириш хусусияти ўртача ва ер ости сувлари чукур жойлашган шимолий зоналарда ғўза ўсув даврида 4—5 марта, марказий зоналарда 6—7 марта, жанубий зоналарда эса 8—9 марта суғорилади.

Ғўзани мавсумда неча марта суғоришни белгилашда тупроқ характеристи ва унинг сув-физикавий хусусиятлари ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, шағал ёки қумли қат-лами юза (30—50 см чукурликда) жойлашган кучсиз ерларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги юқори ва сув ушлаб қолиш қобилияти паст бўлганлиги сабабли ғўзани оз нормада тез-тез Суғориш яхши самара беради.

Шағал ва қумли қавати анча чукур жойлашган ерларда ғўзани суғориш сони кам, лекин у тупроқнинг механикавий таркибиغا ва унинг сув сиғимига қараб турлича бўлиши мумкин.

Тупроқдаги қўм заррачалари қанчалик майда ва чанг ҳамда лойқа заррачалари кўп бўлса, демак, бу хилдаги тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти шунчалик паст ва сув сиғими катта бўлади. Бундай ерларда ғўзани катта нормада, лекин камроқ суғориш талаб этилади.

Эскидан ҳайдалиб келинадиган ерларнинг механикавий таркиби енгил тупроқларда (қўм. заррачалари кўп бўлган ерларда) ғўза гектарига $600—800\text{ m}^3$, механикавий таркиби ўртача тупроқларда $800—1000\text{ m}^3$ ва оғир тупроқларда $1000—1200\text{ m}^3$ нормада суғорилади. Механикавий таркиби оғир (кўп қисмини чанг ва лойқа заррачалари ташкил қиласидиган) тупроқларда ғўзани суғориш енгил тупроқлардагига қараганда кеч бошланади ва ўрта тугалланади.

Бундан ташқари, ғўзани суғориш режими тупроқнинг қай даражада маданийлашганлигига ва унинг унумдорлигига ҳам боғлиқ.

Тупроқнинг келиб чиқиши ва таркибиغا қараб унинг маданийлашиши одамнинг кўрсатадиган таъсири, масалан, алмашлаб экишнинг қўлланилиши, минерал ҳамда органик ўғитлар солиши, ариқ лойқаларининг тўпланиши ва бошқа тадбирлар натижасида тупроқ у ёки бу даражада маданийлашган, унумдорлиги паст, ўртача ва юқори бўлади.

Тупроқ қанчалик унумдор бўлса, ҳосилдорлик ҳам шунчалик юқори ва шунга яраша ҳосилни етиштиришга кетадиган умумий сув сарфи кўп бўлади. Лекин маҳсулот таннархи кам унум ердагига қараганда арзонга тушади.

Ғўзани суғориш сони ва нормаси ер ости сувлари сатҳига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ер ости сувлари юза жойлашганда тупроқ нам билан яхши тўйинади, демак, ундан ўсимлик ҳам фойдаланади. Ғўзанинг умумий сувдан фойдаланишида ер ости сувлари қанчалик хисса қўшиши асосан уларнинг қанчалик чукур жойлашгашлигига, шунингдек, тупроқнинг сув кўтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Агар ер ости сувлари 3 м ва ундан ҳам чуқурроқда бўлса, ўсимлик бу сувнинг 0—10% идан, 2—3 м чуқурлиқда бўлса, 10—30% идан, 1—2 м чуқурлиқда жойлашганда 30—50% идан, 0,5—1 м чуқурлиқда бўлганда эса 50—75% идан фойдаланади.

Шундай килиб, ер ости сувлари сатҳи юзалашган сари уларнинг суғориш учун кўшган ҳиссаси камая боради, шунингдек, оқар сувлар ҳам кам сарфланади. Масалан, ер ости сувлари 1—2 м чуқурлиқда жойлашганда ўсимлик пахта даласи талаб киладиган умумий сувнинг 50—70% дан, ер ости сувлари 0,5—1 м чуқурлиқда жойлашганда эса 25—50% идан фойдаланади.

Ғўзани суғоришга тупроқнинг шўрланишга қай даражада мойиллиги ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, ғўза ниҳоллари ёшлиқ давридаёқ тупроқда тўпланадиган шўрдан қийналади, шунга кўра, бундай ерларда суғоришни эрта бошлаш ва мавсум давомида шўрланмаган ерлардагига қараганда кўпроқ сув бериш керак, шундай қилинганда тузлар ўсимликка зарап етказмайдиган чуқурликка ювилиб тушади.

Суғориш режимини ва суғориш сонини белгилашда, даланинг текислиги, қўлланиладиган агротехникавий тадбирлар, экишгача тупроқда тўпланган нам миқдори, ўсув давридаги суғориш усуллари, суғориш манбалари ва суғориладиган майдонларнинг сув билан қанчалик таъминлаганлиги ҳисобга олиниши керак.

Чунончи, дала қанчалик текис ва агротехника даражаси юқори бўлса, тупроқдан бугланадиган сув миқдори ҳам шунчалик кам бўлади. Бунда камроқ сув сарфланган ҳолда пахтадан бирмунча юқори ҳосил етиштириш мумкин.

Ёғин-сочин суви, яхоб суви, шўр ювиш ва нам тўплаш учун бериладиган сув ҳисобига тупроққа экишга қадар қанчалик кўп нам тўпланган бўлса, ўсув даврида ғўза суғоришни шунчалик кеч бошлаш мумкин, шунга кўра суғориш нормаси ҳам кам бўлади.

Пахта далаларида тупроқ шароитига караб суғоришнинг турли усуллари ва техникиси қўлланилиши мумкин. Масалан, ер ости сувлари юза —0,5—2 м чуқурлиқда жойлашган ва чучук ёки кам шўрланган (1 л сувда 2—3 г туз бўлса) ғўзани эгатлаб эмас, балки ёмғирлатиб суғориш яхши самара беради. Бунда суғориш нормаси энг кам миқдорни ташкил қиласди.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда ғўзани эгатлаб суғориш афзал кўрилади. Ғўзани сифатли суғориш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида эгатларга сув тарашда найлар, сифон шланглар ёки бошқа мосламалардан фойдаланпш катта ахамият касб этади.

Ғўзани суғорища сув манбаи режими ва ернинг сув билан қай даражада таъминланганлиги ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, қорнинг эришидан вужудга келадиган дарёларда, сув оқими етарли даражада тартибга солинмаганда (Оҳангарон, Қашкадарё) ўсув даврининг бошларида сув кўп бўлади. Ёзда, айниқса пюль-август

ойларида, сув танқислиги жуда яққол сезилади. Шу даврда тупроқда запас нам түплаш мақсадида биринчи сувни катта нормада бериш тавсия қилинади. Ёзда эса суғориши нормасини камайтиришга ёки суғориши орасидаги муддатни узайтиришга түғри келади.

Сув манбай музлардан иборат дарёларда ва оралиқ типдаги сув манбаларида (Зарафшон, Норин, Амударё ва бошқа дарёларда) ахвол бутунлай бошқачадир. Ана шу дарёлар суви билан суғориладиган районларда, тупроқда ёгин-сочин суви, яхоб суви ва шур ювиш ёки нам түплаш учун бериладиган сувлар ҳисобига нам захирадини барпо этиш катта аҳамият касб этади. Фўзанинг ана шу сув запасларидан фойдаланиши ўсув даврининг биринчи ярмида сув сарфини камайтириш ва сув танқислигининг олдини олиш имконини беради.

Сув манбаларида сув кам бўлгап йилларда суғориши нормасини ёки суғориши сонини бир оз камайтиришга түғри келади.

Суғориши режими ва нормаси мазкур навнинг хусусиятларига ва фўзани парваришилаш агротехникасига қараб белгиланиши лозим. Тажрибаларнинг кўрсатишича, гектарларда кўчкат қалинлиги оширилгальда ҳар гектар ер ҳисобига ўсимликнинг қуруқ массаси ва баргларнинг умумий сатҳи ошади, демак, пахта даласига сарфланадиган умумий сув микдори ҳам ортади, бу эса суғориши нормасини белгилашда ҳисобга олиннишини тақозо қиласди.

Суғоришилар орасидаги фарқ фўза қатор ораларининг кенглигига ҳам боғлиқ. Чигит кенг қаторлаб (-90 см) экилган пайкалларда эгатлар ҳам узун қилиб олинади, чунки бу асосан фўза парваришида қўлланиладиган техника ва суғориши нормаси билан боғлиқдир (бу ҳақда қўйидаги бўлимда батафсил тўхталиб ўтилади).

Тупроқнинг сув режими ва фўзани суғориши нормаси ерга солинадиган ўғитлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Чунончи, минерал ўғитлар қанчалик кўп (масалан, соф азот ҳисобидап гектарига 75—150—250 кг дан) солинса, улардан самарали фойдаланиш учун шунчалик кўпроқ сув бериш талаб этилади. Лекин катта нормада ўғит бериш билан фўзанинг суғориши нормасини оширишнинг оптимал чегараси бор. Суғориши нормаси ана шу чегарадан опшрцб юборилса, пахта ҳосили ошмайди, аксинча камаяди.

Суғориши режими фўза илдиз системаси ва ер устки қисмларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Фўзанинг илдизи ўқ илдиздир. Бир туп ўсимлик жуда кўплаб ён илдизлар чиқариши мумкин. Масалан, ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда 6 марта суғориби ўстирилган фўзада шоналаш олдидан биринчи тартиб ён илдизлар 48 та, гуллаш олдидан 80 та ва ҳосилнинг етилиш бошларида 124 та бўлган.

Фўза кам суғорилганда ва тупроқда нам етишмаган пайтларда унинг илдиз системаси тупроқнинг чуқур (180—200 см) қатламларигача кириб боради ва бунда ён илдизларнинг ривожланиши суст боради. Фўза тез-тез суғорилганда ва тупроқда нам керагидан ортиқча бўлса, бундай ҳолларда ўсимликнинг илдил системаси асосан тупроқнинг юза қаватида (35—50 см чуқурликда) таралиб ўсади.

Фўза меъёрида суғорилса ва тупроқда нам нормал микдорда бўлса, илдиз бирмунча чуқур (100—120 см) га кириб боради, ён илдизлари эса яхши ривожланади ва шохлаб кетади. Уларнинг асосий массаси тупроқнинг 75 см гача бўлган қаватида жойлашади (44- расм). Илдиз шу тартибда ривожланганда майда илдизлар ва илдиз тукчалари ҳаддан ташқари ўсиб кетади.

Илдиз системасининг ривожланиши билан бир вақтда ўсимликда ер устки қисмлари ҳам ривожланади. С.Н.Рижов, В.Е.Еременко, М.П.Медиис ва бошқаларнинг кузатишларига қараганда ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига доир кўрсаткичлар суғориш шароитига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Гуллашга қадар ҳар бир ғўза тупи 8—10 тагача ҳосил шох чиқаради. Келгусида биринчи теримда олинадиган ҳосилнинг асосий қисми мана шу шохларда шаклланади. Ана шу даврда суғоришни шундай ташкил этиш керакки, бунда ғўза ҳаддан ташқари тез ўсиб говлаб кетмаслиги ва ўз вақтида гуллаши, кейинчалик тупларнинг пастки ярусидаги барча тугунча ҳамда кўсаклари тўла сақланиши таъминланиши зарур.

Ўсув даври бошларида ғўзани ортиқча ва жуда эрта суғориш тупроқни совитиб юборади ва зичлаштириб қўяди, ҳаво ва озиқ режимини ёмонлаштиради, микроорганизмларнинг фойдали ҳаёт фаолиятини сусайтиради. Бундай ҳолда ўсимлик бўйига ўсиб кетади, поялари ингичка бўлиб қолади ва ерга отиб қолишга мойил бўлади. Бу хилдаги ўсимликка ўсув даврининг кейинги пайтларида кўп сув бериш керак. Бироқ суғоришда салгина узилиш бўлса ҳам ғўзанинг тугунчалари ёппасига тўкилади ва кескин камаяди (айниқса дастлабки совуқ тушгунга қадар териб олинадиган ҳосилнинг салмоғи пасаяди).

Шунингдек, ғўзани гуллашгача суғоришни кечикириш ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунда ўсимликнинг ер устки қисмлари ривожланишдан орқада қолади, кўсаклар кеч шаклланади ва шунга кўра ҳосили ҳам кеч етилади. Бундан ташқари, ҳосилнинг кўнчилиги совуқ тушгандан кейин етилиб, пахтанинг сифати ҳам пасайиб кетади.

Ғўза гуллашга қадар ўз вақтида суғорилган, тупроқда нам етарли бўлган тақдирдагина илдиз системаси кучли ривожланади ва ўсимликда етарли миқдорда ҳосил элементлари тўпланади. Бунга эришиш учун ер ости сувлари чуқур жойлашган пайкалларда ғўза гуллагунга қадар одатда 2 марта (биринчиси 3—5 тадан чинбарг чиқарганда), механикавий таркиби жиҳатдан енгил ва нишаби катта участкаларда, шунингдек, кўклам қурғоқчилик кел-ган йилларда 3 марта гача суғориш керак. Ер ости сувлари 1,5—2,5 м чуқурликда жойлашган ўтлоқ тупроқли дала-ларда одатда, ғўзани шоналаш даврида 1 марта суғориш кифоя қиласи, ер ости сувлари 1 м гача чуқурликда бўлган ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда эса ғўза гуллашгача суғорилмаса ҳам бўлади.

Ғўзанинг гуллаш ва мева туғиши даврларида вегетатив органларнинг интенсив ўсиши туфайли у жуда кўп сув (ўсув даврида талаб қиласидан умумий сув миқдорининг 65—70% ини) сарфлайди. Ана шу даврда ҳосил органларнинг шаклланиши ўсиш процессидан устун келиши керак. Шунга кўра ҳосил элементларини сақлаб қолиб, уларни етарли миқдорда сув ва озиқ моддалар билан таъминлаш жуда муҳимдир. Шу даврда ўсимликни чанқатиб қўймаслик, унинг ўсиш ва ривожланишини сусайтириб юбормаслик лозим. Ҳосил тўплаш даврида ўсимликни сал бўлса ҳам чанқатиб қўйиш шона ва тугунчаларнинг ёппасига тўкилишига олиб келади, бу эса ҳосилни пасайтириб юборади.

Ғўзани ҳаддан ташқари кўп суғориш ҳам ярамайди. Акс ҳолда ғўза говлаб кетиб кўплаб ҳосил элементлари тўкилади, кўсаклар кеч етилади ва совуқ тушгунгача териб олинадиган ҳосилнинг салмоғи камаяди.

Ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибалари ғўза тупининг бўйи кўпи билан 80—90 см, бўғим оралиқлари эса 4,5—5,5 см дан қилиб ўстирилгандагина мўл ҳосил

етиштириш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Бўгим оралиғи 4—4,5 см дан ҳам қисқа бўлиши ўсимликни чанқатиб кўйилганлигидан, 6—7 см дан узун бўлиши эса ғовлатиб юборилганлигидан далолат беради.

Пахтадан юқори ҳосил олиш учун ғўза гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида тупроқ шароитига қараб сугориш сони турлича бўлиши лозим.

Ер ости сувлари 3 м ва бундан ҳам чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда ғўза одатда 4—5 марта, бўз ўтлоқ тупроқларда (ер ости сувлари 2—3 м чуқурлиқда жойлашган) 3—4 марта, ўтлоқ тупроқларда (ер ости сувлари 2 м чуқурлиқда жойлашган) 3 марта ва ниҳоят, ер ости сувлари 1 м атрофида жойлашганда шу хилдаги тупроқларда 2 марта сугорилади.

Ғўзанинг ҳосили етилиш даврида, яъни август охири ва сентябрь бошларида ўсимликнинг хаёт фаолияти сусая бошлайди ва унинг сувга бўлган талаби ҳам камаяди. Лекин шу даврда ҳам сугоришни барвақт ёки жуда кечиктириб тўхтатиш ярамайди.

Ғўзанинг етилиш даврида тупроқда нам етишмаслиги кўсакларнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди, бунда кўсаклар майда бўлиб бевақт очилади, натижада ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Бундан ташқари, тупроқда нам етишмаса, ғўза баргини тўкиш мақсадида сепиладиган химиявий препаратларнинг ҳам самарадорлиги пасаяди, бунда ғўза баргларида нам танқислиги сезилади ва уларга дефолиантларнинг кириб бориши қийинлашади.

Ғўзани керагидан ортиқча сугориш ҳам ҳосилдорликка катта путур етказади. Бу хилдаги сугоришда ҳаво ва тупроқ намлиги ошиб кетади, кўсакларнинг етилиши кечикади, ғўза туплари ерга эгилади ва унинг пастки ярусларидағи кўсаклари чирий бошлайди. Натижада пахта ҳосили камаяди ва унинг сифати ёмонлашади.

Ғўзани кечиктириб сугориш, шунингдек, дефолиация қилиш муддатини орқага суриб юборади ва унинг сифатига салбий таъсир этади.

Кўсакларнинг яхши шаклланиши ва ўз муддатида етилиши учун ҳосил пишиш даврида ғўзани қуйидаги тартибда сугориш тавсия этилади. Масалан, ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда ғўза одатда 1—2 марта сугорилиб, охирги сув 15—20 сентябргача, жанубий районлардаги енгил тупроқ ерларда эса баъзан 3 марта гача сугорилиб, охирги сувни 25—30 сентябрга қадар бериб тугаллаш керак. Бўз-ўтлоқ тупроқли ерларда ғўзалар бир марта сугорилади ва у 5—10 сентябрга қолдирилмай тугалланади. Ер ости сувлари 1—2 м ва ундан ҳам чуқурроқ жойлашган ўтлоқ, ўтлоқботқоқ тупроқли ерларда ҳосил етилиш даврида ғўза кўпинча сугорилмайди. Бундай ерларда умуман ғўзани сугориш одатда августнинг учинчи ўн кунлигига тугалланиши лозим.

Ғўзанинг ривожланиш даврлари бўйича сугориш сони рақамлар билан ифодаланган кўрсаткичи *сугориш схемаси* дейилади. Иқлим шароит ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига қараб ғўзани сугориш схемаси хар хил бўлиши мумкин: масалан, 0—2—0, 1—3—0, 2—4—1 ва ҳоказо. Бунда биринчи рақам гуллашгача, иккинчиси гуллаш ва ҳосил тўплаш ва ниҳоят, учинчиси ҳосил етилиш давридаги сугориш сонини кўрсатади.

Ғўзанинг сув режимини созлаб туришда сугориш муддатини ва сугориш нормаларини тўғри белгилаш кат-та аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида айрим участкалар учун суғоришнинг энг қулай муддатини ўсимликнинг ташқи белгиларига, унинг физиологик кўрсаткичларига (баргларнинг сўриш кучига ва хужайра шираси концентра-циясига) ва тупроқ намлигига қараб белгилаш мумкин.

Бир қатор тадкиқотчилярнинг кузатишларига қараганда, ўсимликнинг ташқи белгилари ғўзанинг илдиз системаси жойлашган қаватдаги тупроқ намлигини яхши кўрсата олади. Тажрибакор пахтакорлар кўнчилик ҳол-ларда суғориш муддатини ғўзанинг ташқи белгиларига қараб аниқлайдилар. Масалан, ғўзани гуллашига қадар барглар рангининг ўзгаришига ва унинг турганига ҳолатига қараб суғориш муддати белгиланади.

Ғўза суғорилгандан кейин барглари оч яшил рангдан аста-секин яшил тусга ўтади. Баргларнинг нормал яшил ранги ғўзани вақтида суғориш билан сақлаб турилади ва уни тўқ яшил рангга ўтишига йўл қўйилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўсимлик баргининг тўқ яшил рангга кириши ҳамма вақт ҳам тупроққа нам етишмаслиги натижасида содир бўлавермайди. Унумдор ерларда ҳам ғўзанинг барги тўқ яшил тусга кириши мумкин. Демак, суғориш муддатини белгилашда факат барглар рангининг ўзгаришини эмас, балки тупроқ унумдорлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Суғориш муддати ғўза баргининг тургор ҳолатига қараб ҳам белгиланади. Куннинг энг иссиқ пайтларида 20—25% ўсимликда тургор ҳолатнинг қисман сусайиши суғориш кераклигидан далолат беради. Бунда кузатиш ишлари соат 14—15 ларда ўсимлик асосий поясининг ўсуви нуқтасидан учинчи барг бўйича олиб борилади. Ғўзада тургор ҳолатнинг сусайганлиги ана шу баргларнинг сўлий бошлаганлигидан ва уларнинг ўрта то-қирлари букилганда қарсиллаб синмаслигидан билиш мумкин. Ғўзанинг гуллаш ва мева туғиши даврида суғориш муддатини гуллаш бўғими баландлигига қараб ҳам белгилаш мумкин (В.Е.Еремеико, М.И.Портних).

Гуллаш бўғими баландлиги ўсимликнинг ўсуви нуқтасидан то пастки ҳосил шохларигача бўлган ҳосил шохлари миқдори бўйича белгиланади. Ғўза қанчалик кам суғорилса, асосий поя учининг биринчи ўрнида гули бўлган ҳосил шохи билан яқинлашиши шунчалик тез боради. Шунга кўра, суғориши шундай ташкил этиш керакки, бунда ғўзанинг юқори қисмида жойлашган гулнинг ўсуви нуқтаси томон силжиши аста-секин борсин. Агар ғўза кам суғорилиб чанқатиб қўйилса, у вақтда ўсимликнинг энг юқориги гули ўсуви нуқтаси томон яқинлашади. У асосий поянинг энг устки томон силжиганлигидан жуда яккол кўзга ташланади. Аксинча, ғўза керагидан ортиқча суғорилганда у ғовлаб кетади ва гуллари барқ уриб ривожланаётган ; барглари орасида кўринмай кетади.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда ғўза гуллай бошлаганда ўсимликнинг ўсиш нуқтасидан ҳисоблаганда гуллари 8—9 ҳосил шохларида бўлади. Июлнинг охири — августнинг бошларида гуллаш бўғимининг баландлиги камида 7 та, август охирларнда ҳосил шохлари кўпи билан 4—5 та бўлиши керак, чунки шундай бўлмаса, биринчи ҳолатда ўсимлик чанқатиб қўйилган, иккинчи ҳолатда эса керагидан ортиқча суғорилган бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун июль охиригача навбатдаги суғориш гуллаш бўғими 0,5—0,7 ҳосил шохигача пасайганда, кейинги даврда, яъни август ўрталарига қадар 0,8—1 ҳосил шохигача, август ўрталаридан эса 1,1—1,3 ҳосил шохигача пасайганда ўтказилади.

Мүл пахта ҳосили етиштиришни таъминлайдиган сұғориши режими учун гуллаш бүгимига доир құрсаткичлар ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларга ҳам белгиланган.

Ғұзанинг асосий пояси баландлигига ва сут-ка давомида ўртача ўсишига дараб ҳам су-гориш методи ишлаб чиқылған (П.П. Язиков, М.Б.Баракаев). 108-Ф ва 153-Ф ғұза навлари учун мұйтадил ўсадиган стандарт ўсимлик тупларини шакллантириш мақсадида сұғоришини күйидаги құрсаткичларға қараб бонқариш тавсия этилади:

Даврлар	Ұсимлик бўйи, см	асосий поянинг сутка давомида ўртача ўсиши, см
Ёппасига шоналай бошлаган	14-18	0,3—0,5
Гуллай бошлаган	42—50	0,8—1,5
14—16 та ҳосил шох чиқарған	80—90	0,8—1,3

Ғұза навларига, тупроқ-икәлим шароитларига (шу жумладан, тупроқ унумдорлигига, ср ости сувларининг чуқурлигига) қараб асосий поянинг баландлиги ва ўсимликнинг сутка давомида ўртача ўсишида тегишли ўзга-ришлар бўлиши мумкин.

Ғұзани юқорида келтирилған усулда ташқи белгиларига қараб сұғориш муддатини белгилаш жуда оддийлиги билан бошқаларидан фарқ қиласи, чунки бунга жуда кам вақт ва меҳнат сарфланади, энг муҳими пахтакорлар учун жуда қулайдир.

Ғұзанинг сұғориш муддатини ўсимлик баргларининг с ү р и ш кучига қараб ҳам белгилаш мумкин (В.С.Шардаков). Ғұзани сұғориш зарур бўлганда барглар сўриш кучининг охирги чегараси шўрланмаган ерларда: гуллашгача 12 атмосфера, гуллаш-мева туғиши дав-рида 14, ҳосилнинг етилиш даврида эса 16 атмосфера ҳисобланади. Шўр ерларда ўсган ғўзалар учун бу қўрсаткичлар юқори (кўнчилик қисми 17—20 атмосферагача) бўлади.

Баргнинг сўриш кучини дала шароитида белгилаш учун соат 13—15 атрофида ғўза тупининг учидан учинчи бўлиб жойлашган, тўла етилган ва сояланмаган баргидан намуна олиб, уни турли хил концентрациядаги шакар эритмасига солинади. Лекин бу метод ҳамма вақт ҳам аниқ натижага беравермайди, чунки баргнинг сўрувчи кучи об-ҳавога (шамолга, ҳавонинг булатлигига ва бошқаларга) кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ғұзанинг сувга бўлган эҳтиёжини ва сұғориш муддатини баргларнинг ҳужайра шираси к о н ц е н т р а ц и я с и бўйича аниқлаш мумкин бўлиб, у кўл рефрактометри ёрдамида ўлчанади. Тупроқ нами билан ҳужайра шираси концентрацияси қўрсаткичлари ўртасида тескари боғланиш ҳам бўлиши мумкин, бундай ҳолларда ғўзани сұғориш керак. Бу қўрсаткичларни белгилаш учун маълум методика бўйича ўсимликнинг барг шапалоги текширилади, яъни барг шапалогида ҳужайра шираси сиқиб олинади. Олинган ҳужайра ширасидан рефрактометрнинг ўлчагич призмасига 2—3 томчи томизилади. Рефрактометр ичидаги шкала олдиндан ноль ҳолатга ј келтирилади, рефрактометр шкаласи қўрсатган

сон ҳужайра шираси концентрациясини, яъни ундаги қуруқ модда миқдорини % ҳисобида кўрсатади.

Бу методии бевосита дала шароитида қўлланиш ҳужайра шираси концентрациясини тезда аниқлаш ва шу кўрсаткич бўйича турли хил тупроқ-мелиоратив шароитларда навбатдаги суғориш муддатини осон белгилаш мумкин. Масалан, ЎзПИТИиши Андижон филиалида олинган маълумотларга қараганда, ер ости сувлари чуқур жойлашган оч тусли бўз тупроқларда, ғўза гуллашига қадар ҳужайра шираси концентрацияси 9% атрофида, гуллаш ва мева тузиш даврида 10—11% ва ҳосилнинг етилиш даврида 12% бўлганда суғориш яхши самара беради.

Суғориш муддатини тупроқнинг ўсимлик илдиз системаси озиқланадиган қаватдаги намликка қараб белгилаш методи ҳам кенг қўлланилади.

Турли типдаги тупроқлар ва шароитлар учун суғориш олдидан йўл қўйилиши мумкин бўлган намликнинг камайиши кўрсаткичи белгиланган. Масалан, ер ости, сувлари чуқур жойлашган типик бўз тупроқларда пах-тадан юқори ҳосил олиш учун тупроқ намлиги қуйидаги миқдордан ҳам камайишига йўл қўймаслик керак: Ғўзаларни гуллаш давригача тупроқ намлиги дала нам си-гимига нисбатан камида 75—70%, гуллаш ва мева тузиш даврида камида 70%, ҳосилнинг етилиш даврида камида 65—60%; ўртача ва кам шўрланган бўз-ўтлоқ ва ўтлоқ тупроқларда шунга тегишли равишда 75, 75—70, 65—60%, шўрланмаган ўтлов; тупроқларда 70, 70; 65—60% бўлпши керак. Тупроқ нами бундан ҳам кама-қ йиб кетгудек бўлса, у вақтда ғўзани Суғориш зарур.

В.Е.Кабаев таклиф этган метод бўйича дала ша-роитида тупроқ намини жуда тез ва осон аниқлаш мум-кин. Бу метод бўйича тупроқ иамлигини даланинг ўзида унчалик мураккаб бўлмаган асбоблар ёрдамида (чинни идиш, пробирка, сув томчиси, чизрич, иккита гугурт қутичаси, пичноқ) бир неча минут ичидаёқ аниқлаш мум-кин¹.

Урта Осиёнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитида суғориш режими. Суғориш муддати билан бир вақтда ҳар галги ва мавсумий суғориш нормаларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Суғориш нормаси деганда бир гектар майдон-га бир марта қубометр ҳисобида бериладиган сув миқдори, мавсумий суғориш нормаси дейилганда эса ҳар гектар майдонга бутун ўсув даврц мобайнида қубометр ҳисобида бериладиган умумий сув миқдори тушунилади.

Ҳар галги суғориш нормасини белгилашда қуйидаги-ларни ҳисобга олиш жуда муҳимdir.

Ҳар галги суғориша ерга тупроқнинг дала нам сиғи-ми (100% деб олинади) билан унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган 'сўнгги (дала нам сиғимига нисбатан % ҳисобида) намлиги ўртасидаги фарқ (етишмайдиган нам) миқдорида сув берилиши керак.

Суғориш нормасига, юқорида келтирилган ҳажмда бериладиган сувдан ташқари суғориш вақтида ердан бур-ланадиган, шунингдек, суроришдан кейинги дастлабки кунларда бугланадиган ва транспирация процесси учун (дала нам сиғими белгиланган ҳолатга келгунча) сарф-ланадиган сув ҳам киради.

Тегишли дала нам сиғимигача етишмаган⁴ сув миқдо-ри тупроқнинг актив илдиз системаси озиқланадиган қаватдаги намлик бўйича ҳисобланади, чунки бу қаватда ғўзанинг- тупроқ намидан фойдаланадиган фаол илдизчалари жойлашган.

Үсімлик илдиз системаси озиқланадиган актив зонада сарфланадиган, шунингдек, тупроқдан буғланадиган сув миқдорига қараб тупроқнинг вақти-вақти билан нам йўқотадиган қавати чуқурлиги белгиланади, демак, суғориш вақтида тупроқнинг намлатиладиган чуқурлиги аниқланади. Ер ости сувлари чуқур жойлашган (3 м ва ундан ҳам чуқур) пахта далаларида суғориш вақтида намлатиладиган чуқурлик: ёппасига шоналаш даврига қадар 50 см , гуллай бошлагунга қадар 70 см , гуллаш ва мева туғиши даврида 100 см , ҳосил етилиш даврида $60—70 \text{ см}$ бўлиши керак. Ер ости сувлари $1—2 \text{ м}$ ва $0,5—1 \text{ м}$ чуқурлиқда жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда, тупроқ намлигини ҳисобга олиш чуқурлиги камроқ: чунончи, ўтлоқ тупроқларда гуллаш даврига қадар $40—50 \text{ см}$, гуллаш ва мева туғиши даврида $00—70 \text{ см}$; ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда шунга тегишли равишида $30—40$ ва $40—50 \text{ см}$ бўлиши лозим.

Суғориш нормаси кўйидаги формула ёрдамида ҳисоб-ланиши мумкин:

$$m \propto (A - B)ah KK,$$

бунда: m — Суғориш нормаси ($\text{га}/\text{м}^3$);

A — тупроқнинг ҳисобга олинадиган қаватидаги

нам сифими (тупроқ оғирлигига нисбатан, %)';

B — тупроқнинг ҳисобга олинадиган қаватидаги суғоришгача бўлган намлик (%); a — тупроқнинг ҳисобга олинадиган қаватидаги

хажм оғирлиги ($\text{г}/\text{см}^a$); h — тупроқнинг ҳисобга олинадиган (намиқтирилиши керак бўладиган) қавати (с.«); K — бугланиб йўқоладиган сув миқдори (тупроқ-нинг нормал дала сирими содир бўлгунга қадар) ($\text{гя}/\text{ж}^3$).

K нинг катталиги ($A-B$) ст/и дан $10—20\%$ миқдори-да олиниши мумкин.

Ер ости сувлари $2—3 \text{ м}$ ва ундан ҳам чуқур жойлашган эскидан ишланиб келинган ерларда ғўзани эгатлар орқали қўйидаги нормада суғориш мумкин.

Яхши маданийлашган, майин, нам сифими ҳам юқори бўлган тупроқларда, ҳайдалган бедапояларда (бедапоя бузилиб биринчи ва иккинчи йили экин экнлганда), ўзлаштирпладиган қўриқ ерларда, сувни яхши сингдирадиган тупроқларда ҳар галги суғориш нормаси гектарига $100—300 \text{ м}^2$ ни ташкил этиши керак.

Ер ости сувлари юза жойлашган ($1—2 \text{ м}$ ва ундан ҳам саёз) ерларда тупроқнинг сизот сувлари ҳисобига нам тортиши анча юқори бўлади. Бундай шароитда ғўза кам суғорилса ҳам, лекин суғориш нормаси гектарига $700—900 \text{ м}^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

Шўрланишга мойил бўлган ерларда, минераллашган ер ости сувлари юза жойлашган ҳолларда тупроқнинг намиқтириладиган қавати ер ости сувлари кўтариладиган капиллярларга етиб бормаслиги керак, чунки бу уларнинг юқорига кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин ер ости сувларини тортиб кетадиган зовур ва коллектор шоҳобчалари билан яхши таъминланган участкаларда суғориш нормаси намиқтириладиган қават талаб этганидан $25—30\%$ оширилиши мумкин. Бундай суғориш нормасида (шўр ювиш режимида суғоришда) тупроқни керакли миқдорда намиқтиришдан ва тупроқ эритмаси концентрациясини пасайтиришдан ташқари суғориш даврида тупроқ шўри анча чучуклашади, яъни ундаги зарарли тузлар миқдори анча камаяди.

Суғориш нормасини ҳисоблашни қуйидаги тенглама бўйича ифодалаш мумкн (А.Н.Костяков):

$$M = E\zeta - E_0 \cdot P_d \cdot bW,$$

бунда: M — суғориш нормаси ($m^3/га$)';
 E — транспирацияга сарфланадиган сув ($m^3/га$)', E_0 — буғланишга сарфланадигаи сув (M^*jed);

jP_0 — ўсув даври мобайнида атмосфера ҳисобига тушидиган ёғин микдори ($m^3/га$);

AW — ўсимликнинг тупроқдаги запас намдан, шу жумладан, ер ости сувларидан фойдаланшши ($m^3/га$).

Гўзанинг суғориш нормасига ер ости сувлари сатхининг кўрсатадиган таъсирини суғориш нормаларининг қуйидаги солиштирма коэффициентидан ҳам кўриш мумкин (В.Е.Еременко бўйича): ер ости сувлари сатхи 3 м ва ундан чуқур бўлганда 1,0; шунинг ўзи, ости шағал ва қум қаватидан иборат кучсиз ерлар учун 1,15; ер ости сувлари сатхи 2—3 м чуқурлиқда бўлганда 0,85.

Ер ости сувларининг жойлашиш чуқурилгига, шушм, тупроқ ва боташка шароитларга қараб ҳар галги Суғориш . ва мавсумий суғориш нормалари кескин даражада — 2—3 тадан 9—12 мартағача (мавсумий суғориш нормаси гектарига 2000—2800 дан 7000—8000 m^3 ва ундан ҳам кўпроқ) ўзгариб туради.

Ўрта Осиёнинг турли хил иқлим зоналари ва тупроқ мелиоратив шароитлари учун ўзани суғориш сони ва унинг тақсимланиши, шунингдек, суғориш нормаларининг қуйидаги тахминий кўрсаткичлари тавсия этилади.

Суғориш сони ва нормаси кам бўладиган районлар шимолий иқлим зонага, кўп бўладиган районлар жанубий иқлим зонага киради. Марказий зона учун оралиқ зонани олишга тўғри келади.

Ингичка толали ўёза навлари учун (жанубий иқлим зонада) суғориш сони тахминан ўртача толали ўёза навлари микдорда қолаверади, лекин ҳосилнинг этилишини тезлаштириш мақсадида суғоришни бирмунча барвақт бошлаш, шу билан тупроқ намини ўсимликнинг гуллаш давригача бирмунча ошириш керак бўлади.

Ўзани юқорида келтирилган суғориш режими ва нормалари гектар бошига 30—35 ү ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш имконини беради.

Суғориш усууллари, техникаси ва уни таш-кил этиш

Экинлар асосан цуйидаги усуулларда суғорилади: оқар сув билан суғориш, ёмғирлатиб суғориш ва тупроқ ичидан сурориши.

Оқар сув билан суғориш қадим замонлардан бери қўлланилиб, ҳозирда ҳам ўзани суғориша асосан шу усуудан фойдаланилади. Бу хилда суғоришнинг энг такомиллашган усули эгатлаб суғориши. Ўзани бостириб суғориши маънни этилган. Эгатлаб суғорилганда тупроқ бир текисда намикади, унинг майнлик ҳолати яхши сақланади, сув тежаб-тергаб сарфланади ва нам тупроқнинг белгиланган қаватигача сингиб боради; суғоришдан кейин тупроқни ишлаш енгиллашади, бунда суғориш сифати ҳам ниҳоятда юқори бўлади.

Оқар сув билап суғоришда сув бериш тартиби турли усулда амалға оширилади: а) каналлар орқали; б) темир-бетондан ишланган навлар орқали; в) тупроқ остидан қурилган трубопровод орқали; г) суғорига машиналари ёрдамида сув ўтказмайдига материаллар билан қопланмаган каналларда кўплаб сув исроф бўлади. Бу жиҳатдан нов ва ёпиқ типда қурилган суғориш шохобчалари бирмунча афзаликларга эга.

Нав синаш шохобчаларини катта масштабда қурилиш Мирзачўлда янгидан ташкил этилаётган хўжаликда кўламда олиб бормоқда. Навларга сув каналлардан тушган сув ёнбағрига қурилган қулоқ орқали келади. Навлардаги сув эса сув чиқариш тешиклари орқали, муваққат ариқлар ўрнини босувчи суғориш трубопроводларига тақсимланади.

Ёпиқ суғориш шохобчалари орқали суғориш Ўзбекистоннинг нишаби катта (0,003 дан кўп) ерларида (масалан, республикамиздаги «Фарҳод», Гагарин номли бошқа хўжаликларда) кўлланилади.

Тупроқ остидан ўз босим кучи билан суғориш асбоби цементли трубопроводлар орқали суғоришга асосланган. Трубопроводларга маълум масофадан кейин (50—60 м да) гидрантлар қўйилади, қулоқ бошига трубопроводлар уланади, трубопроводлардан эса сув суғориш эгатларига келади.

Кейинги йилларда ғўзани машиналар ёрдамида суғориш кенг жорий этилмоқда. Улар ичида иқтисодий жиҳатдан самаралиси ППА-165 (бу кўчма суғориш агрегати бўлиб, секундига 165 л сув сарфлайди) суғориш машинаси ҳисобланади. ППА-165 агрегати 2 та машинадан: Т-28Х тракторига ўрнатилган насос станцияси J ва шлангли тиркалма] тележкадан иборат. Ерга ётқизиладиган эгилувчан шланглар-га (полиэтилен ёки калрондан қилинган) эгатларга сув чиқариш учун тошиклар дилинган. Ҳар қайси эгатга бериладиган сув оқими (минималдан то се-кундига 1 л ва ундан ҳам кўпроводча) маҳсус сектор сурмаси ёрдамида созлаб турилади. Машинанинг иш унуми гектарига 1200 м³ ҳисобидан сув сарфлаганда соатига ярим гектар ерни суғоради.

ППА-165 маркали машина нишаби кичикроқ, шунингдек, нишаби катта ерларда ҳам ишлатилиши мумкин. У рельефи текис ерларда кўлланилганда, айниқса самарали ҳисобланади, чунки бундай шароитда суғориш шохобчаларидаги сувни ўз оқими билан далаларга етказиб бериш қийин бўлади.

Оқар сув билан суғоришида сувдан, ердан ва қишлоқ хўжалик машиналаридан юқори унумда фойдаланиш учун суғориладиган участкалар яхши текисланган, сувни тартибга солиб турадиган иншоотлар билан жиҳозланган, яхлит (8—12 га ва ундан ҳам катта) бўлиши керак.

Эгатлаб суғоришида сувни бевосита ўқариқлардан оқизмай, уни ўсимлик қаторларига нисбатан кўндалангига ётқизилган эгилувчай ёки яримқаттиқ трубопроводлар орқали юбориш энг фойдали ва қулай ҳисобланади. Бунда трубопроводлар суғориш участкасининг бутун узунлиги бўйича бир неча ярусда ётқизилади. Уларга эса сув новлардан, ер остига кўмилган шланглардан ёки бевосита суғориш машиналаридан берилади.

Ярим қаттиқ трубопроводлар полиэтилен материалидан қилинган бўлиб, у металл тўр ва винтли сув тақсимлагич билан жиҳозланган. Эгилувчан трубопроводларга қараганда у фойдаланпш жиҳатидан чидамли, ётқизиш учун маҳсус жой тайёрлашни

талаң этмайди, сувни кучли босимда ўтказиш имконини беради ва сугоришда юқори иш унумдорлигини таъминлайди.

Сувни эгатларга мұваққат ариклар (ўқариқлар)дан боришда йириклаштирилған сугориши участкаларида узунасига ва күндаланған олинган схемадан фойдаланиш мүмкін.

Узунасига олинган схемада мұваққат ариклар сугориши эгатлари бўйлаб очилади. Сугориши шохобчасида сув олдин мұваққат ариқларга (ўқариқларга), ундан эса сугориши эгатларига ўтади.

Кўндаланшга олинган схемада мұваққат ариқлар (ўқариқлар) сугориши эгатларпга нисбатан кўндаланғига очилади. Нишаби унчалик катта бўлмаган участкаларда бу схема сугориши ташкил этиш ва иш унумдорлигини оширишда жуда қулай ҳамда иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади.

Қатор ораси 60 см дан қилиб чигит экилган майдонларда сувни чуқур олинган эгатлардан жилдиратиб оқизилгани маълум. Бунда эгат пуштасини сув босмай-ди ва қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ заррачалари капил-лярлар орқали намиқади ва далани навбатдаги ишлашда структураси яхши сақланиб қолади.

Нишаби унчалик катта бўлмаган участкаларда суғо-риши эгатлари 20—22 см (дастлабки сугоришида эса 15—17 см) чуқурликда олинади. Нишаби катта ва сув ўтка-зувчашиб цобилияти суст ерларда эгатларни 14—16 см чуқурликда олиш тавсия қилинади.

Эгатлар узунлиги (ўқариқлар орасидаги масофа) ва уларга тараладиган сув оқими тупроқнинг сув-физикавий хусусиятларига, участканинг нишабига ва ернинг текис-лигига караб белгиланади.

Эгатларнинг узунлиги ва уларга кўйиладиган сув оқими шундай бўлиши керакки, бунда эгат бошидан эта-гигача бир хилда намикспн, окава •чайқаспн ёки озгина чиқсин, эгатладшинг ёнбағри, тупроқ ва берилган ўғпилар ювилиб кетмасин.

Қатор ораси 60 см дан кишиб чигит экилган майдон-ларда эгатлар шароитга қараб 60—80 дан 250—300 м

узуиликда олииади. Фўзани биринчи ва иккинчи сугоришида эгатларга тараладиган сув оқими кейинги сугоришлардагига қараганда икки марта кўп бўлади, чунки кейинги сугоришларда тупроқнинг сув ўтказувчанлик цобилияти кескин сусаяди.

Ҳар галги сугоришида дастлаб эгатларга сув катта оқимда кўйилади, сув эгат охирига етиб бориши билан эгатлар қанчалик намикданлигига караб оқим камайтирилади.

Ер ости сувлари юза жойлашган, яъни тупроқнинг "намиқтириладиган қавати 0,20—0,50 м ни ташкил қила-диган бўлса, сув эгатларга ўзгарувчан оқимда эмас, балки доимий оқимда берилиши тавсия қилинади, шунда белгиланган нормадаги сув эгат охирига тез етиб бора-ди. Бунда сув сарфи камаяди, тупроқнинг ҳаддан ташқари намиқиши, фўзанинг бир хилда ривожланмаслик ва говлаб кетиш ҳоллари олди олинади.

Ернинг нишаби ва тупроқ шароитига қараб эгатлар узунлиги ва сув оқими қуйидагича бўлиши тавсия этилади.

Сув оқими дастлабки икки марта сугориши учун келтирилған, Кейинги сугоришларда оса сув оқими бир ярим-икки баравар камайтирилади.

0,001—0,005 нишаблик 1000 м масофадаги ернинг баландлик фарқи 1—5 м га ўзгаришини (100 м да 10—50 см) кўрсатади.

Нишаби жуда катта (0,01—0,02) бўлган майдонларда тупроқнинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик учун эгатларга кичик оқимда сув таралади. Бунда эгатлар калтароқ; олинади, чунки кичик оқимда берилган сув эгатнинг бошланишида яхши сингиб этагига етгунга қадар камайиб қолади. Бу эса эгатлар узун килиб олин-гандан тупроқнинг бир текисда намиқмаслигига сабаб бўлади.

М.В.Муҳаммаджонов ва С.А.Гильдиевларнинг кузатишларига, шунингдек, илфор хўжаликларнинг тажрибаларига қараганда, қўнчилик тупроқларда ғўзани эгатлаб суғоришда сувни эгат оралатиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда тупроқнинг сув-физиковий хосса-лари яхши сақланади, ўсимлик говлаб кетмайди ва ерга ётиб қолмайди, ғўза серхосил бўлиб, эрта етилади. Бундан ташқари, сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошади.

Ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқ тупроқларда ғўзани бутун ўсув даври мобайнида эгат оралатиб суғориш яхши самара беради. Лекин ер ости сувлари 2—3 м ва ундан ҳам чуқур жойлашган бўз ва бўз-ўтлоқ тупроқларда фақат дастлабки — биринчи ва иккинчи ҳамда ҳосилнинг етилиш даврида эгат оралатиб суғориш мақсадга мувофиқдир. Шундай тупроқлар ҳам борки, ғўзанинг бутун ўсув даври мобайнида ҳар қайси эгатга сув тараб суғоришга тўрри келади. Бу хилдаги тупроқларга тош-лок, қумли, оғир соз, шунингдек, шўрланишга мойил бўлган ерлар киради.

Чигит қенг қаторлаб (90 см) экилган майдонлардаги ғўзани суғориш техникаси қатор ораси 60 см дан қилиб ўстирилган ғўзаларникига қараганда: эгатларнинг чуқурлиги ва узунлиги, ҳар қайси эгатга тараладиган сув миқдори, шунга кўра суғориш нормалари бўйича фарқ қиласди. Чигит қенг қаторлаб экилган майдонларда эгат-ларни чуқур (биринчи суғориша 20 см гача, кейингиларида эса 25—26 см чуқурлиқда) олиш мумкин, лекин сифатли суғориш, яъни ўсимлик қаторларига сув "бостир-маслик" талаб қилинади. Кенг қаторлаб экилган майдон-ларда ҳар қайси эгатга тараладиган сув оқими секунди-га 1—1,5 л гача оширилади, нишаби кнчик ва ўртacha бўлган янгидан ўзлаштирилаётган қўрпқ ерларда ва сув ўтказувчанилиги кучли бўлган тупроқларда эгатлар 200—250 м, эскидан ишланиб келинган ва механикавий таркиби ўртacha ва оғир бўлган тупроқларда 300—400 м узунликда олинади.

Эгатларнинг бундан ҳам узун бўлиши фойдасизdir, чунки бунда суғориш муддатининг чўзилиши ва эгатларга катта оқимда сув берилиши туфайли ҳар гектар ерга сарфланадиган сув миқдори 1500—2000 м⁵ гача опшб кетади. Бу эса сув сарфини ошириб юборади ва шу билан бир ватқтда эгатлар бир хилда намиқмайди, ниҳоят, ҳосилнинг пасайишига сабаб бўлади.

Эгатларга сув тақсимлашни бир меъёрга келтириш ва суғоришга қилинадиган меҳнат сарфини камайтириш учун эгат бошини сув оқимини созловчи мослама билан жиҳозлаш катта аҳамиятга эгадир. Ана шундай мослама сифатида қофоз (ўғитлардан бўшаган парафинли қофоз), най-сифонлар (қамишдан, тунукдан ва бошқа материаллардан қилинган), ёғоч ёки темир тўсиқлар (бурчакли ёки тўғри бурчакли ўйиги бўлган) дан, яххиси резина ёки полиэтилендан қилингап сифоп-найлардаи фойдаланиш мумкин.

Сифон-найларнинг узунлиги 100—130 см, диаметри 20—50 мм қилиниб, улар секундига 0,15—0,20 дан 1,1—1,6 л сув ўтказа олади.

Суғоришиң эгатлары узун (250—300 м) қилиб олинган майдонларда сифон-найлардан фойдаланиб бир иш кү-нида 2—3,5 га майдондаги ғұзаны суғориши мүмкін. Бу эгатларга сув тақсимлаш мосламаси ўрнатылмасдан суго-рилгандагига қараганда 2—3 баравар күпдір. Бунда су-гориши учун қилинадиган мәннат механизациялашади, суғориши, айниқса тунги суғориши осонлашади ва унияг сифатты яхшиланади.

Суғоришиң түғри ташкил қилиш пахтадан мүл ҳосил олишда муҳим аҳамияттағы әгадір. Илгор хүжаликлар тажрибаларында қараганда, суғориши маҳалида оз миқдор-да оқиб келаётган сувни бир неча канал ёки участкаларға бўлиб юборилади, чунки бунда оқиб келаётган сувнинг кўп қисми суғориши шохобчаларининг ўзида бекорга сингиб (шимилиб) кетади. Бунга йўл қўймаслик учун суғоришиң маълум бир участкада ёки айрим да-лачилик бригадаларида ташкил этиб сув одимини дои-мий қилиш керак, бригада ичида эса сувдан фойдаланиш оборотини жорий этиши (яъни сувни навбати билай бе-риш) яхши натижада беради. Сувдан апа шу тартибда фойдаланишда ҳар қайси йирик участкага катта оқимда сув келади, бу эса суғориладиги участканинг бутун узунаси бўйлаб ҳамма ўқариқларга бир йўла сув тараға имконини беради. Шунингдек, бунда ер навбатдаги культивацияга бир пайтда етилади, суғориши шохобчаларидан фойдаланиш коэффициенти ошади ва сутка давомида суғориладиган майдон гектар ҳисобида ортади.

Ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғориши. Оқар сув билан суғоришидан ташқари, ғұзаны ёмғирлатиб суғориши усулидан ҳам фойдаланиш мүмкін. Ёмғирлатиб суғоришида сув машина ёрдамида ҳавога отилиб чиқиб, у ерда майда томчиларга парчаланади ва ўсимлик ҳамда ерга ёмғир томчиси каби тушади.

Ёмғирлатиб суғориши чучук ва кам минераллашган, ер ости сувлари юза (1—2 м гача) жойлашган, айниқса сув кўтариш қобилияти яхши бўлган тупроқларда ижобий натижада беради. Бундай шароитда, ғұза ёмғирлатиб суғорилганда, оқар сув билан суғорилгандагига қараганда сув оз нормада (ҳар галги суғоришида гектарига 300—500 м³) берилади. Бунда тупроқ 30—50 см гача намланади.

Ғұзаны ёмғирлатиб суғоришида ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда ҳадг яхши натижаларга эри-шилади, лекин бунда тупроқнинг намициш қалинлигини ошириш, сув томчилари ёғдириш интенсивлигини камайтириш ва сув нормасини оширишга (гектарига 700—1000 м³ гача) түғри келди.

Бундан ташқарн, ёмғирлатиб суғориши тошлок; қум-ли ва қумоқ тупроқли ерлар учун ҳам истиқболли ҳисобланади. Чунки бундай ерларда сувнинг ғұза илдиз системаси жойлашган қаватдан пастга тушиб исроф бўлиши кузатилмайди.

Ёмғирлатиб суғоришининг яна бир фойдали томони тундаки, бунда суғориши процессини механизациялашти-риш мүмкін, майда Суғориши шохобчалари ойшага эҳти-еж қолмайди, ер текислашга нисбатан қўйиладиган талаблар камаяди. Емғирлатиб суғорилганда даланинг микро-икклими яхшиланади, тупроқнинг зичлашиш процесси суст боради, аэроб бактерияларнинг фаолияти кучаяди ва тупроқнинг ортиқча намиқишининг олди олинади. Бундан ташқари, ёмғирлатиб суғоришида мәннат унумдорлигп ҳихоятда юқори ва сув сарфи кам бўлади.

Ёмғирлатиб суғориши агрегатлари иккита асосий системага бўлинади: 1) яқинга ирғитувчи (паст босимли) агрегатлар — бунга стационар ҳолатда ишлаб, навбати билан кейинги ишлаш позициясига қўчириледиган ва юриб ишлайдиган агрегатлар (қўприкли

ёки кон-солли) киради; 2) узоққа ирғитувчи (юқори босимли) агрегатлар — бунга бир жойда туриб ёки юриб шнлатиладиган агрегатлар киради.

Хозирги пайтда ғұзани суғориш учун рельефи нисба-тап текис бўлган далаларда ДДА-ЮОМ маркали (секундига 100 л сув сарфлайдиган модернизация қнлингган икки консолли) ёмғирлатиш агрегатидан фойдаланилади. Бу агрегат сувни яқинга иргитадиган, ўрнатма, ўзи юрар қурилма бўлиб суғориш каналлари бўйлаб юргизиб ишлатилади. Иш энлами (каналнинг икки томони бўйича) 120 м, майдонни қамраб олиш кенглиги 0,21 га (120X17—18). Сув сочувчи насадкалари 54 та. Бир соат давомидаги иш унуми гектарига 300 м³ ҳисоби-дан суғорилганда соатига 1,2 га, мавсумий суғориш нормаси 120-140 га.

Пахта далаларидаги яиги кенг энламли «Фрегат» мар-кали ёмғирлатиш машинаси синовдан ўтмокда. У ёмғирлатиш аппаратлари билан жихозланган ва ғилдиракли тележкага ўрнатилган трубопроводлардан иборатdir. Машинага сув ер остига қурилган ёпиқ типдаги қўзғалмай гидрантлардан ёки скважипалардан берилади. Иш пайтида магаина айлана бўйича ҳаракатланади. Бу ма-шинапи бедапояларда ҳам муваффақиятли ишлатнш мумкин. Пахта майдонларидаги мазкур машинани ишлатишнинг қулайсиз томони шундаки, машина катта майдонларда ғўза каторларидан қўндалангига юриб ишлашга мосланмаган.

Пахта майдонларидаги ғўзани суғориш учун кенг энламли «Волжанка» типидаги ёмғирлатиш машинасидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бу агрегатнинг узунлиги 800 м бўлиб, иккита секция (иккита қанот)дан иборат, уларда ҳар 12,6 м да ўртача масофага ёмғир ёғдирувчи ёмғирлатиш аппаратлари жойлашган. Ёмғирлатиш аппаратлари 64 та. Ёмғирлатиш интенсивлиги унчалик юкори эмас — минутига 0,25—0,30 м.м. Бу агрегат сувни ёпиқ типда қурилган гидрантлардан олади. Машина бир позициядап иккинчи позицияга махсус тележка ёрдамида қўчирилади «Волжанка» типидаги ёмғирлатиш машиналарини группа усулида (ҳар бир группада 10—15 тадан машина) ишлатиш энг самарали ҳисобланади. Бу типдаги битта ёмғирлатиш агрегати мавсум давомидаги ер ости сувлари чукур жойлашган майдонларда 60—70 га ва ер ости сувлари саёз жойлашган участкаларда эса 100—120 га майдонни суғориши мумкин.

Суғорищдаги янги усуллардан бири тупроқ остидан суғоришидир. Хозирги вактда у янги асосда ишлаб чиқилмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, бунда пластмассадан тайёрланган намиқтирувчи қувурлар чуқур (траншея) ковланмасдан жойлаширилади. Тешикли қувурлар ерга 40—45 см чуқурликка кўмилади ва устки қисми тақсимлагич қувурларга, остики қисми эса ташлама чуқурларга ёки очик траншеяларга уланади. Қувурларнинг диаметри 15—30 мм, улар орасидаги масофа 90—150 см келади.

Тупроқ; орасидан суғорищда сув озиқ моддалар билан биргаликда тўғридан-тўғри ўсимлик илдизларига бо-ради, ер бети эса зичлашмайди ва юмшоқлигича сақланади, далани ўт босиши камаяди (бегона ўт уруглари сув билан далага келмайди), ўтқ қилишга цишинаидиган харажат камаяди ва суғориш учун кетадиган сув сарфи ҳам тежалади. Пахта ҳосиш оқар сув билан Суғорищда-гига қарагандага анча ошади.

Тупроқ остидан суғорищ усулини шўрланишга мойил бўлмаган ерларда ва нам капиллярлар орқали яхши қў-тарплайдиган майдонларда қўлланиш мумкин. Тожикистанда (Пролетар райони) ва Ўзбекистонда (Мирзачўл шароитида) 1968—1972 йилларда

олиб борилган синов ишлари тупров; остидан суғориш усули келажақда янада такомиллаштирилганды ва унинг тузилиши учун қилинадиган ҳаражат қисқартирилганды, ғўзани суғоришда энг фойдали ва самарали усуллардан бири эканлигидан далолат беради.

Талаба қўйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Ғўзани ташқи кўринишига қараб суғориш муддати қандай аниқланади?
2. Тупроқ иқлим шароитига қараб ғўзани суғориш схемалари?
3. Суғориш усулларини айтиб беринг

11 Мавзу: Ғўзани ўғитлаш ва чеканка қилиш.

Режа:

1. Ғўзага бериладиган минерал, мураккаб, органик ва қўқат ўғитлар
2. Ғўзани ўғитлаш муддатлари ва меъёрлари
3. Ғўзани чеканка қилиш муддатлари ва усуллари

Эгат олиш ва ўғит солиш техникаси—

Эгатларга тараалган сувнинг бир меъерда оқиб тупроқнинг белгиланган қатламга—яхоб ларзаларни яхши намлаши ва унинг узоқ сакланиши тупроқнинг механикавий таркибиغا ва ерни ишлашга боғлиқ.

Бошқа агротехникавий чоралар билан бирга ғўзалар ўз вақтида суғориб турилса, ўсимлик нормал ўсиб, тупроқ намидан унумли фойдаланади, кеч чанқайдиган бўлади ва мўл ҳосил тўплайди.

Ғўза ёш (3—5 чинбарг чиқарган) даврида эгатлар саёз олинади. Масалан, ернинг нишаби кўзга ташланмайдиган ва ғўза қатор ораси 60 см дан қилинган участкаларда дастлабки суғориш эгатлари 10—12 см, шоналаш ва гулга кира бошлаган даврда 12—13, кейинчалик 14—15 см, бундан кейинги даврларда эса 16—18 см, сувни ёмон ўтказадиган оғир тупроқли ерларда 20 см чуқурликда олинади. Чигит кенг қаторлаб — 90 см дан қилиб экилган далаларда эгатларнинг чуқурлиги дастлабки суғоришда 15—17 см, бундан кейинги даврларда эса 20—25 см гача бўлиши тавсия этилади. Лекин механикавий таркиби енгил, яъни сувни яхши ўтказадиган майдонларда эгатлар бирмунча саёзроқ олинади. Чунки эгатлар бундан чуқур олинса, сув марзаларга сингиб чиқа олмайди, унинг . кўп қисми бекорга исроф бўлади. Натижада ғўза тез чанқайдиган бўлиб колади, умуман ғўза сувга қонмайди. Шунинг учун сувни яхши ўтказадиган қумли ва кум аралаш шағалли ерларда эгатлар калтароқ олинади ҳамда 1—2 кун ичида кетма-кет 2 мартагача суғорилади.

Нишаби ўртача ва каттароқ бўлган ерларда кенг қаторлаб экилган ғўзаларни қондириб суғориш учун, қатор оралари бирмунча чуқурроқ культивация қилинади, эгатлар эса саёзроқ олинади. Чунки эгатлар чуқур олинса, марзага сув сингиб чиқолмай ғўза сувга қонмай қолади ва ҳосилга бирмунча зарар этиши мумкин.

Демак, суғориш эгатларининг чуқурлиги сув режими-да муҳим шартлардан ҳисобланади. Буни Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг Пахтачилик кафедраси ходимларининг Оққўрғон ва Чиноз районларидаги бир қанча хўжаликларда (кенг қаторлаб

ўстирилган ғўзаларда) ўтказилган кўп йиллик текшириш натижасида олинган маълумотлардан ҳам аниқ кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан суғориш эгатлари саёз олинганда тупроқда етарли миқдорда нам бўлганлиги ва яхши сақланганлиги учун ғўзалар яхши ривожланиб юқори ҳосил берганлиги кўриниб турибди. Шундай қилиб, эгатлар 13—15 см чуқурликда олинган ҳамма хўжаликларда пахтадан юқори ҳосил олинган.

Ғўзалар ёш даврида эгатлар саёз олиниши билан бирга улар бирмунча торроқ олинади, чунки шундай қилин-маса ёш майсалар устига тупроқ тушиб кўмилиб қолиши ва зарарланиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун эгат олгич (очар)нинг катта қаноти олиб қўйилади. Кейинчалик ғўзалар ростмана ўсиб эгатлар чуқур олинадиган пайтларда катта қанотлар яна жойига қўйилади. Ғўзалар дастлабки пайтларда кўпинча эгат оралатиб суғорилади, бунда эгатлар трактор гилдираги юрган қатордан олингани маъкул. Шунда сув яхши сингади ва бу культи-вациянинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Ўсув даврида суғориш эгатлари олиш билан бир йўла, одатда ўғит ҳам солинади. Лекин ер ости сувлари юза жойлашган майдонларда, шунингдек, ғўза ҳали унчалик чанқамаган — ёш даврида эгат олмасдан ҳам «қуруқ» ўғитлаш мумкин. Бунда ўғитлар 16—18 см чуқурликка тушиш юборилади. Биринчи озиқлантирпашда — ғўзалар 3—5 чинбарг чиқаргандан, ўғитлар ўсимлик тупидан 15—17 см, иккинчи озиқлантиришда, яъни ғўзалар шонага кира бошлаган даврда 20—22 см узоқликда эгат тубидан 4—5 см, гулга кира бошлаган паптда эса қаторларнинг ўртасига эгат тубидан 4—5 см чуқурликка кўмилади.

Ғўза кенг қаторлаб ўстирилган пайкалларда ўғитлар эгат чуқурлигига нисбатан 3—4 см чуқурроқ солинади. Бунда асосий фарқ шундаки, ғўзаларни охирги гуллаш даврида ўғитлашда ўғитлар ўсимлик тупидан 25—30 см қочириб оларни беришади. Кўклам серёгин келиб, тупроқ кўпроқ ўтириб қолганда-шунингдек, оғир тупроқли ерларда биринчи ва ҳаттоқи иккинчи озиқлантиришда ўғитлагичнинг сошник (этикчаси) лари тупроқда ботиб киролмай ўғит саёз тушиб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун культиватор- ўғитлагич сошниклари олдига культиватор грядилига унинг йўлини юмшатиб берадиган наральниклар ўрнатилса ўғит белгиланган чуқурликка тушади. Ўғитлаш вақтида унинг белгиланган чуқурликка бир меъёрда тушишини мунтазам равишда кузатиб туриш, бунинг учун эса ўғитлагичлар тўғри созлашга ва сошникларнинг нормал ишлаши керак. Шундагина ғўзалар ўгнитлардан самаралл фойдаланади.

Озиқлантириш учун бериладигап минерал ўғитлар ёки уларнинг органик ўғитлар билан аралашмаси, одатда эгат олиш билан бир вақтда берилади. Дастлабки 2 марта ўғитлашда культиваторга 4 та сошник: 2 таси асосий қаторларга (биринчиси ўнг, иккинчиси чап қатор бўйлаб), қолган 2 таси туташ ён қаторларга ўғит соладиган қилиб ўрнатилади. Бунда культиватор-ўғитлагичга бегона ўтларни йўқотиши учун ҳам иш органлари ўрнатилса, агрегат бир йўла 3 та—эгат олиш, ўғит солиш ва бегона ўтларни йўқотиши вазифасини бажаради. Культиваторга ҳаммаси бўлиб 5 та очар: бунинг 3 таси асосий қаторлардан, қолган 2 таси эса ён қаторлардан ўтадиган қилиб ўрнатилади. Агрегатнинг окушниклари ён эгатлардан 2 мартадан ўтгани учун ўғит нормаси 2 марта кам тушадиган қилиб созла-нади, шунда асосий қаторларга тушаётган ўғит нормаси билан тенглашади.

Ғўзанинг ўсув даврида бериладиган ўғит нормаси мўлжалланган жойга тўлиқ етиши керак, чунки у ортиб ёки етмай қолса ўғитлагичнинг нотўғри созланганлигидан далолат беради ва бу ғўзанинг ўсиш ҳамда ривожланингани издан чиқишига сабаб бўлади.

Ўғитлагич аппаратларини аниқ нормада ўғит тушадиган қилиб созлаш учун созлаш банкасининг пастки чети билан тарелканинг ўғит ўтадиган тирқиши катта ёки кичик қилинади. Сургич тарелка айланаси бўйлаб сурилгандағина ўғит ҳар бир трубопроводдан бир хил нормада равон тушади. Ўғитлагич ғўзани озиқлантириш олдидан белгиланган норма асосида ўғит тушадиган қилиб созланади. Бунинг учун тракторга осилган культиватор-ўғитлагич иш ҳолатига келтирилиб, унинг ҳаракатлантирувчи ўнг ёки чап четки ғилдираги осон айланадиган қилиб тагликка кўтариб қўйилади. Ҳамма ўғитлагич аппаратларнинг ўғит ўтказадиган тирқиши бир хил кенгликда қилинади ва ўғитлагич банкасига майдаланган (ирикли-ти кўпи билан 5 мм) ўғит солинади. Аппаратга ўрнатил-ган трубопровод (воронка) олиб қўйилиб ўрнига бир хил катталикдаги халтачалар осиб қўйилади.

Тайёргарлик ишлари тугаллангандан кейин трактор-нинг етакчи гилдираги двигатель ёрдамида ҳаракатга кел-тирилиб 10 марта айлантирилади ва белгиланган нормада уруг тушадиган қилиб созланади. Олинган маълумот аниқ бўлиши учун бу йш 3 марта тақорланади.

Одатда ўғитлагич аппаратидан ўғит тушиш нормаси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q = \frac{(q_1 + q_2 + q_3 + q_4) \times 10}{\pi D_n B},$$

бунда:

Q — ўғитлагичдан ўғит тушиш нормаси ga/kg ;— ҳар бир аппаратдан тушган ўғит оғирлиги, г;

D — трактор етакчи гилдирагининг диаметри, m ; n — етакчи гилдиракнинг айланиш сони; B — агрегатнинг ишлапг кенглиги, m ; я — 3,14 (ўзгармас сон).

Аппаратнинг ўғитлаш нормаси 10% дан ортиқ фарқ қиласа, ўғитлагич тўғри созланган бўлади, агарда фарқи бундан кўпайиб ёки камайиб кетса, ўғитлаш аппаратларини қайтадан созлаш керак. Ўғитлагич аниқ нормада ўғит тушадиган қилиб созлангандан сўнг уларнинг хомут-лари болътлар билан маҳкамланади, трубопровод (воронка) аппаратга уланади ва ўғит бункерларга солиниб, далада ишлашга шай қилиб қўйилади.

Дала шароитида ўғит бериш нормасини созлашда баъзан ўғитлагич тирқишлирипи тахминан баб-баравар баландликда очиб қўйиб, маълум килограмм ўғитни ҳамма бункерларга баравар солиб тракторпи картанинг бошидан охиригача 2—3 марта юргазиб, қанча ўғит сарфланиши аниқланади. Сўнг эгат узунлиги ва ўғитлагичнинг иш энлами бир-бирига кўпайтирилса, неча квадрат метр майдон ўғитланганлиги келиб чиқади. Гектарига неча килограммдан ўғит кетишини билиш учун бир гектар майдоннинг (квадрат метр ҳисобида) ўғит берилган майдон (квадрат мотр)га бўлинади. Чиқсан рақам сарфланган ўғит миқдорига кўпайтирилса, бир гектарга неча кило-грамм ўғит кетганлиги маълум бўлади. Агарда ўғит ортиқча кетган бўлса, аппаратларнинг тирқиши

бир оз кичрайтирилади, борди-ю ўғит кам тушаётган бўлса, унда тирқиши бир оз кенгайтирилади ва ўғитлагични қайта ишлатиб кўриб, ўғитлаш нормаси ҳисоблаб чиқилади. Бунда норма тўғри бўлса, хомутлар аппаратларга маҳкамланиб ишга киришилади.

Ўғитлагични шу тартибда созлаш жуда ҳам аниқ бўлмайди, чунки бунда ўғит баъзан кўпроқ, баъзан камроқ тушиши мумкин. Шунинг учун культиватор-ўғитлагични белгнланган нормада ўғит тушадиган қилиб созлашда юқоридаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган пахтанинг ярми минерал ўғитлар ҳисобига олинмоқда. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш учун агротехникавий тадбирларга тўлиқ амал қилиниши керак. Республикаимиз бўйича 1 кг азот ҳисобига 10—11 кг пахта етиштирилмоқда, илғор хўжаликларда эса бу кўрсаткич 16—20 кг ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Кузги шудгорлаш вақтида ва ғўзаларни ўсув даврида озиқлантиришда минерал ўғитлар маҳаллий ўғитлар билан аралаштирилиб берилса, уларнинг самарадорлиги янада юқори бўлади.

Шўр ерларда ўғитлардан фойдаланишда аввало, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, яъни зовурлар тоза ва талабга жавоб берадиган даражада чуқур бўлиши, ерлар паст-баланд бўлмаслиги, шўр ювиш энг қулай агротехникавий муддатларда сифатли ўтказилиши керак.

Тупроқ унумдорлиги камайиб кетган, унинг механикавий таркиби оғир ёки сув ўтказувчанилиги кучли бўлган пайкалларга кўплаб органик ўғитлар солиш айниқса яхши самара беради.

Минерал ўғитлар. Азотли ўғитлар. Аммиакли селитра (NH_4NO_3) — оқ майда кристалл, тезда муштлашиб қолади, донадор (гранулланган) ҳолдагиси деярли муштлашиб колмайди, таркибида 33—34% соф ҳолдаги азот бор, намни ўзига тез тортади, қуруя жойда сақланмаса, зах тортиб муштлашиб қотиб қолади, сувда тез эрийди.

Натрийли селитра (NaNO_3) — оқ; тусдаги кукун, майда ва йирик кристалл ҳолда бўлади, таркибида 16% азот бор, сувда тез эрийди. Ўзига намни тортиши ўртача, майда кристалл ҳолдагисининг муштлашиб қолиши ўртача, йирик кристалли хили деярли муштлашмайди.

К а л ь ц и й с е л и т р а [$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$] — оқ тусдаги кристаллсимон кукун, таркибида 17% азот бор. Сувда тез эрийди, намни ўзига ўртача тортади, тез муштлашиб қолади.

С у л ь ф а т а м м о н и й [$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$] — оқ ёки кул ранг тусдаги майда кристаллсимон кукун, таркибида 20—21% азот бор. Ўзига намни жуда секин тортади салга муштлашиб қолмайди, сувда тез эрийди.

Мочевина (карбомид) [$\text{CO}(\text{NH}_2)_2$] — оқ; кристалл - шаклидаги бирикма. Ҳозирда донадор ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўғит қаттиқ ҳолдаги азотли ўғитлар ичида энг юқори -концентрацияли бўлиб, таркибида 46% азот бор. Ҳаво намлиги ўртача бўлганда намни ўзига ўртача тортади, сувда яхши эрийди.

Кальций цианамид (CaCN_2) — тўқ кул ранг, баъзан қора тусдаги чангсимон кукун ҳолда бўлиб, заҳарли, буни ғўза баргини тўкиш (дефолиация қилиш) учун ҳам ишлатилади. **Таркибида 20—21%** азот бор, агарда уни нотўғри сақланса, **таркибидаги** азот йўқолади. Сувда парчаланади. Шунинг учун ҳам у одатда темир ёки фанер

бочкаларда сақланади. Заһарли бўлгани учун буни ўғит сифатида ерга фақат экиш олдидан солиш мумкин.

Сувсиз аммиак (NH_3) — рангсиз суюклик бў-либ, таркибда 82,5% азот бор. Сувда тез эрийди. Пах-такор зоналарда сувсиз аммиакни сувли аммиакка айлаптириб ишлатиш тавсия қилинади, чунки у арzonга тушади, сақлаш қулай.

Фосфорли ўғитлар. Суперфосфат $\text{Ca}[\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2]$ — оқ ёки кул ранг тусдаги модда, таркибида: I сортида 19,5 %, II сортида 19,0 ва III сортида эса 14,0% срф ҳолдаги фосфор бор. Сувда секин эрийди. Намни ўзига осонгина тортиб олиб муштлашиб қолади. Донадор суперфосфат яхши сочиувчанлик хусусиятига эга, кукунсимон суперфосфатга нисбатан самарадорлиги юкори ва яхши сақланади.

Преципитат ($\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) — оқ кукун бўлиб, таркибида 38—40% фосфор бор. Ўзига нам тортмайди ва муштлашиб қолмайди, сувда умуман секин эрийди.

Иккиламчи суперфосфат СальНъРОль-льНгО— кул ранг кукун ҳолидаги модда, таркибида 40—50% фосфор бор. Сувда секин зрийди, ўзига нам тортмайди ва муштлашиб қолмайди.

Калий ўғитлари. Калий хлорид (KCl)— кўринишидан майда кристаллсимон оқ тузга ўхшайди, таркибида қисман натрий хлор ҳам аралашган. Унда 52—57% калий бор. Сувда эрийди, ўзига намни кам тортади, тез муштлашиб қолади. «

К а л и й т у з и — буни калий хлориддан фарқи .шуки, у оқ майда кристаллигидан ташқари, йирик, турли- ранга, кўнчилиги пушти ранга бўлади. Таркибида 25% чамасида натрий хлор (NaCl) аралашган, бунда 40% калий бор. Сувда эрувчан, намни ўзига кам тортади, муштлашиб қолади.

Калий сульфат (K_2SO_4)—майда кристаллсимоя кукун бўлиб, кул ранг тусда бўлади. Таркибида 45— 50% калий бор. Сувда яхши эрийди, ўзига нам тортмайди, муштлашмайди.

Мураккаб ўғитлар таркибида 2—3 хил озиқ моддалар бўлган ўғитлардан ташкил топади. Буларга микроўғит ларни ҳам кўшиш мумкин. Мураккаб ўғитлардан фойдаланиш ўғитларнинг самарадорлигини янада оширишга, бажариладиган иш ҳажмини анча камайтиришга имкон беради. Бу хилдаги ўғитлар таркибида кўп миқдорда бир неча хил озиқ моддалар бўлганлиги учун уларни ташиб келтиришда транспорт воситаси кам талаб қилинади, сақлаш учун унчалик кўп жой талаб қилинмайди.

А м м о ф о с (NH_3HNO_3) — оқимтир тусдаги, кристалл ҳолдаги тузга ўхшаш модда, таркибида 10—12% азот ва 50% гача фосфор бор. Сувда яхши эрийди, ўзига нам тортмайди, муштлашмайди ёки салгина муштла-шиши мумкин.

Диаммофос $[(\text{NH}_3\text{HNO}_3)_2 \text{CaHPO}_4]$ — оқимтир кристалл ҳолдаги тузсимон модда бўлиб, таркибида 20—22% азот ва 52% фосфор бор. Сувда яхши эрийди, намни ўзига кам тортади, кам муштлашади.

Аммонийла ш т ирилган суперфосфат

$[\text{Ca}(\text{NH}_4)_2 \text{HPO}_4 \text{CaHPO}_4]$ —Қоратовдан қазиб олинадиган хом ашёдан тайёрланади, ранги саргиш, донадор ҳолда ишлаб чиқарилади. Таркибида 14,5% фосфат ва 15% азот бор. Сувда ўртacha эрийди, ўзига намни кам сингдиради, кам муштлашади..

Нитрофос — оқ тусдаги кукунсимон модда, сувда эрувчанлиги суперфосфатга нисбатан ўртacha, таркибида 24% азот ва 14% фосфор бор.

Маҳаллий ўғитлар ичида гүнг асосий ўринни эгаллади. Маълумки, гүнг таркибида ғўза учун энг зарур ҳисобланган азот, фосфор ва калий ўғитлари, шунингдек, ўсимликлар кам миқдорда талаб қиласидан микро-элементлардан: бор (B), марганец (Mn), Кобальт (Co), Мис (Cu), Рух (Zn), Молибдеп (Mo) каби моддалар ҳам бўлади. Булардан ташқари гүнгда кальций, магний, олтингугурт кислота ва бошқа фойдали моддалар ҳам бор.

Гүнг экинларга озиқ бўлишидан ташқари, ундаги органик моддалар тупроқ структурасини яхшилаб, унумдорлигини оширади. Гүнг солинган ерларда тупроқнинг ғоваклиги ошади, сув ўтказувчанлиги яхшиланади, намни узоқ сақлаб туради. Таркибида органик моддалари кам, оғир тупроқли ерларда унинг ҳажмини оширишда, сув ва ҳаво режими ҳамда микробиологик процессларни яхшилашда гүнгнинг роли айниқса катта. Механикавий таркиби енгил тупроқларда эса унинг қовушқоқлик хусу-сиятини яхшилади. Гүнг ерга солинган минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун минерал ўғитларни органик ўғитлар билан аралаштириб солиш тавсия қилинади. Айниқса, у тупроқда секин эрийдиган фосфорли ўғитларнинг эрувчанлиги кучайтириб уни ўсимлик осон ўзлаштирадиган ҳолга келтиради.

Гүнгнинг сифати молга едириладиган озиқ, ҳайвонлар турига ва уни сақлаш усулига боғлиқ. Бунда тўшама ҳам катта роль ўйнайди, чунки унинг таркибида айниқса азот кўп бўлади.

Тўшама сифатида нишхўртлар, яроқсиз бўлиб қолган сомон, майдалangan ёш қамиш, шоли похоли, торф, ғўза-пўчоқ кабилардан фойдаланиш мумкин.

Қорамол ва отлари учун бир суткада 3—6 кг, қўй, эчкилар учун 0,5—1,0 кг, чўчқалар учун (болалари билан) 6—8 кг тўшама керак бўлади. Ф. А. Скрябин маълумотига кўра, бир бош етук қорамолдан бир йилда 4,5 т, бир бош бузоадан 2,5 т, отдан 4,0 т, қўйдан 0,4 т, чўчқадан —0,6 т атрофида гүнг чиқиши мумкин.

Молхона ва отхоналарда тўплланган гүнглар маҳсус чуқурларга тўғланиб шу ерда чиритилади ёки дала четлари ёки ўрталарига уюмлаб усти тупроқ билан кўмилади. Гүнгдаги азотнинг камайиб кетишини олдини олиш ва фосфорли ўғитни ўсимлик яхши ўзлаштириши учун уни далага чиқариш олдидан ҳар тоннасиага 20—40 кг супорфосфат аралаштириш яхши самара беради.

Гүнгни далада чуқурларда сақлашда ер 0,8—1,2 м чуқурликда қазилади, эни 3,0—3,5 м кенгликда олинади ва баландлиги 2 м бўлгунча гүнг ташлаб яхшилаб шиббаланади. Уюмларда саклашда эни 3,0—4,0 м, баландлиги 1,5—2,0 м қилинади. Ҳар иккала усуlda ҳам уюмла-нинг узунлиги сақланадиган гүнг миқдорига боғлиқ;. Шу хилдаги гүнгхоналарда 60—75 т чамасида гүнг саклаш мумкин. Гүнг яхши сакланиши ва чириши учун унинг усти яхшилаб - шиббаланади, кейин устига 10—15 см қалинликда тупроқ тортилади.

Гүнг ерларни кузги шудгорлаш олдидан маҳсус гүнг сочадиган машиналарда сочилади. Бунда ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 8—10 т дан солиш тавсия қилинади.

Парранда ахлати, ипак қурти чикиндиси ва гумбаклари энг кучли ўғитлардан ҳисоблангани учун уларни ғўзанинг ўсув даврида минерал ўғитлар билан аралаштирилиб бериш тавсия қилинади. Нажосни ерга солишдан олдин уни компостлаш керак. Бунинг учун ерга солишдан 2—3 ой илгари пайкал ёнига (уни захрок ерда тайёрланса яхши бўлади) эни 2—2,5 м ва 0,7 м чуқурликда чуқур (траншея) қазилади.

Нажос чуқурга агдарилғандан кейин усти 5—10 см калинликда тупроқ билан күмилади ва ишлатишга 3—4 ҳафта қолғанда яхшилаб аралаштирилиб, шудгорлаш олдидан гетарига 10—12 м дан солинади.

Күкат ўғитлар. Бир ерда сурункасига бир неча йилгача ғұза ўстиравериш натижасида тупроқдаги чиринди моддалар камайиб кетиб, унинг физикавий хусусиятлари ёмонлашади ва бу пахта ҳосилининг камайишига сабаб бўлади. Масалан, бедапоядан чиккан ерларда 4—5-йилдан бошлаб пахта ҳосили кескин камая боради. Бундай ҳолларда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида органик ва минерал ўғитлар нормасини ошириш билаи бир қаторда күкат ўғитлардаи фойдаланиш энг яхши самара беради. Күкат ўғитлар тупроқни чириндига бойитади, унинг физикавий хусусиятларини яхшилайди. Сурункасига ғұза ўстирилган далаларда (монокультурда) ҳам күкат ўғитлардан фойдаланилганда ҳосилдорлик гектар бошига 7,3 ү ошган.

Күкат ўғит сифатда кўк нўхат, нўхат, бурчок; мош, қизил себарга, шабдар (эрон бедаси) каби дуккакли экинлар, шунингдек, кузги жавдар, рапс, горчиқа кабилар экиласи.

Бу экинлар кузда ва эрта кўкламда озиқлантирилса кўп микдорда кўк масса тўплайди. Айниқса, дуккакли бўлмаган экинлар етарли микдорда озиқлантирилиши шарт. Күкат ўғит учун экилган экинлар апрелнииг бош-ларида ҳайдаб тупроқда аралаштирилиб юборилади ва ер бир оз тингандан сўнг чигит экиласи. Күкат ўғит учун экилган экинларни кўкламда молларга едириб кейин ангизини ҳайдаш мумкин, шундай қилинганда ҳам тупроқда тўпланган органик моддалар ғўзанинг ўсишига, ривожланишига ва ҳосилига ижобий тасир этади.

Бактериал ўғитлар

Бактериялар икки хил бўлиб: тупрақда эркин яшайдиганларини *азотабактер* (азотабактерин) ва дуккакли экинлар илдизида яшайдиганларини эса *тугунак бактериялар* (нитрагин) дейилади.

Азотбактерин шўрланмаган ўтлоқ, ўтлоқ-батқоқ, шунингдек, бўз тупроқли ерларда гўнг солингандан кейин берилса пахтадан 1—3 ү қўшимча ҳосил олиш мумкин. Нитрагин қўлланиш дуккакли экинлар ҳосилига 10—15% ва бундан ҳам кўпроқ оширади.

Айниқса уурларни шу ўғит билан ишлаётганда ва экиш вақтида унга қуёш нури тушмаслиги шарт, акс ҳолда нафи бўлмайди. Бактериал ўғитлар тайёр ҳолда бутилкаларга солиниб хўжаликларга юборилади. Буни ишлатишдан 1—2 соат олдин битта бутилкадагиси -3 л сувда суюлтирилади ва уруғлар 5—10 см қалинликда ёйилиб устига гулчелакда сепилади, кейин қориштирилади, бир оз шамоллатилғандан сўнг уруғни экишга киришилади.

Агарда хўжаликда нитрагин бўлмаса, бузилган беда-поя тупрогидан 300—500 кг олиб уни РУМ ўғитлагич билан бир гектар ерга экиш олдидан сепиш йўли билан пайкалга тугунак бактериялар юқтириш мумкин. Бу тад-бир зарурат бўлган тақдирдагина қўлланилади.

Угитлаш нормаси

Одатда ғўзанинг ўғитлаш нормаси бир қанча факторларга боғлиқ, булар орасида тупроқ типи ва унинг қай даражада маданийлашганлиги, қўлланиладиган агротехника даражаси, иқлим шароит ва бошқалар энг муҳимлари ҳисобланади. Ўғитлаш нормасини белгилашда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ғүзани ўғитлаш нормаси олинадиган ҳосилга қараб ҳам белгиланади. Масалан, 1 *m* пахта етиштириш учун 30—80 *kg* азот, 10—20 *kg* фосфор ва 40—70 *kg* калий сарф бўлади.

Ерга солинган ўғитларнинг ҳаммасини ўсимликлар ўзлаштира оладими, деган савол тугилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, ўсимликлар ерга солинган азотнинг одатда 50% ини, ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинганда эса 70% ини ўзлаштира олар экан. Қолган азотнинг бир қисми нитрат ҳолида ер бетига кўтарилиб ҳавога чиқиб кетса, бир қисми тупроқнинг пастки қатламига ювилиб тушади ёки оқава сув билан пайкалдан чиқиб кетади. Шундай қилиб келгуси йили ундан келадиган фойда жуда кам бўлади.

Фосфорли ўғитларни ўсимликлар биринчи йили 15—20% ини, кейинги йили эса атиги 12—14% ини ўзлаштиради, холос.

Маълумки, Ўрта Осиё тупроғи калийга анча бой хисобланади, шунга кўра гектаридан 25 *u* дан ортиқ ҳосил етиштириладиган майдонларгагина калий солиш тавсия этилади. Кейинги йилларда ўтказилган тажрибалар ғўзадан юқори ҳосил етиштириш учун азотга нисбатан калийни ярим нормада солиш яхши самара беришини кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги пахтакор зоналарнинг тупроги асосап уч типга: бўз тупроқ, ўтлок тупроқ ва ўтлок-ботқоқ тупроққа бўлинади. Маданийлашган тупроқ текшириб кўрилганда уларнинг таркибида азот, фосфор ва калий миқдори турлича: жумладан, бўз тупроқда фосфор, ўтлок-ботқоқ; тупроқда зса азот кўплиги маълум бўлди.

Тупроқда табиий ҳолдаги фосфор ва калий ўғитларини ўсимликлар учун етарли ёки етарли эмаслиги, хар бир область учун зонал агрохимия лабораториялари томонидан 4—5 йилда бир марта аниқланиб, у тупроқ кар-тограммасида акс эттирилади.

Эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларда тупРОҚНИНГ табиий унумдорлиги ҳисобига гектаридан 15 *u* ҳосил олиш мумкин. Айтайлик, гектаридан 35 *u* дан ҳосил олиш планлаштирилган, шунча ҳосил олиш учун, яъни гектаридан 20 *u* қўшимча ҳосил олиш учун қанчадан азот ва фосфор бериш керак? Юкорида айтилганидек, 1 *m* пахта етиштириш учун 50 *kg* азот, 17 *kg* фосфор зарур, буни 2 *m* (20 *u*) га кўпайтириб, ўғитнинг фойдаланиш коэффициентига (азотники 0,5, фосфорники 0,17) бўлинса, етиштириладиган ҳосил учун талаб қилинадиган ўғит миқдори келиб чиқади. Шуни ҳам айтиш керакки, фосфор ўғитини олдинги йилдагисидан таҳминан 25% и фойдаланилган деб, буни чегириб ташлаш лозим. Демак, гектаридан 35 *u* ҳосил олиш учун 200 *kg* азот (50Х20:0,5 қ 200) ва 150 *kg* фосфор (17Х2,0:0,17 қ 200, бундан — 200 дан ўтган йили фойдаланган 10% фосфор чегириб ташланади) талаб қиласди.

Калийдан эса азот нормасига нисбатан 50% миқдорида солиниши тавсия қилинади.

Гектаридан 45—50 *u* ҳосил етиштираётган илғор хўжаликлар ва бригадаларда гектарига 300—350 *kg* азот ва шунга яраша фосфор ва . калий берилмоқда. Бундай хўжаликларда ўғитларнинг самарадорлигини оширишда илғор тажриба ва комплекс механизацияга катта ахамият берилмоқда.

Ўғитлаш муддатларига қараб уларнинг тақсимланиши

Ғўза ўзининг бутун ўсув даврида барча турдаги ўғитларга талабчан бўлади. Бироқ, ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик ўғит турини ўзлаштиришига қараб турли миқдорда талаб қиласди. Ғўза ёш пайтида, яъни шонага кирган давригача фосфорли ва

азотли ўғитларга талабчан бўлади. Чунки бу даврда ўғитлар етарли бўлса, ўсимликнинг илдиз системаси яхши тарақкий этади, ғўза бақувват ўсиб, дастлабки ҳосил шохлар поянииг пастки бўгимларидан чиқади. Бу эса ғўзаларнинг эрта шоналашига олиб келади. Кейинги шоналашдан гуллашгача бўлган даврда ғўзалар фосфорли ўғитга нисбатан азотли ўғитни кўпроқ талаб қиласди. Чунки бу даврда ўсимлик мевалашга нисбатан поянииг бўйига ўсишига ва қўплаб шох-шабба чиқаришга зўр беради. Олимларимизнинг кузатишларига қараганда, бу даврда ғўзалар азотни фосфорга нисбатан 10—13% ортиқ ўзлаштирап экан. Гуллаш-мевалаш даврида ғўзалар азотга нисбатан фосфорни 5—10% кўпроқ талаб қиласди. Сабаби, бу давр ўсимлик учун ҳосил тўплаш ва қўсакларнинг тўлиқ етилиш даври ҳисобланади. Шунингдек, ғўзалар пишиб етилган даврда ҳосилнинг эрта етилиши қўсакларнинг бўлиқ, чигити тўқ, толаси пишиқ ва нормал етилиши учун ҳам фосфорли ўғитларни кўпроқ талаб қиласди.

ЙКалий ўғитининг йиллик нормаси одатда азотнига нисбатан 50% миқдорида бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг ярмини шудгорлаш олдидан бериш тавсия қилинади. Ер ости сувлари чуқур жойлашган типик ёки оч тусли кузги шудгорлаш олдидан солиш яхши самара беради. Бунда азотли ўғитлардан кальций цианамид, аммоний сульфат ва таркибида азот ҳамда фосфор бўлган аммофос бериш тавсия этилади. Аммиакли селитра эса экиш вақтида ва ғўзанинг ўсув даврида берилса, унинг самарадорлиги куздаги берилганига нисбатан юқори бўлади. Тупроқнинг механикавий таркиби енгил бўлган жойларда кузги шудгорлаш вақтида азотли ўғит бериш тавсия этилмайди.

Шўр ерларда ўғитлар тупроқ шўри яхшилаб ювилгандан сўнг берилиши керак. Баъзи объектив сабабларга кўра, ўғит кузги шудгорлаш олдидан етарли даражада ёки бутунлай берилмай колган бўлса, бундай ҳолларда қўкламда экиш олдидан етарли миқдорда бериш керак. [Агар азотли ўғитининг йиллик нормаси гектарига 200 кг бўлса, бунинг 20—25% ини, 250 кг ва бундан ортиқроқ бўлса, 40—50% ини экиш олдидан бериш

Чигит экишга қадар ерга етарли миқдорда фосфор ўғити берилган бўлса, бундай ҳолда гектарига 20 кг азот бериш лозим. Агар экишгача етарли миқдорда фосфор берилмаган бўлса, бунда хар иккала ўғит аралаштириб солингани маъқул. Бунда фосфор гектарига 20—30 кг ҳисобида берилади.

Фосфорли ўғит чигит экишга қадар ва экиш билан бир вақтда етарли миқдорда берилган бўлса, унинг қолган қисми ғўзани охирги озуқалаштиришда, илгари етарли, миқдорда берилмаган бўлса, уни икки марта — ўсув даврининг бошида ва охирги ўғитлашда берилади.

Азотли ўғит нормасидан гектарига 120 кг дан қолган бўлса, буни иккига бўлиб: ғўза шоналай ва гуллаш бошлаганда, бундан ортиқ бўлса, уч марта: биринчи ғўза яганадан чикиб 3—5 та чинбарг чиқаргандан, иккинчиси ғўза ёппасига шоналаганда ва учинчиси гуллаганда берилади.

Ўрта Осиё шароитида ғўзаларни озидлантириш асосан 5—10 июлгача тугалланиши лозим. Озиклантириш бундан кечикиб кетса, ғўзанинг шох-шаббаси кўпайиб, пахтанинг очилиши кечикади, ҳатто ҳосилнинг камайиб кетиши ҳам мумкин.

Ғўзаларни эрта етилтириш ва ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун озиқлантириш 1 июлгача тугалланмоқда. Ғўзаларни ўсув даврида озиқлантиришда

минерал ўғитларга чириган гүнг аралаштириб бериш, «шарбат» оқизиш — паҳтадан мўл ҳосил етиштиришда муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бу ғўзаларни тупроқдаги озиқ моддалардан фойдаланиш қобилиятини яхшилашга олиб келади, айниқса тупроқдаги намни узоқ саклашга имкон беради. Бу иш асосан июль ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошланиб август ойи ўрталарида тугалланиши керак. Лекин ўсишдан орқада қолган участкаларда ғўзалар қўшимча парвариш қилиниши, яъни қўшимча ра-вишда органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилиши айниқса муҳимdir. Бунда ҳам азот ва фосфор билан қўшимча озиқлантириш 20—25 июлгача тугалланиши керак.

Ўғитлаш усуллари ва техникаси. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш қўп жиҳатдан ўғитлаш усулларига ва техникасига боғлиқ. Бунда ўғит соладиган механизмлардан фойдаланиш, ўғитларни қандай чуқурликка тушиши каби тадбирлар айниқса муҳимdir.

Ғўзалар ўсув даврида асосан суғориш олдидан ва қисман культивация қилиш билан бир йўла озиқлантирилади.

Бунда ғўзанинг ён илдизларини ортиқча шикастлаб кўймасликка алоҳида эътибор берилиши керак, шунинг учун ҳам ғўза ёш даврида ёнбошдан озиқлантирилади. Биринчи озиққантиришда, яъни ғўзалар 3—5 та чинбарг чиқарганда ўғитлагич сошниклари ўсимлиқдан 15—16 см, иккинчисида — ғўза шоналай бошлаган даврда 20—22 см қочириб ўрнатилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўғит 15—18 см чуқурликка тушиши керак.

Кўкламда ер бир оз ўтириб қолган бўлса, культиватор грядли олдига наральник ўрнатиб ишлатилса, ўғит нормал чуқурликка тушадиган бўлади. Чунки бунда наральник сошникнинг ишлаш йўлини анча пастроққача юмшатиб беради.

Ғўза ёппасига шоналаб гулга кира бошлаган даврда ўғитлар эгатнинг ўртасига, эгат тубидан 4—5 см чуқурликда берилиши керак.

Агар ўсимлик 3 марта ўғитланадиган бўлса, дастлабки 2 марта ўғитлаш тор қаторлаб ўстирилган ғўзаникidan фарқ қилмайди, лекин 3-озиқлантиришда ўғит ғўза тупларидан 30 см олисроққа берилса, бу қа-торларнинг ўртасига солингангага нисбатан яхши натижа беради.

Ер ости сувлари юза жойлашган ўтлок-боткоқ ва ўтло тупроқли ерларда ғўзани биринчи, ҳатто иккинчи марта озиқлантиришдан сўнг кетма-кет суғорилмайди, Бундай холларда экин культивация қилиш билан бир йўла «куруқ» озиқлантирилади. Ер ости сувлари чукур жойлашган бўз тупроқли ерларда ғўза озиклантирилгандан сўнг ўз вақтида суғорилиши керак

Ғўзани чеканка қилиш.

Ғўза бошқа иссиқсевар экинларга нисбатан узоқ муддат ўсади, бунга ўсимлик тупидаги меваларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, озиқ моддалар, сув ва бошқа омиллар билан таъминланиш даражаси бир хилда эмаслиги сабаб бўлади. Ғўзаларнинг барқ уриб ўсиши ва жуда кўплаб мевалаши асосан июль ойининг иккинчи ярмидан то августнинг биринчи ярмигача бўлган муддатга тўғри келади.

Одатда, ғўза юкори агротехника асосида парвариш қилинганда ҳам ўртача толали ғўза тупларида пайдо бўлган меваларнинг ярмидан кўпи, ингичка толали ғўза навларида эса 35—40% и-тўкилиб кетади.

Чеканка ғўзаларнинг ривожланишига ва гектарлардаги туп сонига қараб турли муддатларда ўтказилади, бунда ўсимликнинг асосий поя ва ўсув шохи учлари чимтиб ташланади. Шундай қилинганда ғўза бўйига ортиқча ўсиб кетмайди, озиқ моддалар ва сув ҳосил шохларига баровар тақсимланади.

Тажрибалардан маълум бўлишича, ғўзалар июлнинг охири — августнинг бошларида чеканка қилинганда орадан 14 кун ўтгач, ўсимлик тупининг дастлабки 3 ярусидаги меваларда умумий азот миқдори 1230 мг , чеканка қилинмаган ғўзаларда эса бундан 191 мг кам бўлган. Бошқа бир мисол, чеканка қилинган ғўза меваларининг 1 г қуруқ моддасида углеводлар миқдори $46,2 \text{ мг}$, чеканка қилинмаган ғўзаларда эса $41,6 \text{ мг}$ ни ташкил этган. Шунинг учун ҳам чеканка қилинганда ҳосил органларининг тўкилиши камаяди, кўсакларнинг вазни ошади, ҳосил эрта етилади ва пахта ҳосили юқори бўлади.

Битта кўсақдан чикадиган чигитли пахта вазни ўрта-. ча толали совет ғўза навларида $0,2$ — $0,4 \text{ г}$ ошганлиги, кўсақлар 3—8 кун ва бундан ҳам эртароқ етилганлиги, совуқ тушгупча териб олинган пахта ҳосили 10% гача ортганлиги, шу билан бирга пахта сифати анча яхшиланганлиги кўп йиллик тажрибалар натижасида аниқ-анганд. Чеканка қилинмаган пайкаллар нинг гектаридан $32,2$, шу жумладан, совуқ тушгунча териб олинган пахта миқдори $26,6 \text{ ү}$ (81,3%), чеканка қилинган пайкалларда эса шунга мувофиқ равишда $37,1$, $31,8 \text{ ү}$ (85,7%) бўлган ёки гектаридан $5,2 \text{ ү}$ дан ортиқ ҳосил олинган.

Чеканка қилиш муддати ғўзанинг ҳолатига, кўчат қалинлигига, экилган нав хусусиятларига, иқлим шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқидир. Пахтакор районларда тупроқ-иқлим шароит турлича бўлишидан қатъи назар чеканкани июль ойининг ўрталарида бошлаб 5—10 августгача тугаллаш тавсия қилинади

- ✓ хар гектар ерда 120 минг атрофида кўчат бўлиб, ғўза барвакт ривожланган майдонларда ўсимлик 14—15 та ҳосил шохи чиқарганда;
- ✓ ғўза барвакт авж олган ва кўчат қалинлиги 100—120 минг тупдан бўлган майдонларда, ўсимлик 15—16 та ҳосил шох чиқарганда;
- ✓ кўчат сийрак, яъни гектарида 80—90 минг туп бўлиб, ғўзаси яхши ривожланган майдонларда 16—17 ҳосил шох пайдо бўлганда;
- ✓ гектарида 180—200 минг ва ундан ҳам кўпроқ кўчат бўлган участкаларда, шунингдек, тупроғи камунум, ғўза унча ривожланмаган ва кўчат қалинлиги 140—160 минг тупдан ошмайдиган пайкалларда ғўзалар 11—12 та ҳосил шох чиқарганда чеканка қилиниши керак.
- ✓ Шохланиши «ноль» типга мансуб ингичка толали ғўзаларини чеканка қилишда ўсимликнинг ривожи ва кўчат қалинлиги куйидагича бўлиши лозим: ғўза яхши ривожланиб, хар гектар ерда 140—150 минг туп атрофида кўчат бўлган майдонларда 20—22-бўғимда мева пайдо бўлганда;
- ✓ ғўзанинг ривожи юқоридагига нисбатан бир оз орқада, кўчат сони гектарига 160—180 минг туп атрофида бўлганда 17—19-'бўғимда мева пайдо бўлганда;
- ✓ ғўзаларнинг бўйи бирмунча паст бўлиб, гектарида 200 минг тупдан кўпроқ кўчат бўлган пайкалларда 15—16-бўғимда мева пайдо бўлганда чеканка қилиш керак.

✓ Фўзаси ўсишдан орқада қолган далаларда чеканка қилиш ҳосилнинг ошишига фойдали таъсир к.нлмайди, шунинг учун бундай пайкаллардаги ғўзаларни чеканка қилиш тавсия этилмайди.

Чеканка қилишда асосий поянинг уни — ўсиш нуктаси билан бир вактда барча ён, яъни ўсув шохларининг уни ҳам чимтиб ташланади. Одатда, ғўза навига қараб 1—3 та ўсув шохи чиқаради. Чеканка вақтида ён ўсув -шохлар учини чимтишда чала колдирмаслик керак, акс ҳолда унинг нафи кам бўлади, Учи чимтиб ташланмаган ўсув шохи кўпинча бакувват ривожланади, натижада ҳосилнинг етилиши кечикади, терим машиналарининг иш унуми пасаяди ва чаноклардаги пахталарни чала териб, унинг сифатини пасайтириб юборади.

Ғўза кўчатлари қалин қолдирилган майдонларда одатда, ён ўсув шохлар яхши ривожланмайди ёки мутлақо бўлмайди, бундай ҳолларда факат асосий поя уни чимтиб кетилади, холос.

Қўлда чеканка қилишда асосий поянинг уни тўла шакллана бошлаган 1—2 та барги ($1-1,5 \text{ см}$) билан чимтиб ташланади . Ноль типда шохланадиган ингичка толали ғўза навларида асосий поя учини чимтиб ташлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу хилдаги ғўза навларида асосий поя уни $1-1,5 \text{ см}$ узунликда чимтиб ташланса, ҳосилнинг бир кисми , яъни 2—3 та кўсак бой берилади. Шунииг уни чеканкада факат асосий поянинг ўсиш нуктасинигина, ён шохла ридан эса энг юқоридаги мева пайдо бўлган ораликкача : бўлган шохларни чилпиб олиш лозим. Чекаика асосан бир марта ўтказилади.

Чеканка қилишда ЧВХ-4, ЧВХ-3,6, ЧХТ-5,4 каби мосламалардан фойдаланилади. ЧВХ-4 мосламаси 60 см ли, ЧВХ-3,6 ва ЧХТ-4Б лар эса 90 см ли қатор ораларидаги ғўзаларни чеканка қилишда ишлатилади (49 ва 50- расмлар).

Шуни ҳам айтиш керакки, мосламапинг пичоқлари асосий поя учини $3-5 \text{ см}$ узунликда қирқиб кетадиган қилиб трактор олдига ўрнатилади. Мослама бир йўла маълум баландликдаги ғўзани бир текис чеканка қила-ди, юқорида айтилганидек, бунда ҳам ўсишдан орқада қолган ғўзалар қолдирилади ва орадан 7—8 кун ўтгач такрорий ўтказилади. Лекин энди пичоқлари олдингига нисбатан $3-5 \text{ см}$ баланддан кирқадиган қилиб урнатилади.

Машинада чеканка қилинганда мослама асосий поя учини қўлда чимтиганга нипибатан кўпроқ киркади. Шунга кўра машиналарда чеканка қилинадиган пайкаллардаги ғўзаларнинг ҳосил шохи қўлда қилинадиган участ-калардагига нисбатан 2—3 та кўп бўлгани маъқл. Би-нобарин, чеканка машинаси аппаратининг пичоқлари шундай ўрнатилиши керакки, улар 2—3 тадан ортиқ бўғимии қирқмасин.

Иш жараёнида ЧВХ-4 агрегатидаги пичоқлар ўртаси-даги масофа 597 мм дан кам бўлмаслиги, тракторнинг юриш тезлнги эса. соатига $4-5 \text{ км}$ дан ошмаслиги лозим.

12 Мавзу. Ғўза зааркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари.

Дарс режаси:

1. Ғўза зааркунандалари
2. Сўрувчи ва кемирувчи зааркунандалар.
3. Ўсимликнинг ер устки ва остки қисмларини кемирувчи зааркунандалари.

4. Гўзани зааркундалардан сақлаш тадбирлари.
5. Ташкилий хўжалик тадбирлари
6. Биологик ҳамда кимёвий таъсирчан моддаларни ишлатиш.
7. Зааркундаларга қарши қўлланиладиган асосий препаратлар.

1.1. Ўргимчакканда Асосан баргларнинг орқа томонига жойлашиб олиб унга шикаст етказади. Баргни жуда ингичка кулранг иплар билан ўрайди. Ўргимчакканда барглардаги моддаларни оғиз аппарати билан сўриб у билан озиқланади. Заарланган баргларнинг устки томонидан оч тусли қаттиқ заарланганларида эса қўнғир ва қизғиши тусли доғлар пайдо бўлади. Кучли шикастланган барглар тўкилади ва ўсимлик яланғочланади. Ўргимчакканда қанча барвакт тушса шунча кўп шикаст етказади. Июнда тушса 50-60% августда тушса 2-6 % ҳосилни йўқотади. Танаси авал шаклда, бўйи 0,3-0,6 мм Ўргимчакканда ёзда (июнь, июл, август) 8-12 кунда, май ойида 15-20 кунда, март, апрель ойларида эса 25-30 кунда ривожланади. Йил давомида 12-20 авлод беради,, шундан 8-12 авлодини июнь, август ойларида беради. Урғочиси ўрта толали ғўза навларида 100-160 тагача тухум қўяди ва 30-40 кун яшайди. Ингичка толали ғўза навларида 40-50 та тухум қўяди ва 10-15 кун яшайди.

Ўсимлик битлари. Ғўзага ўсимлик битларининг бир нечта турлари заар етказади. Булар орасида беда ёки акация бити, ғўза ёки полиз ва катта ғўза бити хавфлидир. Битлар ҳароратга қараб 3-20 кун ривожланади. Мавсум давомида 20-26 та беда бити эса 15-20 тагача авлод беради.

Урғочилари ёзда 18 кун яшайди ва 150 тагача личинка беради. Личинкалар ривожланиб 4 марта туллайди ва 5 ёшли кечиради. Бироқ туғувчи урғочисининг танаси ялтироқ қора бўлиб бўйи 1,3-2,2 мм га боради. Катта ғўза битининг бўйи 2-3,5 мм гача бўлади.

Беда қандаласи

- Ғўзага беда ва дала қандаласи энг кўп заар етказади. Беда қандаласи оғиз аппарати билан ғўзанинг шона, гул ва кўсакларини санчиб сўриб заарлайди. Бўйи 6,5-9,5 мм. Танаси қорамтири ёки сарғиши яшил, эркаклари тупроқ туслидир, елкасида 2 та қора нуқта бор. Тухум фазасида қишлиайди. Мавсум давомида 3-4 авлод беради.

Дала қандаласи бўйи 3,5-4,0 мм, ранги яшил, қора тусли бўлади. Қандала барглар ва барг бандлари ичига тухум қўяди. Инкубация даври 1,5 ҳафтага чўзилади, личинкасининг ривожланиши 25-30 кун давом этади. У эрта кўкламдан кеч кузгача ғўзанинг бутун ер устки қисмларини заарлайди. Бутун умрида 3-4 авлод беради.

Иссиқхона оқсаноти. Ғўзанинг нисбатан янги зааркунданасидир. Оқсанот ғўзага 1970 йиллардан мослаша бошлади. Оқ қанотнинг ватани тропикдир. Оқсанот ғўзани майнинг охиридан июлнинг 3 декадасигача асосан 3 та авлоди заарлайди.

Тамаки трипси Унинг бўйи 0,8-0,9 мм. Трипслар ғўзанинг ёш барглари ва ўсув нуқталарини заарлайди. У 7-8 марта авлод беради.

Цикадалар Ғўзани санчиб сўриб заарлайди. Цикадаларнинг 10 ортиқ тури бўлиб энг заарлиси сарик цикадалар. Июнь ойида тухум қўяди. Тухумидан чиқкан личинкаси тупроқ ичига кириб ғўзанинг илдизи билан озиқланади. Нимфа ҳолига

етгунча уч йил ўтади. Нимфалар қишлиайди, эрта кўкламда етук ҳашоратга айланиб май ойида учеб чиқади. Бўғин бериш даври 4 йилга чўзилади

Тунламлар Fўзанинг зарар етказадиган 11та тури бор. Ўзбекистонда асосан кузги тунлам зарар етказади. Кузги тунлам униб чиқаётган fўза чигитини шикастлаб уруғ паллаларини тешади, илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсанинг ер ости қисмига ҳам зарар етказади. Гўза 5-6 та чин барг чиқаргандан кейин кузги тунлам зараплай олмайди. Кузги тунламнинг етук курти 5 см га етади, fумбаги оч қўнғир бўлиб бўйи 14-20 мм гача етади. У сўнги 2 ёшидаги қуртлик даврида тупроқнинг 5-15 см қатламида қишлиайди. Баҳордаги 10 градусда тупроқ бетига чиқиб fумбакка айланади. Апрель-май ойларида капалаклар учеб чиқади ва 20-40 кун яшайди. Капалак 500-600 кўпи билан 2000 тагача тухум қўяди (тупроқ бетига ва ўсимлик илдиз ёнига қўяди). 3-7 кундан кейин тухумидан майда тўқ кул ранг қуртлар чиқади. Қуртлар 30-40 кун яшайди беш марта пўст ташлиайди. 6 чи ёшида тупроқдаги инчасида fумбакка айланади. 3-4 авлод беради. Кузги тунламдан ташқари ундов тунлами, ёввойи тунлам, ипсимон тунлами, тамаки тунлами, қора елкали тунлам, қора сон тунлами, лентали катта тунлами, қора доғли тунлам, оч кулранг ер тунлами ҳам зарар етказиши мумкин.

Қора қўнғизлар Буларнинг 6 тури бўлиб қўнғизларнинг личинкалари ҳам қўнғизлар ҳам fўзага кўпроқ зиён етказади. Fўза илдизларини баъзан баргларини шикастлайди.

Чирилдоқлар Буларнинг заарли 3 та тури (қора дала чирилдоғи, сариқ-қўнғир бордос чирилдоғи ва икки доғли чирилдоқ) маълум Қора дала чирилдоғи кўп зарар етказади личинка стадиясида қишлиайди апрель-май ойларида туллаб имочага айланади. Етук чирилдоғлар поянинг ости қисмини, баргларни, уруғчаларни кемиради.

Хумкалла қўнғизлар. Буларнинг 14 тури учрайди. Йилига 1 марта учрайди. Фақат қўнғизи зарар келтирмайди. Улар ёш ўсимликларни кемиради ва уяларига ташийди.

Fўза тунлами Танасининг узунлиги 12-20 мм ранги охрасимон сариқдан кўкиш-сариқ, кулрангача ўзгаради. Олдинги қанотларнинг марказида 1 тадан кичикроқ юмалоқ, юқорироғида эса 1 тадан йирик буйраксимон қорамтири доғлар бор. Орқа қанотлари олдингиларидан очроқ ўртасида тўқ рангли ойнасимон доғлари бор. Баҳорда 16 градусдан юқори иссиқлиқда капалаклар учеб чиқади ва 30 кундан кўпроқ чўзилади. 4-6 кунда тухумдан қуртлар чиқади. 6 чи ёшида тупроққа тушиб fумбакка айланади. 8-10 кун ўтгач fумбакдан капалак чиқади. Капалак 400 дан 3000 тагача тухум қўяди. Мавсумида 3-4 авлод беради. Кичик ёшдаги қуртлар баргларини, ўрта ёшдаги қуртлар шона ва гулларини катта ёшдагилари эса тугунча ва қўсакларни заарлайди. Ҳар бир қурт 15-20 та ҳосил органларини заарлайди. Fўзани fўза тунламидан ташқари беда тунлами, мингдевона ёки зиғирак тунлами ҳамда шувоқ тунламлари ҳам заарлайди.

Кичик қуруқлик тунлами - карадрина. Бу баргларни, гулларни, баъзан ҳосил органларини тешиб киради. Капалак танаси бўйи 11-13 мм олдинги қанотлари қорамтири орқа қанотлари оқиш қулранг 300-600 тадан 2000 тагача тухум қўяди. Карадринадан

ташқари ғүзани гамма тунлами, йўнгичка тунлами, қашқарбеда тунлами ва отқулоқ тунламлари ҳам заарлайди.

Ғўзапоя куси - чилпигичи Капалкнинг бўйи 7 мм Кичик ёшдаги қуртлари ёш баргларни, ундан кейинги ёшдагилари бошпоя ва ўсув нуктаси яқинидаги ён новдаларини кемириб 5-8 см гача тешиб киради.

Зарарли чигирткалар Ўзбекистонда 200 дан ортиқ тури бор. Урғочисининг бўйи Осиё чигирткасиники 75 мм, эркагининг 70 мм келади. Май ойида тухумдан личинкалар чикади, ривожланиши 40-45 кунга чўзилади. Июнь ойида қанот чикаради, июлнинг ўрталарида тухум қўя бошлайди. Осиё чигирткасидан ташқари Марокаш чигирткаси, уват (Италия чигирткаси, кир (турон) чигрткаси ҳам ғўза тупини заарлайди.

Ҳар бир хўжаликга керак бўлган миқдордаги препаратлар ва биопрепаратларни миқдорини аниқлаш ва уларни олиб келиш.

-Барча турдаги аппаратура ва транспорт воситалари билан таъминлаш.

-Ҳар гектар ерга кеталиган ҳаражатларни ҳисоблаш.

-Барча турдаги ишлар учун иш ҳақи фонди ажратиш

-Шахсий ҳимоя воситалари учун ўз вақтида талабнома бериш.

-Препаратлар сақланадиган хоналарни ташкил қилиш.

Бўш ётган ер ва қўриқларни ўзлаштириш, бегона ўтларни мунтазам йўқотиб бориш, ерни кузги шудгорлаш, қишида яхоб бериш ва ўсимликларни ривожланишини тезлатадиган агрономия тадбирларини амалга ошириш.

Зараркунандаларга қарши кураш уларнинг кушандаларидан: стеторус қўнғизи, канахўр трипс, йиртқич қандала (ориус), олтинкўз, хон қизи, галлица пашибаларидан фойдаланади биопрепаратлардан 3-4 кг/га битоксибациллин, 0,7-1 кг/га дендробациллин ишлатилади.

Зараркунандаларнинг турларига қараб қуйидаги препаратлар ишлатилади. кг/га ёки г/га

№	Препаратлар	Оқ-қанот	Ўргимчак-кана	Ширалар	Трипслар	Ғўзатунлами	Каналар	Илди зкир қар тунламлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Адмирал 10% эм.к	0,5	-	-	-	-	-	-

2	Акаридецис эм.к	50,5%	2,0	1,25-1.5	1.25	1.25	1.5			
3	Апплоуд	26% н.кук	0,5							
4	Бензофосфат	30% н.кук			3.0	3.0	3.0	3.0		
5	Золон	35% эм.к			3.3	3.3	3.3	3.3		
6	Кварк	10% н.кук			2.5-3.0	2.5-3.0	2.5-30	2.5-3.0		
7	БИ-58.40%	эм.к	1,5-2,5		9.0-9.9	9.0-9.9	9.0-9.9	9.0-9.9		
8	Бульдок	2,5 %эм.к	1,0		1.5-2.5	1.5-2.5	0.8	1.5-2.5		
9	Гризли	36% эм.к			0.4	0.4				
10	Данитол	10% эм.к, 10% сус.к	2,0	0.3-0.375						
11	Фенпропатрик	20 % эм.к	1,0	0.75	1.0	1.0	2.0	1.5		
12	Данитол	30% эм.к			0.5	0.5				
13	Демитан	20% сус.к	0,7	0.5	0.35	0,35	1.0			
14	Децис	2,5 % эм.к	0,7	0.6-0.8						
15	Децис	2,5 % сус.к			0.4		0.7	0.6		
16	Каратэ	5% эм.к	0,5							0.7
17	Мальфос	50 % эм.к	0,6-							
18	Кельтан	18% эм.к	1,2				0.7	0.5		
19	Канмикс	5% эм.к		2.0-2.5	0.5	0.6-1.2				
20	Ларвин	80.к.о.сус			0.6-1.2					0.6-1.2
21	Маликс	35% эм.к								
22	Маликс	50% н.кук								
23	Митак	20% эм.к								2.0-2.5
24	Москилан	20% н.кук			2.0-2.5					1.5-2.0
25	Неорон		2-3		1.5-2.0					

	Нискоран 5% эм.к	0,15		2-3			2-3	
26	Нискоран 10% н.кук.		0.2	0.15	0.15			
27	Нурел-Д 55% эм.к		0.1				1.0-1.2	
28	Дорсон-С 53% эм.к							
29	Олтингугурт 80% с.э.кук.ваколюид s	1,5						
30	Омайт 30% н.кук.	1,5	1.5	1.0				
31	Омайт 57% э.эм.к			0.8	1.0			
32	Лансер 75% э.кук				0.8		1.5	
33	Ортус 5% сус.к						10-15	
34	Пиринекс 40,8 % эм.к		1.5					
35	Дорсон 48% эм.к						2.5-3	
36	Дурсбан 40,8% эм.к					0.7		
37	Силотон 20% эм.к	1,5	0.75-1.0	0.7		0.5-0.7		
38	Суми-Альфа 5% эм.к		1.5	0.5-0.7	0.7			
39			1.5	0.7	0.7			
		0,5-0,6	1.5	0.7				

Талаба қуидаги саволларга жавоб топинг?

1.Күсак қурти бир мавсумда нета авлод беради?

- 2.Зааркунандалар нечтага бўлинади?
- 3.Зааркунандаларга қарши қандай кураш усуллари мавжуд ?
4. Шираларга қарши қайси препаратлар ишлатилади?

13 Мавзу: ҒЎЗА КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ.

Дарс режаси:

- 1.Илдиз чириш касаллиги ва кураш чоралари.
- 2.Қора илдиз чириш касаллиги ва кураш чоралари
- 3.Вертициллёз вилти ва кураш чоралари.
4. Фузариоз вилти ва унга қарши кураш чоралари.
5. Гоммоз ва қарши курашиш чоралари.
6. Кўсак ва тола касалликлари.
 - a).Пушти чириш.
 - б).Мукароз
 - в).Альтернариоз
 - г).Ёпишқоқ бактериоз
 - д).Қора шира
 - е) Қўнғир чириш
 - ё).Кўсак гаммози

Ғўзада энг кўп тарқалган хавфли касалликлар вертициллёз ва фузариоз вилт (сўлиш), илдиз чириш, қора илдиз чириш, гаммоз ҳисобланади. Бу касалликлар ғўза организмида модда алмашинуви жараёнини бузади ва ҳосилдорликка катта зарар етказади. Бунда ташқи нокулай шароитлар ва ўсимликларнинг механик шикастланиши касаликларнинг тез тарқалиши ва ривожланишига сабаб бўлади.

Ғўза касалликлари фақатгина пахта ҳосилини камайтирибгина қолмай балки пахта толасини ва чигитнинг уруғлик сифатини ҳам пасайтиради.

Касалликлар туфайли ҳар йили етиштирилган пахтанинг 10 фоизи ва ундан ошиғи нобуд бўлади. Шунинг учун уларга қарши ўз вақтида биологик, агротехник химиявий қўраш чораларини қўллаш керак.

- 1.Илдиз чириш касаллиги ва кураш чораралари.

Ғўзада илдиз чириш касаллигини тупроқда яшайдиган замбуруғлар қўзғатади. Бу касаллик бизда ва чет элларда кўп тарқалган. Касаллик чигит унгандан бошланиб то 2-3 чинбарг бўлгўнгача давом этади.

Бу касаллик билан қаттиқ заарланган ғұза уруғи барглари сўлийди, бош поя ётиб қолиб сўнгра қурийди. Бу касаллик ҳарорат паст ва ёғингарчилик кўп бўлган йиллари кўплаб тарқалади.

Жумхуриятимизда ҳар йили шу касаллик туфайли ўртача 300 000 га ерда ғұза кўчатлари сийрак бўлиб қолади. Бу касалликнинг кўпайишига ерни экишдан олдин яхши текисламаслик, ҳалқоплар ҳосил бўлиши, ернинг захлаб кетиши, қатқалоқ бўлиши, ернинг ўз вақтида юмшатилмасликлари сабаб бўлади.

Кураш чоралари мана шу юқорида келтирилган камчиликларга йўл қўйилмаслик керак, яъни ер яхшилаб текисланиши, кондицион уруғлик билан нормал (4-5)см) чукурликка экилиши, қатқалоққа қарши тезда ҳамма кураш чоралари кўрилиши, ёмғир сувлари тўпланиб қолишига йўл қўйилмаслиги, қультивацияни ўз вақтида ва керакли кенглик ва чукурликда ўтказилиши керак.

2.Қора илдиз чириш касаллиги бу касаллик асосан ингичка толали ғұза навлари экладиган районларда тарқалган бўлиб, у пахта ҳосилини

10-15 % камайтиради, тола ва чигит сифатини бузади. Бу касалликнинг тупроқ замбуруғи ёки ниҳоллар ва катта ёшдаги ғўзалар илдизини қорайтириб ўсимликнинг сўлиб қолишига сабаб бўлади.

Кузда -август ойининг иккинчи ярмида тупроқ намлиги ошиб кетганда касалланиш факат ингичка толалиларда бўлади. Бу касаллик Сурхондарё вилоятида 13-27 %, Тожикистон жумхуриятида 47% етади.

Кураш чоралари. Касал ғўзапояларни даладан чиқариш, алмашлаб (беда) экиш , касалликка чидамли навларни экиш.

Вертицлёз вилт бу касаллик ҳам ҳамма пахта экадиган вилоятларда тарқалган. Бу касаллик 700 турдан ортиқ маданий ва ёввойи ўсимликларни ҳам заарлайди.Бу касаллик пахта ҳосилини кескин камайтириш билан бирга, тола сифатини, чигитнинг уруғлик хусусиятини, таркибидаги ёғ микдорини кескин камайтириб юборади. Вилтдан республикамиз баъзи йиллари 400-500 тоннагача пахтани йўқотган. Вилт замбуруғи ғўзани барча фазаларида шикастайверади.

Вилт касаллиги кўпинча 5-7 та чинбарг чиқаргандан бошлаб, гуллаш- мевалаш даврида кучайиб, ёз охиригача кўпайиб бораверади.

Вилтни тарқатувчи замбуруғ ўсимлиқда озиқ-овқат ва сувни ўтказадиган ёғочлик пайларида ривожланиб ўзидан танага заҳарли шира тарқатади, сув билан бирга бориб, унинг нормал ўсиб ривожланиш фаолиятини бузади. Бу замбуруғ ғўзапоя танасида (касалланган ўсимликлар қисмларида)корамтири тутунчалар сифатида сақланади ва қишлияди.

Фузариоз вилт Ингичка толали ғўзанинг касаллиги ҳисобланиб, кейинги вақтда ўрта толали ғұза навларида ҳам учрайдиган бўлиб қолди. Фарқи шундаки бу вилт ғўзанинг бутун вегетация даврида пайдо бўлади (униб чиққундан то кўсак пишгунча).

Касалликнинг ривожланиш даражаси экиладиган ғұза нави чидамлилигига, иқлим шароитига ва дехқончилик маданиятига кўп жихатдан боғлиқ.

Фузариоз вилт замбуруғнинг нормал ривожланиши учун плюс 18-27 градус ҳарорат, дала сув сиғими намлиги 40-70 %, тупроқ РН.-4 дан 7,5 гача бўлиши керак.

Курашиш чоралари:

1.Касал ғўзапоя қолдиқларини тўлик даладан чиқариш;

2.Ғўза-беда алмашлаб экиш

3.Дехқончилик маданиятини кучайтириш. Ери экишга тайёрлашдан тортиб ҳамма ишловни беришлари.

Вилт билан касалланган далада бедапоя бузилиб, ғўза ўстирилганда, ҳосилдорлик га/ц (пахтачилик институти маълумотлари).

Булардан ташқари вилт замбуруғи билан касалланган далаларга:

1.карбомиднинг 1,5% ишчи эритмаси (3-5 та чинбарг даврида 400 л сув билан сепилади.

2.Гектарига 50-75 кг пентихлор тробензолдан экиш билан бирга 15-20 см чуқурликка берилади;

3.Гектарига Альгин ёки Узген препаратларидан минерал ўғитлар билан аралаштириб шудгорлашдан олдин берилади;

4.Гектаридан 15-20 кг биопрепарат - триходерин шудгорлаш билан ёки экиш олдидан бериш тавсия қилинади.

Гоммоз-бу касаллик пахта етиширадиган ҳамма давлатларда тарқалган

Баҳор салқин ва серёғин келганда бу касаллик кўп тарқалади ва баъзи йиллари 60-70 % етиши мумкин.

Ғўза уруғбаргларининг касалланишига касалланган чигит сабаб бўлади, ёки ҳали чиримаган ўсимлик қолдиғидаги инфекция (бактерия) ўтади. Уруғбарг касалланганида унинг сиртида мойсимон туганак доғлар пайдо бўлади. Касаллик кучайиб кетганда доғлар катталashiб, барг бандига ва ундан пояга, новдага ўтади. Бундай уруғбарглар тезда кўриниб қолади. Табиатан эса уруғ барглар ғўза гулига киргунча яшайди. Уруғ баргдаги доғлар қуриб қолганда унда кул тусли парда пайдо бўлади. Бу парда касалликни вужудга келтирувчи бактериялар йиғиндисидан топган.

Чинбарглар гоммоз касаллиги билан касалланганда қўнғир тусга киради, мўрт бўлиб қолади ва тўкилиб кетади. Гоммоз пояга ўтса уни халқасимон қилиб ўраб олади, бу жойи ингичкалашади, бироз қораяди ва мўрт бўлиб қолади.

Кусак формасида ҳам тўқ кўк рангдаги думалоқроқ доғ сифатида бўлади ва кўсакдан толага, чигитга ўтади. Толани сарғимтир қўнғир тусга айлантиради.

Курашиш чоралари:

1).Чигитга экиш олдидан химиявий ишлов бериш.

2).Кузда чуқур ҳайдаш 2-ярусли плуг билан.

3).Яганалашни эрта ўтказиш ва касал ўсимликларни юлиб ташлаш.

Кўсак ва тола касалликлари

Ҳозирги вақтда кўсак ва тола касалликлари ичида кўп тарқалганлари: пушти чириш, қулранг чириш, тола товланиши Мукороз клейний бактериоз, алътернариоз, қора шира, кўсак гоммози.

Пушти чириш Замбуруғи кусакни пушти парда билан қоплайдио Кўсакнинг касалланиш муддатига қараб ё очилади, ё чала очилиши мумкин. Замбуруғ кўсакдан толага ўтиб пушти рангга киради.

Кучли касалланган тола ҳам чигит ҳам яроқсиз ҳолга киради, чигитдан кам мой чиқади.

Мукороз Ҳали очилмаган кўсак сирти, замбуруғлар (моғор) билан қопланади. (Агар кўчат сони қалин бўлса, ер зах бўлса ва х.) касалланган кўсак чаноқлари бўшашиб қолади ва у очилган сари замбуруғ толага ўтиб уни, тўқ қўнғир рангга киритади. Касал кўсак тупда омонат ушлаб турилади ва кўсак банди томонидан енгил очила бошлайди. Касал кўсакларда ўлик тола кўп бўлиб, унинг пишиқлиги ва чигит сифати кескин пасайиб кетади.

Альтернариоз замбуруғи гўзани барги, кўсак айниқса чаноқ паҳтани заарлайди .Касалланган кўсак сиртида доира шаклида тўқ кўк рангда доғ пайдо бўлади, кейинчалик у кўпайиб бориб қўнғир рангга киради.Бу замбуруғ кўп даражада ингичка толали ғўзанинг паҳтасини заарлайди.Касаллик паҳта ҳосилини камайтиради, толасини технологик ҳусусиятини ҳам чигитлик сифатини бузади.

Ёпишқоқ бактериоз билан кўсак очилганга қадар беда қандаласи томонидан шикасланади. Бундан кўсак чаноғининг ички томонидаги тўқималардан клейсимон модда ажралиб чиқади.Заарлланган тола чаноққа ёпишиб қолиб, тўқ жигарринг тусга киради. Натижада кўсак тўлиқ ривожланмайди ва ўзининг табиий шаклини йўқотади.Тола чиқиши пасайади,ўлик толалар миқдори кўпаяди.

Чигитнинг ўсиб чиқиши 25-30% га камаяди.

Бу касалликдан қутилиш учун ўргимчакканага курашиш усулларидан фойдаланади.

Қора шира толанинг шира касали билан касалланиши ҳавонинг,кузда қандай келишига боғлиқ.Ғўза ёки сабзовот бити ўсимликтининг ёш баргларида хаёт кечираётганда ўзидан чиқарган ёпишқоқ шира толага тушади.Толадаги ширага турли хил моғор замбурглари сапрофитлар ўтиради.Оқибатда тола ёпишқоқ масса билан қопланади.Курашиш йўли шира бўлишига йўл қўймаслиkdir.

Қўнғир чириш кўсак очилганда ундан паҳтанинг ҳаммаси ёки унинг айрим паллалари ўқпарланган бўлмайди.Уларни сал силкитсак чаноқлардан тўкилиб кетади.Бундай паллаларда кўплаб қора нуқталар бўлади.Бундай паллаларда тола узунлиги 5-6 мм қисқа, кўпи табиий узунлигига етмай нобуд бўлган шу сабабли бошқа сифатлари ҳам кескин камайган бўлади.

Касалланиш сабаби, ҳаво намлиги юқорилиги, кўсагининг кечикиб очилиши, кўчатнинг қалин қолдирилганлиги ва бегона ўтларни кўплигидир.

Кўсак гоммози Кузда ёғингарчилик кўп бўлган районларда ва ғўзани ёмғир усулида сугорган ерларда кўп бўлади. Бактерия кўсак чаноғи орқали ичкарига киради ва толани тез заарлайди. Бактериоз чаноқ тагидаги кичик сариқ доғча орқали ичкарига киради. Натижада чаноқда пахта чирийди. Толаси ҳам чигитили ҳам яроқсиз бўлиб қолади.

Курашиш чоралари

1. Касал ғўзапоялар даладан чиқарилиши керак.
2. Икки ярусли плугда 35-40 см. чуқурликда хайдаш зарур.
3. Чигит вақтида экилиши, кўчат қалинлиги нормал бўлиши, ўғит ва сувлар ўз вақтида берилиши, культивация даврида ғўза илдизлари заарланмаслиги, ғўза ғовлаб кетмаслиги, қалин бўлиб қолмаслиги керак.

Талаба қуидаги саволларга жавоб топинг?

- 1.Илдиз чириш касаллигига қарши кураш чоралари нималардан иборат?
- 2.Гоммозга қарши кураш чоралари ?
- 3.Вилтга қарши агротехник ва биологик кураш чоралари нималардан иборат?
4. Кўсак ва тола касалликларига қарши кураш чоралари?

14 Мавзу: Пахтани йигиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва териш. Ингичка толали пахта етиштириш.

1. Терим олдидан пахта ҳосилини аниқлаш
2. Ғўзани дефолиация ва десикация қилиш
3. Далани теримга тайёрлаш ва териш
4. Ингичка толали пахта етиштириш

Терим олдидан кутилаётган пахта ҳосилини аниқлаб чиқиш хўжаликларда йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик кўриш ишларини ташкил қилиш, йил бўйи қилинган меҳнат якунини чамалаб кўриш ва ҳар гектар ердан неча центнердан ҳосил этиширилганини билиш учун жуда муҳимдир.

Кутилаётган ҳосилга асосан пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари, шунингдек, шу маҳсулотга алоқадор бўлган *бошқа* корхоналар ўзларининг келгуси йили планларини тузишга киришганларида ҳам бунга катта аҳамият берадилар.

Терим олдидан кутилаётган ҳосилни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни билиш керак:


ҳар бир гектар ердаги ғўза туплари сони (минг туп ҳисобида);

- ҳар бир тупдаги ҳосил берадиган кўсаклар сони;
- ҳар бир кўсакдан чиқадиган чигитли пахта вазни (г ҳисобида).

Ҳосилни аниқлашда унга тўғридан-тўғри таъсир этадиган омиллар, масалан, кузнинг қандай келиши, ғўза баргини тўқтириш (дефолиация қилиш муддатини тўғри аниқлаш, бунда препаратлар самолётда ёки ерда ишлайдиган аппаратлар ёрдамида сепилишини ҳисобга олиш керак), гектарлардаги кўчат сони ҳам катта аҳамиятга эга. Кўчат қалинлигини аниқлашда пайкалининг икки бошидаги қатор ораларини ишлашда трактор буриладиган майдон — карта ичидағи ўқ ариклар, дараҳтлар атрофидаги кам ҳосилли ғўзалар, дала ичидан ўтган уват ариклар ҳисобдан чиқариб ташланиши керак.

Кутилаётган ҳосил ҳар бир дала учун алоҳида-алоҳида аниқланади. Ғўзаларнинг авжига қараб ҳар бир тупдаги кўсаклар сонини *аниқ* билишда, уларнинг ҳосил бериш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Чунки асосий майдондаги ҳосил машиналар билан териб олиниши муносабати билан ғўза баргини тўқишида дефолиантларнинг қўлланиш муддати, уларнинг кай даражада таъсир этиши, ғўзанинг биологик хусусияти, кўсак ёши албатта, эътиборга олиниши керак. Ҳисобга олинадиган кўсакларнинг энг кичиги 20—25 кунлик бўлиши лозим. Буни нормал етилган кўсакка таққослаб таҳминан айтиш мумкин. Кўсак морфологик жиҳатдан одатда 30 кунлик бўлганда -тўлиқ етилади.

Бу маълумотлар ҳар бир даладан намуналар олиш йўли билан аниқланади. Намуналар олиш сони пайкалининг катталиги боғлиқ, яъни ҳар гектар ердан биттадан намуна картанинг диагонали бўйича юриб олинади. Ҳар бир намуна катталиги бир гектардаги жами қаторлар умумий узунлигининг мингдан бир қисми ҳисобидан олинади. Бунинг учун олдин ғўза қатор ораларининг кенглигини билиш керак. Масалан, 90 см ли ғўза қатор ораларида бир гектар ердаги қаторларнинг умумий узунлиги 11111 м. Демак, намуна олишда буни мингдан бир қисми **11,1 м**, 60 см ли қатор ораларида эса қаторларнинг умумий узунлиги 16666 м, демак, намуна узунлиги **16,6 м** ҳисобидан олинади. Кўчат қалинлиги ва кўсаклар сонини билиш учун намунарадаги ҳамма ўсимлик сони ва шу намуна охиридаги 10 туп ўсимликдаги



кўсак сони дафтарга ёзиб борилади. Агар картанинг катталиги **12 га бўлса 12 та намуна олинади.**

Бир гектар ердаги ўсимлик туп сонини билиш учун картадан нечта намуна олинган бўлса, ўшанча намунадаги ўсимликлар сонини бир-бирига қўшиб, сўнг намуна сонига бўлинади, шунда битта дала бўйича битта намунадаги ўртacha ўсимлик сони, бу рақам орқасига 3 та ноль ёзилса, бир гектардаги ўртacha кўчат сони келиб чиқади. Энди бир туп ғўзада ўрта ҳисобда нечта кўсак борлиги ҳам худди юқоридаги каби ҳисоблаб чиқарилади, лекин бунда ҳар бир намунада 10 тупдан ўсимлик олинганлиги учун 10 га тақсим қилиб бир тупдаги кўсак сони ёзиб борилади. Демак, бир гектардаги ғўза тури, ва ҳар тупдаги кўсак сони маълум. Энди битта кўсақдан чиқадиган чигитли пахта вазни керак. Бунда ғўзанинг нав хусусияти, қўлланилган агротехника даражаси, тупрок унумдорлиги, иқлим-шароит кабилар эътиборга олинади. Ўртacha толали Тошкент-1 ғўза навида битта кўсақдан чиқадиган пахта кўпинча 3,0—3,5—4,0 г деб ҳисобланади.

Тушунча аниқроқ бўлсин учун мисол келтирамиз. Фараз қилайлик, бир гектар ерда 130 минг туп ўсимлик, бир туп ғўзада ўртacha 8,7 та кўсак бор, битта кўсақдан чиқадиган пахта вазни 4 г. Бизга кўчат сони маълум, энди бир туп ғўзадаги ҳосил микдорини билиш учун кўсак сонини битта кўсақдан чиқадиган чигитли пахта вазнига кўпайтирамиз — $8,7 \times 4 = 34,8$ г. Демак, бир туп ғўзада 34,8 г чигитли пахта бор экан. Гектаридан чиқадиган ҳосилни билиш учун ўсимлик сони (130 минг) ни бир тупдаги ҳосил (34,8 г) га кўпайтирасак: $130 \times 34,8 = 45,42$ ү келиб чиқади.

Пахта терими. Ҳисоб-китобларга қараганда, пахта етиширишга йил бўйи қилинган жами сарф-харажатларнинг 50—55% и пахта теримига кетади.

Одатда уруглик учун ажратилган пахталар асосан қўлда терилади.

ПАХТА СОРТЛАРИНИНГ СТАНДАРТЛАРИ ВА ЭТАЛОНЛАРИ

Давлатга топширилаётгай пахта сифати Давлат стандарти (ГОСТ) бўйича баҳоланади. Пахтани Давлат стандарти бўйича қабул қилишда унинг ташки кўриниш, етилганлик даражаси, толанинг кўнчиб укпарланиб туриши ва толанинг узилиш кучига қараб чигитли пахта тўртта сортга бўлинади.

I сорт — пахтаси кўлда сиқиб қўйиб юборилганда, укпарланиб асли шаклига қайтади, толалари яхши етилган, бақувват долька (чаноқ пахта) си кўнчиб туради. Ифлосланиш даражаси 0,5%, намлиги 8%гача. бўлиши мумкин, толасининг узилиш кучи 4,4гк (граммкуч) ва ундан ортиқ. Ранги ғўза навига ва парваришилаш шароитига қараб оқ ёки оч новвот рангли бўлади. Шудринг ва ёмғир таъсирида тола сиртида майдада сарик доғлар учраши мумкин.

II сорт — долькаси I сортнидан кичикроқ, камроқ укпарланиб туради. Толасининг узилиш кучи 3,9—4,2гк, сув етишмаслиги натижасида тезроқ очилган ёки етилган бўлса ҳам паст температурада — совуқ тушгандан кейин очилган кўсаклардан териб олинган. Ифлосланиш даражаси 1%; намлиги 10% гача боради. Ранги навига ва парваришилаш шароитига қараб оқ; ёки оч новвот рангли бўлади. Шудринг ва ёмғир натижасида тола сиртида унча катта бўлмаган сарик доғлар бўлиши мумкин.

III сорт — долькаси II сортнидан кичикроқ ва кам укпарланиб туради, асосан очилган ва чала очилган кўсаклардан териб олинади. III сорт пахтанинг толаси тўлишиб етилмаган, баъзан хом, ифлослик даражаси 1.9%, намлиги 11% гача бўлади, ранги оч

хира рангдан оч новвот рангача товланади. Тола сиртида сийрак додлар бўлади. Толасининг узилиш кучи 3,2—3,8 гк.

IV сорт — ГОСТ 667 955 га мувофик;, совуқ уриб ривожланишдан тўхтаган, етилмаган кўсак ва кўраклардан чубиб олинади. Ифлосланиш даражаси 3,6%, намли 13% гача бўлиши мумкин. IV сорт пахта таркибида кўплаб ўлик толалар бўлади. Бу хилдаги пахтанинг ранги оч новвот рангдан тўқ новвот рангача товланади, тўққўнгир додлари бўлади. Толасининг узилиш кучи 3,1 гк ва ундан ҳам камроқ.

Қабул пунктига топшириладигап пахта сифат жиҳатидан бир хил бўлиб, унга саноат ва селекцион навлар, турли репродукциялар ва ерга тўкилган пахталар аралашмаган бўлиши керак. Пахта тайёрлов пунктига қабул қилинаётганда унинг сортини қабул қилувчи (классификатор) маҳсус этalon асосида, ташки кўринишига қараб сортлар бўйича қабул қиласи. Бунда юқорида пахта сортларига доир келтирилган белгилар асос қилиб олинади.

Агарда топширувчи билан қабул қилувчи ўртасида баъзан сорт бўйича келишилмоқчилик бўлса, бундай ҳолларда маҳсус инструмент орқали толанинг узилиш кучига қараб лаборатория шароитида анализдан ўтказилади ва шу асосида қабул қилинади.

Топширилаётган пахтага ҳар хил сорт ёки репродукциялар араласиб кетган бўлса, у ҳолда тайёрлов пункти бу сортни бир поғона паст сортга қабул қиласи.

Уруғлик I сорт пахтанинг намлиги ГОСТ да кўрсатилганидан ошиб кетмаслиги керак. Нам пахта хирмонда қуритилиб, сўнг топширилиши лозим.

Машинада терилган пахтанинг сортлар бўйича қабул қилиш шартлари қўйидагича (ўртача толали совет ғўза навлари учун):

I -сорт — пахтаси қўлда сиқиб қўйиб юборилганда укпарланиб асл шаклига кайтади. Ёззанинг навига, парваришлаш шароитига қараб I сорт пахта оқ ёки новвот рангда бўлади. Толанинг узилиш кучи (**пишиқлиги**) 4,4 гк ва ундан ҳам юқори. Шудринг ёки ёмғирдан сўнгтота сиртида саргиш доғлар бўлиши мумкин.
Пахтаси якка чигит пахта бўлиб долька (чаноқ пахта)си бир оз чўзилган, толалари салгина буралган.

II-сорт пахта нисбатан камроқ укпарланади, асосан тўлиқ етилган, камсувликдан, паст температурада ва бошқа ноқулай шароитда очилган кўсаклардан териб олинади. II сорт пахтанинг ранги ғўза навига ва парваришлаш шароитига қараб оқ ёки очноввотрангли (ингичка толали навларда хирапоқ) бўлади. Шудринг ёки ёмғирдан кейин толасида сарик доғлар пайдо бўлиши мумкин. Толанинг узилиш кучи 3,9—4,3 гк. Пахтаси алоҳида-алоҳида, летучка ва долькаси чўзилган, пахтадаги толалар сунъий буралган, унда ўлик толалар учраши мумкин. Бу хилдаги толанинг сирти йилтираб жилоланиб туради.

III сорт — очилган ва чала очилган кўсаклардан териб олинади, пахтаси асосан етилмаган, ичидаги хомлари ҳам аралашган бўлади. Бу сортга мансуб пахта II сортга нисбатан ҳам камроқ укпарлапади ва қўлда сиқилганда асл шаклига кам қайтади. Ранги оқиш-хира, оч

новвот рангача бўлиб, тола сиртнда тўқ сариқ доғлар учрайди. Долькаси чўзилган, толалари буралган. Унда -алоҳида етилмаган ва чўзилмаган долькалар аралашган бўлади. Пахтаси ялтирок, силлик; чаноқдаги ҳар хил катталиктаги хом пахтани эслатади. Толасининг узилпга кучи 3,2—3,8 гк.

IV сорт — хом, тўлиқ етишаган, чала очилган ва очилмаган кўсаклардан териб олинади. Пахтаси қўлда сикилганда қўпчимайди, укпарланмайди, асл ҳолига қайтмайди. Ранги хира ок; ёки оч новвот рангдан тўқ новвот рангача товланади, тола сиртида дорамтир (ингичка толалн ғўза навларида пахтанинг ранги оч новвот рангдан сариқ новвот рангача бўлиб, толасида тўқ сариқ) доғлар бўлади. Унда ўлик толалар III сортдагига нис-батан кўп бўлиб ялтираб тобланиб долькасини деярли қоплаб туради. Бу хилдаги пахта асосан кўсак ва кўрак-лар териб олингандай кейин кўсак чувийдиган машиналардан ўtkазилиб чиқарилади. Толанинг узилиш кучи 3,1 гк ва ундан кам.

Шпинделли пахта териш машиналарида терилган пахтани тайёрлов пунктлари неchanчи теримданлигига ва сифатига қараб икки группа; яъни I, II ва III сортлар биринчи, IV сорт эса иккинчи группа бўйича қабул қиласиди. Бу хил машинада терилган ва теримдан сўнг ерга тўкилган пахта толасининг узилиш кучи 3,2 кг дан кам бўлмаслиги керак, тўкилган пахта алоҳида топширилиши шарт.

Кўрак узиш машиналаридан чиққдан пахта толаси ва далани сўнгги марта тозалашда тўкилган пахта толасининг узилиш кучи 3,1 гк ва бундан кам бўлиш мумкин.

Ерга тўкилган ва иккинчи группага мансуб пахталар далада қуритилиб тозаланади, сўнг ифлослиги ва намлиги 22% дан ошмаган ҳолда қабул қилинади.

Пахтани қўлда териш. Пахта терими бошланиши олдидан ғўза тупларида камида 2—3 тадан тўлиқ пишган кўсак бўлиши керак.

Пахта теришда биринчи навбатда тўлиқ пишган, касалланмаган, соглом кўсакларда очилган лўппак пахталар териб олинади, касалланган, тури ерга ётиб қолиб шикастланган кўсакларда очилган пахталар алоҳида терилиб, этакдаги кичик чўнтакка солиб алоҳида топширилади. Теримда пахтага ҳар хил хас-чўплар, қуриган барг, чаноқ ва бошфа ифлос нарсалар, шунингдек, хом пахта аралашиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда унинг сорти бузилади ва бу хўжаликка катта иқтисодий заарар келтириши мумкин. Бундан ташкари ифлос пахтадан тўкилган газмоллар унчалик сифатли бўлмайди.

Етиштирилган ҳосилни мавсумда кўп деганда 4 марта гача териб олиш тавсия қилинади. Юқорида айтилганидек биринчи теримга тахминан 20—25% (2—3 та) кўсак очилганда, иккинчи теримга қолган ҳосилнинг 35—40% очилганда киришилади ва у совуқ тушгунча тугалланади. Учинчи терим иккинчидан кейин тахминан (куз ҳавосини келишига қараб) 10—15 кун оралатиб совуқ тушгунча ёки совуқ тугаши биланоқ бошланади ва тезда тамомланади. Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи теримдаги пахталар I сортга топширилади. Учинчи терим кўпинча I сортга, баъзан етилмаган кўсак пахталар аралашиб қолиши ҳисобига II сортга қабул қилинади. Тўртинчи теримда кўсак ва кўрак пахтанинг чиқишига қараб у III ёки IV сортга ўтади. Баъзан куз салқин келган йилларда ғўзага химиявий препаратлар сепиб (десикация қилиниб) кўсак ва кўраклар тупида куритилади, сўнг кўсак тергичларда териб олинниб кўсак чувиш машинасида пахтаси ажратиб олинади. Гўзалар юқори агротехника асосида парвариш

қилинса ва теримга яхши тайёргарлик кўрилиб барча ишлар уюшқоқлик билан олиб борилса, етиштирилган ҳосилнинг 85—90% ини I сортга топшириш мумкин.

Уруғчилик хўжаликларида уруглик пахта териш олдидан маҳсус комиссия томондан кўриб чиқлади ва уруғликка яроқсиз деб ҳисобланган далалардаги пахта умумий теримга қўшиб юборилади. Уруғлик участкаларда ғўза тупларида 3—4 тадан бўлик кўсак етилиб очилганда теримга тушилади. Бунда дастлабки икки терим (10—15 октябргача) уруглик учун терилиб, қолгани эса техникавий пахта сифатида давлатга топширилади.

Териш нормаси тахминан қўйидагича: теримнинг дастлабки даврида 40—60 кг, кўсаклар яхши очилганда, кўпинча иккинчи теримда 60—80 кг, учинчи теримда 30—40 кг, кўсак ва кўрак теришда 80—120 кг. Ҳар бир теримчи мавсумда ўрта ҳисобда 5000—7000 кг пахта териши керак. Теримчи бир йўла 2 қатордаги пахтани теради, бунда ҳар бир қаторда 3—4 туп ғўзадаги, сўнг қарама-қарши қаторда очилган пахтани теради. Терганда аввало, икки қўллаб тупнинг тепасидан пастга тушиб, сўнг навбатдаги очилган пахтани пастдан юқорига қараб териб чиқса иш унуми анча ошади. Текширишлар шуни кўрсатдики, уста теримчилар бир минутда 70—80 тагача очилган кўсакдаги пахтани териш, бир кунда эса 250—350 кг ва бундан кўпроқ пахта териш мумкин экан.

Дефолиация ва Десикация

Ғўза парваришидаги ва йигим-теримга тайёргарлик кўришдаги агротехникавий тадбирлар ичida баргларни тўқтириш (дефолиация) ва ўсимликни қуритиш (десикация) нинг аҳамияти катта. Пахта терими олдидан, айниқса ҳосили машиналарда теришга ажратилган участкаларда, ғўзаларнинг барги химиявий препаратлар ёрдамида тўқтирилса экин қатор ораларидан шамол ўтиши яхшиланади, пайкалларда ҳавонинг нисбий намлиги камаяди.

Натижада ғўза тупларининг орасида, айниқса ўрта ярусидаги шохлардан то ер бетигача бўлган оралиқда ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, у кўсакларнинг барвақт етилишига фойдали таъсир этади. Бу даврда поянинг пастки қисмидаги қариган баргларнинг куриб секин-аста тўкилавериши ҳам кўсакларни очилишини анча тезлаштиради.

Барглари тўкилмаган ғўзалардаги пахта машинада терилганида ифлосланади, толаларига барг ширалари юқиб саргайиб қолади, терим машиналарининг иш уну-ми кескин камаяди. Мана шундай ҳолларни олдини олиш учун ғўза баргларини тўқтириш, яъни дефолиация қилиш керак. Ғўзага химиявий дорилар сепилганда барглари узоғи билан 10—12 кунда қуриб тўкилади.

Пахта 2 марта териб олингандан кейин одатда хом, яхгши етилмаган кўк кўсаклар қолади. Бу ҳол кўпинча куз салқин келиб, тупроқда нам кўп бўлганда рўй беради. Бундай пайтларда кўсак ва кўракларнинг очилишини тезлаштириш ва қолган ҳосилни киска муддатда йигиб-териб олиш максадида ғўза десикация қилинади, яъни тупларни турган жойида қуритилади. Десикация қилинганда ўсимликнинг хаёти бутунлай тўхтайди, унинг ўсуви органлари жумладан, пишиб етилмаган кўсаклар ҳам тезда қуриб қолади. Натижада кўсак чаноқлари тезда селгиб дефолиация қилинмаган ерлардагига қараганда тезроқ очилади.

Дефолиация ва диссикация қилишда ишлатиладиган дорилар

Ғүзада 3—4 тадан күсак етилганда дефолиация қилиш тавсия қилинади.

Ингичка толали совет ғұза навларида күнчилик ғүзада 5—6 та күсак очилганда дефолиация қилиш энг яхши самара беради. Бу хилдаги навлар учун кальций хлорат-хлорид, магний хлорат энг яхши дефолиант ҳисобланади.

Дефолиантларнинг самарадорлиги күп жиҳатдан ташки муҳит шароитига боғлиқдир. Юқорида күрсатилған муддатларда ўтказилғанда ғұза барги яхши түқилади, күсаклар ёппасига очилади, натижада терим машиналарининг иш унуми юқори бўлади. Лекин ҳамма далаларда ҳам бир хилда бўлавермайди; масалан, ғұзалар серхосил бўлиб етилган майдонларда ўсимлик сербарг бўлғанлигидан күсакларнинг очилиши кечроқ бошланиши мумкин. Бунга ғұзага катта нормада азотли ўғит берилиши ҳам сабаб бўлади. Бу хилдаги участкаларга ҳам илгарилари одатдаги катта нормада самолёт ёрдамида бир марта дори сепиларди, бунда дорининг бир қисми ғүзанинг юқори ярусларидаги баргларга бир меъёрда текис тушади ва яхши таъсир қиласи, лекин пастки яруслардаги баргларга эса дефолиантлар кам тушади ва барглар яхши түқилмайди. Натижада пахта кўпинча ифлос терилади, пастки яруслардаги етилган күсаклар етарли миқдорда очилмайди, шунинг оқибатида поянинг юқори фисмидаги ёш күсаклар вазни анча камайиб кетади. Бу камчиликка барҳам бериш учун кейингиз қилларда самолстлар ёрда мида сепиладиган порма иккига бўлиниб, икки марта сепиш расм бўлди. Бунда дастлабки сепишда препарат ғұза поясининг юқори ярусидаги баргларга таъсир қилиб 6—8 кун ўтгач түқилади ёки қуриб бужмаяди, шундан кейин иккинчи марта дориланади, бунда препарат пастки ярусларга етарли даражада таъсир қиласи ва барглар кўплаб түқилади. Шу мақсад учун баъзи маркали трактор пуркагичларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Пахтаси машинада териладиган уруғлик участкаларда бу тадбир айнидса қўл келмоқда. Ғұза баргини тўкиш учун икки марта дори сепиш икки ярусли (катламма-қатлам) усул деб айтилади. Бунда препарат дастлаб ўсимлик тубидан (марздан) 35—40 см баландликкача сепилади ва орадан 6—8 кун ўтгандан сўнг дори ғүзанинг юқори қисмiga пуркалади. Иккинчи дорилашда препарат нормаси биринчисига нисбати 0,6—0,7 миқдорда олинади. Дефолиация даврида ғұзалар чанқаб қолмаган бўлиши керак, акс ҳолда дефолиантларнинг таъсири камаяди, барглар чала тўқилади ва бу ҳосилнинг камайишига олиб келади. Ғұзалар чандаган бўлса, дефолиация қилишдан олдинроқ суғорилиши зарур. Шундай қилинганда дефолиантлар самарали таъсир этади, ғұза яхши ривожланади, ҳосилдорлиги ортади.

Дефолиация қилиш муддати кечиктириб юборилганда ҳам дефолиантларнинг таъсири кескин камаяди. Чунки бунда пастки ва ўрта яруслардаги барглар қариб қолади, қариган баргларга эса дефолиантлар яхши таъсир қилмайди.

Дефолиантлар нормадан камроқ сепилса, сепилгандан сўнг, айниқса, ҳаво температураси пасайиб кетган ёки ёмғир ёқсан бўлса, барглар тўқилмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ғүзани такрорий дефолиация қилишга тўғри келади. Бунда олдинги дорилашда сепилған препаратлар ишлатилмаслиги керак. Лекин биринчисида магний хлорат сепилған бўлса, у кучли препарат бўлғани учун такрорий пуркашда ҳам шунинг ўзи ишлатилиши мумкин. Аммо бунда гектарига сарфланадиган нормаси бир оз оширилади. Очилган пахтаси машинада бир ёки икки марта териб олингандан сўнг, кўрак ва

күсаклар машинада, ҳатто қўлда териладиган вақтда кўнчилиги етилмаган (кўк) бўлса, шунингдек, ҳаво температураси пасайиб кетса, бундай ҳолларда десикация қилиш тавсия килинади. Шунда кўсак ва кўрак куриб, тез очилади.

Гўзаси кеч ривожланган ёки бузиб экилган, дўл урган майдонларда кўсакларнинг кеч очилиши табиийdir, бундай далаларда десикация қилиш тавсия қилинади. Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, масалан, картанинг бир қисмидаги кўсаклар нормал етилиб, иккинчи қисмидаги кўсакларниг кўнчилиги кўм-кўк бўлади, бундай ҳолларда ҳам даланинг мана шу қисмидаги ғўзалар десикация қилинса, ҳосил ёппасига етилади ва ўз вақтида териб олинади. Бу тадбир шундай ташкил қилиниши керакки, даладаги ҳамма ҳосил 20—25 октябргача йигиб-териб олиниши лозим.

Препаратларни сепиш нормаси ва усули

Дори сепиш нормаси ғўзанинг бўйи, ҳосил шохлари сони, уларнинг қай даражада ривожланганлиги, кўчат қалинлиги, ишлаш муддатлари, кузнинг келиши, хуллас барча шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда аниқ белгиланиши керак. Бунда ҳар бир ғўза пайкали учун алоҳида-алоҳида норма белгиланади. Ўсимликка секин таъсир қилувчи кальций цианамид ва бутифос сепиш одатда август ойи охиридан бошланиб 10—15 сентябрга тугалланади

Ҳавоси куруқ, шудринг тушмайдиган, шунингдек, температура пастроқ бўладиган зоналарда кальций цианамиддан бошқа ҳамма прспаратларнинг эритмаси пуркалади.

Дефолиация қилишнинг дастлабки пайтларида кальций цианамид кейинроқ кальций хлорат-хлорид, энг сўнгги муддатларда эса кучли таъсир этувчи магний хлорат сепиш тавсия қилинади. Кейинги иккала препарат фақат дефолиант сифатида эмас, шу билан бирга десикант сифатида ҳам хизмат қиласи. Бу препаратлар ғўзанинг ҳолатига қар'аб қуйидаги нормада ишлатилади

Ингичка толали ғўза навлари учун магний хлорат — 13—15 кальций хлорат-хлорид — 28—30. Бутилкаптакс билаи магний хлорат аралашмаси (ҳар биридан 5 кг дан) — 10 кг.

Ғўзани десикация қилишда магний хлорат, кальций хлорат-хлорид қуйидаги нормада сепилади (44- жадвал). Дефолиация қилинган майдонларда баъзан 8—10 кундан кейин ҳам баргларнинг 75% дан камрори. тўкилади ва такорий дефолиация қилишга тўғри келади. - Дефолиант ва десикантлар сепишда Т-28Х-4 ва МТЗ-50Х маркали чопиқ тракторларига ўрнатилган ОВХ-14М чанглагич-пуркагич кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. ОВХ-14 ва ОВХ-14М чанглагич-пуркагич билан бир 'кунда 25—30 га ердаги ғўзани бемалол дефолиация қилиш мумкин. Бу аппаратларга аэрозоль мосламаси ўрнатилса (бу мослама билан гектарига 100—150 л эритма сепилади) иш унуми янада ошади, лекин дофолиантларнинг нормаси оширилмайди. ОВХ-14 ва ОВХ-14М аппаратлари ғўза қатор ораси 60 см ли пайкалларни ишлашда 20 та, 90 см ли пайкалларда аса 12 та қаторни қамраб олади.

Дефолиация ва десикация қилишда эҳтиёт чоралари

Ғўзани дёфолиация ва десикация қилишда ишлатиладиган препаратлар заҳарли бўлгани учун қатнашадиган шахслар сигналчилар, заправшиклар, техниклар, тракторчилар, аэроромда ишловчилар ва бошқалар медицина қўригидан ўтишлари шарт. Дорилашда қатнашадиган ҳамма кишилар Ф-46 маркали респиратор, резинка қўл-қоплар, ҳимоя кўзойнаклар, комбинезон, шунингдек, бошқа керакли буюмлар билан тўла

таъминланиши ва улардан тўғри фойдаланишлари шарт, албатта. Ҳар галги дорилашдан кейин иш кийимлари ва буюмлар маҳсус ажратилган жойларда сақланиш керак.

Химиявий препаратлар билан ишлаётган ҳар бир кишига ишдан бир соат олдин қоидага кўра, 0,5 л қайнатилган ёгли сут бепул берилади. Дорилаш пайтларида қўшни карталарда ҳар кандай иш тўхтатилади. Дори сепилган пайкалларга ёнма-ён участкаларга камида 3 кундан кейин киришга рухсат этилади. Химикатлар сепишдан олдин маҳаллий аҳоли, айниқса мактаб ва мактабгача бўлган болалар муассасалари қатъий огоҳлантирилади. Иш жойларида медицина ходимлари навбатчилик қиласидар.

Далани машина теримига тайёрлаш. Дефолиация қилиш бошланишидан бир неча кун илгари пахтаси машинада териладиган далаларнинг икки бошида 8—10 м кенгликда трактор буриладиган жой ажратилади ва ғўзалари десикация қилинади. Бурилиш майдончалари умумий пахта даласининг 8—10% ини ташкил қиласидар, бу албатта кўп. Бурилиш майдончаларида очилган пахталар машина теримига 3—4 кун қолганда териб олинниб, ғўза туплари кўсаклари билан қўлда ўриб олинади ва дала четига чиқариб йигиб қўйилади, улар тўлиқ очилгандан сўнг териб олинади.

Терим машиналарининг иш унуми юкори бўлиши ва пахта сорти бузилмаслиги, шунингдек, йирим-теримнинг тугалланиши учун энг кулагай усул куйидагичадир:

пахтани машинада асосан икки марта териб олиш. Бунда биринчи терим юкорида айтилганидек 55—60% кўсаклар очилганда, иккинчисини биринчи теримдан 10—15 кун кейин бошлаш;

тупларда колган пахта ва кўсакларни -кўрак терадиган машинада териб олиш;
ерга тўкилган пахтани подборщик ёрдамида икки марта териш;

Айрим холларда баъзи маидондаги пахтани 3 марта теришга тўғри келади. Бундай пайтларда пахта терадиган машинага бир йўла кўракларни эзиз ва ундаги пахтани чувиб оладиган ПДК мосламасини ўрнатиб ишлатилганда у колган пахтани кўрак билан аралаш йигади ва ифлослайди. Иккинчи машина теримидан кейин кўпинча ёмғир ёгади (айниқса шимолий зоналарда), под-борщикларда ёгингарчиликдан кейинги терилган пахта камида III сортга ўтади.

СКО-4 машинанинг иш унуми (назарий жихатдан) трактор II—III тезликда ишлаганда соатига 1,2—1,5 га, СКО-3,6 бўлса, трактор соатига 5—7 км тезликда ишлаганда шунча гектардаги ҳосилни йигиб-териб олади.

Тўкилган пахтани машинада териш ва тозалаш

Ғўза қатор ораларига тўкилган пахтани теришда 60 см ли қатор орасида ПХ-1,2 ва ПХ-2,4, 90 см ли қатор ораларида эса ПХП-1,8 ва ПХС-3,6 маркали 4 қатор-ли подборшпклардан фойдаланилади. Бу подборщиклар T-28X-4, T-2SX-4M ва МТЗ-50Х тракторларига тиркаб ишлатилади

Машина иш жараёнида супуриш чўткалари ёрдамида пушталарга тўкилган пахтани қатор ораларига туширади. Териш аппаратнинг секциялари қатор ораларининг паст-баландлигига мосланиб боради.

Об-ҳаво куруқ келган йилларда подборщик билан бир марта терилганда ерга тўкилган пахтанинг 60—70%, иккинчи марта терганда эса биринчисини ҳам кўшиб ҳисобланганда 90% ини терпб олади, шунда ерда терилмай қолган пахта гектар бошига 20—40 кг ни ташкил қиласидар. Подборщиклар бир иш кунида 12—16 кишип кунини

тежайди. ПХ-1,2 подборщикнинг иш унуми соатига 0,58—0,79 га, ПХП-1,8 ники эса 1,27 га гача. УПХ-1,5А ва УПХ-1,5Б кўрак чувиш машнилари пахта терниш машиналарининг пневматик подборщиклари, механик подборщиклар ёрдамида ерга тўкилган пахтани тозалаб беради. Бундан ташкари машина, кўлда терилган кўсак-кўракни чувиб тозалайди, шунингдек, пахтани коп-канорсиз ташишда уни тележкаларга ортади, куритилган пахтани, нам кўсакларни такрорий равишда тозалайди

Пахтачиликда фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини қўллаш. Пахта етиштиришни жадаллаштириш.

Режа:

1. Пахтачиликда фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини қўллаш
2. Пахта етиштиришни жадаллаштириш

Ҳозирги ривожланиш жараёнида Ер юзи аҳолисининг сони тўхтовсиз ўсиб бориши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бу талабларни тўлиқ қондириш учун бу маҳсулотларни етиштиришни мунтазам қўпайтириб бориш лозим бўлади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш асосан парвариш қилинаётган экинларнинг ҳосилдорлигини йил сайн сезиларли даражада ошириб бориш йўли билан ҳал этилиши энг тўғри ва самарали йўл эканлиги маълум. Бу ўз навбатида парвариш қилинаётган ўсимликларнинг унумдор, серҳосил навларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш билан бирга тупроқ унумдорлигини ҳам узлуксиз яхшилаб боришни талаб этади.

Аграр соҳада хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва фермерчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйишига Республика Президенти ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Бугунги кунда фермерлар нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, балки қишлоқ жойларидаги аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда қишлоқ инротузилмасини юксалтиришда асосий куч бўлиб қолмоқда. Бунинг учун фермерларга катта имкониятлар яратиб берилган.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Экин майдонларини оптимизациялаш ва озиқ-овқат экинлари етиштишни қўпайтириш тўғрисида”ти №УП – 4041 сонли Қарорида пахта экиладиган майдонларини қисқартириш ҳисобига бошоқли дон экинлар майдонини 50 минг гектарга ошириш, шу билан бирга сабзвот, мойли ва бошқа озиқ-овқат экинлари майдонини сезиларли ошириш кўрсатиб ўтилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, дехқонларимиз янада унумлироқ ишлашини тақозо этади.

2008 йил октябр ойида Республикамиз Президентининг Тошкент вилоятига қилган сафарида фермерлар билан учрашиб, муҳим тавсиялар берди ва шу билан бирга қишлоқ хўжалигида эришилган натижалар билан чегараланиб қолмасдан, бундан ҳам юқори кўрсаткич ва ютуқларга эришишга ҳаракат қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, сўнги йилларда республикамизда дон мустақиллигига эришиш мақсадида дехқончилик амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган ғўза-беда алмашлаб экилиши ўрнига ғўза-буғдой алмашлаб экилиши жорий этилди. Дехқончиликнинг бу тарзда юритилиши, шунингдек тупроқни маҳаллий ўғитлар ёрдамида чириндилар билан бойитиб туриш имкониятларининг чекланганлиги, суғориладиган асосий майдонлар тупроғи табиий

унумдорлигининг йилдан-йилга пасайиб кетишига олиб келмоқда ва бу жараённинг йил сайин кучайиб бориш эҳтимоли ҳақиқатдан йироқ эмас.

Шуларни хисобга олганда тупроқни органик чириндилар билан бойитиб туриш орқали дастлабки йилларда унинг унумдорлигини ҳеч бўлмаганда ҳозирги даражада саклаб туришга, кейинчалик эса уни узлуксиз равишида яхшилаб боришга имкон берадиган ташкилий жиҳатдан осон моддий жиҳатдан арzon, фан ва техника ютуларига асосланган агротехникавий тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга тадбиқ қилиш ҳозирги куннинг ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ўта жиддий масалаларидан бирига айланиб бораётгандиги равшан бўлади. Ушбу тавсияномада келтирилган мазкур далилларга асосланиб, узлуксиз дехқончиликка жалб этилган, қадимдан ўзлаштирилган суғориладиган ерларда тупроқ унумдорлигини қисқа муддат ичидаги кескин яхшилаш учун айрим донли ва дон-дуккакли ўсимликлардан яшил (сидерат) ўғит сифатида фойдаланишининг энг самарали йўлларини илмий-амалий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Дехқончилик амалиётида тупроқ унумдорлигини яхшилаш мақсадида яшил ўғитлардан фойдаланиш масаласи ўтган асрдаёқ кўтарилилган эди. Ўшанда бу соҳада бирқанча тадқиқотлар ўтказилиб, уларнинг натижалари матбуотларда баён этилган ва уларни амалга ошириш учун харакат қилинган эди. Уларда келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича кузда экилган айрим ўсимликлар, масалан хашаки нўхат бир қиши мавсумида бир гектар майдонда 80 тоннагача гўнгни ўрнини боса оладиган миқдорда кўк масса тўплай олар экан.

Тавсия этилаётган масалан ечиш ва амалга ошириш ғоясини олға сурошимизнинг ўзига хос тамони шундан иборатки, уни амалга ошириш жараёнида республикада асосий экинлар бўлиб хисобланган ғўза ва буғдойнинг режадаги майдонини ҳажмига, экиш муддатларига, ҳосилдорлигига, ялпи махсулот ҳажмига ва ишлаб чиқаришнинг бошқа кўрсаткичларига бирор-бир ўзгартиришлар киритиш талаб қилинмайди, чунки яшил ўғит сифатида фойдаланилиши кўзда тутилган ўсимликлар ёзги ва қиши мавсумларда далалар буғдой ва ўздан бўшаган даврларда яъни уларни парвариш қилиш табиий чекланган пайтларда такорий (ёзги) ва оралиқ (қишки) экин сифатида ўстирилади. Бу йўналишда иш юритишнинг ташкилий қулийлиги ва унинг иқтисодий самарадорлиги шубҳасизdir, чунки у асосий экинларнинг парвариш қилинишига моддий томондан ҳам, техникавий томондан ҳам ҳечқандай ҳалақит бермайди, аксинча минерал ўғитларга, гўнг тайёрлашга бўлган талаб ва харажатларни анча камайтиришга имкон беради. Бу ишни амалга ошириш айниқса республикамида жамоат чорвачилиги барҳам топган, гўнгдан фойдаланиш имконияти чекланган ҳозирги даврда катта аҳамият касб этган.

Эндилиқда асосий ер майдонлари узлуксиз дехқончиликка жалб этилиб, тупроқдан аёвсиз фойдаланилаётганлиги оқибатида жуда қисқа муддат ичидаги таркибидаги чиринди (гумус) моддалар миқдорини камайиш жараёни кескин тус олаётганлиги ва тупроқ унумдорлигини пасайиши жараёнини йилдан-йилга тезлашиш ҳавфи мавжудлигини хисобга олсан, биз ўртага кўтараётган масала ҳеч кечиктириб бўлмас эканлиги маълум бўлади. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун яшил ўғит сифатида такорий ва оралиқ экинлардан фойдаланиш жуда самарали тадбир бўлишига қарамай республикамиз дехқончилик амалиётида муносиб ўрин эгалламаганлигига асосий сабаб, ўтмишда ўт-далали алмашлаб экини кенг жорий этилганлиги, жамоа ва давлат мулкчилигига асосланган қишлоқ

хўжалик ишлаб чиқариши шароитида хўжалик раҳбарларига бирор янги агротехник тадбирни амалга оширишнинг моддий томонидан кўра ташкилий томони кўпроқ ташвиш келтирган, яъни кўпроқ қийинчилик туғдирган.

Эндиликда республикамизда йирик давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнига кўплаб фермер хўжаликлари ва хусусий агрофермерларнинг барпо этилиши қишлоқ хўжалигида мутлақо ўзгача муносабатларни вужудга келтириди. Энди хусусий мулкдорларни бирор тадбирни амалга оширишда рўй бериши мумкин бўлган қийинчиликлар ташвишлантирмайди, улар учун кўпроқ фойда олиш муҳимдир. Баён этилган фикрларимизга асосланиб, тавсия этилаётган тадбирни ҳозирги замон дехқончилигининг энг долзарб масалаларидан бири деб хисоблаймиз

Энди мазкур ишни амалий ечимига келсак бунда асосий муаммо яшил ўғит учун тақорорий ва оралиқ экинлар сифатида олинадиган ўсимликларнинг уруғларини жуда танқислигидир. Буни сабаби, ҳозирги пайтда ғўза ва буғдойдан бошқа ўсимликларнинг уруғларини етиштириш билан деярли ҳеч ким шуғулланмайди, ҳатто қизиқмайди ҳам, чунки бошқа ўсимликларни экиш учун ер майдонлари ҳам ажратилмайди. Шунинг учун ишни асосий ечими тўлиқ фермер хўжаликлари раҳбарларининг қўлидадир Улар уюшган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида барча қўшимча имкониятларини ишга солишлари лозим. Бу ишларни тепасида албатта фермер хўжаликлари уюшмаларининг раҳбарлари туришлари керак. Бу жуда мураккаб иш эмас, факат уюшма таркибидаги бир-икки фермер хўжалигида уруғ етиштириш учун кераклича майдон ажратилса кифоя.

Тошкент вилоятида 2008 йилда ғўзанинг эртапишар навлари (толаси V-тип) Наманган-77 (24,8 минг.га), (толаси V-тип) Ан-Боёвут-2 (17,9 минг.га), ўртапишар (толаси IV-тип) С-6524 (69,6 минг.га) нави экилган.

Тошкент вилоятининг тупроғи текисликларда бўз тупроқ. тоғ олдиларида (500-600 м баландликкача)- типик бўз тупроқ , тоғларнинг қуи ён бағриларида (1200 м баландликкача) тўқ бўз тупроқ , ундан баландда чимли -қўнғир, ўтлоқи дашт тупроқлар кенг тарқалган. Шунингдек, дарё терассаларининг қуи қисмида , еости сувлари ер юзасига яқин жойларда, дарё водийларида аллювиал тупроқлар ҳам учрайди. Тупроқларнинг хилмачиллиги уларнинг агрокимёвий, агрофизиковий хусусиятлари, таркибидаги гумус ва озиқа моддалар миқдорининг бир хил эмаслигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тупроқ хилига ва экин турига қараб, ўсимликтин озиқага талаби ҳар хил бўлиши кузатилади. Ҳозирги вақтда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда Тошкент вилоятининг сугориладиган ерлари асосан шўрланмайдиган ерлар (367,0 минг.га) бўлсада, аммо кам шўрлангани 8,2 минг, ўртacha шўрлангани 5,3 минг, кучли шўрлангани-2,3 минг гектарни ташкил қиласди. Кам шўрланган майдонлар бир марта ювилса, ўртacha шўрланган ерлар икки қайта, кучли даражада шўрланган ерлар эса уч марта ювилиши талаб этилади. Кучсиз ва ўртacha шўрланган ерларда шўр ювиш учун гектарига 2000 дан 5000 кубметргача мөъёрда сув сарфланади. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда каналлар тубидан сувнинг шимилишига қарши чораларни қўллаш, коллектор-зовур, сугориш шахобчаларидан самарали фойдаланиш, уларни тозалаш ва таъмирлаш лозим.

Тупроққа экиш олдидан ишлов беришнинг асосий вазифаси чигитни ернинг табиий намига ундириб, барвақт ва тўлиқ кўчат олиниши учун қулай шароит яратишдан иборат.

Пушта олиш. Вилоятнинг Бекобод тумани ва бошқа бир қатор туманларда кузда пушта олинмаган майдонларда эрта баҳорда қатор оралиғи 90 см да 30-32 см баландликда пушта олинади. Чигит пушта олиниб экилганда пуштасиз экишга нисбатан тупроқнинг ҳарорати $3-3,5^{\circ}\text{C}$ ортиб, бунда табиий намлик чигитнинг униб чиқишига етарли бўлиши

ҳисобига ўртача 7-10 кун олдин экишга имконият яратади. Айрим майдонларга кузги шудгор олдидан фосфор ва калий ўйтлари солинмаган бўлса, чизел культиваторлар ЧКУ-4А ва ЧКУ-4 ёки бошка механизмлар ёрдамида март ойидага фосфорли ўғитларни 60% (аммофос 195 кг/га ёки аммоний сульфат-фосфат 387 кг/га) хамда калийли ўғитларни 50% (калий тузи 125 кг/га, ёки калий хлор 90 кг/га) солинади, бунда тупроқ 15 см чуқурликда юмшатилиб, ўғитлар кўмилиши мақсадга мувофиқдир.

Бороналаш. Эрта баҳорги бороналашни ўз вақтида қисқа муддатда (1-2 кун ичида) ва сифатли қилиб ўтказиш керак.

Тупроқни чигит экишга тайёрлаш ишлари у ёки бу фермер хўжаликларини ўзига хос хусусиятларига қараб бевосита экиш олдидан ёки экишга 5-7 кун қолганда бажарилади. Шўрланмаган ерлар ПР-5 ва ВП-8 тексилагичлари ёрдамида бороналаниб, экиш олдидан мола бостирилади.

Чизеллаш. Агар тупроқ хаддан ташқари зичлашиб кетган бўлса, ерни бороналаш ўрнига ЧКУ-4 чизель-культиватори ёрдамида чизеллаш мумкин.

Ерни жорий текислаш. Шудгорланган ерлар тупроқ етилгандан кейин унинг намлигини сақлаб єолиш хамда заарли тузларнинг тепага кўтарилишига йўл қўймаслик мақсадида енгил юмшатилиб текисланади. Шундан кейин ЧКУ-4 чизель культиватори билан 16-18 см чуқурликда юмшатилади, кетидан бороналаниб, айни вақтда мола бостирилади. Экиш олдидан ерни тайёрлаш ишларини занжирили тракторлар ёрдамида ўтказилиши тупроқ структурасининг яхши сақланиб, ўсимликнинг мақбул ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Юқори даражада бегона ўт босган майдонларда чизел билан бирга тиркалган бороналар ёрдамида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари даладан чиқариб ташланади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда терилиб даладан олиб чиқилади ва ёқиб юборилади. Бегона ўтлар билан ўртача даражада ва кам заарланган майдонларда уларни бороналаш билан хам йўқотиш мумкин.

Экиш олди ишлари ва чигит экишни қисқа (7-10 кун) муддатда ва сифатли ўтказиш учун фермер хўжаликларини шароитини ҳисобга олиб, туманларда мажмуи ва тезкор машина тракторлари хизмат кўрсатиш гурухлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Экиш мавсумида иштирок этадиган механизаторлар ва уларнинг ёрдамчиларига маҳсус кийим, иссиқ овқат ташкил этиш иш самарадорлигини оширади.

Экиш ўғит ва гербицид билан. Чигит экиш навларнинг биологик хусусиятлари ва тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиб, илмий асосланган экиш муддатларига тўғри амал қилишга боғлиқ. Уруғлик чигит тукли бўлса, тупроқнинг 10 см ли устки қатламида ўртача турғун ҳарорат 12- 14 С° даражада, чигит туксиз бўлганда эса 15 С° даражадан юқори бўлганда экилса ижобий натижада беради. Бу эса апрел ойининг 15-20 саналарига тўғри келади. Экиш чуқурлиги ўтлоқи -ботқоқ тупроқларда 3-4 см, бошқа турдаги тупроқларда 4-5 см.

Чигит пуштага экилганда одатда пуштасиз экишга нисбатан тупроқнинг ҳарорати 3-3,5 С° юқори бўлади, бунда табиий намлик чигитнинг униб чиқишига етарли бўлиши ҳисобига ўртача 7-10 кун олдин экиш имкониятия яратилади. Шунингдек ҳосилдорлик хар гектар ҳисобига 4-6 центнерга ошади, пахтанинг 8-10 кун олдин пишишини таъминлайди. Биринчи теримда ҳосил салмоғи гектарига ортади. Чигит экиш билан бир вақтда гектарига 45-60 кг аммиакли селитра, ёки 32-43 кг мочевина (карбомид), оддий суперфосфат 162-200 кг ёки аммоний сульфат фосфат 86-107 кг/га, аммофос 43-54 кг/га экиш чизигидан 5-7 см четга, 12-15 см чуқурликка солинади.

Сараланган уруғ пахта ҳосилдорлигини ва сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга Уруғ ўзининг тозалиги бўйича давлат андозасига талабига жавоб бериши керак. Касалликларга қарши дориланган тукли чигитлар намланиб ва димланиб (1т чигит 3 марта 200 литр сув билан намланиб 9 соатдан -18 соатгача димланади) экилади.

Тұксизлантирилған чигитлар намланмасдан қуруқлигіча әкілади. Чигит әкишдан олдин далага бир йиллик бегона ўттарға қарши гектарига Стомп гербицидини 0,8-1,0 кг сепиш самарали натижада беради.

Күзде асосий ҳосил териб бўлингач, кўп йиллик бегона ўттарға қарши гектарига 40-50 кг Далапон, 4-6 л Раундап, 8-10 кг Фосулен гербицидларини қўллаш лозим. Ёзани ривожланиш даврида кўп йиллик бегона ўттарға қарши гектарига 3-4 л Фюзилад ва Зелекс гербицидларини қўллаш тавсия этилади.

Яганалаш

Нихолларда 1-2 чинбарг пайдо бўлгунга қадар яганалашни якунлаш керак. **C-6524** нави әкилган Чиноз, Янгийўл, Оққўрғон ва марказий туманларда ягоналашда кўчат қалинлиги **90** см фўза қатор оралиғида **1** м да **8-9** дона кўчат қолдирилиб, гектарига **90-100 минг** туп, қатор ораси **60** см бўлганда эса **1** м масофада **6-7** та ниҳол қолдирилиб, **100-110 минг** туп, **Наманганд-77** нави **90** см фўза қатор оралиғида әкилганда **1** м да **9** дона кўчат қолдирилиб гектарига **100-110 минг** туп, қатор ораси **60** см бўлганда эса **1** м масофада **7-8** та ниҳол қолдирилиб, **110-120 минг** туп, **Ан-Боёвут-2** навида **90** см фўза қатор оралиғида **1** м да **9** дона кўчат қолдирилиб, гектарига **100-110 минг** туп, қатор ораси **60** см бўлганда эса **1** м масофада **7-8** та ниҳол қолдирилиб, **105-115 минг** туп кўчат қалинлиги ҳосил қилинади.

Яганалашда нимжон, ҳашоратлар билан заарланган, ривожланиши суст бўлган ниҳолларни биринчи навбатда олиб ташлаш керак. Яганалашни иложи борича қисқа муддатда якунлаш лозим. Шунингдек, **8-10** кундан сўнг, ягоналаш ўтказилған далалар яна бир бор назорат қилиниб, қалин жойлари сийраклаштирилади. Шундай қилинганда ниҳоллар дуркун ва баравж ўсиб ривожланади.

Яганалашни ўз муддатидан кечикиб, сифатсиз ўтказилиши, ёки кўчат қалинлигини белгиланган миқдордан кўп қолдириш ўсимликни ғовлаб кетишига ҳосилдорликни **2,0-3,0** ц/га камайишига олиб келади.

Қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантириш

Униб чикқан ниҳолларга тезроқ ишлов бериш, ҳайдов ости қатламлари ғоваклигини ва иссиқ ҳаво киришини таъминлаш ниҳолларни тез ривожланишини, ҳашорат ва касалликларга чидамлилигини оширади.

Қатор ораларига биринчи ишлов бериш сифатли, мақбул кенгликда ва чуқурликда ўтказилиб, қатор ораси 60 см әкилган майдонларда культиваторга осиладиган ишчи органлари 28 та дан кам бўлмаслиги, 90 см схемада эса камида 32 та ни ташкил этиши керак. Тупроқ турларига қараб сугоришгача бўлган муддатда ўтказиладиган культивацияда ҳимоя кенгликлари 5-7 см гача, ишлов чуқурлиги 60 см схемада ўртадаги ишчи органида 12-14 см гача, 90 см схемада эса 16-18 см бўлиши тавсия этилади. Қатор орасига биринчи ишлов бериш муддатидан кечикса, бегона ўтлар кўпаяди, ёш ниҳоллар илдиз чириш ва гаммоз касалликлардан кўпроқ заарланади ва натижада ҳосилдорлик 20-25% га пасаяди.

Ёзани биринчи озиқлантиришда 2-4 чин барг чиқарганда соф ҳолатда азот 40-50 кг/га (физик ҳолатда аммиакли селитра 120-150 кг/га ёки мочевина 85-110 кг/га ёки сульфат аммоний 180-230 кг/га) ва ўғит ўсимликлар қаторидан 15-18 см узоқликда, 10-12 см чуқурликка берилади.

Сугориш- ўзани сугориш даври- тупроқ иклим шароитига, ёғингарчилик, об-ҳавонинг қай даражада келишига боғлиқ бўлади. Баргнинг тўқ яшил рангли тиник бўлиши сувга талаби йўқлигини кўрсатади. Чигит пуштага әкилган майдонларда ёппасига ўсимлик шоналаганда, айрим ҳолларда фўзада гуллаш бошланганда биринчи сугоришни бошлаш керак. Биринчи сувда сугориш меъёри 800-900 метр /куб бўлиши тавсия этилади.

Унумдор, оғир тупроқли майдонларда 1000-1100, ўртача унумдор тупроқли майдонларда 900-1000 м куб ҳисобида суғориш мақбул меъёр ҳисобланади.

Ғўзанинг касаллик ва зааркунданаларга қарши кураш борасида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади.

- Ҳар **50-60** га пахта майдонига соҳани тушунадиган кузатувчи-назоратчи қўйиш;
- кузги тунламни тарқалишини аниқлаш учун ҳар 5-10 га пахта майдони учун бир донадан феромон тутқич ўрнатиш ва уни кунлик назоратини олиб бориш;
- кузги тунлам ва бошқа ҳашарот капалаклари феромон тутқичларга тушиши билан бундай далаларга уларнинг тухумларига қарши гектарига бир граммдан **4-5** кун оралатиб уч марта трихограмма қўйиш;
- дала четларидаги бегона ўтлардаги ҳамда ғўза ниҳолларидаги шира, трипсга қарши олтинкўз энтомофагини гектарига **500-1000** донадан қўйиш;
- ғўзани шира трипсга қарши чидамлигини ошириш мақсадида **1,5** % карбамидли суспензия билан ишлов бериш, дала четларини, сим ёғоч атрофларини, узватларни ўргимчакканага қарши олтингугурт препарати ёки ИСО қайнатмасининг 1 градусли ишчи суюклиги билан профилактик ишлов бериш;
- кимёвий пестицидлар ва олтингугуртли препаратларнинг етарли миқдордаги захирасини тайёрлаш тавсия этилади.

Ғўзани чилпиш-бунда ўсимликнинг юқорига ўсиши жараёни тўхтаб, ён томонга яъни ҳар бир ҳосил шохнинг 3-4-5 бўғинларида 3-4-5- ҳосил элементларининг тез кунда ҳосил бўлиши ва йирик бўлишига қулай шароит яратилади. Чилпишда асосан ғўзанинг асосий пояси ва ён шохларининг ўсуви нукталарин олиб ташланади. Бу жараён июл ойининг учинчи ўн кунлигига ва август ойининг бош декадасига тўғри келади.

Чилпишни ғўза навига ва унинг ривожланишига қараб 13-15 та ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказилиди. Шунингдек, ривожланишдан орқада қолган ўсимликларда чилпиш табақалаштирилиб бажарилади. Ўсуви нукталарини чилпиш кимёвий препаратлардан ПИКС, УСТИКС ва шунга ўхшаш препаратлардан 1-1,5 кг/га миқдорда 2 марта, яъни дастлаб гуллаш даврида ва кейингисини 12-15 кун ўтгач қўллаш лозим.

Ғўза баргини тўқтириш. Барча агротехник тадбирлар тўғри ўтказилиб, ғўза парваришланса, кўсаклар очилиши вақтида ниҳолларниг барги оч яшил рангга киради. Бундай барглар пишиб етилганлиги сабабли табиий тўқилишга мойил бўлади, уларнинг сунъий тўқтириш ҳам осон кечади.

Уруғлик учун ажратилган майдонларда режада кўрсатилган уруғлик қўлда териб олингандандан сўнг, кейинчалик зарурат туғилса дефолиация ўтказиш мумкин.

Ғўзани баргини сунъий тўқтириш тадбири, кўсаклари 45-55 % очилганда ўтказилса , ҳосилдорликка ҳам, толанинг сифатига ҳам салбий таъсири бўлмайди. Ғўза баргини сунъий тўқтирувчи дефолиантлар Хлорат магний 10-12 кг/га ; Суюқ хлорат магний 7-8 л/га, Сардор 7л/га миқдорларда берилади Хорижий препаратлардан ғўза баргларига юмшоқ таъсир этувчи “ Дропп Ультра ”, “Жинстар” ва “ Финиш ” ларнинг яхши натижа бериши хақида маълумотлар ЎзПИТИ олимларини тажрибаларида аниқланган.

Пахтани териб олиш ва топшириш-терим олдидан кутилаётган пахта ҳосилини аниқлаш теримни яхши ўтказиш учун ҳамда ҳар гектар ердан етиштириладиги ҳосил

миқдори жуда мұхимдир. Пахтани териб олишдан олдин теримчилар ўртасида теримни сифатли ўтказиш түғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Шунингдек, теримни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ҳар бир фермер хұжалигыда ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилиши талаб этилади.

Бириңчи теримга тушиш арағасида ҳар бир туп ғұзада ўртача 5-8 тадан күсак яхши очилған бўлиши керак, кейинги теримни об-ҳаво ва күсакларнинг очилишига қараб орадан 10-12 кун ўтказиб ташкиллаштириш лозим;

Терилган пахта ҳосилини юқори навларга топшириш учун аввало бундай пахталар яхши пишиб тўлиқ очилған күсаклардан териб олинган, ранги тоза ва турли касалликлар билан заарланмаган бўлиши керак;

Топшириладиган пахталар маълум Давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим.

Давлат стандартининг (ЎзРСТ 615-94) техника талаблари қўйидагилар:

Ҳар бир териб олинган пахта ранги, ташқи қўриниши, пишиб етилганлик коэффициенти бўйича бешта саноат навига бўлинади: I,II,III,IV,V.

Пахта нави ифлос аралашмаларнинг миқдори ва намлигига ҳамда терим турига қараб 3 та синғга бўлинади: а) 1- қўлда терилган; б) 2-машинада терилган; в) 3-ердан териб олинган (подбор).

Топширилаётган пахтанинг кондицион (тоза, ҳисобли) вазнини аниқлаш учун ифлос аралашмалар ҳисоб меъёрининг вазний улуши -2,0 % ва намликнинг вазний нисбати -9,0 % деб олинади.

Етиштирилган ҳосилни 4 мартагача қўлда териш тавсия этилади. Бириңчи терим пахтани 20-25% (2-3 та) күсак очилганда, иккинчи теримга қолган ҳосилнинг 35-40% очилганда киришилади. Учинчи терим иккинчисидан 10-15 кун ўтгандан кейин. Тўртинчи терим күсак терими.

Уруғлик далаларида аввал уруғликка яроқлилиги аниқланади ва кейин ҳар тупида 3-4 та күсак очилганда теримга тушилади. Терим 10-15 октябргача тамомланган бўлиши керак.

Юқорида келтирилган тавсиялар асосида агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли олиб борилганда ғўздан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга замин яратилади. Шунингдек, қатор ораларига дастлабки ишловни ўз вақтида ўтказмаслик ўсимликни илдиз тизимини меъёрида ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этиб, келгусида уни нимжон, касаллик ва зааркундаларга чидамсиз бўлиб қолишига, натижада ҳосил элементларини кам тўплаши ёки тўклиб кетишига, ҳосилни кеч етилишига ҳамда сифатсиз бўлишига сабаб бўлади. Бу даврда ғўза касаллик ва зааркундаларига қарши тезкор ва самарали курашиш натижасида **50%** пахта ҳосили йўқотилишининг олди олинади.